

82(59)
4-16

ЎЗБЕК
ХАЛК
МАҚОЛАРИ


182 (54)
 Y 16 0015/56-3660
428ek radi dec-
sonnape - T
2003 - 5/28 5500.
~ 4243 - 8/15 25.06.15
- 45 09.07.15
" 3 10.09.15
- 24 10.15
- 12.15
- 10

2015/56

3660

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АЛИШЕР НАВОЙЙ НОМИДАГИ ТИЛ ВА
АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ

ЎЗБЕК ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИ



«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ — 2003

398.9(575.1) - Ҳалқ мақоллари
ў-16
ў-16

Тузувчилар:

филология фанлари доктори, профессор *Тұра МИРЗАЕВ*,
филология фанлари доктори, профессор *Асқар МУСОҚУЛОВ*,
филология фанлари доктори, профессор *Баҳодир САРИМСОКОВ*

Масъул мұхаррир:

филология фанлари номзоди *Шомирза ТУРДИМОВ*

82 (59)
Ў. 16.

2015/66	Alisher Navoiy номидаги O'zbekiston MK
3660	

Ўзбек ҳалқ мақоллари (Тузувчилар: Т. Мирзабеков, А. Мусоқулов, Б. Саримсоқов; Масъул мұхаррир: Ш. Турдимов. — Т.: «Шарқ», 2003. — 512 б.)

Сарлавхада: ЎзР ФА, Алишер Навоий номидаги тил ва адабият институти.

I. Мирзабеков Т., тузувчи.

ББК 82.3(5У)

© «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти, 2003.



СЎЗДАН СЎЗНИНГ ФАРҚИ БОР

Тил, фалсафа ва бадиий ижоднинг ўзига хос ҳодисаси сифатида юзага келган ҳалқ мақоллари фольклорнинг ихчам шакл, аммо теран мазмунга эга бўлган бир жанридир. Ҳар бири тилимиз кўркини, нутқимиз нафосатини, акл-фаросат ва тафаккуримиз мантиқини ҳайратомуз бир қудрат билан намойиш этган ва эта оладиган бундай бадиият қатралари ҳалқимизнинг кўп асрлик хаётий тажрибалари ва майший турмуш тарзининг бамисоли бир ойнасидир. Бу бадиий ойнада унинг ҳаётга, табиатга, инсон, оила ва жамиятга муносабати, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, ахлоқий-эстетик ва фалсафий қарашлари, қисқаси, йўзи ва йўзлиги тўла намоён бўлгандир. Шунинг учун ҳам мақоллар ғоятда кенг тарқалган бўлиб, асрлар давомида жонли сўзлашув ва ўзаро нутқий муносабатларда, бадиий, тарихий ва илмий асарларда, сиёсий ва публицистик адабиётда доимий равишда қўлланилиб келган ва қўлланмоқда. Йиллараро, даврлараро уларнинг янгилари яратилиб турган, эскиларининг — жонли муомалада, тилда мавжудларининг маъно доираси кенгайиб ёки торайиб борган. Ҳатто уларнинг муайян қисми унтилиб кетган. Чунки узбек ҳалқининг бундай улкан фольклор мероси фольклористик нутқати назардан кейинги асрларгача деярли тўпланмай ва ўрганилмай келган. Бундан ҳалқ мақоллари ўтмиш адаблари, шоирлари, тарихчилари эътиборидан мутлақо четда экан, деган хулоса чиқмаслигимиз керак. Мақолга адабий нутқати назардан қизиқиши, асар бадиийлигини ошириш ва бадиий тил равонлигини таъминлаш учун ундан фойдаланиш ҳамма замон сўз санъаткорларининг диққат марказида бўлган. Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Яссавий, Раббурий, Лутфий, Алишер Навоий, Бобур, Абдулғози Баҳодирхон, Мунис, Оғахий, Нодира, Мукимий, Фурқат, Аваз, Ҳамза, Садриддин Айний, Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Ойбек,Faфур Ғулом ва бошқа ўнлаб ижодкорларнинг асарлари синчиклаб ўрганилса, уларнинг таркибида қанчадан-қанча мақоллар баъса.



зан айнан, баъзан ўзгарган ҳолда мавжудлигига қаноат хосил қиласиз. Тарихимизда ҳатто мақолга маҳсус, агар таъбир жоиз бўлса, фольклористик нуқтаи назардан, гарчи эпизодик характерда бўлса-да, муносабатда бўлинган ҳолларга ҳам дуч келамиз^{XI} асрнинг улкан тилшунос олими, фольклоршунос ва этнограф Махмуд Кошғарийнинг тўпловчилик фаолияти ва унинг «Девону луготит турк» асари бунга ёрқин мисол бўла олади. «Девон»да турли муносабатлар билан туркий ҳалқлар орасида кенг тарқалган 400 га яқин мақол ва маталлар ҳам келтириладики, уларнинг аксарияти бугун ҳам айрим ўзгаришлар билан тилимизда муваффакиятли рашидда ишлатилмокда. Бу үринда адабиётимиз тарихида мақоллар асосида яратилган асарлар ҳам мавжудлигини таъкидлаб ўтиш зарур^{Масалан, Мухаммад Шариф Гулханийнинг «Зарбулмасал» асари таркибида 300 дан ортиқ мақол бор. Ёки, Сулаймонқул Рожий ўзининг «Зарбулмасал» асарида 400 дан ортиқ мақолни шеърий вазнга согланлиги ҳам эътиборга лойик ҳодисадир.}

Ўзбек ҳалқ мақолларига муайян бир тартиб бериб, мажмуя ва хрестоматияларга киритиш, улардан маҳсус тўпламлар тузиш ишлари эса, XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошланди. Масалан, венгер олими X. Вамбери-нинг 1867 йилда Лейпцигда нашр этилган «Чигатой тили дарслиги» хрестоматия-лугатига ўзбек фольклори ва адабиётининг айрим намуналари қатори 112 та мақол киритилган бўлиб, уларнинг немис тилига таржимаси ҳам берилган. Шундан кейин бирин-кетин Н. Остроумов (1895), Б. Раҳмонов (1924), Ш. Жўраев (1926), X. Зарифов (1939, 1947), Б. Каримов (1939), Ш. Ризаев, Ў. Азимов, Ў. Холматов (1941), М. Афзалов, С. Иброҳимов, С. Худойберганов (1958, 1960, 1965, 1978), Р. Жуманиёзов (1964, 1967, 1970), Э. Сиддиқов (1976, 1986), Б. Саримсоқов, И. Ҳакқулов, А. Мусоқулов, Р. Зарифов (1978), Б. Саримсоқов, А. Мусоқулов, М. Мадраҳимова (1981, 1984), Ш. Шомаксадов, Ш. Шорахмедов (1987, 1990, 2001), Т. Мирзаев, Б. Саримсоқов, А. Мусоқулов (1989) каби фольклоршунослар, фан ва маданият ходимлари томонидан тузилган турли характеристидаги ва турли ҳажмдаги мақоллар тўпламлари нашр этилди. М. Абдураҳимов, X. Абдураҳмонов, М. Содикова, X. Кароматов, К. Кароматова, X. Бердиёров, Р. Расулов каби олимларнинг тилшунослик ва таржимашу-

нослик йўналишидаги тўпламлари юзага келди. Шунингдек, Е. Чернявский, В. Рузиматов (1959), Н. Гацунаев (1983, 1988), А. Наумов (1985) каби таржимонларнинг меҳнати билан ўзбек халқ мақоллари рус тилида ҳам айрим-айрим тўпламлар сифатида босилиб чиқди.

Турли даврлар, турли йилларда бундай тўпламларнинг нашр этилиши халқ мақолларини тўплаш, уларга муайян бир тартиб бериш, улардаги умуминсоний вояларни тарғиб килишда катта аҳамиятга эга бўлди. Бу тўпламлардаги фактик материаллар асосан бир-бирини такрорлайди. Шунга қарамай, улар материалнинг ҳажми, танланishi, мавзуларга ажратилиши жиҳатидан бир-биридан фарқ киласди. Масалан, М. Афзалов бошчилигига тайёрланган тўпламнинг кейинги нашрига 2500 дан ортиқ мақол 34 мавзуга бўлиб берилган бўлса, Р. Жуманиёзов тўплами нинг сўнгги нашрида 1047 мақол 22 мавзу остида жамланган. Ёки Б. Раҳмонов тўпламига 564, Ш. Жўраев тўпламига 711 мақол киритилган, холос.

Ўзбек халқ мақолларини тўплаш ва ўрганишдаги шубҳасиз катта ютук уларнинг илмий-академик нашрини тайёрлаш бўлди. 1987—1988 йилларда икки жилда нашр этилган бу тўплам ўн уч мингга яқин халқ мақолини ўз ичига олади. Кўлингиздаги тўплам фольклоршуносликда тўпланган халқ мақолларини тўплаш ва ўрганишдаги бой тажриба асосида тузилди ҳамда ҳозиргача мавжуд материалларни нисбатан тўлароқ қамраб олишга ҳарарат килинди. Тўплам кенг китобхонлар оммасига мўлжалланганлиги учун ҳам бу ерда мақолларнинг илмий-бадиий таҳлилига кенг ўрин беришга зарурат йўқ. Аммо тўпламдан фойдаланишини осонлаштириш мақсадида мақолга хос бўлган айрим жиҳатларни алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур.

Мақоллар кўп асрлик хаётий тажрибалар, доимий кундалик кузатишлар хулосасини тугал фикр тарзида катъий қутбийликда ифодалар экан, уларда ҳар бир сўзнинг маъно хилма-хиллиги, ибораларнинг турғунлиги, шаклий барқарорлик устунлик киласди. Аммо қўлланиш ўрнига қараб уларнинг маъно доираси доимий равишда кенгайиб боради. Шунинг учун ҳам мақолдаги ҳар бир сўзга алоҳида эътибор бериш керак. Уларда шундай сўзлар борки, бу сўзлар тарихан бутунлай бошка маъноларни англатган. Масалан, **туз** сўзи бугунги кунда минерал моддани билдиради. Тарихан бу сўз **тўғри**,

одобли; дала, текислик маъноларини англатган ва фақат мақоллардагина сақланиб қолган: **Киз сақла-санг, туз сакла.** Туздаги билан эмас, уйдаги билан бўл. Шунингдек, меҳнат сўзининг азоб-уқубат, баҳтсизлик маъносини ҳам фақат мақолларда ёки айрим шевалардагина учратиш мумкин: **Меҳнат ҳам эгиз-эгиз, Давлат ҳам эгиз-эгиз.**

Сўз санъатининг маҳсули сифатида мақоллар ҳам бадиият ҳодисаларидир. Уларда бир сўзниң ўнлаб маъно кирралари, бадиий тасвир воситалари, поэтик кўчимларининг барча намуналарини учратиш мумкин. Масалан, кўлингиздаги тўпламда қайси мақол таркибида келишига қараб биргина ёмон сўзи ёмонликдан ташқари **худбинлик, текинхўрлик, эгрилик, инсофсизлик, душманлик, қўрқоқлик, нодонлик, илмизлик, одобсизлик, баҳиллик, манманлик, ношудлик, ёлғончилик, сабрсизлик, бевафолик, очкўзлик, номуссизлик, исрофгарчилик** ва ҳоказо маъноларни ифодалайди. Бу мақолларда сўзларнинг маъно имкониятлари накадар кенглигини кўрсатади.

Мақоллар сўз санъати маҳсули сифатида ўз маъносида, кўчма маънода ва ҳар иккала маънода қўлланиши мумкин. Шунинг учун уларда бадиий-тасвирий воситаларнинг хилма-хил шаклларига дуч келамиз. Аммо мақолларда үхшатишнинг кам ишлатилишини, унинг бу жанр учун характерли эмаслигини ҳам кўрамиз. Мақолларни үхшатишлар билан ўзгартириб қўлласак, одатда улар ўз мақоллик хусусиятини йўқотади. Масалан: **Булбул чамани севар, Одам — Ватанни** мақолини Булбул чамани севгандай, одам ватанни севар ёки **Деҳқон бўлсанг, шудгор қил, Мулла бўлсанг, такрор қил** мақолини Деҳқон шудгор қилгандай, мулла бўлсанг такрор қил деб кўрайлик-чи, бутунлай маъносизлик юзага келади. Кейинги пайтларда матбуот саҳифаларида мақолнинг ана шу хусусиятини ҳисобга олмай, ўзгартириб қўллаш холларига дуч келмоқдамиз. Масалан, **Устоз отангдай улуг** тарзида бузиб қўлланмоқда. Бунда отани камситиш ҳолати йўқ, шундай бўлганда ҳалқ **Ота рози — худо рози** деган мақолни яратмас эди. Бу ерда устоз ҳурматини бўрттириш бор. Қолаверса, ҳалқда барча одамзоднинг биринчи якка-ягона устози Оллоҳдир деган тушунчалар ҳам бор. Иккинчидан, устоз билан ота тенглаштириб қўйилса, мақол мазмуни

бутунлай ўзгариб, халқ қарашлирига зид бўлиб қолади. Тўғри, кўп вариантлилик мақоллар учун хос ҳодиса. Аммо бу мақолларни истаганча ўзгариши мумкин дегани эмас. Вариантлиликнинг ҳам ўзига хос табиий қонуниятлари бор.

✓ Мақоллар кетма-кет келганда, бири иккинчисини инкор этгандек, бир-бирига зиддек туюлиши мумкин. Аслида эса, қўлланиш вазиятга қараб турли-туман маъномазмунни ифодалаганлигини унутмаслик керак. Куйидағи мақолларга эътибор қилинг:

Кўпни ёмонлаган кўмувсиз қолар.
Кўпни ёмонлаган кўмилар.

Ёки:

Хисоблашган дўст эмас.
Хисобли дўст айримас.

Келтирилган мақоллар бир-бирига зид эмас. Ёки бири иккинчисининг бузилган варианти ҳам эмас. Улар ўз маъносига эга мустакил мақоллардир.

Кўпни ёмонлаган кўмувсиз қолар.

Маълумки, халкимиз марҳумларга алоҳида ҳурмат кўрсатади. Тириклигида қанчалик ёмон бўлишмасин, улар ҳакида ёмон сўз айтишдан, гарчи тўғри бўлса ҳам тийилади. Мақолда эса бундай кишиларнинг азасига ҳам кишилар истар-истамас келиши, тилида айтмаса ҳам, дилида уларнинг аслида ким бўлганини унутмаслиги ўз ифодасини топган. Бундай қатъий хукмда ўзига хос огохлантириш ҳолати тасвирланган.

Кўпни ёмонлаган кўмилар.

Бу ерда ҳалок бўлар, эл назаридан қолар деган маъно ифодаланган.

Хисоблашган дўст эмас.

Баъзи кишилар арзимас хизматларини ҳам дўстга миннат қилишади. Бу ерда сўз ўша ҳақда кетмоқда.

Хисобли дўст айримас.

Бу мақолда эса дўст киши дўстнинг яхшиликларини унутмаслиги, доимо ёдда тутиши керак деган маъно ифодаланмоқда.

Мақолларнинг жонли жараёнда, вазиятга қараб қуллалишидан мазкур тўпламга хос яна бир хусусият ке-

либ чиқади, яъни баъзи мақоллар мисралар ўрни алмашган ҳолда мавзуларда такрорланган. Бу тўплам ҳажмини сунъий кўпайтириш учун тузувчилар ўйлаб чиқсан нарса эмас. Тўпламдаги барча мақоллар халқдан ёзиб олинган ва улар Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтининг фольклор архивида сақланади. Ана шу қаторлар алмашуви, ҳатто сўзлар, ибораларнинг ўрин алмашувида ҳам маъно ўзгачалиги юзага келади. Масалан, сўз исрофгар хотин ҳакида кетаётган бўлса, мақолни **Лимча мулла — диннинг шўри**, **Ёмон хотин — уннинг шўри** шаклида, сўз чаласавод дин вакили ҳакида кетаётган бўлса, уни **Ёмон хотин — уннинг шўри**, **Лимча мулла — диннинг шўри** шаклида кўллайдилар. Бундай ҳолатларда маъно ургуси одатда иккинчи мисрага тушади.

Яна бир мулоҳаза: Юртимиз мустақилликка эришуви туфайли кўп нарсалар ижобий қутбга ўзгарди. Жумладан, диний қадриятлар тўлалигича тикланди. Мақолларнинг ҳам қўлланишида турфаликлар юзага келди. Аммо диний қадриятларнинг тикланиши дин никобида юрган текинхўрлар, ёвузлар бутунлай йўқолди дегани эмас. Мутаассиблик ҳозир ҳам мавжуд. Чаласавод мулла, имомлар ҳозир ҳам топилади. Динни никоб қилиб, бутун дунё тинчлигига раҳна солаётган экстремистларни ҳам инкор қилиб бўлмайди. Тўпламда дин билан боғлиқ мақоллар ана шулар ҳакида эканлигини китобхон яхши билади деб ўйлаймиз. Шунингдек, бундай мақоллар тарихан турли-туман муносабатларни ифодалаганлигини, тилимизда асрлар давомида ишлатилиб келиниб, бугунги кунда эса асосан кўчма маънода қўлланишини ҳам унутмаслик керак.

Мақоллар тўплами бир забт билан ўқиб чиқиладиган асар эмас. Унга барча соҳа кишилари турли муносабат билан ҳар доим, ҳар куни мурожаат қилишлари мумкин. Ана шунда тўплам унга мурожаат қилувчиларнинг бирор-бир хожатини чиқара олса, тузувчилар ўз мақсадларига эришган бўладилар.

*T. Мирзаев, филология фанлари
доктори, профессор*



ВАТАН ВА ВАТАНПАРВАРЛИК

Айланаси овули,
Тўгараги тўркуни.

Айрилмагин элингдан,
Кувват кетар белингдан.

Бадқавм бўлсанг бўл,
Бекавм бўлма.

Балиқ сув билан тирик,
Одам — эл билан.

Бегона тупроқ — девона тупроқ.

Беткай кетар, бел қолар,
Беклар кетар, эл қолар.

Бироннинг юртида бек бўлгунча,
Ўзингнинг юртингда ит бўл.

Булбул чамани севар,
Одам — Ватанни.

Булбулга боғ яхши.
Какликка — тоғ.

Ватан гадоси — кафандо гадоси.

Ватан учун ўлмоқ ҳам шараф.

Ватан қадрини билмаган ўз қадрини билмас.

Ватанга келган — имонга келар.

Ватанга фалокат — ўзингга ҳалокат.

Ватангандо бўлгунча,
Кафангандо бўл.

Ватандан йироқлашган — номусдан ўлар.

Ватани борнинг бахти бор.
Мехнати борнинг — тахти.



Ватанинг тинч — сен тинч.

Ватанни сотган эр бўлмас.

Ватанинг вайронаси —
Умринг ғамхонаси.

Ватанинг вайронаси —
Умринг ҳайронаси.

Ватансиз инсон — куйсиз булбул.

Диндан чиқсанг ҳам, элдан чиқма.

Душманга нафрати бўлмаганинг
Ватанга муҳаббати бўлмас.

Ёрдан айрилсанг ҳам, элдан айрилма.

Ёридан айрилган етти йил йиғлар,
Юртидан айрилган ўлгунча йиғлар.

Ёрингни гул орасидан изла,
Эркингни — эл орасидан.

Йигит ғами элида,
Элнинг ғами дилида.

Киймоққа катан яхши,
Турмокқа ватан яхши.

Киши ерида султон бўлгунча,
Ўз элингда чўпон бўл.

Киши юртида султон бўлгунча,
Ўз юрtingда ултон бўл.

Киши юртида шоҳ бўлгунча,
Ўз юрtingда гадо бўл.

Кўлнинг отини балиғи чиқарар.

Кўрпанг қаерда бўлса,
Кўнглинг шу ерда.

Нон гадоси бўлсанг ҳам,
Юрт гадоси бўлма.

Она ернинг тупори — она сутидан азиз.



Она юртинг — олтин бешигинг.

Она юртинг омон бүлса,
Ранги рүйинг сомон бүлмас.

Сигирнинг сути — тилида,
Эрнинг қути — элида.

Совук ургандан қолар,
Тупрок сургандан қолмас.

Сувни берсанг элга,
Яшарсан минг йилга.

Товушқонга туғилган тепаси азиз.

Түкқан ерда тулинг тик.

Түкқан элга жон тортмаса ҳам, қон тортар.

Туғилган ердан күнгил узилмас,
Юрт құриганинг юрти бузилмас.

Туғилган еринг — Ватанинг,
Ватанинг — номусинг.

Түйган ердан түкқан ер яхши.

Урса ҳам, эл яхши,
Сұкса ҳам, эл яхши.

Фил тушида Ҳиндистонни күрар.

Чангал ҳам үз жойида гуриллар.

Экин ерида күкарап,
Эр — элида.

Эл бор бүлса, эр хор бүлмас,
Эр бор бүлса, эл хор бүлмас.

Эл бошига кун тушса,
Эл яратган эр келар.

Эл бошига тушгани —
Эр бошига тушгани.

Эл ишини эр қилур,
Эр қадрини эл билур.



Эл-куним бүлмаса,
Ой-куним туғасин.

Эл куюнганда куюнган — ботир,
Эл суюнганда суюнган — ботир.

Эл тилагин тилагин,
Синик күнглиң сийлагин.

Эл әгасиз бүлмас,
Түн — ёқасиз.

Эл құдрати — чин құдрат,
Ватан тупроғи — қиммат.

Эл қуrimаса, ер қуrimas.

Эл — күнган ерда,
От — түйган ерда.

Эл күнган ерни билар,
От түйган ерда тинар.

Эл ғамини билган элда достон.

Элга манзур — әрга манзур.

Элга хизмат — олий ҳиммат.

Элга қүшилган мой ютар,
Элдан айрилган қон ютар.

Элга қүшилғаннинг күнгли түк,
Элдан ажралғаннинг бети йүк.

Элга қүшилсанг, эр бүласан,
Элдан ажралсанг, ер бүласан.

Элда бори — сенда бори.

Элдан айрилғунча, жондан айрил.

Элига вафо қилған
Евига жафо қиласр.

Элидан безган эр үнгмас,
Күлидан безган ғоз үнгмас.

Элим бошқа деган, эл бүлмас.

Элинг сенга чүзса құл,
Унга доим содик бұл.

Элинг-юртинг бұлмаса,
Ойнинг-кунинг бұлмасин.

Элли ер — бозор,
Элсиз ер — мозор.

Эллик йилда әл янги.

Элнинг бахти — эрнинг бахти.

Элнинг ичи — олтин бешик.

Элнинг йиртиғига ямоқ бұл,
Узунига улоқ бұл.

Элнинг әгаси бұл,
Тобутнинг чегаси бұл.

Элнинг ғами — эрнинг ғами.

Эр боласи — әл боласи.

Эр давлати — элида.

Эр йигит әлга тортар.

Эр йигит үзи учун туғилар,
Әли учун үлар.

Эрингдан безсанг ҳам,
Элингдан безма.

Эрнинг иши — элнинг бүйнида,
Элнинг иши — эрнинг бүйнида.

Эрнинг моли — элнинг моли.

Юрт бошига иш тушса,
Эр йигит хозир.

Юрт әгаси йүлбарсдир,
Олдиргани қўймасдир.

Юрт қури, элинг ўсар,
Қўримасанг, уйинг тўзар.

Юрт қўрисанг, ўсарсан,
Қўримасанг, тўзарсан.

Юртда одам бўлмаса,
Тўнғиз тепага чиқар.

Юртдан айрилганни ёв чопар.

Юртдан кетган, юртмонда.
Утар ҳасрат, армонда.

Юрти бойнинг ўзи бой.

Юртим — кўксим,
Элим — илигим.

Юртинг омон — ўзинг омон.

Юртни дедим, юзга кирдим.

Яхши йигит юрт тузар,
Ёмон йигит юрт бузар.

Ўз уйим — ўлан тўшагим.

Ўз юртингнинг қадри
Ўзга юртда билинар.

Ўз юртинг — ўлан тўшагинг,
Ўзга юрт бўлмас бешигинг.

Ўзбек исказ бўлса ҳам, элини топар.

Ўзга юртнинг қозиси бўлгандан,
Ўз элингнинг тозиси бўл.

Ўзга юртнинг боши бўлганча,
Ўз юртингнинг тоши бўл.

Ўзга юртнинг гулидан,
Ўз юртингнинг чўли яхши.

Ўлсанг ўл,
Ватанингда бўл.

Ўпкадан урган ел ёмон,
Элидан айрилган эр ёмон.

Коронғи қолган юртда
Кораشاқшақ подшо бўлур.

Куриган юртга қул оқсоқол.

Қүш бутага сиғинар,
Одам — Ватанга.

Қүш ҳам кетса келади,
Үз элини севади.

Ҳар гул ўз бутасида азиз.

Ҳар гулнинг ўз иси бор,
Ҳар элнинг ўз тузи бор.

Ҳар ким — элига,
Ўрдак — кўлига.

Ҳар кимнинг ўз эли — ўзига ширин.

Ҳар кўкатнинг ўз суйган тупроғи бор.

Ҳар тойча ўзи сув ичган булогини мактар.

Ҳар элнинг — ўз ирими.

Ҳар шаҳарнинг ҳавоси бошқа.

Ҳар күш ўз уясига қараб учар.

Ҳимматли эр,
Ўз элини дер.

ЖАМОАТЧИЛИК ВА ХУДБИНЛИК

Айрилганни айқ ер,
Бўлинганни бўри ер.

Айрилган йўлда қолар,
Бўлинган — дўлда.

Балиқнинг куни кўл билан,
Ботирнинг куни эл билан.

Барака — кўпчилиқда.

Бешнинг боши бўлганча,
Олтининг оёғи бўл.

Бизники — халтада,
Сизники — ўртада.

Билганингни элдан аяма.

Бир калла — калла,
Икки калла — тилла.

Бир киши минг киши учун,
Минг киши бир киши учун.

Бир товушни күп товуш йүқ қилар.

Бир күзлилар элига борсанг,
Бир күзингни қисиб юр.

Бир тупурса, не бұлар,
Эл тупурса, күл бұлар.

Бир үзинг доно бұлғунча,
Күп билан ахмок бұл.

Бир қарға билан қиши келмас.

Бирдан икки яхши,
Иккидан уч яхши.

Бириккан куч — куч,
Бирикмаган куч — пуч.

Бирикмаган бирлашмас.

Бирлашган дарё бұлар,
Тарқалган ирмоқ бұлар.

Бирлашган ёвни қайтарар.

Бирлашган куч енгилмас.

Бирлашган — үзар,
Бирлашмаган — тұзар.

Бирлик бор — тириклик бор.

Бирликда барака бор.

Бирликли уй — баракатли,
Фовғали уй — халокатли.

Бирликсиз куч бұлмас.

Дошқозонда пишган ош хом бұлмас.

Еттовдан биров — шайтон.

Ёлғиз ботир ёвга йўқ,
Ёлғиз йигит довга йўқ.

Ёлғиз дарахт ўрмон бўлмас.

Ёлғиз ёроҳ пана бўлмас.

Ёлғиз бияга сова тўлмас.

Ёлғиз ёғоч уй бўлмас.

Ёлғиз итнинг хургани билинмас,
Ёлғиз кишининг юргани билинмас.

Ёлғиз йигит алп бўлар,
Алп бўлса ҳам, қалп бўлар.

Ёлғиз йигит ёв олмас.

Ёлғиз отнинг чанги чиқмас,
Чанги чиқса ҳам донғи чиқмас.

Ёлғиз туя бақироқ бўлар,
Ёлғиз бола йирлоқ бўлар.

Ёлғиз юриб йўл топгунча,
Кўп билан юриб адаш.

Ёлғиз уйда қозон қайнамас.

Ёлғиз қўйнинг териси пўстин бўлмас.

Ёлғиз рознинг уни чиқмас,
Ёлғиз қизнинг мунги чиқмас.

Ёлғизга йўл узок.

Ёлғизлик киши ютида билинар.


Ёлғизнинг ёйи йўқолса, топилмас,
Кўпнинг ўки йўқолса, топилар.

Жиян-тоға эл бўлмас,
Якка томчи сел бўлмас.

Икки одам — бир одамнинг тангриси.

Икки сиртлон бир сиртлоннинг сиртин йиртар.

Икки сичқон бирикса,
Йўлбарс қуйруғин кертар.



Икки құл килган ишни
Бир құл килолмас.

Иккөвга биروف ботолмас,
Отликка яёв етолмас.

Индама құпға,
Йикитади чұпға.

Инида ётганни эл топар.

Йүлдан чиқсанг чиқ, әлдан чиқма.

Йүқтоганингни күпдан сұра.

Күкка бокма, құпға бок.

Күп бирикса, тоғ қулар.

Күп тикилса, тоғ қулар.

Күп дуоси құл бұлур.

Күп ёйилса, йүк топилар.

Күп күмакка яхши,
Оз — баракка.

Күп күпади,
Оз чүкади.

Күпда карам бор.

Күпдан айрилган озар,
Күпга күшилган үзар.

Күпдан күп ақл чикар.

Күпдан қуён қутулмас.

Күплашган ёв қайтарар.

Күпни демай кул бұлдим,
Фам-руссага мүл бұлдим.

Күпни ёмонлаган күмилар.

Күпни ёмонлаган күмүвсиз қолар.

Күпни ёмонлаганнинг үзи ёмон.

Күпни севған бирни севмас.

Кўпнинг иши йитмас,
Ознинг иши битмас.

Кўпнинг кучи — каромат.

Кўпнинг кучи кўлдай,
Кўчиб юрган елдай.

Кўпнинг кўланкаси — олтин.

Кўпнинг ризқи — кўл.

Кўпнинг кўли кўп.

Кўпнинг кўли ҳам тўғри,
Йўли ҳам тўғри.

Кўпнинг ҳақи етимнинг ҳақидан ёмон.

Кўпнинг ҳақи — тўпнинг ўқи.

Кўпчилик бир муштдан урса, ўлдирап,
Бир бурдадан берса, тўйдирап.

Кўпчилик қўл — унуми мўл.

Кўпчилик кўпирса, қулатар,
Кўпчилик супурса, сулатар.

Кўпчилик кўлда унум қўп.

Отангнинг оти ўзгунча,
Овулингнинг тойи ўзсин.

Ошдан қолсанг ҳам, кўчдан қолма.

Раҳбар келар-кетар, омма қолар.

Сувнинг оқишига қара,
Халқнинг хохишига қара.

Сурув оқсоқсиз бўлмас.

Сурувдан қолган суриниб ўлар.

Тегишмагин кўпга,
Тенг бўласан чўлга.

Тўпдан чиксанг ҳам, кўпдан чиқма.

Узок бўлса ҳам, йўл яхши,
Ёмон бўлса ҳам, эл яхши.



Үйига сиғмаган элига сиғмас.

Уловим йүк деб, күчдан қолма.

Улугга суянганча, элга суян.

Халқ айтгани — ҳақ айтгани.

Халқ айтмас,

Халқ айтса, хеч қайтмас.

Халқ айтса, элаб айттар,
Ҳак сүзни билиб айттар.

Халқ бор ерда хақылк бор.

Халқ деган холи кетмас.

Халқ иши — ҳақ иш.

Халқ қучига түғон йүк.

Халқ меники дема,

Сен — халқники.

Халқ пуфласа, бүрон бүлар,
Халқ тепинса — зилзила.

Халқ тинчлигин бузган омон қолмас.

Халқ — тош, амалдор — сув.

Халқ хоҳласа тузишни,
Ҳожати йүк чүзишни.

Халқ ғазаби — худо ғазаби.

Халқ қарғаса, хор бүлласан,

Халқ құлласа, бор бүлласан.

Халқ құзғалса — дарё.

Халқ ҳукми — ҳақ ҳукми.

Халқдан ажралғаннинг юзи қора бүлар,
Юртдан ажралғаннинг сүзи адo бүлар.

Халқни хон ҳам енголмас.

Халқка суянсанг, бүлласан,

Халқдан чиқсанг, сұласан.

Халққа хиёнат қилдинг,
Үзингга жиноят қилдинг.

Эгри битганни эл тұғрилайды.

Эл билан бұлған ютар,
Элдан ажралған йитар.

Эл билан кесилған бармоқдан қон чикмас.

Эл боласи бүлолмаган
Эл оғаси бүлолмас.

Эл бокса, баҳтинг қулар,
Эл бокмаса, тахтинг қулар.

Эл бүлмаса эр бүлмас.

Эл ишига эринма,
Иш қилдим деб керилма.

Эл кучи — сел кучи.

Эл назар қилмаса,
Эшак бозорига ҳам даллол бүлолмайсан.

Эл оғзи — элак, гап турмас.

Эл севғанга ер күп.

Эл сенға этса надомат,
Дунёда туролмассан саломат.

Эл сүйгани — эр сүйгани.

Эл сүзи — дил сүзи.

Эл — эрнинг синчиси.

Эл үғрисиз бүлмас,
Тұқай — бүрисиз.

Эл қадрини билмаган,
Хар балога йүлиқар.

Эл билан бұлған йигит,
Хар балодан кутулар.

Эл қадрини билмайды,
Эл ичидә ёмонлар.

Эл қулоги — эллик.
Эл құзғалса, таҳт құзғалар.
Элга кенгашган озимас.
Элга киргил элингча,
Сувга киргил белингча.
Элга маъқул — сенга маъқул.
Элга навбат — эрга навбат.
Элга суюнган эланмас.
Элга қилма хиёнат,
Туролмассан саломат.
Элдан айрилганни бўри ер.
Элдан ошма, элдан қолишма.
Элинг ўғри бўлса, ўғри бўл,
Бўри бўлса, бўри бўл.
Эрдан эр ўзса ҳам, элдан ўзолмас.
Эри бўлиб, эрга борган — бет қораси,
Эли бўлиб, элга борган — юрт тўраси.
Эрнинг иши эл билан.
Эрнинг кучини эл синар.
Эрнинг отини эл чиқарап.
Эрнинг сўзи — элнинг сўзи.
Юрт билан келган аза ҳам — тўй.
Юрт деса, югуриб ишла.
Яёвнинг чанги чиқмас,
Ёлғизнинг — уни.
Якка ўтин ёлборсанг, ёнмас.
Якканинг ёри худо,
Бўлмаса элдан жудо.
Яхши раҳбар йўл қуарар,
Ёмон раҳбар йўл бузар.

Яхши раҳбар элни ўйлар,
Ёмон раҳбар ҳовли бўйлар.

Яхши раҳбар юртга роҳат келтирас,
Нодон раҳбар юртга «мехмон» келтирас.

Ўз билганингда бўлма,
Эл билганидан қолма.

Ўзи учун ухлаган,
Бирор учун туш кўрмас.

Ўзим бўлай дема, ўзгалар ғамини е.

Ўзим деган ўзаксиз кетар.

Ўзим деган ўрдан чиқмас.

Ўт билан ўйнашмоқ тентакнинг иши,
Юрт билан ўйнашмоқ аҳмокнинг иши.

Қирқ уйдан этак тўлар.

Қоматига ишонган қаддини букиб кетади,
Кўпчиликка ишонган мақсадига етади.

Қўлидан иш келмаган маърака бузар.

Фоз тудаси йўлбошчисиз учмас.

Ҳар иш қилсанг, эл билан кенгаш.

Ҳар ким ўз қаричи билан ўлчар.

Ҳашар борсам битар,
Инграпиб куним ўтар.

Ҳашар — элга ярашар.

Ҳашар қилдим — уй қурдим,
Унда кўп ҳикмат қўрдим.

МЕХНАТСЕВАРЛИК ВА ИШЁҚМАСЛИК

Айб йилда эмас, меҳнатда.

Аравани от тортар,
Кўланкасин — ит.

Ари заҳрин чекмаган
Бол қадрини билмас.

Ариқ қазимасанг, отизга сув чиқмас.

Арғумоғим жиртак отди,
Лойни күриб таппа ётди.

Ахтарган топар.

Ахмокнинг кулгуси кўп,
Дангасанинг — уйқуси.

Аҳди борнинг баҳти бор.

Аҳд қилган баҳт топар.

Баҳт ялковга бегона.

Баҳтингга ишонма, бармоғингга ишон.

Бекор ўтиргунча, бекор ишла.

Бекордан худо безор.

Бекорчидан — бемаза гап.

Бекорчидан эл безор,
Сўзидан кўнгил озар.

Бекорчилик — бемазачилик.

Бекорчининг бети йўқ,
Қозон осар эти йўқ.

Бекорчининг ҳунари — ғийбат.

Бели боғлиқнинг дили боғлиқ.

Бемаза ковуннинг уруғи кўп.

Бемехнат хикмат йўқ.

Бермас тангридан хормас овчи олар.

Берсанг — оласан, эксанг — ўрасан.

Беташвиш бош қайда,
Меҳнатсиз ош қайда.

Бир эзма топади, бир — кезма.

Бир қўллаб эксанг,
Икки қўллаб ўрасан.

Бирни биروف беради,
Кўпни — меҳнат.

Биروف учун биروف қозон осмас.

Биروفнинг бергани — кўргулик,
Меҳнатнинг бергани — тўйгулик.

Бозорингни ўзинг қил,
Тегирмонингни ўзинг торт.

Бор-бор, ишда бор,
Ишламаган нонга зор.

Боқсанг — боғ, боқмасанг — тоғ.

Боғ жамоли — боғбондан.

Боғ кимники — боғбонники.

Боғбонга тоғ ярашмас,
Биёбонга — боғ.

Боғни боқсанг — боғ бўлур,
Ботмон даҳсар ёғ бўлур.
Боқимсиз боғ тоғ бўлур,
Юрак-бағринг доғ бўлур.

Бўйнидан боғланган ит овга ярамас.

Бўлса ҳамки қўрик ер,
Хосил берар, тўксанг тер.

Гап билан ош пишмас.

Гап билан шошма, иш билан шош.

Гап билан ўрок ўриш осон.

Гап билгунча, иш бил.

Гап — бошқа, иш — бошқа.

Гап бўлса, пака-пака,
Иш бўлса, чека-чека.

Гап десанг, қоп-қоп,
Иш десанг, Аштархондан топ.

Гап десанг, қоп-қоп,
Иш десанг — бетоб.



Гапга — чечан, ишга — мечан.

Гапни оз сўзла,
Ишни кўзла.

Дангасага булат сояси ҳам юк.

Дангасага иш буюрсанг,
Отангдан ортиқ насихат қилар.

Дангасага иш буюсанг,
Сенга ақл ўргатар.

Дангасага остона тепа бўлиб кўринар.

Дангасанинг важи кўп,
Оҳангизининг — авжи.

Дангасанинг иши битмас,
Ёз келса ҳам қиши битмас.

Дангасанинг саратонда қули совқотар.

Дангасанинг ғайрати иш битганда қўзир.

Дараҳт япроғи билан кўркам,
Одам — меҳнати билан.

Дараҳт — ҳаводан, одам — меҳнатдан.

Дарё сувини баҳор тоширап,
Одам қадрини меҳнат оширап.

Доно — бир жойда,
Дангаса — ҳар жойда.

Дўкон тўқисанг, бўз бўлар,
Чарх йигирсанг, ип бўлар.

Дўланани кўргандада тор эсингдан чиқмасин.

Ер бойликнинг онаси бўлса,
Отаси — меҳнат.

Ер — она, сув — ота,
Меҳнат — бойлик.

Ер очганинг бахти очилар.

Ер — хазина, меҳнат — калити.

Ер эгаси бўлма, меҳнат эгаси бўл.

Ер қазимасанг, олтин чиқмас,
Кармоқ солмасанг — балиқ.

Ёз бор, қиши бор,
Дангасага на иш бор.

Ёз бүйи ётар,
Киши бүйи қотар.

Ёмғир билан ер күкарап,
Мехнат билан — эл.

Ётаверса, от ҳам озар.

Ётган ётағон бұлар,
Совуққа қотоғон бұлар.

Ётган қолар, чопған олар.

Ётган хұқыз оч қолар.

Ётганга ёмғир ёғын.

Ётганинг ёғи йүк.
Ётганинг устига турған келмас.

Ётиб еганга тоғ чидамас.

Ёш ишни топар,
Ишсиз — дардисарни.

Жон койитмай, иш битмас.

Жон күйдирмасанг, жонона қайда,
Токқа чиқмасанг, дұлона қайда.

Завқсиз иш — шавқсиз иш.

Из қувған излаганини топар.

Излаганга толе ёр.

Излаган олим бұлар,
Үйлаган — фозил.

Интилған әлга ёқар.

Ит итга буюрар,
Ит — қуйруғига.

Ит юрса, сұңгак топар.

Иш билан вакт тез үтар.



Иш билан қишининг мушкули битар.

Иш билганники,
Килич тутганники.

Иш битар бўлса, хайбаракаллачи кўпаяр.

Иш бор ерда ош бор.

Иш бор ерда хато бор.

Иш бошлаганда — эрмак,
Битмай қолса — эмгак.

Иш буюрдим олти тозга,
Олти тоз кўйди ёзга.

Иш деса, айёр,
Ош деса, тайёр.

Иш деса, оғрир ошиқ-мошиғим,
Ош деса, тайёр катта қошиғим.

Иш дўстинг — жон дўстинг.

Иш — инсоннинг гавҳари.

Иш ишни топар,
Кўр — кўрни.

Иш, ишнинг кетига туш.

Иш иштаҳа очар,
Дангаса ишдан қочар.

Иш кучини елга берма, ерга бер,
Жамғармани селга берма, элга бер.

Иш ошга тортар,
Ялқовлик — бошга.

Иш сени енгмасин,
Сен ишни енг.

Иш устасидан кўрқар.

Иш қилганга қоп-қоп,
Қилмаганга бўш қоп.

Иш қила олмаган иш танлар.

Иш қолса — меҳнат,
Ош қолса — давлат.

Иш қуролинг соз бўлса,
Машаққатинг оз бўлар.
Иш ғайратлидан қўркар.
Ишга — нўнок, ошга — ўртоқ.
Ишга — чулоқ, ошга — қўноқ.
Ишга — қўним, ҳосилга — унум.
Ишдан қочар, йироққа сочар.
Ишдан қочдинг — ошдан қочдинг.
Ишдан қўрқмаган — қишдан қўрқмас.
Ишёқмас роҳат топмас.
Ишёқмас ўрокчи ўроқ танлар.
Ишёқмасга ит боқмас.
Ишёқмас итга ҳам ёқмас.
Ишёқмасга сўз ёқмас.
Иши борга бир кун ҳайит,
Иши йўққа ҳар кун ҳайит.
Иши йўқ ит суғорар.
Иши йўқ иш топар,
Иштон солиб, бит боқар.
Иши йўқ чивин тутар.
Иши йўқ эшак ҳуркитар.
Иши йўқнинг кўрки йўқ.
Иши йўқнинг ризқи йўқ.
Иши кечнинг куни кеч.
Ишимнинг боши йўқ,
Ошимнинг моши йўқ.
Ишлаган ерни яшнатар,
Ишламаган — қақшатар.
Ишлаган ош тишлар,
Ишламаган тош тишлар.
Ишлаган тишлар,
Ишламаган кишнар.

Ишлаган хор бўлмас.
Ишлаганинг иши битар,
Кишнаганинг куни ўтар.
Ишланмаган ишга шайтон кулар.
Ишлик келиб, иш орттирас,
Ишсиз келиб, иш қолдирас
Ишликнинг пешонаси терлар,
Ишсизнинг — бўйни.
Ишни ё бачча бузар, ё наша бузар.
Ишни истаганга эмас, билганга топшири.
Ишнинг зўрини мард қилас.
Ишнинг кўзини бил,
Ернинг — тилини.
Ишнинг ўзини билгунча, кўзини бил.
Ишсеварни эл севар.
Ишсиз бошим — ошсиз бошим.
Ишсиз иягини уқалар.
Ишсиз ҳайвон ҳам зерикар.
Ишchan тилаги — тонг ота қолса,
Эринчак тилаги — кун бота қолса.
Иқболни меҳнат очар.
Йигит деган эр бўлар,
Мехнат кўрса, шер бўлар.
Йигит хусни — меҳнатда.
Йигитнинг баҳтини меҳнат очар.
Йиғлаб-йиғлаб ёп қазисанг,
Кулиб-кулиб суғорасан.
Йиғлаб-йиғлаб марза олсанг,
Ўйнаб-ўйнаб суғорасан.
Йўл юрган хазинага йўлиқар.
Йўртган — ўзар, ётган — тўзар.

Йўрға отнинг йўли бўлар,
Жўртоқининг шури бўлар.

Кези келса, кетмон чоп.

Кетган келтирас,
Ўтирган нарх сўрас.

Кетмон чопдим — нон тишладим.

Кетмон чопмок — олмоқ-солмок,
Қўш ҳайдамок — бормоқ-келмок,
Урок ўрмок — ўйнамок,
Ҳай-ҳай ишнинг оғири,
Хамир қилмок, нон ёпмок.

Кийгиз кимники — билак шуники.

Киндик қонинг тўкилган жойда жонинг бор,
Мехнат қилган ерда молинг бор.

Киши берса — кўримли,
Мехнат берса — тўйимли.

Кишининг қўлидан ишини олсанг,
Оғзидан ошини оласан.

Кумушдек тер тўксанг,
Гавҳардек дур оларсан.

Кун қизиги демагин,
Суягинги синдирамас.
Салқинни кўп кўзлама,
Салқин жонни тиндирамас.

Кўқдан эмас, ердан топасан.

Кўклам — меҳнат билан кўркам.

Кунглингни бирга бер,
Кучингни ерга бер.

Кўринган тоғнинг йироғи йўқ.

Кўчатни ўтқазмасанг — кўкармас,
Мақсадни истамасанг — топилмас.

Мард йигитнинг лаби ёғлик,
Дангасанинг боши қонлик.

Марднинг марди майдонда синалар,
Йигитнинг йигити — меҳнатда.

Машаққатсиз баҳт келмас,
Меҳнатсиз таҳт келмас.

Меҳнат баҳт келтирас.

Меҳнат билан ер кӯкарас,
Дуо билан — эл.

Меҳнат ва ўқиш — оғаини.

Меҳнат ерда қолмас,
Олтин — йўлда.

Меҳнат кишини боқар,
Ялқовлик ўтга ёқар.

Меҳнат, меҳнатнинг таги — роҳат.

Меҳнат — роҳатнинг пойдевори.

Меҳнат товок тўлдирас,
Миннат ток куйдирас.

Меҳнат шухрат келтирас,
Ялқовлик — лаънат.

Меҳнат этсанг эринмай,
Тўяр қорнинг тиланмай.

Меҳнат — эътибор гарови.

Меҳнат қанча оғир бўлса,
Кети шунча ширин бўлар.

Меҳнат қилган мой ошар.

Меҳнат қилдинг, хўп қилдинг,
Миннат қилдинг, йўқ қилдинг.

Меҳнат қилиб топганинг,
Қанду асал тотганинг,

Меҳнат қилмай роҳат кўрмас,
Уруф сепмай экин ўрмас.

Меҳнат қилсанг, кўксинг тоғ,
Хурмат қилсанг, дилинг боғ.

Меҳнат қилсанг, яшарсан,
Катта-катта ошарсан.



Мехнат қилсанг қарам бўлмайсан.

Мехнат қилсанг кирга,
Карам бўлмассан қўлга.

Мехнат ҳам эгиз-эгиз,
Давлат ҳам эгиз-эгиз.

Мехнатда синалган элда азиз.

Мехнатли нон — шакар,
Мехнатсиз нон — заҳар.

Мехнатли ош — ош бўлар,
Мехнатсиз ош — тош.

Мехнатнинг кўзини топган
Бойликнинг ўзини топар.

Мехнатнинг нони — мазали,
Ўриннинг умри — азали.

Мехнатнинг нони — ширин,
Ялқовнинг жони — ширин.

Мехнатсиз билак — ўринсиз тилак.

Мехнатсиз иш битмас,
Эринчоқнинг қули етмас.

Мехнатсиз роҳат бўлмас,
Савобсиз — жаннат.

Мехнатсиз топилган мол ҳисобсиз кетар.

Мехнатсиз турмуш — тузсиз ош.

Мехнатсиз турмуш — ўғирлик.

Мехнатсиз эт емайди, бит ейди.

Минг сўздан бир иш яхши.

Мингта чиройли сўздан,
Битта хунук иш яхши.

Мол боқканга битар.

Мол — боқканники,
Ер — экканники.

Мол боқканнинг бармоғидан мой томар.

Мол боққаннинг молига бок,
Боқмаганнинг — ҳолига.

Мол семирса, ёр бўлар,
Ер семирса, боғ бўлар.

Нодон ва ялқов — душман учун катта ов.

Нон емоқчи бўлсанг,
Ўтин ташишдан эринма.

Нонни меҳнат топган,
Меҳнатни нон топган.

Обрў топаман десанг, камтар бўл,
Қаримай десанг, меҳнат қил.

Обрўнинг онаси — меҳнат,
Отаси — саъи харакат.

Овни ё кўринмаган отар,
Ё — эринмаган.

Одам — гавҳар, қўли — гул.

Одам ишдан чиқмайди,
Одамдан иш чиқади.

Одам қўли чўлни бўстон қиласр.

Одамни пўстин эмас, иш қиздирап.

Одамнинг қўли — гул.

Одамнинг хусни — меҳнатда.

Оёғинг тал-тап этмаса,
Оғзинг шап-шап этмайди.

Оз есанг, кўп яшайсан,
Меҳнат қилсанг, кўп ошайсан.

Олай десанг мўл ҳосил,
Меҳр қўйиб меҳнат қил.

Олтин ўтда билинар,
Одам — меҳнатда.

Олтмишингда олма эксанг,
Етмишингда емишин ерсан.

Осмонга оғиз очган оч қолар.

От оёғидан топар,
Одам — күлидан.

Ота бойлиги ерга сингар,
Меҳнат бойлиги — элга.

Ош қули — иш касали.

Оқ түя чўкмас, кўк түя турмас.

Оқ кўл — ош эгаси,
Куч кўл — иш эгаси.

Орзингни қўкка очма,
Ҳалол меҳнатдан қочма.

Подачи қизининг ғайрати,
Пода қайтганда келар.

Пул йўқ деб қайғурма,
Иш йўқ деб қайғур.

Рахбар ётса соядা,
Пахта қолар поядা.

Роҳатнинг онаси — меҳнат.

Сансолару мансолар,
Отга емни ким солар.

Сен ишни қувсанг,
Нон сени қуввар.

Сепган хирмон қилур,
Сепмаган — армон.

Совут кийиб маърака¹да жон берган,
Кетмон уриб кеча-кундуз нон берган.

Сув бир жойда тураверса, сасир.

Сув ўжар, инсон ундан ҳам ўжар.

Сувдан кечган ҳўл бўлар,
Меҳнат чеккан зўр бўлар.

¹ Маърака — бу ерда жангу жадал маъносида.

Сұз билан аққа-бакқа,
Иш билан ҳеч қаёққа.

Сүзига боқма, ишига боқ.

Сүзинг кумуш бұлса,
Ишинг — олтин.

Тайёр ошга баковул —
Етим қызға ясовул.

Танбалға жаннат йўқ,
Қайтиб келса дўзах йўқ.

Таралладедодга жон ғанимат.

Тек турғанга шайтон таёқ тутқазар.

Тек турғунча, текин ишла.

Тек турмаган тўқ туар.

Тек турмаганга ош бер,
Икки қулига иш бер.

Терга ботган зарга ботар.

Терган — термулмас.

Терлаб ишласанг, тўйиб ейсан.

Тиндим тунда, тинмадим кундузи,
Бўлди қўй телпагим кундузи.

Тинмас кампир оёғи
Ойдинда чарх йигирап.

Тиришган ер устида яшар,
Тиришмаган — ер остида.

Тиришган оч қолмас.

Тиришган тоғдан ошар,
Тер тўқкан баҳтли яшар.

Тиришган — эр,
Тиришмаган — қора ер.

Тиришқоқнинг тешаси
Тошга чега қоқар.

Тиришқоқнинг тери чиққунча,
Ишёқмаснинг жони чиқар.

Товук ҳам тирмалаб түйинар.

Тортишмаган топмайди.

Тоғ такаси тек турса, оч қолар.

Тусига қарама, ишига қара.

Тўкилган — теринг, ишлаган — еринг.

Тўкилса манглай теринг,
Унумли бўлар еринг.

Тўрт хотин бир бўлса,
Касби — ўлан айтиш.

Үйқу — ғафлат, меҳнат — роҳат.

Уринган иш ӯринсиз қолмас.

Ухлаган уйқу олар,
Ухламаган — йилқи.

Ухлаганга улуш йўқ.

Хазина ғойибдан эмас, меҳнатдан.

Харакаш эшак йўлга ярамас.

Хотин-қизнинг ишини товук чўқиб битиролмас.

Чарх йигирсан пул бўлар,
Бошим даста гул бўлар.

Яхши-яхши йигитлар,
Эшигимга қул бўлар.

Чўпчак деган чўп бўлар,
Тераверсанг, кўп бўлар.

Шаф-шаф деган билан
Шафтоли оғизга тушмас.

Эл оғзига бокқан оч қолар.

Элга боққан ерга боқмас,
Кўкка боққан элга ёқмас.

Элнинг кўрки — эр билан,
Эрнинг кўрки — тер билан.

Эмгак этсанг, эмарсан.

Эмгаксиз итдан ёмон,
Ит тугул битдан ёмон.

Эр ишлаган ерда азиз.

Эр йигит номи билан,
Мехнатда шони билан.

Эр хизматдан топар.

Эринган элга сиғмас.

Эринган қызы эрдан қолар.

Эринганнинг оши пишмас.

Эринчоқ икки ишлар,
Охири бармоғини тишлар.

Эринчоқ,
Эринчоққа отасининг соқоли үйинчоқ.

Эринчоқ эшикка чиқса, от ёллайди.

Эринчоқ қызни эрга бер,
Эр олмаса ерга бер.

Эринчоқни эр олмас,
Эр олса хам күп қолмас.

Эринчоқнинг иши битмас,
Эпсизнинг — ҳожати.

Эринчоқнинг оғзини ит ялар.

Эринчоқнинг құли етмас,
Құли етса хам, иши битмас.

Эринчоқнинг құли қисқа,
Эринмаганнинг — йүли.

Эрнинг ғайрати тоғни құзғатар.

Эшак юрар қатқоқда,
Маълум бўлар ботқоқда.

Юки енгил эшак ётағон бўлар.

Юрти бойнинг ўзи бой,
Мехнат қилганнинг құли мой.



Ютуқнинг калити — меҳнат.

Ялқов асли күш бўлмас,
Күш бўлса ҳам уча олмас.

Ялқов бўлса ўғлонинг,
Ердан нон термас.
Абжир бўлса ўғлонинг,
Чўлдан дон терар.

Ялқов ётиб буюрар.

Ялқов ётолмайди, ётса туролмайди.

Ялқов хотинга бола — баҳона.

Ялқов — ўзига ёв.

Ялқов ўтирган ерида ўтин терар.

Ялқовлик, охири хўрлик.

Ялқовлик ёви — юмуш.

Ялқовнинг мактаниши иш бошига боргунча.

Ялқовнинг оши — ёвфон.

Ялқовнинг қули қўйнидан чиқмас.

Яхши бўлсанг келинчак,
Бўла кўрма эринчак.

Ўтлоқда бедана кўп,
Дангасада — баҳона.

Қазийберсанг, тоғ ҳам қулар.

Қарасанг — борман,
Қарамасанг — доғман.

Қарасанг, қанд ерсан,
Қарамасанг, панд ерсан.

Қизил юзни сарғайтма,
Азиз кўлни қавартири.

Қимирлаган қир ошар,
Тифизлаган тоғ ошар.

Қозон ўтдан, одам ҳаракатдан қизир.

Қолокдан чўлоч яхши.



Қорнинг тўйса, кекирма,
Бекор юриб, бўкирма,

Қулдай бўлиб ишласанг,
Бойдай бўлиб яшарсан.

Қулдек ишла,
Бекдек тишила.

Күш қаноти билан тирик,
Одам — меҳнати билан.

Қўрқоқнинг кўзи катта,
Дангасанинг — сўзи.

Файрат этган тонги кесар,
Файрат темир арқонни узар.

Файратлидан илон қочиб қутулмас.

Файратлидан қуён қочиб қутулмас.

Файратлининг юраги қайнар.
Файратсизнинг юраги ўйнар.

Файратсиз билак — ўринсиз тилак.

Ҳамма нарсанинг отаси — меҳнат.

Ҳар кунги ваъдабозликдан,
Бир кунги жонбозлик яхши.

Ҳаракатинг — соғлигинг,
Меҳнатинг — бойлигинг.

Ҳиммат — элнинг таянчи,
Меҳнат — роҳат қувончи.

Ҳурмат қилсанг, ҳурмат кўрасан,
Меҳнат қилсанг, даврон сурасан.

Ҳурматинг — савлатинг,
Меҳнатинг — давлатинг.

«Ҳўк» деган ҳўқизга ўлим.

Ҳўк деса, ҳўк,
Чўк деса, чўк.



ҲАЛОЛЛИК ВА ТЕКИНХҮРЛИК

Бели оғримаганнинг нон ейишини кўр.
Берсанг — ейди, урсанг — ўлади.
Бир дехқон омоч билан,
Еттовлон чўмич билан.
Бирорвнинг қўли билан тикан юлиш осон.
Давлат¹нинг иллати бор.
Дили покнинг иши — пок.
Дили покнинг йўли — пок.
Ерга боккан иш қилмас,
Иш қилса ҳам, тинч қилмас.
Ишлаб еган зоғоранг
Танангга ёғдек ёқар.
Ишлаб топганинг оши — лаззатли.
Ишлаган эр, тишлаб ер.
Ишламай еган оғримай ўлар.
Камбағалнинг пули — пешона тери.
Ким ишлайди, ким тишлайди.
Кишининг зари кишини бузар,
Зарни кўрган занжирини узар.
Кўнгил тортган ош — ҳалол.
Манглай теринг билан топилган мол,
Танингга ҳалол.
Ошинг ҳалол бўлса, кўчада ич.
Оқар сувнинг ҳароми йўқ.
Оғзингдан чиққан тупрук,
Ерга тушса, макрух.
Оғиз еса, кўз уялар.
Пора дўзах эшигини очар,

¹ Давлат — бу ерда ҳаром топилган бойлик маъносида

Ўзини билган ундан қочар.

Пора еган пона ер.

Пора канда бўлмаса,
Пароканда бўласан.

Порахўр бойимас,
Ўри койинмас.

Порахўр беш қўлини оғзига тиқар.

Порахўр — текинхўр.

Порахўр — ҳаромхўр.

Порахўрнинг кўзи бешта,
Қўли — тўртта.

Порахўрнинг тавбасидан қўрк,
Муғомбирилнинг — йифисидан.

Текин бўлса, мих ют.

Текин гўштнинг суяги бурун йиртар.

Текин еган — кўзга тикан.

Текин егуンча, экиб е.

Текин ема, тешади,
Сим бўлсанг ҳам, эшади.

Текин томоқ одамнинг тузоги,
Едириб айтади: Аммамнинг бузори.

Текин томоқ тиш синдирап.

Текин томоқ тотлик келар.

Текин томоқнинг таъми бошқа,
Еганларнинг боши қашқа.

Текин томоқнинг тиканаги тиқилар.

Текин топган мол ёмон,
Охири кўймас омон.

Текин тўн қимматга тушар.

Текиндан томоқ бўлса,
Кирқ кун ётмоқ керак.



Текиннинг миннати кўп,
Меҳнатнинг — зийнати.

Текинхўр бойимайди,
Бойиса ҳам юқмайди.

Текинхўр соясидан қўрқар.

Текинхўр — сувсиз ариқ.

Текинхўр қолиб ейди,
Меҳнаткаш топиб ейди.

Текинхўрга тенг келма, қопади,
Ўз айбини текин пулга ёпади.

Текинхўрга шафқат йўқ.

Тиканнинг заҳри ёмон,
Текинхўрнинг қаҳри ёмон.

Томогининг йўли тоза,
Иши бўлар покиза.

Тотли томоқ тамукқа туширад.

Узум тилаганга узиб-узиб бер,
Қовун тилаганга — қон ялатиб.

Халқ молини еган ҳалқумидан илинар.

Шароб текин бўлса, ҳамма ичар,
Текинхўр виждонидан кечар.

Ширафурушнинг шираси бор,
Ортиш-тортиш кираси бор.

Экканда йўқ,
Тикканда йўқ,
Хирмонда ҳозир.

Элдан ош есанг, элга ош бер.

Эшак Маккага бориб ҳалол бўлмас.

Эшакнинг гўшти ҳаром,
Меҳнати — ҳалол.

Юлғич борнинг молин юлқар,
Йўқнинг номин булғар.



Юлгич юлади,
Юлиб олгач, күмади.

Юлгич юлиб түймас.

Юлгич юлиб түймайды,
Қиргич қириб қўймайды.

Ўрокда йўк,
Машокда йўк,
Хирмонда хозир.

Ўзи ўлган қўй курбонликка кирмас.

Ҳалол иш — лаззатли емиш.

Ҳалол ишла, ҳалол тишла.

Ҳалол меҳнат ерда қолмас.

Ҳалол меҳнат — мўл даромад.

Ҳалол молнинг қулфи ўзида бўлар.

Ҳалол пишиб чиқар,
Ҳаром тешиб чиқар.

Ҳаракатинг эрта бўлса,
Кузда эрта ўрасан.
Меҳнатингни ҳалол қилсанг,
Хузурини қўрасан.

Ҳаром егин тўйгунча,
Калтак егин ўлгунча.

Ҳаром иш тез қаритар.

Ҳаром ҳаромни чақирап.

Ҳаромдан келган ҳаромга кетар.

Ҳаромдан минг танга,
Ҳалолдан бир танга.

Ҳаромзода буғдой қўрсатиб, арпа сотар.

Ҳаромзода сувдан ҳолва пиширап.

Ҳаромзоданинг қуйруги — бир тутам.

ТҮФРИЛИК ВА ЭГРИЛИК

Айби борнинг тизи қалтирад.
Айбини яширган бой бўлмас.
Айтиб қилган ўғирликнинг айби йўқ.
Алишар бўлсанг, чинингни айт,
Қовушар бўлсанг, сирингни айт.
Асли қора оқармас,
Асли бузук тузалмас.
Афting қийшик бўлса ойнадан ўпкалама.
Балиқ бошидан сасир.
Бемаҳал юрган қоқилар.
Бетга айтганинг заҳри йўқ.
Бигизни канорага яшириб бўлмас.
Билакка бокма, юракка бок.
Билмаганни билдим дема,
Қилмаганни қилдим дема.
Бир тулкининг хийласи
Неча ерда панд берар.
Бир хотиннинг хийласи
Кирқ эшакка юк бўлар.
Бирорни алдама,
Юрган кўчангнинг боши берк.
Бозордаги аллоп,
Қиласи иши — қаллоб.
Бойлик, бойлик туби ўғирлик.
Бўрининг оғзи еса ҳам қон,
Емаса ҳам — қон.
Гадой тилаб олади,
Жодугар ўзи олади.
Гуноҳсиз одам подшодан кўркмас.
Даладан келган ўғрини тутиш осон,

Үйдаги ўғрини тутиш қийин.
Дардини яширган дармон топмас.
Дардни беркитсанг, иситмаси ошкор қилар.
Дили түғрининг йўли түғри.
Дили қинғирнинг тили — қинғир.
Еяр оғизни емас оғиз боғлар.
Ёз ёмғири лой бўлмас,
Ўғри асло бой бўлмас.
Жаллоб, турган-битгани қаллоб.
Заргар фирибгар бўлса, олтин занглар.
Игна ўғирлаган сигир ҳам ўғирлар.
Игна ўғирлагандан сигир йўқотган гумонсирап.
Илон ўз эгрилигини билмас,
Туяning бўйнини эгри дер.
Илон ҳар ерда буралиб юрса ҳам,
Ўз инига боргандада түғриланар.
Ит тўйган куни ўғрилик қилмас.
Итимнинг бори йўқ,
Емиши қора чарос.
Ишсизнинг иши — ўғирлик.
Йули бузукнинг ёқаси йиртиқ.
Йўқликнинг уяти йўқ,
Ўғирлик — уят.
Кавушимни олган бир киши,
Гумондорим минг киши.
Кўз тарози, кўнгил — қози.
Кўнгил тўғри учун,
Қулф ўғри учун.
Манман камтардан енгилар,
Тўғри эл ичидатанилар.
Мис қозоннинг миси чиқар,
Беркитганинг иси чиқар.

Мулланинг ёмони — варакчи,
Одамнинг ёмони — қарокчи.

Муғомбир тумшуғидан илинар.

Найранг билан иш кўрган
Кўп қийналиб жон берар.

Ноҳақ ишга ривож йўқ.

Очкўз бойимас, ўғри тўймас.

Ростга завол йўқ.

Савдогар, иши доим хийлагар.

Саёқ кетди, саёқ кетди,
Саёқ кетидан таёқ кетди.

Тавба қилганни эл кечирар.

Тавбачининг ошини егуңча,
Қасам ичган яхши.

Таёқ ур-да, гўрга кир,
Таёқ е-да, дўнгга чиқ.

Тева ўғирлаган тева бўйи чуқур казир.

Тилингни тўғри тутолмасанг,
Дилингни тўғри тут.

Тоғ эшитганини дейди.

Тулки тулкилик қилас.
Бўри бўрилик қилас.

Тулки тулкилигини қилгунча,
Териси қўлдан қўлга ўтар.

Тулки товга,
Қўйруғи сойга.

Тулки-қарсок ини бир,
Ғар-ўғрининг тили бир.

Туллакни тузокка тушириш осон эмас.

Тухум ўғриси тая ўғриси ҳам бўла олади.

Туши ўнгнинг иши ўнг.

Туядада тўғри жой бўлмас.



Түни ёмонни ит қопар,
Күнгли ёмонни ҳақ топар.

Түғри бола ўстирсанг,
Халқ ичида шер бұлар.
Эгри бола ўстирсанг,
Икки күзи күр бұлар.

Түғри бошни эгри қилич кесмас.

Түғри девор узокқа чидар.

Түғри йўл — эл йўлдоши.

Түғри ошини ер,
Эгри бошини.

Түғри юрган кийикнинг
Кўзидан бошқа айби йўқ.

Түғри юрдим — етдим муродга,
Эгри юрдим — колдим уятга.

Түғри ўсган гул бұлар,
Эгри ўсган кул бұлар.

Түғри ӯзар, эгри озар.

Түғрига бало йўқ,
Ёмонда ҳаё йўқ.

Түғрилик тўрга тортар,
Ўғрилик — гўрга.

Түғриликка ўлим йўқ.

Фирибагра шайтоннинг ҳаваси келар.

Хўроз қичқирмаса ҳам тонг отаверади.

Эгилган бошни қилич кесмас.

Эгилган дарахтга суюнма,
Сени ҳам эгар.

Эгри битган дарахт тўғри ўсмас.

Эгри бўлсанг, синар қанотинг,
Тўғри бўлсанг, чиқади отинг.

Эгри иш эллик йилдан кейин ҳам билинар.

Эгри йўлдан юрсанг ҳам, түғри юр.
Эгри калтақдан түғри соя тушмас.
Эгри мўридан эгри тутун чиқар.
Эгри таёқ кўтарганни эгри таёқ билан ур.
Эгри таёқнинг бутоғи бурунни йиртар.
Эгри юк манзилга етказмас.
Эгри усган терак,
Нимага ҳам керак.
Эгри қозикка — эгри тўқмоқ.
Эгри қул ишга етмас,
Ишга етса ҳам, иши битмас.
Эгрининг сояси ҳам эгри.
Эр юраги пок бўлса,
Ёв хийласи хок бўлар.
Эрнинг атоғи элга сифса ҳам,
Чатоғи сифмас.
Юзим оқ бўлсин десанг,
Ишингни түғри кил.
Юзнинг қоралиги уят эмас,
Юзи қоралик уят.
Юлдуз асло ой бўлмас,
Ўғирликтан бой бўлмас.
Юриши ёмон йигитни ёв олар.
Юртда ўғри топилмаса,
Заргарни дорга ос.
Ўзи тўғрининг — сўзи тўғри.
Ўзи килган ўкинмас.
Ўзи қинғирнинг — сўзи қинғир.
Ўрганган ўғри ўрмонда қолар.
Ўғирлик айб, ғарлик айб,
Камбағалликнинг неси айб.

Үғрилик күздан бошланар,
Тұғрилик — сұздан.

Үғирлик мол бой қилмас.

Үғирлик молнинг таги қилдай,
Тұғрилик молнинг боши тоғдай.

Үғирлик ош баданга юқмас.

Үғирлик солсанг қўйнингга,
Сиртмок тушар бўйнингга.

Үғри беркитиб олар,
Қароқчи — кўрқитиб.

Үғри бойлик топса, баҳтидан кўрап,
Тұғри бойлик топса, меҳнатдан кўрап.

Үғри зўр бўлса,
Даъвогар жавобгар бўлар.

Үғри зўр келса,
Мол эгасини енгар.

Үғри кирап жойини эмас,
Қочар жойини кўзлар.

Үғри мушук кунда ухлаб, тунда кезар.

Үғри том тешар,
Қароқчи йўл тўсар.

Үғри — тун ошгунча,
Бўри — дўнг ошгунча.

Үғри юрт ололмас.

Үғри үғрилаб йўлга тушар,
Охири бориб қўлга тушар.

Үғри үғрига — холавачча.

Үғри қўли кесилмагунча
Үғрилигини қўймас.

Үғри ҳам нолийди, үғирлатган ҳам.

Үғрига мол қаҳатми.

Үғрига үғриликдан мол кирмаса,
Үз бўркини үғирлар.

Үғридан қолгани — қароқчиники.

Үғрини уйга киргизма,
Оёнини ерга тегизма.

Үғрини үғри десанг, ўлгиси келар,
Тўғрини үғри десанг, кулгиси келар.

Үғрини қароқчи урап.

Үғрининг елкаси — қийшик.

Үғрининг кети — қувиш.

Үғрининг кўзи — ўлжада.

Үғрининг кўзи — ўмочда.

Үғрининг кўнгли — гумонда.

Үғрининг уйи бўлмас,
Уйида сири бўлмас.

Үғрининг ўзи — битта, кўзи — юзта.

Қамиш ичидা илон тўғри.

Қинғир иш қирқ йилдан кейин ҳам билинар.

Қинғир иш — қирғин иш.

Қинғир одам — бир томон,
Кирқ одам — бир томон.

Қинғир қилич қинга тўғри.

Қинғирлик — тириклик гўри,
Эгрилик — умрнинг шўри.

Қирқ киши ҳам бир,

Қинғир киши ҳам.

Кора итнинг уяти оқ итга тегар.

Кора кўнгил — яра кўнгил.

Кулоқдан кўз ҳак.

Кулф үғри учун,
Мехр тўғри учун.

Құли қінғирнинг — дили қінғир.

Құтон бүрисиз бұлмас,
Эл — үғрисиз.

Фийбатчининг дили кир,
Fap-үғрининг тили бир.

Хақиқат олтінданды қиммат.

Хақни айтған хор бұлмас.

Хақни ноҳақ этма,
Ноҳақни ҳақ этма.

Хұқиз үлса ҳам, құзининг олалиги колмас.

ЯХШИЛИК ВА ЁМОНЛИК

Ажалга даво йүк,
Ёмонга — бало.

Асл одам ҳеч үлмас.

Аслнинг хатоси бұлмас,
Ёмоннинг ошнаси бұлмас.

Аччиқни аччик кесар.

Баст этган үзар,
Қасд этган тұзар.

Бахтиёр бұлса замон,
Ношукур бұлма — ёмон.

Бахши бор жойда яхши бор.

Безоридан хамма безор.

Бекорчидан безиб қоч,
Чакымчидан — күчиб.

Бели оғримаган бел бұлмас,
Бировнинг хизматин билмас.

Бекүнимга күним йүк.
Ёмон одамга — үлим.

Бир илон бир уй одамни тинчитмас.

Бир калнинг ҳийласи
Қирқ кишини чарчатар.

Бир киши ариқ қазар,
Минг киши сув ичар.

Бир кун туз ичган жойга
Қирқ кун салом бер.

Бир кўнгил иморати —
Минг Макка зиёрати.

Бир сўзлиниң юзи — ёруғ,
Мунофиқниң юзи — чорик.

Бир тулки етти бўрини етаклар.

Бир яхши билан бир ёмон келишар,
Икки ёмон келишмас.

Бир қорин мойни бир қумалоқ бузар.

Бирники — мингга,
Мингники — туманга.

Бирнинг касофати юзга,
Юзники — мингга.

Бирор тузар, бирор бузар.

Бирор ўлмай, бирор кун кўрмас.

Бирорга кесак отсанг,
У сенга тош отади.

Бирорга чоҳ қазима, ўзинг тушарсан.

Бирорнинг айбига кўз-қулоқ бўлма.

Бирорнинг сўзи яхши,
Бирорнинг — ўзи.

Бобонинг тол эккани —
Ўзига ном эккани.

Бола безори — киши озори.

Бу дунё ўтар-кетар,
Юзи қоралик қолар.



Буғдойдан—буғдой,
Арпадан—арпа.

Виждонсиз кишидан үпкалама.

Гина — адоватнинг қўшниси.

Гул тиканин захри ёмон,
Кизмонданинг қаҳри ёмон.

Гуноҳи — меники, савоби — сизники.

Гуручнинг курмаги бор,
Ёмоннинг тўқмоги бор.

Гўрингдан сув чиқмасин,
Уйингдан — кув.

Давлат битса ёмонга,
Ўзин санар хоқонга.

Дарёга яхшилик қилсанг,
Ажрини биёбондан топасан,

Дили қора — тили қора,

Дили қоранинг килмиши — қийиклик.

Дилозори — худобезори.

Дод қолдирма, от қолдир.

Доф остида доф қолмас.

Дунё ёруғ бўлсин десанг,
Уйингга чирок ёқ.

Дуторсиз бахши бўлмас,
Ёмонсиз — яхши.

Душманингни асал билан бўғ.

Душманни мушт билан урма,
Ош билан ур.

Ер тўйдирап, ўт куйдирап.

Ер қаттиқ бўлса, ҳўкиз ҳўқиздан кўрап.

Ёвдан яхшилик чиқмас.

Ёвдан яхшилик юқмас.

Ёмон айғирда ёл бүлмас,
Үлармонда ҳол бүлмас.

Ёмон арава йүл бузар,
Ёмон хотин — уй.

Ёмон арида бол бүлмас,
Сувсиз ерда — тол.

Ёмон аталиб тирик юргунча,
Яхши аталиб үлган яхши.

Ёмон атлас билан ҳам ёмон.

Ёмон балиқ сув лойқатар.

Ёмон баҳил бүлар,
Яхши — ахил.

Ёмон билан ер құшни ҳам бүлма,
Гүр құшни ҳам бүлма.

Ёмон билан ётма,
Эрта туриб айтма.

Ёмон билан йүлдош бүлма,
Нодон билан — сирдош.

Ёмон билан йүлдош бүлсанг,
Ёмондан бурун ұласан,
Яхши билан сирдош бүлсанг,
Яхшилик билан унасан.

Ёмон билан сүз олишгунча,
Күча алиш.

Ёмон билан юргунча,
Ёлғиз юргин үлгунча.

Ёмон билан юрдим, қолдим уятга,
Яхши билан юрдим, етдим ниятга.

Ёмон билан юрсанг, ёмон бүласан,
Яхши билан юрсанг, омон бүласан.



Ёмон бола күзидан,
Билинади сүзидан.

Ёмон бузок ёпифин ер.

Ёмон бука үз бошига үт ер.

Ёмон гап ер тагида уч йил ётар.

Ёмон ёвга бўлишар.

Ёмон ёвдан қочар.

Ёмон ёмон билан.

Яхши замон билан.

Ёмон ёнига йўл олма,
Йўл олсанг ҳам, ёр олма.

Ёмон илон тегирмон бошида айланар.

Ёмон ит кундузи хурап.

Ёмон «йилгин» десанг, «қирғин» дер.

Ёмон йўлдан юрган тuya чўкар.

Ёмон йўлдош бўлмас,
Йўлдош бўлса ҳам сирдош бўлмас.

Ёмон келса — бузар,
Яхши келса — тузар.

Ёмон кун яхши бўлар,
Ёмон одам яхши бўлмас.

Ёмон — кунчи, яхши — синчи.

Ёмон кучук бўсафада хурап.

Ёмон кўз тош ёради,
Ёмон дуст — бош.

Ёмон кўрган кишингга
Ёмон кўрган молингни бер.

Ёмон куришни билмаган,
Яхши куришни ҳам билмас.



Ёмон мүридан аччик тутун чиқар,
Ёмон уйдан — сассик гап.

Ёмон одам йўлдошини қаритар.

Ёмон одам тил билан куйдирап.

Ёмон одам тукқанини ёмонлар.

Ёмон одам тўймас,
Ёмонлигини қўймас.

Ёмон осилар,
Юввош босилар.

Ёмон от ёлдор бўлар.

Ёмон от охур бузар,
Ёмон ит эгасини узар.

Ёмон от сувлик тишлар.

Ёмон от тўрва тешар.

Ёмон отга ёл битмас.

Ёмон отга ёл битса,
Ёнига турсуқ бойлатмас.
Ёмон эрга мол битса,
Ёнига кўшни йўлатмас,
Йўлатса ҳам тиндирмас.

Ёмон отинг чиққунча,
Тотли жонинг чиқсин.

Ёмон отни ёғ босар.

Ёмон отни мақтаган йўлда қолар.

Ёмон отни мингуунча,
Яёв юргин үлгунча.

Ёмон сигир ёзда туғар.

Ёмон сойга сув тушса,
Кечув бермас кечарга.

Ёмон текканга тегар,
Тегмаганга кесак отар.

Ёмон тиртиқ қилар,
Бутунни йиртиқ қилар.

Ёмон тузалса, замон тузалар.

Ёмон фарзанд ота-онани ерга қаратар,
Яхши фарзанд ота-онани элга оралатар.

Ёмон фарзанд пойгага туширад,
Яхши фарзанд түрга үтқазар.

Ёмон хотин — дардсиз касал.

Ёмон хотин ёмон кунда қочар,
Яхши кунда кулиб, бағрин очар.

Ёмон хотин кимники — олақопники,
Олақопинг бұлмаса, аллакимники.

Ёмон әркак түй бузар,
Ёмон хотин — уй.

Ёмон этагингни йиртса,
Этагингни кесиб қоч.

Ёмон эшак ип узар,
Ёмон хотин уй бузар.

Ёмон юрган йүлда чүкар.

Ёмон яхши бұлмас,
Эшак — бахши.

Ёмон яшар, яхши қақшар.

Ёмон — үз ғамида,
Яхши — эл ғамида.

Ёмон үзини билмас,
Үзгани күзга илмас.

Ёмон үлди деса, ишон,
Ёмонлигини күйди деса, ишонма.

Ёмон үрдак аввал учар.

Ёмон ошга ўрток,
Бошга — түкмок.

Ёмон ўтганинг ўроғини олар,
Кетганинг — кетменини.

Ёмон қилиқдан — күзга ёш,
Яхши қилиқдан — оғизга ош.

Ёмон хўқиз шамиён синдирап.

Ёмон хўккизга шоҳ битса, сузиб ўлдирап,
Ёмон одамга мол битса, уриб ўлдирап.

Ёмонга айтсанг сирингни,
Мингта қилас бирингни.

Ёмонга бош бўлгунча,
Яхшига йўлдош бўл.

Ёмонга гапирсанг — бир бало,
Гапирмасанг — икки бало.

Ёмонга гур қўшни қилма,
Иғвогарга — ён қўшни.

Ёмонга ёмон бўл,
Яхшига — томон.

Ёмонга ёндашган йиқилмай қолмас,
Охири бир чукурга тиқилмай қолмас.

Ёмонга ёндашма,
Яхшидан адашма.

Ёмонга ёғ ёқмас,
Эчкига — қўймок.

Ёмонга ёғ ярашмас,
Калга — саримсок.

Ёмонга ишинг тушмасин,
Қулонга — қушинг.

Ёмонга йўлиқсанг, «ёв келди» қилас.

Ёмонга кун ҳам қоронғу, тун — ҳам.



Ёмонга ош бергунча,
Яхшига баш бер.

Ёмонга ош тортгунча,
Бошига беш торт.

Ёмонга сир айтма, юртга ёяр.

Ёмонга чүп ботар,
Яхшига — сүз.

Ёмонга эл бүлгүнча,
Яғир отга бел бүл.

Ёмонга юрт қолмасин,
Үөрига — мол.

Ёмонга яқынлашсанг, балоси юқар,
Қозонга яқынлашсанг — қораси.

Ёмонга үлим йүк,
Яхшига — юрим.

Ёмонга қызы түгүл, туз ҳам берма.

Ёмонга ҳазил қылсанг, ёқангни йиртар.

Ёмонда ор бүлмас,
Яхши хор бүлмас.

Ёмондан дөр қолар,
Яхшидан — бөр.

Ёмондан ё кочиб күтүл,
Ё — тониб.

Ёмондан — ёрти қошиқ.

Ёмондан жар бүйи қоч.

Ёмондан ит яхши,
Сиркадан бит яхши.

Ёмондан түн кийсанг,
Түйда «түним бер» дейди.

Ёмондан яхши тувади,
Ёмоннинг юзини ювади.

Ёмондан қарз олсанг, ҳам йўлда қистайди,
Ҳам — гўрда.

Ёмондан қарз этма,
Қарз этсанг ҳам, харж этма.

Ёмондан қарздор бўлсанг,
Кўп ичидан ёқангдан олар.

Ёмондан коровул бўлса, ёв етти бўлар.

Ёмондан қоч, яхшига ёндош.

Ёмондан ҳайвон яхши,
Бостирадан — айвон.

Ёмонларга бошчи бўлгунча,
Яхшиларга қўшчи бўл.

Ёмонлик итнинг ҳам кўлидан келади.

Ёмонликни олдингда тут,
Яхшилик келса — иқболинг.

Ёмонни ишга эмас, ошга чақир.

Ёмонни танқид кил,
Яхшига — тақлид.

Ёмонни юборсанг, билдириб келар,
Яхшини юборсанг — тиндириб.

Ёмоннинг балосига,
Қайга борай давосига.

Ёмоннинг бир қилиғи ортиқ,
Устига ёқаси йиртиқ.

Ёмоннинг боласи йўлда ётиб от хуркитар.

Ёмоннинг бўзини олгунча,
Яхшининг сўзини ол.

Ёмоннинг давлати — яхшининг оғати.

Ёмоннинг дастурхонидан
Яхшининг устикони яхши.

Ёмоннинг дўсти кўп,
Пиёзнинг — пўсти.

Ёмоннинг жанозасидан
Яхшининг хикояси фойдали.

Ёмоннинг жағи тинмас.

Ёмоннинг жағига илон тухум қўяр.

Ёмоннинг жони — азиз.

Ёмоннинг зарари тегар кенг йўлда,
Яхшининг фойдаси тегар тор йўлда.

Ёмоннинг кучи япалоққа етар.

Ёмоннинг кўзи юрак оғритар.

Ёмоннинг нияти — бузук,
Яхшининг нияти — тузук.

Ёмоннинг оёғи — саккиз.
Бири тегмаса, бири тегар.

Ёмоннинг оти билан улоқ олгунча,
Яхшининг эшагида отқулоқ ол.

Ёмоннинг отидан яхшининг сўзи яхши.

Ёмоннинг орзига — ямок,
Яхшининг орзига — қаймок.

Ёмоннинг яраси битмас.

Ёмоннинг яххиси бор.

Ёмоннинг яххиси бўлгунча,
Яхшининг ёмони бўл.

Ёмоннинг қилмиши ёмонлик,
Яхшига бермас омонлик.

Ёмоннинг қулогига яхши ўгит кирмаса,
Ёмон ўгит кирад.

Ёрдам бергин,
Кимсан, деб сўрама.

Ёқма — пишарсан, қазима — тушарсан.

Замон ёмон эмас,
Замонга бокмаган ёмон.

Замон сенга бокмаса,
Сен замонга бок.

Замон сени үқитар,
Жохиллигинг йўқ этар.

Замон тузалса, ёмон тузалар.

Заҳар заҳарни кесар.

Икки ёмон қўшилса,
Кенг дунёга сий(в)ишмас.
Икки яхши қўшилса,
Бирини бири қиймас.

Икки яхши уяда битар,
Икки ёмон — кияда.

Икки яхши эрикмас,
Икки ёмон бирикмас.

Икки яхши қасд бўлмас,
Икки ёмон — дўст.

Илон бўлиб яшагандан,
Йилки бўлиб кишинаган яхши.

Илон гоҳ-гоҳ чакар,
Ёмон доим чакар.

Илон заҳри — тишида,
Ёмон заҳри — тилида.

Илон илоннинг қўйруғини босмас.

Илон иши — заҳар солмок.

Илон пустини ташлагани билан қилигини ташламас.

Илон пустини ташласа ҳам — илон.

Илон ўз заҳридан ўлмас.

Илон ўлса ҳам, заҳри тишида қолар.
Илонга сув берсанг ҳам, заҳар томар.
Илондан—илон, чаёндан—чаён.
Илонни тушда кўрсанг — ганж,
Ўнгда кўрсанг—яч.
Илоннинг ўлгиси келса, изда ётар.
Индамасни ит қопар.
Инсон — гавҳари Қобул.
Ит акилласа, оғзига ур.
Ит аразлар, эгаси билмас.
Ит аччиини турнадан олар,
Бит аччиини — бургадан.
Ит вовуллагани билан тоғ қуламас.
Ит еганидан бўри егани яхши.
Ит итлигини этар,
Тўн этагини йиртар.
Ит ойга қараб хурап.
Ит отасини танимас.
Ит очик қолган қозонни ялар.
Ит оғзидан суюк олиб бўлмас.
Ит сарқитини йўлбарс емас.
Ит тумшуғини тиққан ерга,
Сув ичгали шер келмас.
Ит тукқанини танимас.
Ит тўйи жанжалсиз ўтмас.
Ит эгасини танимас,
Мушук — бекасини.

Ит қилганни иторчи қилмас.

Ит ҳуар, карвон ўтар.

Итдан ёруғлик чиқмас,
Битдан — чориғлик.

Итдан қолганини мушук емас.

Итинг ёмон бұлса, отиб қутуласан,
Отинг ёмон бұлса, сотиб қутуласан,
Құшнинг ёмон бұлса, күчиб қутуласан,
Эринг ёмон бұлса, кетиб қутуласан,
Феълинг ёмон бұлса, ұлиб қутуласан.

Итнинг иррилагани — саломлашгани.

Итнинг иши — йиртмоқ.

Итнинг иши — узмоқ,
Ёмоннинг иши — бузмоқ.

Итнинг ошнаси бұлмас.

Иғвогар иғво тарқатар,
Ифлос ғавғо тарқатар.

Иғвогарга оқ сут ҳам қора.

Иғвогарнинг ўзи ёмон,
Ўзидан сүзи ёмон.

Йиртқични уясида янч.

Йүқ муттаҳамдан бор муттаҳам ёмон.

Калтак ўқталғанга чұқмор кутар.

Кетарга келса — эл ёмон,
Құчарга келса — ер ёмон.

Кимки бұлса дилозор,
Үндан элу юрт безор.

Киши айбига этак ёп.

Киши бўлган кишининг
Киши билан иши бор.
Киши бўлмаган кишининг
Киши билан нима иши бор.

Кул қолдирма, гул қолдир.

Кулганга кула боқма,
Бетига куя ёқма.

Куннинг ёмони кетар,
Одамнинг ёмони кетмас.

Кўзга — кўканак,
Оёққа — тиканак.

Кўнгил торлиги — хорлик.

Кўнгилнинг оласи — худонинг балоси.

Кўнгли қорадан пес яхши.

Кўнгли қоранинг юзи қора.

Кўча безори — она безори.

Лаънат ёғдирувчи бўлма,
Рахмат эшитувчи бўл.

Магиз аччик бўлса, пўстига ҳам урап.

Махсисининг пошнаси бўлмас,
Ножинсининг — ошнаси.

Меванинг яххисини қурт ейди.

Митанинг ёмони тегирмондан бутун чикар.

Мол боқсанг, оғзи-бурнинг — мой,
Бўри боқсанг, оғзи-бурнинг — лой.

Мушт урсанг, шапалоқ кут.

Ниятинг — йўлдошинг.

Обод қилган обод бўлар.



Одам бўлиш — осон,
Одамий бўлиш — қийин.

Одам бўлмоқ аста-аста,
Ҳайвон бўлмоқ бирпаста.

Одам захрини одам олар.

Одам одамдан қутулар,
Ёмон феълидан қутулмас.

Одам одамнинг дардини олар.

Одам — одамнинг кўзгуси.

Одам тувилиб ёмон бўлмас,
Улгайиб ёмон бўлар.

Одамнинг ғаламисига дунё бир пул.

Оёғи ифлос тўр булғар,
Ўзи ифлос эл булғар.

Олмадан бодом бўлмас,
Теги паст одам бўлмас.

Олтин олма, дуо ол,
Дуо олтин эмасми.

Олтин олма, олқиши ол,
Олқиши олтин эмасми.

Олқиши олган омондир,
Қарғиши олган ёмондир.

Омон бўлсанг, ош ерсан,
Ёмон юрсанг, тош ерсан.

Омон юрсанг, отинг ўзар,
Ёмон юрсанг, бахтинг тўзар.

Ориқ деган ёмон той,
Ёзга чиқиб от бўлар.
Ёмонликни кўп қилса,
Яхши киши ёт бўлар.



Остонадан айвон яхши,
Виждонсиздан ҳайвон яхши.

Ота боласи бўлма,
Одам боласи бўл.

Ота-онасини танимаган тангрисини танимас.

Отангни ўлдирганга онангни бер.

Отангни ўлдирганга яхшилик қил.

Отнинг ёмони — ола,
Хотиннинг ёмони — бало.

Отнинг ёмони охур бузар.

Отнинг ёмони той билан ўйнар,
Эшакнинг ёмони от билан ўйнар.

Отнинг ўлими — итнинг байрами.

Охир замон бўлса,
Тоға жиян билан козилашар.

Оқ деган — олқиши,
Қора деган — қарғиши.

Оқ ит, кора ит, бари — бир ит.

Оқкунгилликнинг оти ҳам озмас,
Тўни ҳам тўзмас.

Рахбарнинг яхшиси ундирап,
Ёмони сўлдирап.

Ризқ ҳам азалий,
Ёмон ҳам азалий.

Савоби ошкорадан
Гуноҳи пинҳона афзал.

Савобнинг таги — тешик.

Савобнинг эшиги — кўп.

Сарбозор — сакбозор.

Сарой қуриб, шахар бузма.

Сувнинг иши — ӯпирмок,
Ўтнинг иши — куйдирмок.

Сузадиган сигирга мугуз битмас.

Сузагон сигир шохидан айрилар.

Тақир ердан чанг чиқарма,
Йўқ ердан жанг чиқарма.

Тентак тош терар,
Қотил — бош.

Тентак чўқмор йигар.

Тепиб ўтма, суюб ўт.

Тикан бўлиб оёққа қадалгунча,
Гул бўлиб кўкракка санчил.

Тилаги яхши камол топар,
Тилаги ёмон — завол.

Тош билан урганни ош билан ур.

Тош отганга ош от.

Тузган ҳам одам,
Бузган ҳам одам.

Туяниг бўйни ёмон,
Ёмоннинг ўйини ёмон.

Туриладиган болага тўғаноқ бўлма.

Тўйда кўрса, тўнимни бер,
Уйда кўрса, унимни бер.

Тўриқ кўз чиқарап.

Ўйи бузук ўнгалур,
Ўйи бузук ўнгалмас.

Урушқоқ хўроз семирмас.

Усталик жой битар,
Қассоблик жой йитар.

Хайр қил ўладигандек,
Иморат қур ўлмайдигандек.

Хайрли ишнинг кечи йўқ.

Хайрли ишнинг хайриҳоҳи кўп.

Хизматга — тухмат.

Чаённинг касби — чақиш.

Чала довруққа чол йиқилар.

Шайтоннинг оздиргани — ўзиники.

Шакар пашласиз бўлмас,
Арпа — кесаксиз.

Шароб узумдан ранг олар,
Одам одамдан ранг олар.

Шаҳарнинг қаъласи — қўроғон,
Одамнинг ёмони — гап урган.

Эговни эгов ейди,
Захарни заҳар ейди.

Эзгуликнинг кечи йўқ.

Эй тил, яхшиликни бил.

Эл яхшиликни унутмас.

Элчига ўлим йўқ.

Элчининг кечикканига суюн.

Энанг қилса зўрликни,
Боланг тортар хўрликни.

Эр йигит элга тортар,
Емон юкин элга ортар.

Эрга берсанг ошингни,
Эрлар силар бошиングни.



Итга берсанг ошиңгни,
Илтар ғажир бошиңгни.

Эсқисиз янги бүлмас,
Емонсиз яхши бүлмас.

Эчки эгиз туғиб қўйдан ошмас,
Ит эгиз туғиб элдан ошмас.

Эчкини ҳам ўз оёғидан осарлар,
Кўйни ҳам.

Эчкининг ёғи бүлмас,
Яхшининг — доғи.

Эшак сийпаганни билмас,
Ёмон — сийлаганни.

Яланғоч игна кийинтиради.

Янгилик яратар бир киши,
Бахраманд бўлар ҳар киши.

Яниса, пичоқ кесар,
Ялинса, яхши кечар.

Ярамас ўтдан ярамас тутун чикар.

Ярамас яроғ йигар.

Яхши айтар: Йўл қўйдим,
Ёмон айтар: Мен енгдим.

Яхши билан йўлдош бўлсанг,
Етарсан йирокқа.
Ёмон билан йўлдош бўлсанг,
Тушарсан тузоққа.

Яхши билан йўлдош бўлсанг,
Ишинг битар.
Ёмон билан йўлдош бўлсанг,
Бошиңг кетар.

Яхши билан йўлдош бўлсанг,
Ҳолва билан шакар.

Ёмон билан йўлдош бўлсанг,
Обрўйинг тўкар.

Яхши билан юрдим,
Йўлимни топдим.
Ёмон билан юрдим,
Гўримни топдим.

Яхши билан юрсанг,
Етарсан муродга.
Ёмон билан юрсанг,
Коларсан уятга.

Яхши билан юрсанг,
Кунда бозор.
Ёмон билан юрсанг,
Кўнглинг озар.

Яхши билиб сўзлар,
Ёмон тилиб сўзлар.

Яхши бир тавба қилади,
Ёмон — юз.

Яхши битирап,
Ёмон йитирап.

Яхши бошлайди йўлга,
Ёмон туширап кўлга.

Яхши — боғу бўстон,
Ёмон — қора қозон.

Яхши бўлсанг, болдай бўл,
Ёмон бўлсанг, увдай бўл.

Яхши бўлсанг, яқин кўп.

Яхши бўлсанг, яшарсан,
Насибангни ошарсан.

Яхши бўлсанг, ўзарсан,
Ёмон бўлсанг, тўзарсан.

Яхши ёнида ёмон ҳам ўнгишади.

Яхши жонингга ўртотк,
Ёмон — нонингга.

Яхши ит ўлигини кўрсатмас.

Яхши ишга жарчи бўлсанг, жирканма.

Яхши йигит билан яхши от — кўпники.

Яхши киши — тегчил,
Ёмон киши — кекчил.

Яхши одам ўйнаб-кулиб кечирап,
Ёмон одам қону зардоб ичирап.

Яхши от эрники, эр — элники.

Яхши отга ўфирилик кўп,
Яхши хотинга — зўрлик.

Яхши отга қамчи керакмас,
Яхши қизга — совчи.

Яхши отдан йиқилса, ёмон — табачи,
Ёмон отдан йиқилса, яхши — ҳудайчи.

Яхши ошини ер,
Ёмон — бошини.

Яхши сўйдирап, ёмон сўндирап.

Яхши турмас, ёмон ўлмас.

Яхши уйдан яхши тутун чикар.

Яхши хислат — гўзал фазилат.

Яхши хунук либос билан ҳам яхши.

Яхши чечакка болари қўнар.

Яхши — шарофатли,
Ёмон — касофатли.

Яхши — эл ғамида,
Ёмон — ўз ғамида.

Яхши юрган ерида,
Тинчлик солар элига.
Ёмон юрган ерида,
Үт күяди элига

Яхши яхшига ёндаштирап,
Ёмон йўлдан адаштирап.

Яхши ўзини ёмоннинг ёнида танитар.

Яхши қанд едирап,
Ёмон — панд.

Яхшига гул — соя.

Яхшига етиштири,
Ёмондан кетиштири.

Яхшига ёв ярашмас,
Ёмонга — дов.

Яхшига ёндаш,
Ёмондан адаш.

Яхшига иярсанг — озиқ,
Ёмонга иярсанг — ёзиқ¹.

Яхшига эл дил очар,
Ёмондан турмай қочар.

Яхшига қора юқмас,
Ёмонга эл боқмас.

Яхшида гина бўлмас,
Ёмондан гина кетмас.

Яхшида яроғ бўлмас.

Яхшидан ёмон туғилса,
Эли топилмас.
Ёмондан яхши туғилса,
Тенги топилмас.

Яхшидан ёмон чиқди деб, куйинма,
Ёмондан яхши чиқди деб, суюнма.

¹ Ёзиқ — бу ерда гуноҳ маъносида.



Яхшидан — назар,
Ёмондан — ҳазар.

Яхшидан от қолади,
Ёмондан — дод.

Яхшидан — ярок,
Ёмондан — таёқ.

Яхшилар топиб сұзлар,
Ёмонлар қопиб сұзлар.

Яхшиларга хизмат қилсанг,
Хам айтади, хам қайтади.

Яхшилик икки жағонни орттиар.

Яхшилик күзга күрінмас,
Ёмонлик күмиб құйилмас.

Яхшилик нур келтиар,
Ёмонлик — зулмат.

Яхшилик тұрға әлтар,
Ёмонлик — гұрга.

Яхшилик экса, эсонлик ўрап.

Яхшилик — юзда,
Ёмонлик — күзда.

Яхшилик қил, дарёга ташла,
Балиқ билар,
Балиқ билмаса, холик билар.

Яхшилик қил, уйнингга айтма.

Яхшилик қил, умидвор бұл,
Ёмонлик қил, хабардор бұл.

Яхшилик қилмасанг, ёмонлик ҳам қилма.

Яхшилик қилсанг, яшир,
Яхшилик күрсанг, ошир.

Яхшиликни дарёга қил, биёбондан топ.

Яхшиликни эрдан сүра,
Эр билмаса, элдан сүра.

Яхшини етим дема
Ёмонни — ўзим.

Яхшини кўриб фикр қил,
Ёмонни кўриб шукур қил.

Яхшини сўксанг, суягидан ўтар,
Ёмонни урсанг, терисидан ўтар.

Яхшининг бели сингунча,
Ёмоннинг кўзи кўр бўлсин.

Яхшининг боласи тўрга тортар,
Ёмоннинг боласи — эшикка.

Яхшининг гали — мой,
Ёмоннинг гали — лой.

Яхшининг иши — жаннат,
Ёмоннинг иши — касофат.

Яхшининг насиҳатига кирмаган,
Ёмоннинг йўлига юрап.

Яхшининг тиласи ҳам яхши,
Ёмоннинг нияти ҳам ёмон.

Яхшининг яхшига ортар химмати,
Ёмоннинг яхшига ортар иллати.

Яхшининг қўли сингунча,
Ёмоннинг бели синсин.

Ўзинг яхши — олам яхши.

Ўзингга раво кўрмаганни
Ўзага ҳам раво кўрма.

Ўлганда гўринг кенг бўлсин,
Тириклидга — феълинг.

Ўт тош ёрап,
Тош бош ёрап.



Үтгандардан ибрат ол,
Келажакка ибрат бўл.

Үтиб кетгунча, экиб кет.

Үтни үт билан ўчириб бўлмас.

Ўчакишган ит қопмай қўймас.

Қалб қозони қайнамас,
Қайнаса ҳам қуюлмас.

Қалбнинг юзи қора.

Қасд қилган паст бўлар.

Қашкирнинг ўйи — ёмонлик,
Қўйнинг ўйи — омонлик.

Қилич тутган қиличдан ӯлар.

Қозонга ёндошсанг, қораси юқар,
Ёмонга ёндашсанг, яраси юқар.

Қорамик донаси бўлгунча,
Буғдойнинг сомони бўл.

Қочиб кетгунча, сочиб кет.

Қошиқ билан ош бериб,
Сопи билан кўз чиқарма.

Қоқилса, суя,
Йиқилса, кўтар.

Қудуқни ким қазир,
Сувини кимлар ичар.

Қўйруғини боссанг, сичқон ҳам чийиллади.

Қуш кўнглини оғритма.

Қўйини бирор қарар,
Сутини кимлар ичар.

Қўлингдан келса, қўлингдан бер,
Қўлингдан келмаса, йўлингдан бер.

Ғараз мараздан ёмон.



«Ҳа»га «Ҳу» келар.

Ҳавас қилган етар,
Ҳасад қилган йитар.

Ҳар зор,
Ҳар зорда минг дөр.

Ҳар ким ўз қилмишидан топар.

Ҳар кимнинг амали ўз оёғидан.

Ҳўқизнинг шохи эшакда бўлса,
Тирик зотни қўймасди.

ЯХШИ СЎЗ ВА ЁМОН СЎЗ

Айтар сўзни айт,
Айтмас сўздан қайт.

Айтилган сўз — отилган ўқ.

Анжом — уй зийнати,
Сўз — инсон зийнати.

Ариқни сув безар,
Одамни — сўз.

Аччиқ савол бериб,
Ширин жавоб кутма.

Аччиқ тил — заҳри илон,
Чучук тилга — жон қурбон.

«Баракалла»га қул меҳнат қилиб ўлар.

Беморга ширин сўз керак,
Ақлсизга — кўз.

Бир таваккал бузади,
Минг қайғунинг қалъасин.
Бир ширин сўз битказар,
Минг кўнгилнинг ярасин.

Бир яхши гап эсдан чиқмас,
Бир — ёмон гап.

Бироннинг ўзи ғар,
Бироннинг сўзи ғар.

Буғдой нонинг бўлмасин,
Буғдой сўзинг бўлсин.

Гап эгасини топар.

Гапда ғийбат ёмон,
Дардда — қуянчик.

Гапдан гап чиқар,
Чўпдан — хас.

Гапи гапга ўхшамас,
Оғзи гапдан бўшамас.

Гапи сассиқнинг ўзи сассиқ.

Гапи тумтоқнинг ўзи тумток.

Гапи тўнгнинг ўзи тўнг.

Гапни гап очар,
Ёмон гапдан қочар.

Гапнинг ёмони пичир.

Гапнинг ози яхши,
Қизнинг — нози.

Гапнинг қисқаси — яхши,
Қисқасидан ҳиссаси — яхши.

Гўшт-ёғ берма, яхши тил бер.

Дорининг аччири яхши,
Сўзнинг — ширини.

Дунёни ел бузар,
Одамни — сўз.

Дуо билан эл кўкарап,
Ёмир билан ер кўкарап.

Дуо олган күкаар,
Тұхмат олган оқаар.

Дуо олган омондир,
Қарғыш олган ёмондир.

Дұст орттираман десанг,
Шириң сұхбат қил,
Душман орттираман десанг,
Чакыртикаң бұл.

Ёмон гап — бөш қозиги,
Яхши гап — жон озиги.

Ёмон гап ер тагида уч йил ётар.

Ёмон гап тарсакидан ёмон.

Ёмон гапнинг оёри олти.

Ёмон сұз бұлмаса,
Яхши сұз бұлмайди.

Ёмон сұз әгасига қайтар.

Ёмон сұзлаб совутма,
Жон оғритиб овутма.

Ёмон сұзнинг қаноти бор.

Ёмон тил бошга бало келтирадар,
Яхши тил давлат, дунё келтирадар.

Ёмон тил ё жонга урап,
Ё — имонга.

Ёмоннинг тили бор,
Яхшининг — дили.

Ёмоннинг юзи курсин,
Гапирған сұзи курсин.

Ёмоннинг яхши сұзидан,
Яхшининг ёмон сұзи яхши.

Жикли қарғыш жигини топар,
Жиксиз қарғыш — үзини.



Заҳар тил сүякни ёрап.

Илиқ сүз — шакар,
Совуқ сүз — захар.

Иссик кийим танни илитар,
Иссик сүз жонни илитар.

Йүл қувган хазинага йүлиқар,
Сүз қувган — балога.

Кишининг ўзи етмаган ерга сўзи етар.

Куч эгмаганни сўз эгар.

Кўздан кўзинг тойса,
Сўздан кўнглинг тояр.

Кўнгилни қўл билан овламасанг,
Тил билан овла.

Кўнгилсиз гапнинг кечиккани яхши.

Кўп гап — эшакка юк.

Мазали сўзга қулоқ чарчамас.

Маъқул гапга қорув йўқ.

Минг чечанни бир эзма енгар.

Муздан сув томар,
Сўзамолдан — бол.

Овни — озиқ билан,
Одамни — сўз билан.

Овқатни туз мазали қиласар,
Одамни — сўз.

Одам гап билан,
Ҳайвон ўт билан.

Одам сўзи билан синалар,
Ош — тузи билан.

Одам — сўзлашгунча,

Йилқи — кишнашгунча.

Одам сүзлашиб танишар,
Хайвон — хидлашиб.

Одам сүзлашар,
Хайвон ялашар.

Оз гапир — соз гапир.

Олим сүзи оз,
Оз бўлса ҳам соз.

Орқадаги гап — оғилдаги тезак.

Очиқ тил ош едирап,
Аччиқ тил тош едирап.

Оқ дегани — олқиш,
Қора дегани — қарғиши.

Оғизга келган сўз арzon,
Овулга келган бўз арzon.

Оғиздан чиққан сўз қайтмас.

Оғриган жойга кўл юурап,
Оғритар сўзга тил юурап.

Пичир-личирдан ўт чиқар.

Пулинг бўлмаса, бўлмасин,
Ширин сўзинг бўлсин.

Сабр қилган мой ошар,
Олқиш олган кўп яшар.

Севдирган ҳам тил,
Бездирган ҳам тил.

Сел ариқни бузар,
Ёмон сўз — дилни.

Сен ҳам бир оғиздан,
Сиз — ҳам.



Совуқ гап юракни музлатар.

Сув үз йўлини топар,
Сўз — үз эгасини.

Сувни севган сув келтирап,
Сўзни севган сўз келтирап.

Сўйдирган ҳам тил,
Кўйдирган ҳам тил.

Суяксиз тил суюк синдирап.

Сўз — бир, сайқал — қирқ.

Сўз калтада,
Ун халтада.

Сўз кўрки — мақол.

Сўз найзадан ўткир.

Сўз оёқдан илгари борар.

Сўз ожизи бўлгунча,
Кўз ожизи бўл.

Сўз суяқдан ўтар,
Таёқ — этдан.

Сўз чумчук эмас,
Оғиздан чиқса, тутиб бўлмас.

Сўз эмгак бўлар,
Бўз — кўйлак.

Сўзда қанқув ёмон,
Дардда — санчув.

Сўздан сўзнинг фарқи бор,
Ўттиз икки нархи бор.

Сўздан сўз чиқар,
Сўзламасанг, на чиқар.

Сўзи нодурустнинг ўзи нодуруст.

Сўзлагандан сўзламаган яхширок,
Сўзлаб эдим, бошимга тегди таёқ.

Сўзни бир эзмадан сўра,
Бир — кезмадан.

Сўзни сўз очар.

Сўзнинг бойлиги — одамнинг чиройлиги.

Сўзнинг ёмони — санчиқ,
Дарднинг ёмони — қуёнчиқ.

Сўзнинг онаси — қулок,
Сувнинг онаси — булоқ.

Таёғи йўғон бирни урар,
Сузи йўғон мингни урар.

Танбаллик — кулфат,
Махмаданалик — офат.

Таом лаззати ўзида.
Одам лаззати — сўзида.

Тил — ақл безаги.

Тил — ақл тарозуси.

Тил — ақл ўлчови.

Тил бор, бол келтирап,
Тил бор, бало келтирап.

Тил — дил калити.

Тил — дил таржимони.

Тил — дил жарчиси.

Тил тифи қилич тифидан ўткир.

Тил югуриги — бошга,
Оёқ югуриги — ошга.



Тил яххиси бор этар,
Тил ёмони хор этар.

Тил тиғдан ўткир.

Тилга ихтиёrsиз — элга эътиборсиз.

Тилга эътибор — элга эътибор.

Тилга эҳтиёт — элга эҳтиёт.

Тили нопок — ўзи нопок.

Тили шириннинг дўсти кўп.

Тилингда бўлса болинг,
Кулиб туар иқболинг.

Тилни боғла дил билан,
Дилни боғла тил билан.

Тир жароҳати битар,
Тил жароҳати битмас.

Тоза сувни ер олар,
Яхши сўзни эл олар.

Тузсиз ошнинг эпи осон,
Тузсиз гапнинг эпи қийин.

Туя хам муомалага чўкар.

Тўқсон оғиз сўзнинг тўқсонта тугуни бор.

Узун тил — бошга тўқмоқ,
Бўйинга — сиртмоқ.

Узун тил — умр заволи.

Узун тилим — узгун тилим,
Кисқа тилим — тизгин тилим.

Фил кўтармаганни тил кўтарар.

Хабар — шамолдан тез.

Хотин сүзини қондирап,
Эр уруғидан тондирап.

Хушхабарнинг қаноти бор.

Чин сўз — мўътабар,
Яхши сўз — муҳтасар.

Шакар ҳам тилда,
Захар ҳам тилда.

Ширин сўз шакардан ширин.

Ширин сўз ўликни ҳам тирилтирап.

Ширин сўз — қаймокли айрон,
Аччиқ сўз — бўйнига аркон.

Ширин сўзли шоҳ косасида сув ичар.

Ширин-ширин сўзласанг,
Илон инидан чиқар.
Аччиқ-аччиқ сўзласанг,
Мусулмон динидан чиқар.

Ширин юзингдан ширин сўзинг аъло.

Эгасиз қарғиш эгасини топар.

Эл бор ерда сўз бор.

Эл кўшиқ билан тирик.

Эл ғазнаси — эски сўз.

Элдаги гап — дилдаги гап.

Элли(к) гапдан белли гап яхши.

Элни севсанг, элча гапир.

Эр бойлиги — йўлда,
Сўз бойлиги — тилда.

Эр — лафзидан,
Кўй — бўғзидан.

Эр сўзи — эл сўзи.

Этиги ёмон түр булғар,
Оғзи ёмон — эл.

Юз юздан шириң,
Сүз сүздан шириң.

Яхши гап билан илон инидан чиқар,
Ёмон гап билан пичоқ қинидан чиқар.

Яхши гапга қулоқ сол,
Ёмон гапга улоқ сол.

Яхши гапнинг ҳам қулоғи бор,
Ёмон гапнинг — ҳам.

Яхши нақл — томири акл.

Яхши ош бергунча, яхши сүз бер.

Яхши оғизга — ош,
Ёмон оғизга — тош.

Яхши сүз болдан шириң.

Яхши сүз бүлдиради,
Ёмон сүз күйдиради.

Яхши сүз ийдирап,
Ёмон сүз бездирап.

Яхши сүз кулдирап,
Ёмон сүз үлдирап.

Яхши сүз — күнгил подшоси.

Яхши сүз суюнтирап,
Ёмон сүз куюнтирап.

Яхши сүз түрга элтар,
Ёмон сүз — гүрга.

Яхши сүз — юрак ёғи,
Ёмон сүз — юрак дөғи.

Яхши сүз — юракка малҳам,
Ёмон сүз — юракка ғам.

Яхши сўз канд едирад,
Ёмон сўз панд едирад.

Яхши сўзга учар қушлар эл бўлар,
Ёмон сўзга пашша кучи фил бўлар.

Яхши сўздан — вафо,
Ёмон сўздан — вабо.

Яхши сўздан мой эрийди,
Ёмон сўздан сой қурийди.

Яхши сўзниг маззасини билмаган,
Ёмон сўзниг иззасини билмас.

Яхшининг сўзи — олтин,
Ёмоннинг сўзи — болта.

Яхшининг сўзи тошни эритар,
Ёмоннинг сўзи бошни чиритар.

Яхшининг сўзи — қаймоқ,
Ёмоннинг сўзи — тўқмоқ.

Яхши-яхши деса,
Кунда тариқдай яхшилик қўшилар эмиш,
Ёмон-ёмон деса,
Кунда тариқдай ёмонлик қўшилар эмиш.

Ўз ақлинг ақлдир,
Элнинг ақли нақлдир.

Ўзи совуқнинг — сўзи совук.

Ўзига бокма, сўзига бок.

Ўн оғиз сўз минг оғиз бўлар.

Ўтарчининг наштари енг ичидা,
Захар хотин наштари тил учида.

Ўттиз тишдан чикқан сўз,
Ўттиз урукка тарқалар.

Ўк бирни ўлдирад,
Суз — мингни.

Қарғишининг икки учи бўлар.

Қаттиқ гап қариндошга ҳам ёқмас.

Қизил тилим бўлмаса,
Қишлир эдим элимда.
Яшил тилим бўлмаса,
Яйрар эдим элимда.

Қизил тилим тиёлмадим,
Қизимниги боролмадим.

Қулоқдан кирган совуқ сўз
Кўнгилга бориб муз бўлар.

Қуруқ сўз бош оғритар,
Ёриқ кошиқ оғиз йирттар.

Қўйнинг қиммати — юнгидা,
Одамнинг қиммати — сўзида.

Қўтирил кўлдан юқар,
Бало — тилдан.

Ҳар ким ўз тили билан тирик.

Ҳар меванинг пўчови бор,
Ҳар сўзнинг ўлчови бор.

Ҳикмат — бир ҳовуч олтин.

АДОЛАТ, ИНСОФ ВА ИНСОФСИЗЛИК

Адоват эмас, адолат енгар.

Адолат қиличи кесган қўл оғримас.

Адолат қиличи кескир бўлар.

Арzon бўлса, олувчидан инсоф кетар,
Қиммат бўлса — сотувчидан.

Бир хотир, икки хотир,
Учидаги уриб қотир.

Бир яхшига бир ёмон ҳар ерда бор.



Биревни қарғасанг, ўзингга урап.

Бойнинг гапи — ўнг,
Йўқнинг гапи — тўнг.

Бузилган уйдан булович олма.

Виждандан кечган йиқилар.

Даъвогар суст бўлса,
Қози муттаҳам бўлар.

Даъвогаринг хон бўлса,
Арзингни оллога айт.

Етим-етим демангиз,
Етим хақин емангиз.

Етимни йиглатма.

Жабрга сабр чидамас.

Жаллоб — турган-битгани қаллоб.

Жангал ўзини боғ айлар.

Жон берганга жой бер,
Жой берганга жон бер.

Жон куйдирмасанг, жонона қайдা,
Токқа чиқмасанг, дўлона қайдা.

Замонанинг озгани —
Отдан эшакнинг ўзгани.

Зар ҳам зўрники,
Зан ҳам зўрники.

Инсоф — сари барака.

Инсофи борнинг баракати бор.

Инсофи йўқнинг имони йўқ.

Инсофли ошини ер,
Инсофсиз — бошини.

Иш битди,
Эшак лойдан ўтди.

Йиқилганни тепиб ўтма, суюб ўт.

Кетмон олсанг, занглатма,
Эгасини қатнатма.

Кимнинг моли, пули бўлса,
Авлиёнинг ўғли шул,
Дунё, моли бўлмаса,
Томни тешган ўғри шул.

Кулни ўз кумочингга тортма.

Кўмирни ўғирлаган темирчи,
Балога қолган кўмирчи.

Кўпирсанг ҳам, тупурма.

Кўр бўлсанг ҳам, кўрнамак бўлма.

Кўрган кунингни унутма,
Хом чоригингни қуритма.

Ноинсофга эрк берсанг, элни талар.

Ноинсофни тузконда кўр.

Ношукурда шукур бўлмас,
Нонкўрда — узр.

Ноҳақ қон ерда ётмас.

Одил киши ойдай,
Оқиб турган сойдай.

Отанг — тарози, онанг — тарози.

Отган қолмас балога,
Айтган қолар балога.

Отдан бўлган ўт ейди,
Итдан бўлган эт ейди.

Палла-палла — шу палла,
Адолатда — бир калла.

Пора дўзах эшигини очар.

Пора канда бўлмаса, пароканда бўласан.

Порахўр — бойимас,
Ўғри — койинмас.

Порахўр беш қўлини оғзига тиқар.

Порахўр — ҳаромхўр.

Порахўрнинг тавбасидан қўрк,
Муғомбирнинг — йиғисидан.

Порахўрнинг қўли тўртта,
Қўзи — бешта.

Семиз — «қўркам»,
Бой — «чечан».

Сотувчи саккизга сотмайди,
Олувчи олтига олмайди.

Сув келтирган — хору зор,
Кўза синдириган — азиз.

Тегирмон навбати билан.

Томоша — қўрники,
Замона — зурники.

Тош қўйган тош олар,
Фишт қўйган фишт олар.

Тоғдаги келиб боғдагини қувиби.

Туркистонда қўй бир сўм,
Кела-кела ўн бир сўм.

Тўнриздан ўқ аяма.

Тўяр-тўймас оши,
Чарчагунча иши.

Хатонинг йўлдоши — жазо.

Юрибсан бу сўқмокқа,
Чидарсан бу тўқмоққа.

Юрсанг саёқ,
Ерсан таёқ.

Яхшига ипак илашур,
Ёмонга тикан илашур.

Яхшига кун йўқ,
Ёмонга — бало.

Яхшига тиним йўқ,
Ёмонга ўлим йўқ.

Яхшига яхши бўл,
Ёмонга — ёмон.

Ўл, десанг кампирга ҳам ёқмас.

Ўлмоқнинг жазоси — кўммок,
Ёмоннинг жазоси — урмоқ.

Ўт берган ўтини олар,
Сув берган — сувини.

Ўтники — ўтга,
Сувники — сувга,
Ёнга колди қатиқнинг пули.

Ўқлоқ ўқталганга тўқмок ўқтал.

Ўғри бўл, қароқчи бўл, инсофли бўл.

Ўғрининг уйи кўп,
Тўғрининг уйи йўқ.

Қарз, қарзни бериш фарз.

Қашқир тумшуғидан илинар.

Қовуннинг сарасини ит ер,
Олманинг сарасини — қурт.

Қўйни ҳам ўз оёғидан осарлар, эчкини ҳам.

Ҳар ерда хўроз бир хил қичкирар.

Ҳар ким феълига яраша олар.

Ҳар ким қазиган чукурга ўзи йикилар.

Ҳақ жойда қарор топар.

Ҳақ ишни халқ құллар.

Ҳақ ноҳақ бүлмас.

Ҳақ әгилар, ноҳақ синар.

Ҳақ әгилса ҳам, синмайди.

Ҳақ үз дүпписининг тагида.

Ҳақ ўтар, хақлиқ ютар.

Ҳақ — ҳамиша ғолиб.

Ҳақ ҳаққа чиқар,
Ноҳақнинг бўйни синар.

Ҳақиқат — осмонда,
Нарвони — ҳамёнда.

Ҳақиқат ўтда ҳам куймас,
Сувда ҳам чўкмас.

Ҳақиқат қилни қирқ ёрап.

Ҳақиқатнинг юзи — ёруғ, қўли — узун.

ДЎСТЛИК ВА ДУШМАНЛИК

Аблах дўст душмандан ёмон,
Не хийла билса, ишлатар осон.

Ажал олиб келса ёв,
Үлдир, берма хеч аёв.

Айбсиз дўст излаган дўстсиз қолар.

Арпа-буғдой бир кунингга ярайди,
Содик дўстинг ўлгунингча ярайди.

Асли душман дўст бўлмас,
Қайнаб қони қўшилмас.

Асли душман эл бўлмас,
Этакни кесссанг, енг бўлмас.



Асли душман ён бермас,
Ён қозикдан сон бермас.

Асли кора оқармас.

Акли күпни дов олмас,
Дүсти күпни ёв олмас.

Балиқ сувсиз яшамас,
Инсон — дүстсиз.

Билаги алп бирни йиқар,
Дүсти күп — мингни.

Бир күрган — таниш,
Икки күрган — билиш.

Бостирмадан айвон яхши,
Ёмон дүстдан ҳайвон яхши.

Бургут кучи — оёғида,
Одамники — дүстликда.

Бўрининг боласини бўркингда боқсанг ҳам,
Эл бўлмас.

Бўрининг топгани бўрига.

Вафоли дўст йўлга солар,
Ифвогар дўст пайдан олар.

Гадонинг душмани — гадо,
Шоҳнинг душмани — шоҳ.

Галга солган дўст эмас.

Гинали дўст — адоватли душман.

Давлатинг — дўстинг.

Дараҳт — илдизи билан,
Одам — дўстлари билан.

Дараҳтни томири сақлар,
Одамни — дўсти.

Дуч келса, душман ер.

Душман битса хам, душманлик битмас.

Душман баъзан кулдирап,
Ўнғай топса, ўлдирап.

Душман дўст орасидан чиқар.

Душман нима демас,
Тушга нима кирмас.

Душман ошингни ер,
Сўнгра бошингни ер.

Душман сирингни ўфиirlар,
Дўст хатонгни тўғрилар.

Душман теги — пой,
Дўст тожи — сир.

Душман терисидан дўстинг учун пўстин бич.

Душман уйида яшагандан
Дўст уйида ўлган яхши.

Душман чақирса борма,
Дўст чақирса қолма.

Душман — шод, дўст — поймол.

Душман эшигини қоққандан кўра,
Дўст уйини қоқлаган яхши.

Душман ўлар, дўст қолар,
Ўсма кетар, қош қолар.

Душман ўлдириб офтобга ташлар,
Дуст ўлдириб — сояга.

Душман қўйди лой тузок,
Илинсанг, бўлдинг чўлок.

Душманга жонингни берсанг ҳам,
Сирингни берма.

Душманга чоҳ қазигунча,
Дўстингга уй солиб бер.



Душманга ўт бер,
Дүстингга — сут.

Душманимнинг дўсти — менинг душманим,
Душманимнинг душмани — менинг дўстим.

Душманингдан қўркма, мунофиқдан қўрк.

Душманингни душман танир.

Душманингни пахта билан буғизла.

Душманингни қарғама, дўстингга тегар.

Душманингнинг ўлимини тилагунча,
Жонингнинг соғлигини тила.

Душманни бос,
Зиён берса, ос.

Душманинг донидан,
Дўстнинг сомони яхши.

Душманинг совғасидан қўрқ.

Душманинг суйганидан,
Дўстнинг ургани яхши.

Душманинг ташида бўлгунча, ичида бўл.

Душманинг ўзи қилдек,
Кучи филдек.

Дўст ачитиб гапирад,
Душман — кулиб.

Дўст билан сирдош бўл,
Ишига доим қўлдош бўл.

Дўст бошга боқар,
Душман — оёкка.

Дўст бўлсанг, дўстингнинг айбини тузат.

Дўст гилага чопар,
Душман — хийлагага.

Дүст дүстга бокар,
Сув сойга оқар.

Дүст дүстга — қалқон.

Дүст дүстни кулфатда синар.

Дүст дүстликда тобланар,
Билим — тортишувда.

Дүст — дүстнинг ойнаси.

Дүст зиёнкор бұлмас,
Зиёнкор дүст бұлмас.

Дүст йиғлатар, душман кулдирап.

Дүст кенгашда билинар,
Семиз — тобоқда.

Дүст күйдириб айтар,
Душман — сүйдириб.

Дүст куюнар,
Душман суюнар.

Дүст минг бұлса ҳам — оз,
Душман бир бұлса ҳам — күп.

Дүст олдингда гапирап,
Душман — орқанғдан.

Дүст — олтининг,
Душман — қотилинг.

Дүст отган тош бош ёрмас.

Дүст отини миниб юр, манзилингга етасан.

Дүст — ошкор, душман — яширин.

Дүст оғир кунда билинар.

Дүст сирини душмандан пинхон тут.

Дүст суйғаннинг туисига боқма.



Дүст сүзини ташлама,
Ташлаб бошинг қашлама.

Дүст узоқда бұлса ҳам, күнгли яқин.

Дүст — эгиз,
Душман — саккиз.

Дүст юзидан билинар,
Душман — изидан.

Дүст юзингга бокар,
Душман — изингга.

Дүст хисоби — дилда.

Дүстга айтдим сүзимни,
Душман билди сиримни.

Дүстга душман булиш осон,
Душманга дүст булиш қийин.

Дүстга ёлғон, душманга чин гапирма.

Дүстга лола бұл,
Ёвга жала бұл.

Дүстга хиёнат қилма,
Душманга — шафқат.

Дүстда душманинг қулоғи бор.

Дүсти күп билан сийлаш,
Дүсти оз билан сирлаш.

Дүсти нодондан душмани доно яхши.

Дүстинг — бойлигинг.

Дүстинг бұлса, боғинг чамандир,
Дүстинг бұлмагани — феълинг ёмондир.

Дүстинг келса, долонда кут,
Душман келса — айвонда.

Дүстинг учун захар ют.



Дўстингга отилган кесакнинг чанги
Сенинг кўзингга тушар.

Дўстингга рост гапир,
Душманингга — мақтаниб.

Дўстингнинг ошини қасдингдан ич.

Дўстларимдан ўзинг сақла,
Душманларимни ўзим биламан.

Дўстлик — барча бойлиқдан афзал.

Дўстлик олтинга сотилмас,
Мехмон — пулга.

Дўстни оғритсанг, душман шод бўлар.

Дўстнинг кўнгли қолгунча,
Душманнинг бўйни узилсин.

Дўстнинг сўзи сингандан,
Шайтоннинг бўйни синсин.

Дўстсиз бошим — туэсиз ошим.

Ер талашганни ер ютар.

Ёвлашмоқ — осон, ярашмоқ — қийин.

Ёмон дўст — кўланка.

Ёмон дўст — қора булат сояси.

Ёмон дўстдан қирда ётган тош яхши.

Ёт — еб тўйгунча, дўст — ўла-ўлгунча.

Ёт ошингга қарайди,
Дўст — бошингга.

Жон оғритган дўст бўлмас.

Жонга куйган жондай дўст,
Жонга куймас қандай дўст.

Икки харамза дўст бўлмас.

Иш билганни оқил дейдилар,
Дүстликни узганни қотил дейдилар.

Ишкамбадан гүшт бұлмас,
Душман асло дүст бұлмас.

Кезанган ёвдан қайтмас.

Кийимнинг янгиси — яхши,
Дүстнинг — эскиси.

Минг ёвдан бир душман ёмон.

Минг сүминг бұлғунча, битта дүстинг бұлсин.

Мушукнинг қасди сичқонда,
Элнинг қасди — душманда.

Ножинснинг сирли мәхмөнхонасидан,
Дүстингнинг сомонхонаси яхши.

Номардни жанг синайди,
Дүстни — мухтоҗлик.

Одам ичини билиш қийин,
Дүст устидан кулиш қийин.

Оз қайгуни ош босар,
Күп қайгуни дүст босар.

Олисдаги душмандан, ангниб юрган дүст ёмон.

Олов күйдирап тушган ерини,
Душман күйдирап тутган ерини.

Онангни отангга ёмонлама,
Дүстингни — душманга.

Орқандаги душман — олдингдаги дүст.

Отаси бошқа от бермас.

Отаси ёв от бермас.

Пиён улфат — зиён улфат.

Пул ортирма, дүст орттир.

Работ солма, дүст орттири.

Синалган ёв урушга яхши.

Синалмаган ёв ёмон,
Эланмаган дов ёмон.

Сув тұхтар, душман тұхтамас.

Тикан захри учида,
Душман захри ичида.

Тирик бұлсак — бир ерда,
Үлік бұлсак — бир гүрда.

Томчи сел бұлмас,
Душман эл бұлмас.

Тор ер дүстлар билан майдон бұлур,
Кенг ер душман билан — зиндон.

Халк дүстлиги — юрт бойлиги.

Чин дүст борингни оширап,
Йүғингни яширап.

Чин дүст туғищганинг билан teng.

Чин дүст юз хизматчидан яхши.

Чойнинг сүнгини дүстингга бер.

Эл омонлик тилар,
Ёв — ёмонлик.

Элдошингнинг оти ўзгунча,
Курдошингнинг ити ўзсин.

Эски пахта бұз бұлмас,
Асли душман дүст бұлмас.

Эшак эти гүшт бұлмас,
Савдогар ҳеч дүст бұлмас.

Югурук итни тулки суймас,
Югурук тұлқини — ит.

Юз сүм пулинг бўлгунча,
Юзта дўстинг бўлсин.

Юлғуннинг ўти бўлмас,
Савдогарнинг — дўсти.

Янгининг нодонлиги бор,
Эскининг — кадрдонлиги.

Яхши дўст юз қариндошдан яхши.

Яхши дўстинг кулдирап,
Ёмон дўстинг куйдирап.

Яхши кўрган дўстингга
Яхши кўрган молингни бер.

Яхши сўзла ошнога,
Юз ўгиргин рўшнога.

Ўпка, юрак гўшт эмас,
Ҳисоблашган дўст эмас.

Ўртада бурун бўлмаса,
Кўз кўзни ўяр.

Ўртоғинг бойўғли бўлса,
Туришинг — вайрона.

Ўтни ковласанг, ўчар,
Дўстни кавласанг, кечар.

Қадим дўстлик зангламас.

Қайтиб келган қиз ёмон,
Қайталаб келган ёв ёмон.

Қарз берсанг, дўст кўпаяр,
Талаб қилсанг — душман.

Қирда бўри йўқ эмас,
Орада душман йўқ эмас.

Қовунни душманингга кестир,
Гўштни — дўстингга.

Қорин гүшт бўлмас,
Сипохи — дўст.

Қуёш хавони иситар,
Дўст — қалбни.

Фамингни дўстингга айтма, куюнади,
Душманингга айтма, суюнади.

Ҳар кимни дўстим дема,
Тандаги пустим дема.

Ҳисобдан адашсанг ҳам, дўстдан адашма.
Ҳисобли дўст айрилмас.

ТИНЧЛИК ВА НОТИНЧЛИК

Беғалва бош бош эмас.

Бир кун уруш бўлган уйдан
Кирқ кун барака кўтариладар.

Бир кунлик жанжал
Кирқ кунлик ризқни олар.

Бугун сиздан, эртага биздан.

Бўй — бўйлаб,
Тенг — тенглаб.

Довул турса, булут қувар,
Ёв кутурса, юрт қувар.

Ёвнинг ташида бўлгунча, ичидা бўл.

Ёпиғлиқ қозон — ёпиғлик.

Жанжалли жойда оғзингни очма.

Жанжалли уй — азобли гўр.

Жон бор жойда жанжал бор.

Моли тўқнинг кўнгли тўқ.

Молингни ўғрига топшир,
Қўшнинг омонда бўлсин.

Ноғора товушининг узғи яхши.

Оз ошим — равғосиз бошим.

Оlam тинч — хонам тинч.

Осойишталик — энг яхши малҳам.

Оч бўл, омон бўл.

Оч юр, тинч юр.

Оч қорним — тинч қулғим.

Томоша тандир бошида.

Тинч элнинг бори гуллар.

Тинчлигинг — хурлигинг.

Тинчлик — баҳт, соғлик — таҳт.

Тинчлик билан эл кўкаарар,
Ёмғир билан — ер.

Тинчлик урушни енгар.

Тинчлик — фаровонлик йўлдоши.

Туш уйқуси — күш уйқуси.

Уруш билан гап ортар,
Гапдан нима наф ортар.

Уруш айиравар,
Тинчлик топиштирав.

Уруш бўлса, туриш йўқ.

Уруш — йўқлик,
Тинчлик — тўқлик.

Уруш — оғат,
Тинчлик — фароғат.



Уруш — томошабинга осон.

Уруш — хунрезлик.

Уруш курбонсиз бўлмас.

Урушда туриш йўқ.

Урушнинг боши — ўйин,
Охири — ўлим.

Урушнинг кенгаши йўқ.

Урушлик уй — мозор.

Эл омон — яхши замон.

Юрти тинчнинг эли тинч.

Қарз товуш чиқармаса ҳам,
Ухлагани кўймас.

Қирқдан қирғин ёмон.

Қирғин дараҳт шоҳида эмас,
Одам бошида юрар.

Қори эриб, тоғи қолар,
Уруш ўтиб, доғи қолар.

Қўшнинг тинч — сен тинч.

Фаминг йўқ бўлса, қуда қил.

БОТИРЛИК ВА ҚЎРҚОҚЛИК

Алп — отадан, зот — онадан.

Алп — энадан, тулпор — биядан.

Арслон боласини тутмоқ учун,
Арслон уясиға кирмоқ керак.

Арслон изидан қайтмас,
Йигит — сўзидан.

Арслоннинг бўкиргани — сичқоннинг ўлгани.

Арслоннинг ўлиги — сичқоннинг тириги.

Бедана ботир бовдан ер,
Ботир йигит ёвдан ер.

Беш кўрқоққа — бир қарға.

Бир бошга — бир ўлим.

Бир йигит — бир элга ризк.

Бир кун — туғилмок,
Бир кун — ўлмок.

Битмас ишнинг бошига,
Ботир келар қошига.

Ботир ботир эмас,
Жон сақлаган — ботир.

Ботир ботқоқдан ҳам ўтар,
Қатқоқдан ҳам.

Ботир бошга бало тегмас.

Ботир бокқоллик қилмас,
Кўрқоқ қочиб кутулмас.

Ботир ёвда билинар,
Сўзчи — довда.

Ботир ёвсиз бўлмас.

Ботир жони сабилдир,
Ёмон жони азиздир.

Ботир ишнинг бошида,
Яхши келар қошига.

Ботир милтиқсиз бўлмас,
Балиқ — қилтиқсиз.

Ботир ярасиз бўлмас.

Ботир ўлса, номи қолар,
Номард ўлса, нимаси қолар.



Ботир ўлса, япалоқ бosh кұттарар.

Ботир ўртоқ — бой ўртоқ.

Ботир қийинни енгар,
Номард бүйинни эгар.

Ботир қиличсиз ҳам ботир.

Ботирга ярок ҳожат әмас.

Ботирга ҳам жон керак.

Ботирдан «ботир» чиқса, отаси билан олишар.

Ботирдан ўлим ҳам құрқар.

Ботирлик шахар олар.

Ботирнинг кулгани — элнинг кулгани.

Ботирнинг мушти — ишонган дүсти.

Ботирнинг мушти ҳам яроғ.

Ботирнинг қони чиққунча,
Құрқокнинг жони чиқар.

Ботирсинган йигитни
Ёв келганды құрамиз.
Чечансинган йигитни
Дов келганды құрамиз.

Бузилган элни ботир тузатар.

Бұлсанғ агар құркок,
Бошингда ўйнар түқмоқ.

Бүридан құрқкан овга чиқмас,
Илондан құрқкан сувга тушмас.

Бүридан құрқкан түқайға кирмас.

Вахм туби — денгиз,
Ботасан-да, кетасан.
Таваккал туби — ел қайик,
Үтасан-да, кетасан.

Довни енгган ботир эмас,
Ёвни енган ботир.

Ёв қочса, ботир күпаяр.

Ёвдан құрқан ёвга дұст,
Элни суйган — элга.

Ёвни аяган яра ер,
Калтагини сара ер.

Жасур бүлсанг, ёв қайтар.

Жасур бүлсанг, ёвга чоп.

Жасур жангда синалар.

Жасур жангдан құрқмас,
Ёвдан сира хуркмас.

Ит құрқокни талар.

Итни овга борганда сина,
Йигитни — ёвга борганда.

Иштонсизнинг ҳадиги — чұпдан.

Йигит жони — битта,
Қиз жони — киркта.

Йигит иши бичувда билинар,
Түя — сув кечувда.

Йигитнинг ботирини майдонда сина.

Йигитнинг сараси ёв босғанда билинар.

Йұлбарсдан құрқан тұқайга кирмас.

Йұлбарсни енгган эмас, жаҳлни енгган — ботир.

Кар құй икки хуркар.

Кучукдан құрқан гадо бүлмас.

Күз — құрқок, құл — ботир.

Күп қайғурдим сил бүлдим,
Күп ялиндим кул бүлдим.



Мерган овда билинар,
Ботир — ёвда.

Муллали овул — құрқок,
Бахшили овул — ботир.

Ношуд кетганды мақтанар,
Ботир — қайтганда.

Одам сафарда билинар,
Ботир — хатарда.

Оловдан құрқан тутундан ҳам қочар.

От билан қурол эга танламас.

От хүрккан еридан үтмас,
Эр — құрқан еридан.

Савдо ғавғосиз бұлмас,
Полвон — гавдасиз.

Савлат десанг, менда бор,
Аммо жаҳон менга тор.

Сен құрқасанг, ёв қочар.

Сендан құрқаним — қора қўйдан құрқаним.

Сўз ботирлиги тилда,
Эр ботирлиги белда.

Тегирмонда туғилган сичқон
Момақалдириқдан құрқас.

Тиз чўкиб яшагунча,
Тик туриб ўлган яхши.

Тилингни ботир қилма,
Узингни ботир қил.

Тортишган — эр,
Тортишмаган — қора ер.

Торни баланд дема,
Талаб қилсанг, чиқасан.
Ёвни кучли дема,
Файрат қилсанг, йиқасан.

Тулкидан шер чиқмас,
Күркөндан эр чиқмас.

Туяниң хуркани ёмон,
Тентакнинг — күркәни.

Урушдан қочган маъракага сиғмас.

Хоин қони чељакка томар,
Ботир қони — юракка.

Хурознинг сути йўқ,
Күркөннинг қути йўқ.

Чийки терини ит тортар,
Чийки эрни ёв тортар.

Чучиган чўқмор кутарар.

Шарпадан күрккан шақилдок чалар.

Шер боласи овни енгар,
Эр боласи — ёвни.

Шер изини ит босмас.

Шер химмати — билак,
Эр химмати — юрак.

Шерни эр енгар,
Эрни шер енголмас.

Шернинг урғочиси ҳам шер.

Шернинг ӯлиги ҳам от хуркитар.

Эр боласи эрдай бўлар.

Эр бўл, эр бўлмасанг,
Кора ер бўл.

Эр йигитга тош ҳам курол.

Эр йигитни ёв устида кўр.

Эрга навбат — шерга навбат.



Эрдан эр туғилар,
Нордан — нор.

Эрлик билакда әмас, юракда.

Эрликда хұрлик йүк.

Эрнинг юраги — шернинг юраги.

Әшакнинг күрқори сувдан үтмас.

Юз қарғага — бир шунқор.

Юз күркөндөн бир ботир афзал.

Юракда бұлса, билакда бұлар.

Ялинган күркөк әмас,
Ёқалашган күркөк.

Янтоқдан атири чиқмас,
Күркөкдан — ботир.

Үзинг ботир бұлсанг
Куролнинг кераги йүк.

Үлгандан қүркқан ёмон.

Үттизида эр атанған,
Кирқида шер атана.

Қийғир учса, чумчукни тирқишда күр.

Қийғирнинг қийқиргани — тулкининг үлгани.

Қорғили ит овга ярамас,
Юраги йүк ёвга ярамас.

Қочган йүл танламас.

Қочган күшинга ёв күп.

Қочганга чер қурилар.

Қочокқа шафқат йүк,
Күркөкқа — ҳурмат.

Қочқинга «хай» кифоя.

Қүён үз күланкасидан ҳам күрқар.

Құрқдінг — тутилдинг,
Құрқмадинг — кутулдинг.

Құрқиши — енгилишнинг чопари.

Құрқмас келин қўй бошидан күрқар.

Құрқок аввал мушт кўтарар.

Құрқок бўлма, ботир бўл,
Ўз элинга шотир бўл.

Құрқок итнинг куйруги қисик.

Құрқок кўзидан маълум.

Құрқок — кўр, номард — хор.

Құрқок от ўз соясидан хуркар.

Құрқок ўлмасдан бурун ўлар,
Ўлиқдан нима кутиб бўлар.

Құрқок қочиб кутилмас.

Құрқок қўрқоқка ўртоқ.

Құрқок қўрғон ололмас.

Құрқоқда уят бўлмас.

Құрқоқни ажал қувлар.

Құрқоқни урсанг, ботир бўлар.

Қўрқоқнинг бошидан мушт кетмас.

Қўрқоқнинг кўзи катта,
Ахмокнинг — сўзи.

Қўрқоқнинг ўз қуроли ўзига ёв.

Қўрқоқнинг кони чиққани — жони чиққани.

Қўрқоқнинг кўли қисқа.

Қўрқоқقا ип илон булиб куринар.

Құрқокқа құланкаси — азроил.

Құрқокқа гүр хам тор, кир хам тор.

Құрқокқа қүй боши қүш күринар,
Күмшоғи билан беш күринар.

Қурқокқа сичқоннинг ини — минг танга.

Құркса ҳам, қүй үлади,
Құркмаса ҳам, қүй үлади.

Құрксанд — айтма,
Айтсанд — құрқма.

Құркув үлимдан күтқармас.

Құркқан ит уч кун ҳурап.

Құркқанга қүш күринар.

Ҳар куни үлгандан,
Бир кунда үлган яхши.

ТЕНГЛИК ВА ТЕНГСИЗЛИК

Аватига чавати,
Күм қозонга — лой тувок.

Аёл ердан чикқан эмас,
Эркак боласи.
Эркак қўқдан тушган эмас,
Аёл боласи.

Алихўжа — Хўжали.

Атлас ямоғи — атласга,
Шол ямоғи — шолга.

Бахтили билан баҳслашма,
Томлик билан тенглашма.

Бокқолда менинг гапим,
Кассобда сенинг гапинг.

Бел ушлашганда, отангни аяма.

Беш бармоқ баробар эмас.
Беш панжа тенг эмас.
Беш құл баробар эмас.
Бешікдагига тегма, бетингни юлар.
Бургут чивин тутмас.
Гул — гулга,
Тикан — тиканга.
Ёғ — ёққа,
Гүшт — гүштга.
Ёғ ёққа томар,
Мошобага жиз хам йүк.
Замони бирнинг амали бир.
Замони бошқанинг амали бошқа.
Икки от тепишса,
Үртада эшак үлар.
Икки тентак бир бүлса,
Сөғ одамдай гаплашар.
Икки туя суйканса,
Үртада чивин үлар.
Икки яланғоч хаммолда топишар.
Икки үн беш — бир үттиз.
Икки кирчанғи бир түқайда топишар.
Икки күчкор уришар,
Эчкининг бути айрилар.
Илон тилини илон тушунар.
Ипни ипга құш,
Тенгини — тенгига.
Ит боласи — итга яхши,
Күш боласи — қүшга яхши.

Ит,
Итнинг ўртоғи бит.
Ит итнинг қуйруғини босмас.
Ит ойдинда топишар.
Ит сарқитини йұлбарс емас.
Ит чопар, деб бит чопар.
Итнинг басты — гадой.
Итнинг бошини ит ер.
Итнинг иши гадой билан.
Итнинг ўртоғи — ит.
Йүлинг билиб, йұлдош қил,
Тенгинг билиб, тенгдош қил.
Капасига яраша қирмови,
Эшагига яраша тушови.
Кар карни билар,
Зұр — зұрни.
Киши билан киши тенг эмас.
Кучук том тепасига чиқса хам,
Әгасидан катта бұлмас.
Күлмак сувга — сассиқ алаф.
Күп оғиз күп гапирап.
Күп қарининг ичидә,
Бир бола доно бұлур.
Күп боланинг ичидә,
Бир кари бола бұлур.
Күр күр билан қоронғида топишар.
Күр — күрга,
Үр — үрга.

Күр күрни топар,
Сув — чукурни.

Кўрган билан эшитган бир эмас.

Лой ёриғига — лой,
Чанг ёриғига — chang.

Лули билан кучук ўч.

Мой берганга мой бер,
Той берганга — той.

Ножинснинг ошнаси бўлмас.

Одам билан одам тенгми,
Арис билан бодом тенгми.

Одам одамга ўхшар,
Мол — молга.

Ой билан кундай бўл,
Ҳаммага бирдай бўл.

Олма олмадан ранг олар.

От билан тепишган тойнинг энгаги синар.

От тепкиси отга ўтмас.

От тепкисини от кўтарар.

Отанг — бозор, онанг — бозор.

Отлик йўлдош бўларми
Арбали билан,
Йўртоқ йўлдош бўларми
Йўрғали билан.

Отлик пиёдага ҳамроҳ бўлмас.

Оч билан тўқнинг на иши бор.

Оч бола тўқ бола билан ўйнамайди,
Тўқ бола оч болани ўйламайди.

Оч қадрини тўқ билмас.

Пашша болга ёпишар,
Кампир — чолга.

Пес пес билан қоронғида топишар.

Пес песни топар,
Сув — пастни.

Песнинг чекига мохов тушибди.

Пиёда түядаги билан баробар эмас.

Пиёз сотганинг мурч сотгандан хабари бор.

Полопон — бошига,
Турумтой — түшига.

Пулига яраша дуоси.

Сабасига яраша пишгаги.

Саволга — жавоб, саломга — алик.

Сиздан угина,
Биздан бугина.

Сичқонга — үлим,
Мушукка — үйин.

Сүк ошига — сурнай,
Ун ошига — карнай.

Сүқир отга құтири от уюр.

Тангалик ерда tenglik йўқ.

Темирчининг бир ургани,
Қўмирчининг минг ургани.

Тенг бўлмай, дуч бўлмас.

Тенг еганни тангри суйибди,
Ортиқ еганни арвоҳ урибди.

Тенг тенги билан,
Кели сопи билан.



Тенг тенги билан,
Тезак қопи билан.

Тенг тенги билан,
Түн енги билан.

Тенгини топсанг, текин бер.

Тенглик — кенглик.

Тенгсиз билан тенг бүлма.

Томдан тараша тушди,
Бүйимга яраша тушди.

Туя тузни севар,
Йигит — қизни.

Туя қанча бүлса, жиҳози — үшанча.

Туя — қанча, яраси — шунча.

Туядан катта фил бор.

Чигал соқолга темир тарок.

Чумчук ҳам үз тошича ботмон.

Шу қозонга шу чүмич.

Югурукдан югурук чикса,
Оёғи — типир-типир.

Ўзингдан пастга сирингни айтма.

Ўрдак билан топишган
Хўрознинг катагини сув босар.

Ўрдак ўрдак билан учар,
Фоз ғоз билан учар.

Ўроқчининг минг ургани —
Болтачининг бир ургани.

Ўхшатмагунча учратмас.

Ўғрининг хотини ўзига лойик.



Қизга эр топилади,
Йигитга ёр топилади.

Қора уйға — ола баргак.

Куданг қул бўлса, қулдек бўл.

Куш тилини қуш билар.

Қўй билан бўри бир оғилда яшамас.

Қўл қўлни танир.

Фариб — кўнгли ғарибда.

Фишт масжидга — ёғоч мезана.

Ҳамма одам — бир одам,
Ҳамма маҳлук — бир маҳлук.

ДОНОЛИК ВА НОДОНЛИК

Адашган ақлдан озар.

Адашмаган тил,
Тойрилмаган туёқ йўқ.

Аёлнинг ҳусни пардозда эмас, ақлида.

Айбини яширмоқ нодонлар иши.

Айнлининг боласи қарғанинг тилини билар.

Айрон ош бўлмас,
Нодон — бош.

Айтгувчи нодон бўлса,
Тингловчи доно керак.

Амалга қарама, ақлга қара.

Анқов ўйин бузар,
Тентак — уйин.

Аччиғинг олдин юрса,
Ақлинг кейнидан ошиб келсин.

Аччиғинг чиқса ҳам, ақлинг қочмасин.

Ақл айнимас, олтин чиримас.

Ақл ақлдан қувват олар.

Ақл билан одоб әгизак.

Ақл бозорда сотилмас.

Ақл — бошда,
Файрат — ёшда,
Асл — тошда.

Ақл бошдан чиқади,
Асл — тошдан.

Ақл бошлайди,
Оёқ ташлайди.

Ақл бошловчи,
Тана ишловчи.

Ақл бүй билан үлчанмас.

Ақл бүйда эмас, үйда.

Ақл ёшдан,
Одоб — бошдан.

Ақл озмайди,
Тери тұzmайди.

Ақл тоши — инсон боши.

Ақл-фаросат — нисби каромат.

Ақл үлчови — сүз,
Сүз үлчови — накл.

Ақл үргатгунча, накл үргат,

Ақл — Ҳасан, одоб — Ҳусан.

Ақлга ёндош,
Жаҳлдан коч.

Ақлдан ортиқ бойлик йўк.

Ақлдор бүлса йигитнинг хотини,
Яхшиликка чиқарар йигитнинг отини.

Ақли калта панд ейди,
Ақли теран — қанд.

Ақли калтанинг тили узун.

Ақли камнинг азоби күп.

Ақли кирмаган қаридан,
Зийрак туғилган бола яхши.

Ақлинг борида эр тани,
Кучинг борида ер тани.

Ақлинг бүлса, оқилга эргаш,
Ақлинг бүлмаса — наклга.

Ақлинг күр бүлса, күздан не фойда.

Ақлинг пеш — ишинг беш,
Ақлинг кеч — ишинг хеч.

Ақллингга ақл күш,
Жаҳлингга — сабр.

Ақллашсанг, ақл топасан.

Ақлли ақллига йўлдош,
Ёмон ёмонга қўлдош.

Ақлли баҳт топар,
Баҳт билан таҳт топар.

Ақлли болага мол на керак.

Ақлли бошда соч турмас.

Ақлли десанг аҳмокни,
Бошга урар тўқмоқни.

Ақлли дуст — роҳат,
Ақлсиз дуст — оғат.

Ақлли иш севар,
Ақлсиз — сүз.

Ақлли иш — қанотли қүш.

Ақлли ишига ишонар,
Ақлсиз — тушига.

Ақлли кенгаш қилар,
Ахмок — уруш.

Ақлли накллаб сұзлар,
Ақлсиз лакиллаб сұзлар.

Ақлли отини мақтар,
Ахмок — хотинини.

Ақлли пакана ахмок дароздан яхши.

Ақлли узокни күзлар,
Ахмок — яқинни.

Ақлли үзини айблар,
Ақлсиз — дүстини.

Ақлли үйлангунча, тентак сувдан үтар.

Ақлли қария — оқиб турған дарё.

Ақлли қизни йиғлатиш ҳам қийин,
Кулдириш ҳам.

Ақллига айтдим, англади-билди,
Ақлсизга айтдим, шақиллаб кулди.

Ақллига айтсанг, билади,
Ақлсизга айтсанг, кулади.

Ақллига бир сүз бас,
Ақлсизга минг сүз оз.

Ақллига — хурмат, ақлсизга — калтак.

Ақллидан эл рози,
Ахмокдан дил норози.

Ақллининг оти ҳам хоримас,
Түни ҳам түзимас.



Ақллининг қадри ахмоқнинг олдида билинар.

Ақлни беақлдан ўрган.

Ақлнинг күзи — узокнинг күзи.

Ақлнинг таги — нақл,
Нақлнинг таги — ақл.

Ақлнинг үлчови — идрок.

Ақлсиз бош — нурсиз чирок.

Ақлсиз гап ташир,
Оқибатда бош қашир.

Ақлсиз душмандан бир саклан,
Ақлсиз дұстдан мінг сақлан.

Ақлсиз дұстга кулар,
Ақлли дұстни сұяр.

Ақлсиз — жаҳлли,
Жаҳлсиз — ақлли.

Ақлсиз оғзидагини олдирап.

Ақлсиз хотин ҳуснини күз-күз қилар,
Ақлли хотин — ақлини.

Ақлсиз күшнидан битта ҳиммат яхши.

Ақлсизга оға бұлғандан,
Ақллининг оловини ёққан афзал.

Ахмок ақл ўргатар.

Ахмок ахмок әмас,
Ахмокни ахмок қылган ахмок.

Ахмок ахмокни топар.

Ахмок бошдан ақл чиқмас,
Ақл чиқса ҳам, маъқул чиқмас.

Ахмок дұст ёвдан ёмон.

Ахмок калла оёқ оғритар.

Ахмок оёғидан хорийди.

Ахмок отдан түшса ҳам,
Эгардан тушмас.

Ахмок оғасини танимас,
Тұқмоқ тоғасини танимас.

Ахмок сұзлар, ақлли тинглар.

Ахмок тұқмоқ йиғар.

Ахмок әлчи икки тарафни бузар.

Ахмок үз оёғидан хорийди.

Ахмок үзи билмас,
Билганнынг сұзига кирмас.

Ахмок үзи сүзлаб, үзи қулар.

Ахмок үзин билдирап,
Тұғарагин күлдирап.

Ахмок үзини мақтар,
Тентак — қизини.

Ахмок — үйнашда,
Яхши — үйлашда.

Ахмок ҳоримас,
Кұса қаримас.

Ахмоқда ор бүлмас,
Денгизда — гузар.

Ахмоқдан сұрама, үзи айтар.

Ахмоқдан — чақмок.

Ахмоқларга бош бүлгунча,
Доноларга ёш бүл.

Ахмоқни урма, сүкма — гапга сол.

Ахмоқники — оғзіда,
Подшоники — ғазнада.

Аҳмоқнинг ақли тушдан кейин киар.

Аҳмоқнинг ақли — тўпифида.

Аҳмоқнинг аҳмоқлиги ҳам бош оғритади, ҳам оёқ.

Аҳмоқнинг жавоби — сукут.

Аҳмоқнинг жони азобда.

Аҳмоқнинг катта-кичиғи бўлмас.

Аҳмоқнинг олдинги тиши қимирлар.

Аҳмоқнинг орқасида бир даста янтоғи бўлмас.

Аҳмоқнинг сирини оч,
Уришса, қоч.

Аҳмоқнинг шоху бутоғи бўлмас.

Аҳмоқнинг ўз билгани,
Гапирмаса, улгани.

Аҳмоқнинг ўзи билмас,
Ўзгани кўзга илмас.

Аҳмоққа айтган билан гап уқмас,
Харсангга қокқан билан мих ўтмас.

Аҳмоққа — калтак, донога — ишорат.

Аҳмоққа салом бердим,
Беш тангга товон бердим.

Аҳмоққа сон тегмас,
Сепдан иштон кияр.

Аҳмоққа Тўйтепа бир тош.

Аҳмоққа — тўқмоқ.

Аҳмоққа Қува бир тош.

Беақлнинг охи йўқ,
Боғламоққа шохи йўқ.

Белги бұлса йұлдан адашмас,
Ақл бұлса — сұздан.

Бесалом одам — тұнг,
Беақл одам — гунг.

Бетамизда уят йүк,
Ахмокда — ният.

Билган сұзни айт,
Билмас сұздан қайт.

Билган топиб гапирап,
Билмаган — қопиб.

Бироннинг ҳолига кулмагин зинхор,
Сенинг ҳам ҳолингга кулгувчилар бор.

Ботирдан яхши иш қолар,
Донодан — сұз.

Бош бұлмаса, гавда — лош.

Бошда ақл бұлмаса, оёқда тиним йүк.

Боши йўқнинг оши йўк.

Бошлиқ бўлсанг, бошли бўл.

Боққа булбул ярашар,
Одамга — ақл.

Бургага аччик қилиб, кўрпага ўт қўйма.

Бургани деб, пўстинни оловга ташлама.

Булокнинг суви тиник,
Дононинг — сухбати.

Бўйга боқма, ўйга бок.

Бўйимдай бўй топилса ҳам,
Ўйимдай ўй топилмас.

Бўйинг тенги билан юрма,
Ақлинг тенги билан юр.

Бўлар бола ўн бешида
Бошман, дейди.
Бўлмағури ўттизида
Ёшман, дейди.

Бўлмаганга бўлишма,
Боланинг ўртасига тушма.

Вайсақи — элга душман.

Гапни гапир уққанга,
Жонни жонга сукқанга.
Гапни гапириб нетасан,
Онаси бемахал тукқанга.

Дарёни меҳнат тўсар,
Одам ақлдан ўсар.

Девор бино бўлмас,
Кари бўлган билан доно бўлмас.

Доно айтса, эл айтгани,
Элнинг ғамин еб айтгани.

Доно акл сўраб ҳормас,
Нодон нозин қилиб бормас.

Доно ақли дор эмас,
Нодон ақли ёр эмас.

Доно бажаар ишни,
Нодон синдирап тишни.

Доно билан нодон бир булоқдан сув ичмас.

Доно билан юрсанг, доно бўласан,
Аҳмок билан юрсанг, расво бўласан.

Доно — доноға ёр,
Аҳмок — дўстга зор.

Доно дурдан аъло.

Доно минг яшар,
Нодон бир яшар.

Доно нақли — ҳаёт ақли.



Доно сўзига бино қўяр
Нодон — ўзига.

Доно сўзини тергар,
Нодон — кўзини.

Доно ўйлаб айтар,
Нодон — ўйнаб.

Доно қариса ҳам, донолиги қаримас.

Доно ҳикмат келтирас,
Нодон — кулфат.

Донога илм — илм,
Нодонга эсиз илм.

Донога иш — шону шухрат,
Нодонга иш — ғаму кулфат.

Донога эргашган довондан ошар.

Донода меҳр бўлади,
Нодонда — захр.

Доноликнинг чеки йўқ.

Дононинг гапи — тегади нафи.

Дононинг сўзига бок,
Яхшининг — ўзига.

Дононинг сўзидан ҳам қолма,
Юрган изидан ҳам.

Дононинг ўзини олмасанг ҳам, сўзини ол

Ё каттанинг гапига кир, ё кичикнинг.

Ёмонни яхши қилиш — дононинг иши,
Яхшини ёмон қилиш — нодоннинг иши.

Ёрим бор деб ёрилма,
Ҳақиқий ёр бўлмаса.
Қизим бор деб керилма,
Эсли-хушли бўлмаса.

Жавоб олтин бўлса, савол — кумуш.

Жоҳил улфат — бошингга кулфат.

Жоҳилда куч кўп бўлар,
Кучим деган тез ўлар.

Жоҳиллар камон бўлар,
Мехрлилар — чаман.

Жоҳилликдан жон чикар,
Қобилликдан — донг.

Идрок — ақлнинг жилови.

Илон бошини душман қўли билан янч.

Инсон — ақли билан,
Доно — нақли билан.

Инсон ақли — олмос.

Ипни узун қўй, қимирашни кўр.

Ит ялогоғида банд бўлмас,
Аҳмок қулоғида — панд.

Иш ақллини топар,
Ақлли — ишни.

Йигит ориф бўлса, аслини сўрама.

Йигитнинг ақли — қўзида.

Йигитнинг зеҳнли бўлгани —
Адашмай йўлидан юргани.

Йиқилган қоқилганга кулар.

Йўлда юрсанг, туя ишлат,
Элда юрсанг — мия.

Калла бошқа, салла бошқа.

Каллам бор — бир коп тиллам бор.

Кар бўлсанг бўл, кўр бўлма.

Кар эшиятинини қўймас,
Кўр — тутганини.

Касалга даво топилса ҳам,
Анқовга даво топилмас.

Катта дарё ҳайқирмас,
Ақлли киши бакирмас.

Каттада нақл бор,
Яхшида — ақл.

Келишингни ўйлама, кетишингни ўйла.

Ким гапирганга бокма,
Нима гапирганга бок.

Киши ақли билан бой бўлгунча,
Ўз ақлинг билан гадо бўл

Киши баҳти тахтида эмас, ақлида.

Кучига ишонган — йиқилар
Ақлига ишонган — йиқитар.

Кўз билан кўр, дил билан бил.

Кўп билган оз сўзлар,
Оз бўлса ҳам соз сўзлар.

Кўп гап душманга маъқул.

Кўп молдан оз ақл яхши.

Кўп яшаган кўп билмайди,
Кўп ўқиган кўп билади.

Кўп ўйла, бир сўйла.

Кўп ўқиган олим бўлса,
Кўпни кўрган доно бўлар.

Кўр сийпаб топар,
Ақлли — ўйлаб.

Кўр товукқа ҳар нарса доно кўринар.

Маъракага аҳмоқ аралашса,
Бузилмай қолмас.
Маъракага доно аралашса,
Тузилмай қолмас.

Маъракада топиб гапирган — доно.
Ўзини тутиб ўтирган ҳам — доно.

Минг ишчига — бир бошчи.

Минг құшчига — бир бошчи.

Найновнинг ақли — тұпирида.

Насихат — аччик, ҳазми — тотли.

Нақл — ибрат үчоги,
Ақл — фикр пичоги.

Нақл — кони ақл.

Нақл — таги ақл.

Нақл қайдан чиқади, үй бұлмаса,
Кигиз қайдан чиқади, қүй бұлмаса.

Нодон билан сирдош бұлма.

Нодон билан шавла есанг,
Оёғингнинг таги пишар.

Нодон кузатар,
Доно тузатар.

Нодон сұзлар,
Доно ибрат олар.

Нодон ўз айбини күрмай,
Киши айбини қидирар.

Нодонга — қалтак, донога — ишора.

Нодонга тек турмок — жавоб.

Нодонга улфат бўлган қон ютар.

Нодондан ақл кутма,
Бебурдан — номус.

Нодондан бошчи бўлса,
Жарга қулаб кетасан.

Нодоннинг дили — тилида,
Дононинг тили — дилида.

Нодоннинг кулфати кўп,
Дононинг — ҳикмати.

Одам бўладиган бола олисга қаар.

Одамдан хийла қочиб қутулмас.

Одамнинг тизгини — ақл.

Одамнинг юзига бокма,
Сўзига бок.

Одамнинг ҳуснига баҳо берма,
Ақлига баҳо бер.

Оз-оздан ўрганиб, доно бўлур,
Қатра-қатра йиғилиб, дарё бўлур.

Ой нури тунни ёритар,
Одам ақли — ҳаётни.

Ойдин тун адашмасга яхши.

Олдига келганни емак —
Хайвоннинг иши.
Оғзига келганни демак —
Нодоннинг иши.

Олдингдагини кўриб, фикр кил,
Орқадагини кўриб, шукур кил.

Олим адашса, олам қоқилар.

Олим айтгани — олам айтгани.

Олим бўлсанг, олам сеники.

Олимдан от қолади.
Нодондан — дод.

Олтмиш яшар аҳмоқдан
Олти яшар доно яхши.

Ой тўлганини билмас,
Йигит — бўлганини.

Оталар сүзи — ақлнинг кўзи,
Оналар сүзи — баҳтнинг ўзи.

Отнинг яхшиси тизидан маълум,
Одамнинг яхшиси — сўзидан.

Оқил жоҳилдан панд олар.

Подшонг қарға бўлса, еганинг гўнг бўлар.

Сигир ўзининг бузоқ бўлганини билмас.

Соҳибкордан боғ қолар.
Донодан — китоб

Сўгат толга қуш қўнар,
Сўзамолга — сўз.

Сўз билмаган эр,
Эл бошига ёв келтирас.

Сўзловчи аҳмоқ бўлса,
Тингловчи доно керак.

Сўмдан савдо қилдим,
Бошимга ғавғо қилдим.

Сўнгак ош бўлмас,
Нодон бош бўлмас.

Тан пардози олтмишгача,
Ақл пардози ўлгунча.

Тентак тентаклигини қўй сўйиб билдирамас.

Тентак тўрини бермас,
Телба — тўнини.

Тентак ўйлангунча,
Ақлли сувдан ўтар.

Теран дарё тинч оқар.

Той от бўлганини сезмас,
Йигит ота бўлганини сезмас.

Тотли сув тошдан чиқар,
Яхши ақл — бошдан.

Тоғнинг кўрки тош билан,
Одамнинг кўрки бош билан.

Турнадан қоровул кўйсанг,
Тепангдан қийқириув кетмас.

Туядай бўй бергунча,
Нинадай ақл берсин.

Тўққизида бўлмаган ақл,
Тўқсонида хам бўлмас.

Уйга жиҳоз ярашар,
Одамга — ақл.

Улуғлик ёшда эмас, бошда.

Учган ўқнинг ақли йўқ.

Уқмаган уятга қолар.

Фикри равшанинг сўзи равшан.

Фикрсиз одамдан тош яхши.

Фозиллар фазилати — ҳаёт зийнати.

Фолбинга ахмоқ ишонар.

Худога ишониб, оч қолма.?

Чинордек бўйинг бўлгунча,
Тумордек ақлинг бўлсин.

Чолни кўриб «бобом» дема.

Эланмагин калга,
Ўзи келар халга.

Эчкининг ажали етса, қассобни сузар.

Эчкининг ўлгиси келса, чўпоннинг таёрига суйканар.

Эшак киркка кирганда хам қилиқ чиқарап.

Юз ишчига — бир бошчи.

Яхши раҳбар — чин падар.

Яхшининг хатоси йўқ,
Нодоннинг — ошнаси.

Ўзини билмаган ҳақни билмас.

Ўликка йиғлаган эсиз кўзим,
Нодонга сўзлаган эсиз сўзим.

Ўтган булатдан ёмғир кутма.

Коронғунинг кўзи кўр.

Қоқилсанг тошдан ўпкалама.

Ҳамма мулла — бир мулла,
Минг мулла — бир тилла.

Ҳовузда қурбақа вақиллайди,
Нодон — даврада.

Ҳусн тўйда керак,
Акл — кунда.

Ҳуснни кўз билар,
Аклни — кўнгил.

ИЛМ, КАСБ-ХУНАР ВА ИЛМСИЗЛИК

Аввал бил, кейин қил.

Аввал ўрган, кейин ўргат.

Авом табиб — офати жон.

Аврасанг, оқил бўлар,
Боврасанг, ботир бўлар.

Акл кўпга етказар,
Хунар — кўкка.

Баракат — мағзда,
Хунарли құл — оғизда.

Бахт белгиси — билим.

Бехунарнинг хунари — ялқовлик.

Билаги зұр бирни йикәр,
Билими зұр — мінгни.

Билак билан битмаган
Билим билан битар.

Билган билганин ишлар,
Билмаган бармогин тишлар.

Билган битирап,
Билмаган йитирап.

Билган үзар,
Билмаган тұзар.

Билган үқир,
Билмаган тұқир.

Билдириш учун билиш керак.

Билим — ақл чироги.

Билим баҳт келтирап.

Билим — давлатдан қиммат.

Билим — күчдә,
Күч — билимда.

Билимли — олим.
Билимсиз — золим.

Билимлига дунё ёруғ,
Билимсизга — коронғу.

Билимлининг билими юқар,
Билимсизнинг нимаси юқар.

Билишим,
Билишимга тушар бир ишим.

Билимсиз кишига иш йўқ,
Илмсиз кишига ош йўқ.

Билимсиз мулладан устига юк ортилган эшак яхши.

Билимсиз халфа — экинсиз дала.

Билмаган айб эмас,
Билишга тиришмаган айб.

Билмаган ишга уринма,
Уриниб тузоқقا илинма.

Билмагандан билган яхши,
Тўғри ишни қилган яхши.

Билмаганни сўраб ўрганган олим,
Орланиб сўрамаган ўзига золим.

Билмаганнинг билаги толмас.

Билмас табиб жон олар.

Билмасанг, билгандан сўра.

Бир йигитга етмиш хунар оз.

Бир йигитга қирқ хунар оз.

Бол тутган бармогини ялар,
Хунари бор — эрмагини.

Гўзаллик — илму маърифатда.

Давлат тугар, билим тугамас.

Дидли йигит — илмли йигит.

Дорбоз дордан ӯлар,
Морбоз — мордан.

Жони борнинг ғами бор,
Касби-кори номи бор.

Зехн қўйса, онг қўнар,
Хунар ортса, иш унар.

Зең құйсанг билимга,
Илм томар дилингга.

Илм — акл булоги,
Акл — яшаш чироги.

Илм бахт келтирап,
Билим тахт келтирап.

Илм — ёруғлик,
Жаҳолат — зулмат.

Илм излаган етар,
Изламаган — йитар.

Илм истасант, такрор қил.

Илм құп, умр оз,
Керагини ўки.

Илм олиш — нина билан қудук қазиш.

Илм олишнинг эрта-кечи йўқ.

Илм топмай, мақтанма.

Илм — тубсиз қудук.

Илм — эгарланган от,
Билганга — дўст, билмаганга — ёв.

Илм үлчови — акл,
Зең үлчови — накл.

Илм қороз қатида эмас, мия қатида.

Илми борни ёш дема,
Илми йўқни бош дема.

Илми йўқнинг кўзи юмук.

Илмли одам — иликли суюк.

Илмли олар,
Илмсиз олдирап.

Илмли уй — чароғон,
Илмсиз уй — зимиштон.

Илмлининг сўзи — ўқ.

Илмни меҳнатсиз эгаллаб бўлмас.

Илмнинг аввали аччик,
Сўнги — тотли.

Илмсиз бир яшар,
Илмли минг яшар.

Илмсиз бош қашир,
Хушомадгўй гап ташир.

Илмсиз имомдан тухум қилмайдиган товук яхши.

Илмсиз киши ўлимга яқин.

Илмсиз олим — тўқимсиз эшак.

Илмсизга ишонч йўқ,
Хунарсизга қувонч йўқ.

Илму ҳикмат сувни ёндирап.

Илму ҳунар елга эмас, элга.

Имони йўқнинг бурди йўқ.

Йигит ҳусни — ҳунар.

Касб—касб, туви—насиб.

Касбнинг ёмони йўқ.

Китоб — ақл қайроғи.

Китоб кўрмаган калла —
Гиёҳ унмаган дала.

Китобсиз ақл — қанотсиз қуш.

Кўриб билиш яқинни,
Ўқиб билиш узокни.

Мерос моли түзади,
Меросли хунар ўзади.

Милтиқ күттарган билан овчи бўлмас,
Дағдаға солган билан — довчи.

Мулла билганин ўқир,
Бўзчи билганин тўқир.

Мулла билганин ўқир,
Товуқ кўрганин чўқир.

Мулла бўлсанг, такрор кил,
Дехқон бўлсанг, шудгор кил.

Огоҳликни курдан ўрган,
Доноликни — илмдан.

Оз-оз ўрганиб уста бўлур.

Оздан йифилиб дарё бўлар,
Сўраб-сўраб доно бўлар.

Олтин олма, билим ол,
Билим олсанг, билиб ол.

Ота касби — давлат касби.

Ота хунари — болага мерос.

Отолмаган ёй танлар.

Отолмаган овчи ёйидан кўрап.

Пилиги йўқ чироқ ёнмас,
Билиги йўқ йигит ярамас.

Пиринг кучли бўлгунча,
Билиминг кучли бўлсин.

Похолдан сомон чиқмас,
Кўполдан олим чиқмас.

Саъва иши — сайрамок,
Хўкиз иши — хирмон янчмок.

Тасбек ағдарганинг бари мулла эмас,
Таёк тутганинг бари чүпон эмас.

Текин бойлик ахтаргунча,
Ўзингга боп ҳунар топ.

Тешик идиш сувда билинар,
Билими оз киши — синовда.

Тикансиз гул бўлмас,
Машаққатсиз — ҳунар.

Тиккан чевар эмас,
Бичган — чевар.

Тил билган йўлда қолмас.

Уста, ишни қилар пухта.

Уста кўрмаган шогирд
Ҳар мақомга йўрғалар.

Устадан шогирд ўзар.

Устани шогирд синдирап,
Пистани — пучок.

Устоз кўрган хат танир.

Устозсиз шогирд — жонсиз кесак.

Учишга қанот керак,
Ўқишига — тоқат.

Учқундан қўрқкан темирчи бўлмас.

Уқувсиз иш боши бўлса,
Бақир-чақирдан чиқмас.

Чаласавод — чирик работ.

Чечанинг — тили,
Чеварнинг — қули.

Чумчук сўйса ҳам, қассоб сўйсин.

Шайхнинг хунари бўлмаса, хонақоҳ танг.

Шогирд устадан ўтмаса, иш йитар.

Шогирдига тош берган тош олар,
Бош берган бош олар.

Шогирдинг окил бўлса, бошингда тож,
Шогирдинг эрка бўлса, бошга таёк.

Шогирднинг бефаросати
Устозни муттаҳам қиласар.

Эр йигит деб ким айтар,
Ёвда ялов йикмаса.
Чечанлигин ким мактар,
Довда уни чикмаса.

Эр кўрки — билик,
Суяк кўрки — илик.

Юз туман олтиндан хунар яхши.

Юз хунарни чала билгандан
Бир хунарни тўла бил.

Юзга кирсанг, юз йил ўқи.

Юзга кирсанг ҳам, хунар ўрган.

Юзига қарама, билимига қара.

Ямокчининг ишини сувоқчи билмас.

Яхши билсанг ишингни,
Яхшилар силар бошингни.

Ўлмаган — қўшикчи,
Эринмаган — эшикчи.

Ўнга олгин, бирга сот,
Оting чиқсин савдогар.

Ўрганиш — бир хунар,
Ўргатиш — икки хунар.

Үрдак бүлмай, ғоз бүл,
Билим олиб, соз бүл.

Үқиган — гулистон,
Үқимаган — гүристон.

Үқиган — ёруғ,
Үқимаган — чорик.

Үқиган — олим.
Үқимаган — үзига золим.

Үқиган үқдан ошар,
Нодон турткидан шошар.

Үқиган үқиган эмас,
Үққан — үқиган.

Үқиган үрил отадан улур.

Үқиганинг үзингга.

Үқиганнинг оши — пиширилил.

Үқиганнинг ошиғи — олчи.

Үқиганнинг тили — икки.

Үқимаган шу дамда,
Туртинар ҳар қадамда.

Үқимаган — яланг оёқ,
Баайни бир қурук таёқ.

Үқимай мулла бүлган,
Чүқимай қарға бүлар.

Үқиш бошқа, уқишиш бошқа.

Үқиш — жафоли, кети — вафоли.

Үқиш яхши,
Уқишиш үндан ҳам яхши.

Үқуви бор улғаяр,
Үқуви йүк сарғаяр.

Қадам қўй аста-аста,
Қадам етгунча илм иста.

Карғанинг ҳунари бўлса, тезак емасди.

Қаттиқ бақирган билан қўшиқчи бўлмас.

Қиз билагини шимарар,
Турли ипак ҳимарар.

Қизнинг кўрки — ноз,
Йигитнинг кўрки — ҳунар.

Қирсиз ер бўлмас,
Ҳунарсиз — эр.

Кўйма ақл бўлмаса,
Туртма ақл ҳеч бўлар.

Қунт билан ўрган ҳунар,
Ҳунардан ризқинг унар.

Қўйингни қассобга сўйдир,
Ўликни мурдашўга ювдир.

Қўйни қассоб сўйсин,
Ошни ошпаз пиширсин.

Қўли ҳунарсиз — нон гадойи.

Ҳар иш ўз устасидан кўрқар.

Ҳар ишнинг бир устаси бор,
Ҳар устанинг бир устози бор.

Ҳар касбнинг ўз гашти бор.

Ҳар кимнинг иши эмас улок уламок,
Мадрасага бориб тупроқ яламок.

Ҳар кимнинг касби — ўзига.

Ҳар ҳунарнинг ўз сири бор,
Ҳар ишнинг ўз ери бор.

Хунар ошатар,
Мехнат яшната.

Хунар — бир, пардоз — қирк.

Хунар бүлса қўлингда,
Нон топилар йўлингда.

Хунар — зар, хунарсиз — ҳар.

Хунар ошхўрга ош берар,
Нонхўрга — нон.

Хунар — оқар булоқ,
Илм — ёнар чироқ.

Хунар тагида хунар бор.

Хунар — туганмас ҳазина.

Хунар тўйғизар,
От миндириб, тўн кийгизар.

Хунар, хунардан унар.

Хунари борнинг олтин билаги бор.

Хунари йўқ кишидан
Бигизи бор ямокчи яхши.

Хунари йўқ кишининг,
Мазаси йўқ ишининг.

Хунари йўқ эркақдан игнаси бор хотин яхши.

Хунарли йигит — мевали дарахт.

Хунарли киши оч қолмас.

Хунарли мой ошар,
Хунарсиз лой ошар.

Хунарли эр хор бўлмас,
Дўст-душманга зор бўлмас.

Хунарли ўлмас,
Хунарсиз кун кўрмас.

Хунарлининг хунари
Муродига етказар.
Хунарсизнинг юари
Қаро ерга етказар.

Хунарманднинг нони — бутун.

Хунарни ўрган,
Ўрганда, чиран.

Хунарни ўрганиб қўйсанг,
Сендан ош-нон тиламайди.

Хунарсиз тездан, ҳунарли хез яхши.

Хунарсизнинг қирқими узун,
Хунарлининг — бичими.

МАРДЛИК ВА НОМАРДЛИК

Адашганни йўлга соглан мард.

Айбига иқрор мард киши,
Яширмоқ — қўрқоқ иши

Арслон боласи арслон бўлур,
Сичқон боласи — сичқон.

Арслон оғзидан ов олинмас.

Асириқдан ўлим яхши.

Балиқ сувнинг чукурини,
Мард ишнинг қийинини излар.

Бахшининг қадрини халқ билар,
Халқнинг қадрини мард билар.

Бир эрга навбат, бир-шерга.

Гуноҳнинг узри гуноҳдан оғир.

Гўнгқарға бўлиб минг йил яшагандан,
Шер бўлиб бир йил яшаган афзал.

Дармон бор ерда дард бүлмас,
Эрман бор ерда эр ўлмас.

Дүст кулфатда синалар,
Мард — курашда.

Дүстга зор қилма,
Номардга — мухтож.

Ер экма, эр эк.

Ёмон одам ёвдан қочар.
Номард одам сириңг очар.

Жондан кечмай, дарё кечилмас.

Жұмард йүқлигини билдирилас,
Тулпор очлигини билдирилас.

Зийракнинг ақли тош ёрап,
Номарднинг мушти бош ёрап.

Золим иши шафодир,
Марднинг иши вафодир.

Иликни мард қоқиб, номард емасин.

Йигит борки, етти пуштигача номи қолар,
Йигит борки, етти кунда номи йүқолар.

Йигит — йигитнинг күзгуси,

Йигит сүзи — битта.

Йигит — сүзидан,
Қўй — бўғзидан.

Йигитга йиги ярашмас.

Йигитга мардлик ярашар.

Йигитни бир сўзлик безар.

Йиқилсанг, кучлидан йиқил.

Йиқилсанг ҳам түядан йиқил,
Бирор сенга кулмасин.

Йүлбарс,
Тулки изидан юрмас.

Йүкдан қочма, ёмондан тонма.

Каллангни олса, мард олсин.

Кек хотинга ярашар.

Ким мард бұлса сүзига,
Ойдир әлнинг күзига.

Курашда отангни аяма.

Мард айтмас,
Айтса қайтмас.

Мард бериб хурсанд бұлар,
Номард — олиб.

Мард билан гурунглашган
Мард бұлар.
Номард билан хиринглашган
Парт бұлар.

Мард бир йил оч,
Номард ҳамиша оч.

Мард бир марта үлар,
Күркөк — юз марта.

Мард бошини қилич кесмас.

Мард етимга енг бұлар,
Бўлмаганга — бўй.

Мард иш устида билинар,
Номард — ош устида.

Мард иши — мард,
Номардники — дард.

Мард йигит изини сотар,
Номард йигит — үзини.



Мард йигитга севги синов.

Мард йигитнинг дод дегани — ўлгани,
Дод демасдан бет учиргани — кўркқани.

Мард йиқилса, майдонда қолар.

Мард йулида ғов қолмас.

Мард йигитнинг лаби ёғлиқ,
Дангасанинг боши қонлик.

Мард — курашда, дўст — ташвишда,
Доно ғазабда синалар.

Мард майдонда билинар,
Номард — ишда.

Мард мардни дейди,
Номард — номардни,

Мард муҳтож бешиги,
Элга очик эшиги.

Мард номардга тиз чўкмас.

Мард оро билан сўзлар,
Номард — пора билан.

Мард тузар, номард бузар.

Мард хотинин қаритмас.
Ботир отин ҳоритмас.

Мард ўзидан кўрап,
Номард — ўзгадан.

Мард ӯлар, номи қолар.

Мард қалби — гул,
Номардники — кул.

Мард қийинни енгар,
Номард бўйини эгар.

Мардга манзил кўп.



Мардга тақлид эт,
Номардни танқид эт.

Марддан от қолур,
Номарддан — дод.

Мардлик йиқитмоқ әмас, турғизмоқ.

Мардлик — кишининг ҳусни.

Мардлик — мангулик.

Мардлик сотиб олинмас.

Мардни мақтамасанг ҳам — мард,
Номардни мақтасанг ҳам — дард.

Мардни меҳнат енголмас.

Мардни хор этма,
Номардга зор этма.

Мардни эл севар,
Номардни ким севар.

Мардни ўлдирап фироқ,
Номардан номус йироқ.

Марднинг иши — меҳнатда,
Номарднинг кучи — оғзида.

Марднинг иони — бутун.

Марднинг ўлиги — номарднинг тириги.

Марднинг қўли боқади,
Номард қўли ёқада.

Маслаҳатни марддан сўра.

Маърака — мардники,
Зиёфат — халқники.

Мерган овда керак,
Мардлик — ёвда.

Мол — мард, эгаси — номард.

Нолиган — номард,
Бир галирган — мард.

Нолиш билан иш битмас,
Мард номардга тиз чўкмас.

Номард бўлиб кўпга киргунча,
Мард бўлиб ўлган яхши.

Номард душман кўрса, ғуссадан ўлар.

Номард дўстдан мард душман яхши.

Номард ёвга ялинар,
Мард кучига суюнар.

Номард ишинг билмасин,
Билиб бағринг тилмасин.

Номард нон устида ҳам нолишини қўймас.

Номардга зор бўлгандан,
Қора дарёга ғарк бўл.

Номардга иши тушмаган
Марднинг қадрини билмас.

Номардга сўз бергунча,
Мардга кўз бер.

Номардга ялингунча,
Жўмардга ялин.

Номардга ялинма,
Бир балога чалинма.

Номардда номус бўлмас.

Номарддан ёрдам сўрама,
Юзингга солар.

Номарддан нажот кутма,
Итдан — ҳожат.

Номарднинг кўпригидан ўтгандан,
Дарёда ғарқ бўлган яхши.

Номарднинг паловидан,
Марднинг ёвғон оши яхши.

Номарднинг хотини бўлгунча,
Марднинг беваси бўл.

Олган мард эмас,
Берган — мард.

От кучини карвонда кўр,
Мард кучини — майдонда.

Ота ўғил раҳмат олур.

Отни ҳам майдонда сина,
Эрни ҳам майдонда сина.

Оғир юкка нор керак,
Ёв талашда эр керак.

Оғир юкни нор кўтарар,
Эл оғирин эр кўтарар.

Пиёзни мард артсин,
Сабзини — номард.

Сув келтирап мард киши,
Экин экар ҳар киши.

Сув келтирган мард,
Сув бермаган номард.

Сухан дур бўлар,
Аслнинг гапи бир бўлар.

Тангри берганинг ўғли тўрт бўлар,
Бири номард бўлса, бири мард бўлар.

Тоғ аркон билан эгилмас,
Мард номардга тенг бўлмас.

Ур деганда номард қочар,
Мард қолар майдон ичидা.

Уришсанг, мард билан уруш.

Чигит бўлсанг ҳам, йигит бўл.

Эл тутганни эр тутар.

Эр йигит эл айбини очмас.

Эр қаерда бўлса, шер панжаси ўша ерда.

Юз номардан юз қайтар,
Бир мардни хар ким мактар.

Яхши ит ўлигини кўрсатмас.

Яхшиликка яхшилик —
Ҳар кишининг ишидир.
Ёмонликка яхшилик —
Мард кишининг ишидир.

Ўз айбини билган — мард.

Ўлдирса ҳам, мард ўлдирсин.

Килдан қийик ахтарма.

Кочганни қувловчи бўлма.

Кўлингни бер, мард бўлсанг,
Коча бер, номард бўлсанг.

Ғолибнинг номи ўчмас.

Ғолибнинг яраси тез битар.

ТАРБИЯ ВА ОДАТ

Айғир қандай бўлса, от шундай.

Бешикда теккан, кафандা кетар.

Бир каттанинг гапига кир,
Бир — кичикнинг.

Бир қилган — мадад,
Икки қилган — одат.

Бола боққандан олов ёққан яхши.

Бола — ёшидан,
Хотин — бошидан.

Бола күрганини қиласар,
Ота — билганини.

Бола — лой, она — кулол.

Бола түккәнники эмас тарбиялаганники.

Болани сұксанг, бети қотар,
Урсанг, эти қотар.

Боғинг бұлса, құра қил,
Үрлинг бұлса, мулла қил.

Боқсанг ботир қиласан,
Тергасанг — тентак.

Бузишга үрганма, тузишга үрган.

Бузуқи қариса ҳам, ғамзаси қаримас.

Букрини гүр тузатар.

Дараҳтдан мева оламан десанг,
Нихоллигидан парвариш қил.

Дараҳтига күра — меваси,
Ота-онасига күра — боласи.

Дард кетар, одат қолар.

Дарё тұла сув бұлса ҳам,
Ит тили билан сув ичар.

Дарё чучук — ариқ чучук.
Дарё аччиқ — ариқ аччик.

Етти ёшга етгунча,
Ер түкмөгин ерсан.

Етмиш ёшга етгунча,
Эл тұқмогин ерсан.

Игна қаекқа юрса,
Ип ҳам шу ёкқа юрар.

Иллат кетар, одат кетмас.

Итни қопагон қилган — эгаси.

Катта арава қайдан юрса,
Кичик арава шундан юрар.

Катта бошлар, кичик ташлар.

Киши йүк деб сүзлама,
Оғзинг ёмон үрганар.

Одам бұлар йигит одатидан маълум,
Тулпор бұлар қулун — мучасидан.

Одам одамдан қутулар,
Үз феълидан қутулмас.

Одат бир, табиат бошқа.

Олти кун оч қолсанғ ҳам,
Отанғ одатини қўйма.

Она сути билан кирмаган
Тана сути билан кирмас.

Она қилса зўрликни,
Бола тортар хўрликни.

Онадан кўрган тўн бичар,
Отадан кўрган ўқ йўнар.

От билан бўлса эшакнинг охури,
Ранги юқмас, феъли юкар охири.

От бўлсанг, чопарсан,
Ит бўлсанг, қопарсан.

Ота ғайратли бўлса,
Бола ибратли бўлар.

Отадан — ўғил, онадан — қиз.

Отаси бузукнинг бири — бузук,
Онаси бузукнинг бари — бузук.

Отаси тентакнинг бириси — тентак,
Онаси тентакнинг бариси — тентак.

Отасини сұрасанг — Ахмади фориғ,
Онасини сұрасанг — товони ёриқ.

Отнинг феъли әгасига маълум.

Семиз қўзининг гўшти яхши,
Оқил онанинг — қизи.

Сув билан экин ўсар,
Тарбия билан — одам.

Сув бошидан лойқа.

Сув бошидан яхши,
Ҳосил — тагидан.

Сут билан кирган жон билан чиқар.

Сўксанг — сўкувингда,
Урсанг — урувингда.

Таёқ айқни ҳам мулла қилас.

Таёқ маймунга намоз ўқитар.

Таёқ ўғрини тўғрилар,
Гўр буқрини тўғрилар.

Тананинг турқи туққанига маълум.

Тарки одат — амри маҳол.

Теракка қараб, тол ўсар.
Онага қараб, қиз ўсар.

Тойни от қилгунча,
Әгаси ит бўлар.



Тоғ ердан ўсиб чиқар,
Одам — ота-онадан.

Тулпор — биядан,
Мард — энадан.

Тулпор тубига тортар.

Тұққизида қандай — түкsonида шундай.

Уста қандай — шогирд шундай.

Устоз билимли — шогирд илмли.

Хотин олсанг, ёшдан ол,
Жиловини бошдан ол.

Чархни бузган — парраси,
Кизни бузган — онаси.

Әгасига күра бияси.

Әгри бутоқни ниҳолида тобини ол.

Эр боласи — эр,
Шер боласи — шер.

Эрка тутса онаси,
Талтайди боласи.
Тұғри тутса онаси,
Юртга әга боласи.

Эрка ўрил ёвга ярамас,
Эрка қиз — ишга.

Әшиги ёмоннинг уйига борма,
Онаси ёмоннинг қизини олма.

Югансиз отни ўргатиб бўлмас.

Ярамас одат кўп бўлар,
Энг ёмони — кунчилик.

Яхши киши боласи
Юкоридан сий топар.

Ёмон киши боласин
Тұяды ҳам ит қолар,

Үзинг пиширган ош —
Айланиб ич, ўргулиб ич.

Үрганған күнгил ўртанса қўймас.

Үрганған қилиқ ўлганда қолар.

Ўғлингни севсанг, қулдек ишлат.

Ўғри ўрганғанини ўлгунча қўймас.

Қарғани бокқан билан қуш бўлмас.

Қиз берсанг, отасига қараб бер,
Қиз олсанг, онасига қараб ол.

Қиз сақлай билмаган гунг этар,
Ипак сақлай билмаган юнг этар.

Қизни онаси тийсин,
Ўғилни — отаси.

Қон билан кирган жон билан чиқар.

Кориндаги қилиқ қора ерда қолар.

Қуш уясида кўрганини қилар.

Қўзи қўчкордан нишон,
Ўғил — отадан.

Ғайратлининг боласи танбал бўлар.

Ҳўқизнинг ўтини еб,
Кўйнинг қилирини қилма.

ОДОБ ВА ОДОБСИЗЛИК

Аввал салом, бадъаз калом.

Амри падар — аршдан аъло.

Бир каттани бил,
Бир кичикни бил.

Бола — азиз, одоби ундан азиз.

Боланинг эркаси — битнинг сиркаси.

Бош бўлмаган уйда,
Отаси туриб ўғли сўзлар.

Ёлриз болага индамасанг, кўппаяр.

Инсон — одоби билан,
Осмон — офтоби билан.

Каттага катта бўл,
Кичикка — кичик.

Каттага салом бер,
Кичикка — калом.

Каттада иззат йўқ,
Кичикда хизмат йўқ.

Катта иззатда —
Кичик хизматда.

Каттани катта десанг, узидан кетар,
Кичикни катта десанг, каттага етар.

Каттанинг уялгиси келса, кичикка тегар.

Каттанинг ҳурмати — қарз,
Кичикка салом — фарз.

Кўп ўйнаган бола,
Эл кўзида ола.

Одоб бозорда сотилмас.

Одоб — кишининг зебу зийнати.

Одоб — олтиндан қиммат.

Одоб — пешада,
Гуноҳ — тешада.

Одобли бола элга манзур.

Одобли келиннинг супургиси хашак остида турар.

Одобли ўрил — кўқдаги юлдуз,
Одобли қиз — ёқадаги кундуз.

Одоблилик белгиси —
Эшилиб салом бергани.
Яқинликнинг белгиси —
Келиб-кетиб тургани.

Одобни беодобдан ўрган.

Одобнинг — боши тил.

Одабсиз бетга чопар.

Олтин олмай, одоб ол,
Одоб олтин эмасми.

Онангга бошингни хам қил,
Отангга гапингни кам қил.

Онаси мақтаган қизни олма,
Янгаси мақтаган қиздан қолма.

Ота бўлиш осон, одоб бериш қийин.

Ота олдида кек урма,
Одабингга чек урма.

Ота олдидан ўтма,
Одоб олдидан кетма.

Отанг боласи бўлма,
Одам боласи бўл.



Отанг таъзирини олмай десанг,
Одам таъсирини ол.

Отаси тентакнинг бири — тентак,
Онаси тентакнинг бари — тентак.

Ош каттадан, сув кичикдан.

Ош келса, егин,
Сўз келса, дегин.

Оғани кўриб ини ўсар,
Опани кўриб — сингил.

Пайғамбар қизи бўлма,
Отанг қизи бўл.

Рахм ема етимга,
Етим урап бетингга.

Садакасига қараб — савоби,
Сўзига қараб — жавоби.

Салом — каттадан,
Алиф — нуктадан.

Салом ҳам — фарз,
Алик ҳам — фарз.

Сувга тупурган — коски,
Кудукқа тупурган — кофир.

Сўз кишининг — ўзаги,
Одоб кишининг — безаги.

Тегирмонни сув бузар,
Одамни одам бузар.

Тек турганга шайтон таёқ тутқазар.

Турки бузукдан хулқи бузук ёмон.

Уруғингга сўз айтсанг,
Орасини узиб айт.

Отанг ишга буюрса,
Намозингни бузиб айт.

Уста борида қўлингни тий,
Устод борида — тилингни.

Уста бўлсанг, устозингни унутма.

Устозингга тик қарасанг, тўзасан,
Хурмат қилсанг, аста-аста ўзасан.

Чакки юрсанг, дакки ерсан.

Чўпонни таёғидан бил,
Келинни — оёғидан.

Шалп юрсанг, шапаки ерсан.

Шамолимни сўкма,
Тузимни ерга тўкма.

Шапалоқ билан юз қизарар.

Эшик очик бўлса ҳам, сўраб кир.

Яхши бола ёғ келтирас.
Ёмон бола доғ келтирас.

Яхши бола ном келтирас,
Ёмон бола ғам келтирас.

Яхши бола — отага қувват,
Ёмон бола — укубат.

Яхши бола — суюк,
Ёмон бола — куюк.

Яхши бола — тўрга тортар,
Ёмон бола — гўрга.

Яхши бола шон келтирас,
Ёмон бола қон келтирас.

Яхши боладан раҳмат,
Ёмон боладан — лаънат.

Яхши хулқ — кишининг ҳусни.

Яхши яроқсиз бұлар,
Ёмон — қулоқсиз.

Яхши қыз эрта туриб, соч тарар,
Ёмон қыз эрта туриб, нон сұрап.

Үйноқи құзи ойна синдирап.
Үйноқи бузок ўт босар.

Үринсиз қилиқдан үринли юмрук яхши.

Үғилга ўғил бұлмасанг,
Увиқ тегар бошингга.
Келинга келин бұлмасанг.
Келисоп тегар бошингга.

Үғирлик ош баданга юқмас.
Ёмон бола ота-онага бокмас.

Қайнаналик келин — қарқара келин,
Қайнанасиз келин — масхара келин.

Қыз бола уйда яхши,
Эр бола элда яхши.

Қизим уйда, қилиғи тузда.

Қизни эркалатсанг, эрнингга тепар,
Үғилни эркалатсанг, бурнингга тепар.

Қизнинг эркаси — әчкининг серкаси.

Қизининг қилиғи күчада билинар.

Қобил фарзанд — жонга пайванд.

Қобил ўғил отга миндирап,
Ноқобил — отдан туширап.

Қобил ўғил роҳат келтирап,
Ноқобил ўғил — меҳнат.

Қовун қовундан ранг олар.

Қўйни — серка,
Ўйинни эрка бошлар.

Ҳай-ҳай сенинг юришинг,
Бордир сенинг бир ишинг.

Ҳусн хулқи билан чиройли.

Ҳусн ҳусн эмас, одоб ҳусн.

Ҳул ёғочни эгмагин,
Тегмаганга тегмагин.

МЕХМОН ВА МЕХМОНДЎСТЛИК

Бетамиз меҳмон мезбонни қистар.

Биринчи кун меҳмон — олтин меҳмон,
Иккинчи кун — кумуш,
Учинчи кун — мис,
Учдан ўтса — пес.

Борини берган уялмас.

Йўлли кишининг меҳмони бир келар.

Йўқча гуруч ош бўлади,
Меҳмон кўнгли шод бўлади.

Келгунча меҳмон уялар,
Келгандан сўнг мезбон уялар.

Келиш меҳмондан, кетиш мезбондан.

Келмоқ ихтиёр билан,
Кетмоқ ижозат билан.

Мезбон борини қўйса,
Меҳмон озга санамас.

Меҳмон — азиз, мезбон — лазиз.

Меҳмон — атойи худо.

Меҳмон жойи кўз устида.

Меҳмон иззатда,
Мезбон хизматда.

Мехмон келар эшикдан,
Ризқи келар тешикдан.

Мехмон келган уй — баракали.

Мехмон келган уйнинг чироғи равшан.

Мехмон келса, пастга туш,
Палов бермоқ аҳдга туш.

Мехмон келса учтаккина,
Учиб кетса қушдаккина.

Мехмон келса чоптирас,
Бор-йўрингни топтирас.

Мехмон келса, эт пишар,
Эт бўлмаса, бет пишар.

Мехмон кўрки — дастурхон.

Мехмон мезбонга азиз,
Мезбон — меҳмонга.

Мехмон меҳмонни севмас,
Мезбон ҳаммасини севмас.

Мехмон носи уч кундан кейин сасир.

Мехмон оз ўтирас, кўп кўрас.

Мехмон оз ўтирса ҳам, кўп синар.

Мехмон — отангдан улур.

Мехмон сўраб емас.

Мехмон — уй эгасининг бузоғи.

Мехмон — уйнинг зийнати.

Меҳмонга ош қўй,
Икки қўлинни бүш қўй.

Мехмонга ширин сўз бер.

Мехмонни сийлаган итига суюк ташлар.

Меҳмоннинг итини тур дема.

Меҳмоннинг кетишини сўрама,
Келишини сўра.

Меҳмоннинг олдида мушугингни пишт дема.

Меҳмоннинг отини асл дерлар,
Уч кундан сўнг сасир дерлар.

Меҳмоннинг ўзи ҳам меҳмон.
Сўзи ҳам меҳмон.

Меҳмонхонанг тор бўлса ҳам,
Меҳри-дилинг кенг бўлсин.

Ойда келганга — оёқ,
Кунда келганга — таёқ.

Очиқ юз — ошдан ширин.

Ош — меҳмон билан азиз.

Ош — эгаси билан ширин.

Супурилмаган уйга меҳмон келар.

Суҳбат севмаган тегирмон қурдирав,
Меҳмон севмаган боласини урар.

Чакирилмаган меҳмон —
Сариқ итдан ёмон.

Чакирилмаган кўноқ —
Йўнилмаган таёқ.

Ширин чойинг бўлмаса,
Ширин тилинг бўлсин.

Ширин ошинг бўлмасин,
Ширин сўзинг бўлсин.

Ширмой нонингни берма,
Ширин сўзингни бер.

Эрта борсанг, эт пишар.
Кечга қолсанг, бет пишар.

Эшиқдан келганни ит қопмас.

Юзта сиз-биздан,
Битта жиз-биз яхши.

Үзи келган меҳмон — атойи худо,
Чақириб келган меҳмон — гадойи худо.

Қўнгунча қўноқ уялар,
Қўнгандан кейин — уй эгаси.

Қўноқ бир кун қўнса — кут,
Икки кун қўнса — ют.

Қўноқ оши йўлга яхши.

Қўноқ тўйдим, дейди,
Уй эгаси ёқтиurmadi, дейди.

Қўноқ қўйдан ҳам юввош,
Мой берсанг ҳам, еяверади.

Қўноқка ош бер, отига — ем.

Хўрағон ит эгасига қўноқ келтирас.

САХИЙЛИК ВА БАХИЛЛИК

Асл қушнинг боласи
Олдига қўймай ош емас.

Аслнинг хатоси йўқ,
Нокаснинг — атоси.

Ахмоқда акл бўлмас,
Ақлли баҳил бўлмас.

Баҳил авлиё бўлмас,
Авлиё баҳил бўлмас.

Баҳил билганин буклар,
Топганин тахлар.

Бахил бойга боргунча,
Карамли тоққа бор.

Бахил борини қиймас,
Йүк уни тополмас.

Бахил, бұлмайди ахил.

Бахил бұлма, сахий бұл,
Ұсмоғингга түғри йүл.

Бахил топса, босиб ер,
Сахий топса, барча ер.

Бахил түймас,
Бахиллигини күймас.

Бахил эхсондан қочар,
Хасис мемондан қочар.

Бахилдан бош бұлмас,
Ахилга сирдош бұлмас.

Бахилдан омонат ажаб,
Каримдан хиёнат ажаб.

Бахилдан тош сұрагунча,
Гадойдан ош сұра.

Бахилники доим «йүк»,
Сахий йүк бұлса ҳам түк.

Бахилнинг бағри қаттиқ.

Бахилнинг бояғи күкармас,
Күкарса ҳам мева бермас.

Бахилнинг ерида сунбул күкармас.

Бахилнинг күзасидаги сувдан на фойда.

Бахилнинг мушуги бор,
Сичқон кирмас уйига.

Бахилнинг тузи татимас.

Бахилнинг түйнугидан ел кирмас,
Эшигидан — эл.

Бахилнинг шами оқса,
Күзининг ёши оқар.

Бахилнинг қўли сиқиқ,
Қўлидан ҳам дили сиқиқ.

Бахилнинг қўлида ой бўлса,
Оlamни ёритмас.

Бахилнинг хурмати бўлмас.

Берардан ҳам бир сўра,
Бермасдан ҳам бир сўра.

Берарманга бешов кўп,
Оларманга олтov оз.

Берағон қўлим — олағон.

Берганга бир ҳам кўп,
Олганга ўн ҳам оз.

Берганга — қўша-қўша,
Бермаганга — ўша-ўша.

Берганинг бир юмурта,
Ўлдирдинг турта-турта.

Бердининг берди оти бор,
Олдининг олди оти бор.

Бермаганни бериб уялтири.

Бермас келин келига сув қуяр.

Бермаснинг оши пишмас,
Пишса ҳам қозондан тушмас.

Беш панжангни оғзингга тиқма.

Бир кунга хўқиз ўлмас,
Икки кунга эгаси бермас.

Бирорвга берсам — эссиз ошим,
Үйда турса — сасир ошим.

Бой бўлсанг, алак кий,
Камбағал бўлсанг — ипак.

Бой бўлсанг, шолғом е,
Камбағал бўлсанг — палов.

Бой топса, босиб ер,
Ботир топса, барча ер.

Бойнинг молини баҳил қизғанар.

Бор бўлиб емаганнинг ур тишига,
Йўқ бўлиб ейман, деганнинг ур ичига.

Бор бўлса, кўролмайди,
Йўқ бўлса, беролмайди.

Бўлиб еган бўртиб чиқар,
Бутун еган туртиб чиқар.

Гул — даста-даста,
Гул бермаган нокаста.

Дўноннинг тойлиги бўлмас,
Нокаснинг — бойлиги.

Ема, ичма, бўл баҳил,
Бой бўлмасанг, мен кафил.

Емас ерга ўт битар,
Ичмас ерга сув битар.

Емас ерда юмуш кўп.

Ердан садо чиқса чиқар,
Баҳилдан садо чиқмас.

Етимчадан бой чиқса,
Айрон бермас ичарга.
Тикувчидан бой чиқса,
Қайчи бермас бичарга.

Занг темирни кемирар,
Ҳасад — одамни.

Камбағалнинг тўйи тўкин бўлар,
Бойнинг тўйи юпун бўлар.

Кенг бўлсанг, кам бўлмайсан.

Кийган тўнинг эскирар,
Кийдирганинг эскирмас.

Кўнгли очиқнинг — йўли очик.

Кўнгли очиқнинг — қўли очик,
Кўли очиқнинг — йўли.

Кўнглинг кенг бўлса, хужра ҳам сарой.

Мактасанг, сахийни мақта,
Топтасанг, баҳилни топта.

Меники битсин, сеники йитсин.

Минг кўй берадиган йигитнинг
Пешанасида бир қўйнинг изи бўлади.

Ол, десанг, суонар,
Бер, десанг, куюнар.

Ол, десанг — хиринг-хиринг,
Бер, десанг — диринг-диринг.

Оларда — кирап жоним,
Берарда — чиқар жоним.

Оларда — олмон, берарда — безгак.

Оларда ҳисоби — тўккиз,
Берарда саноғи — уттиз.

Олимсогинг бўлса-бўлсин,
Беримсогинг бўлмасин.

Олишда: Бисмилло,
Беришда: Астағфурилло.

Олишда: Ҳой-ҳой,
Беришда: Вой-вой.

Ол-олчининг дўсти кўп,
Бер-берчининг дўсти йўқ.

Ошхонанг кенг — гўрхонанг кенг.

Оққан ариқдан сув оқар.

Патирдан қил чиқмас,
Бахилдан пул чиқмас.

Пишиқ бўлиб нетарсан,
Сода етар бошингта.

Сахий билан бахил бир булоқдан сув ичмас.

Сахий билан бахилни эшагининг тўқими билдирап.

Сахий бўлмаса, бахил ҳаром ўлар.

Сахий топса, ўртада,
Бахил топса, халтада.

Сахий хор бўлмас,
Бахил беҳиштга кирмас.

Сахийнинг ишига бахилнинг тиши қамашар.

Сахийнинг ўнг қўли берар,
Чап қўли билмас.

Сахийнинг хайрига бахилнинг боши оғрир.

Соғай десанг, сути йўқ,
Кирқай десанг, жуни йўқ.

Сув ичирмасга сут ичир.

Сувсиз ерда тол бўлмас,
Қовокарида бол бўлмас.

Сукутда хикмат кўп,
Булутда — ҳиммат.

Сўраб бергунча, уриб бер.

Тангрининг молини шайтон қизғанар.

Тантига танбех йўқ.

Тақлидчига толе ёр,
Ҳасадчига — ҳалокат.

Тегирмонда туғилган сичконнинг феъли кенг.

Тикадиган бека бўлсин,
Киядиган чўри бўлсин.

Тор белгиси тош билан,
Бой белгиси ош билан.

Түгмас хотинга игна ҳам давлат.

Үйинг тор бўлса ҳам,
Кўнглинг кенг бўлсин.

Хайр қилсанг, бутун қил.

Хайр ҳам — хайр,
Далолат ҳам — хайр.

Хайрли қўл қайрилмас.

Хасис тўй қилса, баковул бўлма.

Хасис ҳаёсиз бўлар,
Ери гиё(x)сиз бўлар.

Хасисдан дон тилагунча,
Гадойдан нон тила.

Хасисдан тухум олсанг, сарифи чиқмас.

Хасиснинг пулидан юлдуз яқин.

Хашак ўти хонани куйдирап,
Ҳасад ўти танани куйдирап.

Черчидан подшо бўлса,
Инъоми игна бўлар.

Чумсохга чумич тегса, чумичда қокар.

Чўлоқнинг сайри йўқ,
Хасиснинг — хайри.

Шабнамга қудук тўлмас,
Дунёга баҳил тўймас.

Эшак бўлсин, хайрли бўлсин.

Яхши топса, элга ёяр,
Ёмон топса, гўрга ёяр.

Яхшининг кўнгли — тоғ,
Бахилнинг кўнгли — доғ.

Яшириб еганинг қорни тўймас.

Ўзи емас, итга бермас.

Ўзига бахиллик қилган,
Ўзгага сахийлик қилмас.

Ўрдак берган ғоз олар.

Қайнананики — ўртада,
Келинники — халтада.

Қаллобнинг болидан
Сахийнинг захри яхши.

Қамиш сувга тўймас,
Хасис — пулга.

Қарноғи йўқ уйида,
Одами йўқ тўйида.

Қизғанганинг қизил итга ем бўлар.

Қизғанчик бузоқ эмган улокни кўролмас.

Қиммати оз — ҳиммати оз.

Қора сув чанқоқ қондирмас,
Бахил киши қўноқ қўндирилас.

Қуш — қаноти билан,
Эр — ҳиммати билан.

Қўй берган киши ипидан қочмас,
Қиз берган киши — сепидан.

Қўлим очик — юзим очик.

Қўлингдан бермасанг, йўлингдан бер,
Йўлингдан бермасанг, сўзингдан бер.

Қўчкор бўлар қўзининг
Пешонаси дўнг бўлар.

Оға бўлар йигитнинг
Пешонаси кенг бўлар.

Ҳар ким ҳимматига яраша топар.

Ҳарис бўлган ҳақир бўлар.

Ҳарис қариса ҳам, ҳарислиги қаримас.

Ҳасад кўчатини эккан,
Бало мевасини ер.

Ҳасад ўтини дарё ўчиrolmas.

Ҳасад ҳилма, ҳавас қил.

Ҳиммат — эрдан, арвоҳ — гўрдан.

Ҳиммати йўқнинг хурмати йўқ.

Ҳимматли кўкка кўтарилар,
Ҳимматсиз ерга кўмилар.

Ҳимматли ҳимматидан топар.

ГЎЗАЛЛИК ВА ХУНУКЛИК

Ақлли хотин — уй кўрки,
Чиройли хотин — кўча кўрки.

Бозорга — боққол,
Йигитга — соқол.

Боғ қурки — бодом,
Дунё қурки — одам.

Боғ чиройи гул билан.

Боғ ўзини тор айлар,
Тор ўзини — боғ.

Гул ўсса — ернинг қурки,
Қиз ўсса — элнинг қурки.

Гулнинг тўни — кирқ ямок, аммо хушбўй.

Гулнинг ҳам тикани бор.

Гўзал кўриш — кўзга савоб.

Дараҳт — ер зийнати,
Кийим — эр зийнати.

Дараҳтнинг ҳусни — барги билан меваси.

Дидсиз ўтирган ерини ҳам чангитар.

Етмиш гўзаликнинг биттаси — меҳнат.

Инсон қўли — гул.

Ипор иси сандиқдан кетмас.

Ипор исини яшириб бўлмас.

Ит деса, қўйруғи йўқ,
Сигир деса — мугузи.

Йигит кўрки — от-яроғ.

Йигит чиройи — арғумоги,
Келин чиройи — чақалоги.

Йиртиқ тўнга — зар ямок.

Кал бошига — шамшод тароқ.

Камтарлик ҳам ҳусн.

Капалак гулни дейди,
Булбул — куйини.

Кийикли тоғ — суюкли тоғ.

Кийиминг жанда бўлса ҳам, ганда бўлмасин.

Кир қўйлакка — жун ёқа.

Кишининг чиройи юзида.

Кулги чехра ёритар.

Кўзга яқин — қўнгилга яқин.



Кўра-кўра кўркам бўлар,
Юра-юра чечан бўлар.

Кўса қариганини билмас.

Майдон кўрки — ёғиши,
Гилам кўрки — нақш.

Нозсиз хотин — ёлқинсиз ўтин.

Нотавон кўнгилга — қўтирижомашов.

Одамга — лафз, гўсалага — дум.

Одамга — либос, эшакка — тўқим.

Одамнинг юзи қуёшни уялтирад.

Ой сулуви — нур,
Сой сулуви — сув.

Ойда ҳам доғ бор.

Ойдинда оқ кийган,
Кўланкада кўқ кияр.

Олмоқнинг кўрки — бермок.

Онангни отангга бепардоз кўрсатма.

Отни яхши кўрсатган —
Туёқдаги тақаси.
Тўнни яхши кўрсатган —
Енги билан ёқаси.

Оқ кўнгилликнинг юзи кўркам.

Пардоз қилган чиройли
Аммо ҳусни бир ойли.

Пардозлини уйда кўр,
Хотинингни тўйда кўр.

Пардозни пардоз бузар.

Пес ҳам ўз йулига,
Ҳусн ҳам ўз йулига.

Созли тордан — нозли садо.

Сулув сулув эмас,
Сүйган — сулув.

Сулувидан жилуви яхши.

Сумбул тақимда,
Йигит кўзи унда.

Супурги ернинг хусни,
Камтарлик — эрнинг.

Сукма бўлса ҳам йўл яхши,
Сўкир бўлса ҳам қиз яхши.

Сўз кўрки — мақол,
Гузар кўрки — баққол,
Йигит кўрки — соқол.

Сўкир кўзга сурманинг кераги йўқ.

Ташига қарама, ичига қара.

Терак ҳам боғ зийнати.

Товус танасига қараб яйрайди,
Оёғига қараб йиғлайди.

Тоз — танишдан,
Қўтирир — қамишдан.

Тоғнинг кўрки — лола билан,
Уйнинг кўрки — бола билан.

Турқ бошқаю, кўрк бошқа.

Уйга палос ярашар,
Хотинга — либос.

Умр ўзар, хусн тўзар.

Хол — жойида азиз.

Хотинга мол берма, хол бер.

Хунукдан худо безор.

Хушхулқлик — жамол,
Камтарлік — камол.

Чирой түйда керак.

Чирой хусну жамолда эмас, фазлу камолда.

Чиройга нон ботириб еб бұлмас.

Чиройли қизнинг нози бор.

Чиройлилік мурод эмас,
Хунуклик уят эмас.

Чопмасанг ҳам от яхши,
Қучмасанг ҳам қиз яхши.

Чұлда ўсған гиёх ҳам — чұлга хусн.

Чүтирнинг ҳам ўз хусни бор.

Шақарда бир хотин бұлса,
Заргар очидан үлмас.

Әгри бұлса ҳам йүл яхши,
Қари бұлса ҳам қиз яхши.

Эшакка — түким, одамга — либос.

Юз — ўтдан иссиқ.

Яхши қиз — ёқадаги қундуз,
Яхши йигит — күкдаги юлдуз.

Яхши қомат — ярим омад.

Яхши хусн — ярим баҳт.

Яхшининг юзи офтобни илитар.

Яхшининг юзида зулук ҳам хол булиб күринар.

Үзига бокмаган ўзгага ёқмас.

Үйида бору, бүйида йўк.

Үйин соз билан,
Киз — ноз билан.



Үрдак ўзига оро берса ҳам, оккуш бўлолмас.

Қари бўлса ҳам қиз яхши,
Ачиған бўлса ҳам — қимиз.

Киз бола — гул-лола.

Киз бола — уй зийнати.

Киз бола эрда яхши,
Эр олмаса гўрда яхши.

Киз бор — қирғиз қовоқли,
Киз бор — қарчиғай қанотли.

Киз қилиғи билан иссиқ.

Киз ҳусни — юрагида.

Кизни ким севмас.

Қимизни ким ичмас.

Кизнинг иси — гулнинг иси.

Кизнинг кўзи — қизилда,
Ёшнинг кўзи — яшилда.

Кизнинг қилиғи яхши,
Сутнинг — илиғи.

Кирққача кўса яхши,
Кирқдан сўнг ўлса яхши.

Кози ришвасиз бўлмас,
Киз ишвасиз бўлмас.

Қозон қайдা — сув шунда,
Сулув қайдা — кўз шунда.

Қори бўлмаса, қиш хунук,
Ёри бўлмаса — қиз хунук.

Қулоқ сўз учун,
Оlam кўз учун.

Ҳавонинг тафтига бок,
Одамнинг афтига бок.

Ҳар бօғнинг — гули,
Ҳар чорбօғнинг — булбули.
Ҳар гулнинг ҳиди бошқа.
Ҳар гўзалнинг бир айби бор.
Ҳар кимнинг диди бошқа.
Ҳар нарсанинг ярашиғи бор.
Ҳар қушнинг қаноти ўзига яраша.
Ҳусн гоҳ баҳт келтирас,
Гоҳ — кулфат.
Ҳусн — ярим давлат, ярим оғат.

КАМТАРЛИК ВА МАНМАНЛИК

Адандан жой топилса тўрга ўтма.
Азларнинг қунгли қуртова тилар.
Амал етди кўрга,
Югуриб ўтди тўрга.
Амал ўздирас,
Амалга мағрур бўлсанг, тўздирас.
Амал тегди ҳундуга,
Бошини сукди мўндуга.
Амал тегса нодонга,
Ўзини урар ҳар ёнга.
Арғумогим жиртак отди,
Лойни кўриб таппа ётди.
Бак-бак этган такани
Ёмғир ёққанда кўр.
Шақ-шақ этган келинни
Сигир соқканда кўр.
Бак-бак этган такани
Кор босгандада кўр.
Манман деган йигитни
Ёв босгандада кўр.

Бакироқ сигир сутсиз бұлар.

Билган киши билдим демас,
Билдим деса, билган эмас.

Билмаганни билдим дема,
Қилмаганни қилдим дедма.

Бир күзи күр,
Хайбати зүр.

Бир ошганга бир тошган.

Бирни билган бирни билмас.

Бирор билганини мақтар,
Бирор — күрганини.

Бойиб кетсанг букирма,
Йұл юрганда сүкінма.

Бор бұлсанг, ошма,
Йүк бұлсанг, шошма.

Борликда мақтанма,
Йүқликда қайғурма.

Бошинг осмонга етса ҳам
Ерга қараб юр.

Бокқанинг икки әчки,
Ұшқырғанинг ер тебратар.

Бүш тегирмон гулдирап.

Гавдасига мағұр тұя
Мучалға кирмай қолибди.

Гапни катта гапирма,
Нонни катта тишилама.

Давлат битса ёмонга
Үзин санар хоқонга.

Дараҳт қанча баланд бұлса ҳам,
Меваси қуида бұлади.

Даҳсар — тарик, сесар — ҳайқириқ.

Донг тортганнинг тўйини кўр,
Манг урганнинг уйини кўр.

Дўстингга сир айт,
Манманлиқдан қайт.

Ерни сув бузар,
Одамни — пул.

Ёмғир ўзин сел санар,
Кўлмак ўзин — кўл.

Ёнида бир пули йўқ,
Туяningтишини кўrap.

Ёнида бир пули йўқ,
Киз сайлайди бойвачча.

Ёнида бир пули йўқ,
Фирвонга ҳоким.

Ёнар пилик баҳона.

Жангал ўзини бор санар.

Жом қозоннинг тоти чиқар,
Мактандоқнинг — моти.

Ит уясида ўзини йўлбарс санар.

Ит қутурса, эгасини қопар,
Чумчук қутурса, бургутга чопар.

Итнинг ажали етса, меҳробга ўтирад.

Ичгани оши йўқ,
Итининг оти «Бойтеват».

Иш бошлаганда мақтанма,
Иш битганда мактан.

Ишни Исмат қилади,
Лофни Тошмат уради.

Ишни қилади асбоб,
Эгаси уради лоф.

Йиртиқ оғиз тирик оғизга кулар.

Йүл күрган от йүлга сиғмас.

Йўқ нарса бор бўлар, камтар бўлсанг,
Бор нарса йўқ бўлар, манман бўлсанг.

Кал тегди, кўр ноз қилди.

Калнинг нимаси бор,
Темир тароғи.
Кўрнинг нимаси бор
Эски таёғи.

Камликнинг камоли бор.

Камтар бўлдинг — гавҳар бўлдинг.

Камтар бўлсанг, обрў ортар,
Манман бўлсанг, энса қотар.

Камтар бўлсанг, ош кўп,
Манман бўлсанг, тош кўп.

Камтар етар муродга,
Манман қолар уятга.

Камтар камолга етар,
Бесабр оёқдан йитар.

Камтар керилмайди,
Мол-дунёга берилмайди.

Камтарга — камол,
Манманга — завол.

Камтарга эгил,
Манманга керил.

Камтарлик — катта давлат.

Камтарлик кўкка кутарар,
Манманлик ерга киритар.

Катта есанг ҳам, катта гапирма.

Кеккайганга кеккайгин,
Бошинг күкка етгунча.
Эгилганга эгилгин,
Бошинг ерга теккунча.

Кеккайганга кекайгин,
Энкайганга энкайгин.

Кеккайиш теракка ярашар.

Келинни келар йилда күр.

Келинни келганда күр,
Сепини ёйганда күр.

Керилган күчага сиғмас.

Керилганинг түйига бор,
Мактанганинг — уйига.

Керилма ғоз,
Хунаринг оз.

Кишнаган айғирнинг уюрин күр,
Чиранган йигитнинг — уйин.

Кун күрмаган кун күрса,
Кундуз чирок ёқтирап.

Күз-күз қылма, күз тегар,
Мактандыкка сүз тегар.

Күкка боққан ииқилар.

Манманга — бало, югурукка — тумор.

Манманга — завол, ёмонга — ажал.

Манманлаган хотинни бешиклигига сина.

Манманлик туққан онангга ҳам ёқмас.

Манманликни нетарсан,
Обруйингдан кетарсан.

Мактандан панд ейди,
Камтарин қанд ейди.

Мактандан қиз түйда бузилар.

Мактандыннинг бурди кетар,
Асл ниятига камтар етар.

Мактандык — қуруқ пүчок.

Махмаданадан маслаҳат кутма.

Мевали дараҳт ерга энгашар,
Мевасиз дараҳт қўкка тирмашар.

Мевасиз дараҳт эгилмас.

Мевасиз дараҳтнинг боши — туман.

Мен-мен деганинг манглайи қора.

Молинг кўп бўлса, мактандыма,
Бошинг кўп бўлса, тўпланда.

Мулланинг олдида тилингни тий,
Устанинг олдида — қўлингни.

Номи — улуғ, супраси — қуруқ.

Ногоранинг ичи пўк, овози — баланд.

Оёғида хинаси бор
Ерни босиб юрмайди.

Олдин ўзингга бок,
Сўнгра ногора қок.

Олдин ўзингни тузат,
Кейин бировни кузат.

От кўрмаган от кўрса,
Отхонада от чопар.

От минган отасини танимас,
Той минган — оғасини.

Отасиз ўғилнинг оғзи — катта.

Оч нима емас,
Түк нима демас.

Оқсоқ тек турмас,
Соқов — жим.

Оқсоқнинг охирига бок,
Мактандынчоннинг — маъракасига.

Оғзи билан ўроқ ўрган,
Оёғи билан машоқ терар.

Оғирликни ер кутарар,
Семизликни қўй кутарар.

Писмиқ ётиб пут кутарар,
Шалдир-шулдир от кутарар.

Пишикман деб керилма,
Содда етар бошингга.

Подачининг қизини кўр,
Аяб босган изини кўр.

Саёз дарё шовқин оқар,
Чуқур дарё сокин оқар.

Сиз турибсиз тиккайиб,
Биз турибмиз тиккайиб,
Ерга тушган қамчини
Ким олади энкайиб.

Сирли сандиқнинг ичи бўш.

Сирти ялтироқнинг — ичи қалтироқ.

Сичқон сиғмас инига,
Фалвир боғлар думига.

Сочиб мақтанма, йигиб мақтан.

Соқов кўп гапирав,
Чўлоқ кўп югурав.

Супрасида уни йўқ,
Том бошида қўш тандир.

Сутсиз сигир күп маърар.

Сұраб билған — камтарлық,
Сурамаган — хұмпарлық.

Сүкір күп күрар,
Чұлоқ күп юрар.

Тевадан сүрадилар: Касбинг нима?
— Атторлик.

Тоза ясовул күз чиқарап.

Товукнинг учгани томгача.

Түя бүйним узун деб, карракдан қурук қолибди,

Түғилмаган Тиловга тилла бешик.

Тұла йүғон пұла бұлар.

Түкөл тақа сузишда енгилар.

Уйида иштон бичолмаган
Далада түн бичар.

Уйида бир ош уни йўк,
Итининг оти — Маржонгул.

Үйида йўқ угралиқ,
Ўзганикода қилар тўралиқ.

Үйида умоч кесмаган,
Күчада угра кесар.

Үлүр булсанг кеккайма,
Үз элингга чекчайма.

Улфатинг новча бүлса, паст бүл,
Паст бүлса, хас бүл.

Устаси — салмоқчи,
Шогирди — сайроқчи.

Хашак оқар юзида,
Куми қолар тагида.

Чакимчи етказар, мақтанчоқ үлдирап.

Чилласи чироқ күрмаган
Мум шамни камситар.

Шер қутурса, ойга сапчир.

Шұхратпараст — ҳамиша пасткаш.

Шұхратпараст әл бүлмас,
Күлмак сувдан күл бүлмас.

Эл сени ақлли деса,
Сен әлдан ақл үрган.

Эриб айтган әритар,
Керилиб айтган ҳоритар.

Эрим урмайди дема,
Болам сиймайди дема.

Әшак маслақатлашиб ҳанграмас.

Әшак мактаниб, тулпор бүлмас,
Карға мактаниб, шунқор бүлмас.

Әшак ҳанграйди сойда,
Маълум бүлади лойда.

Әшакка мугуз битса,
От қорнини ёрап.

Әшакка мугуз битса,
Әгасини сузар.
Туяга қанот битса,
Томингни бузар.

Ювош йүғонласа, эшикка сиғмас.

Юришни билмасанг, сакрашга уринма.

Янток үзини боғ айлар,
Ахмок үзини тор айлар.

Япалоққуш мактанса,
Жардан қүён олдим дер.
Ёмон киши мактанса,
Яхшининг ёқасидан олдим дер.

Ясанчоқ мардона бўлмас,
Капалак парвона бўлмас.

Яхши эпи билан сўзлар,
Ёмон — сепи билан.

Ўзгага кулгунча, ўзингга кул.

Ўзгада нуқсон кўрсанг,
Ўзингни бенуқсон дема.

Ўзгани буғдой билсанг,
Ўзингни сомон бил.

Ўзи пасмонданинг кўнгли осмонда.

Ўзим биламан деган ўлар,
Кўп биламан деган қулар.

Ўзим биламан деган ўрга тушар.

Ўзинг осмонда бўлсанг ҳам,
Оёфинг ерда бўлсин.

Ўзингга қарама, оламга қара.

Ўзингни ой билсанг,
Ўзгани сой бил.

Ўзингни эр билсанг,
Ўзгани шер бил.

Ўзингни ўзинг мақтама,
Сени бирор мақтасин.

Ўзингча кўрмасанг, кўзингча кур.

Ўзини ака деган
Эчкисини така дер.

Ўзини мақтаган — ўлимнинг қоровули.

Ўзиникида жинчироқ ёқмаган
Биронникида шамчироқ ёкар.

Ўзиникида қирмоч еган
Биронникида қуйрүк сўрар.

Ўлари — хон,
Кўланкалари — майдон.

Ўланни тўй кўтараар,
Семизликни — қўй.

Ўлармоннинг жони сабил.

Ўрдак йўқ кўлда лойхўрак — хон.

Ўтган кунингни унутма,
Хом чоригингни қуритма.

Ўтмас пичокқа — олтин соп.

Ўтмас теша ўткир бўлса,
Болта дастасини қирқар.

Қарға қанот ёзиб қарчиғай бўлмас.

Қақиллаган хотинни қиз берганда кўр.

Қизил этиклидан келмайди,
Кўн этиклига бермайди.

Қизим бор деб керилма,
Зеб-зийнатга берилма.

Қилиши битта тухуму
Қа-калаши юрт бузар.

Қора товуқ қақиллайди,
Оқ товуқ шақиллайди.

Қул еганини мақтар,
Бачча — кийганини.

Қул қутурса, Қўнғиротдан топ.

Қулни мақтансин десанг, олисга сот.

Кулон кудукқа қуласа,
Кулорида қурбака қуриллар.

Курол ишлар, құл мақтанар.

Куруқ ердан ел чиқар.

Куруқ ёғоч әгилмас.

Куруқ савлатдан қуруқ сават яхши.

Курукнинг ўтига ҳұл куяр.

Қуюн үзин сел санар,
Құрқок үзин әр санар.

Куюшқондан зиёд кучанма.

Құрқокнинг оти — мақтанчоқ.

Фурур — ғурбат,
Камтарлик — хурмат.

Фурур ғурбаттаға солар.

Ҳадидан ошса киши,
Мақтаниш бұлар иши.

Ҳар күш үз овозидан хуш бұлар.

БАХТ, ОМАД ВА БАХТСИЗЛИК

Абдулжаким овга чикди,
Орқасидан ғавро чикди.

Авваги бахтим — гул бахтим,
Кейинги бахтим — сувга оқдим.

Аввалини бергунча, охирини берсін.

Азобли қулни от устида ит қопар.

Ахтарганда топилмас,
Керакмасда зор-зор.

Бахт кулгу бор уйга кирап.

Бахт — сандықда, калити — осмонда.

Бахтли овчига чүлөк кийик йүлиқар.

Бахтсиз кишини түяннинг устида ит қопар.

Бахтсиз қудукқа кирса, қум ёғар.

Бахтсизликда олтин ҳам хира.

Бемор тузалгиси келса,
Табиб үз оёғи билан келар.

Беобру бел боғласа,
Бечора бүйин эгар.

Бераман деган қулига,
Ундан-бундан етказар.
Бермайман деган қулининг
Бор-йүғини кетказар.

Бераман деган қулига,
Чиқариб құяди йүлиға.
Оламан деган қулидан,
Тортыб олади құлидан.

Биз үғирликка чиқсак, ойдин бүлар.

Биз қаллиққа борганда, ой ёруғ бүлар.

Бирор сув тополмайди ичгани,
Бирор сув тополмайди кечгани.

Бирор — тождор,
Бирор — бождор.

Бирор үламан деса,
Бирор куламан дейди.

Бозорга бор, бахтингдан күр.

Болта урсам тегди тошга,
Қайтиб тегди мунглук бошга.

Борга бало ёпишмас.

Бошим бало ичидар,
Оёгим жафо устида.

Давлат қочар, меҳнат қувар.

Давлат ҳам эгиз-эгиз,
Меҳнат ҳам эгиз-эгиз.

Давринг кепти, сур бегим,
Давронинг кепти, ур бегим.

Девонанинг ишини худо ўнглар.

Дойинг мироб бўлгунча,
Еринг ўй бўлсин.

Етим қизнинг тўйини ёмрир бузар.

Ё донгинг чиқсин,
Ё — чангинг.

Ё, еринг сероб бўлсин,
Ё, отанг мироб бўлсин.

Ё, жон чиқсин,
Ё — ном.

Ё, ловуллаб ён,
Ё, биратўла ўч.

Ё — остидан,
Ё — устидан.

Ё, отинг чиқсин,
Ё — ўтинг.

Ё, пошто бузар,
Ё — паша.

Ё ичидар яйрамаган қора буйрак.

Жўжанинг иқболи бўлса,
Товуқнинг эмчаги бўлар эди.

Йигит бошидан давлат йироқ эмас.

Йигит моли — ерда.

Йиқилганинг устига юлдурук.

Йиғлаганинг олдиdan инграган чиқар.

Йўли бўлган йигитга йўлдан йўлдош қўшилар.

Йўли бўлган йигитнинг янгаси олдидан чиқар.

Йўлинг чароғон бўлса,
Турмушинг фаровон бўлар.

Кал қизнинг баҳтини кўр,
Ўтирган таҳтини кўр.

Камбағал қиз қалтирайди,
Пешонаси ялтирайди.

Камбағални от устида ит қопар.

Камбағалнинг ёлғиз қўзисига қашқир тегар.

Камбағалнинг касали олисда бўлса,
Табиб ҳам бормас.

Камбағалнинг ови юрмас,
Ови юрса ҳам дови юрмас.

Камбағалнинг ош устида бурни қонар.

Камбағалнинг оғзи ошга етганда,
Боши тошга тегар.

Камонсизга кийик учрап.

Кел-кели келса, буламиқ тиш синдирап.

Кел-кели келса, келиндан аввал қиз туғар.

Кел-кели келса, ит ҳам саховатли бўлар.

Келишмаганинг келини — ўғри.

Кумуш кунга қўнса,
Олтин ўз оёғи билан келар.

Куннинг куни бўлганда,
Чўртан балиқ терак бошида сузар.

Лақайнинг куёв бўлгани — бек бўлгани.

Манглайимда бўлса кўрарман,
Аямда бўлса яларман.

Минг қўйлиниңг қўйи қолди,
Бир қўйлиниңг қўйи кетди.

Молинг хўра бўлса, берди худо,
Хотининг хўра бўлса, урди худо.

Ови юрганниңг дови юрар.

Овчининг оши — оёғида,
Қўйчивонниңг бахти — қўйида.

Ойда-йилда бир бозор,
Униям ёмғир бузар.

Омади келса, сичқон филни енгар.

Омадниңг шишаси темирчининг дандонини синдирап.

Ориқ отга чанг юқар.

Ориқ отга қамчи ёв,
Тешик томга томчи ёв.

От бозори — бахт бозори.

Ота билан қолган — шум етим,
Она билан қолган — гул етим.

Отангниңг чорвоғида қолгунча,
Онангниңг ўйморида қол.

Отаси урмаган қўнғизни,
Боласи урар тўнғизни.

Отдан ола ҳам туғар, кора ҳам.

Оting яхши бўлса,
Бу дунёниңг фароғи.

Хотининг яхши бўлса,
Бу дунёнинг чароғи.

Оч қоринга — аччиқ айрон.

Оч қоринга — намакоб.

Оқ кунда оқаарсан,
Қора кунда кораярсан.

Таваккални тошга ур,
Бахтингдан кўр.

Таваккалнинг эшагини бўри емас.

Таваккалчининг кемаси ботмас.

Таёқсизга товушкон учрар.

Талак ургани фалак урап.

Танлаб-танлаб тозга учрабди.

Танлаган тулкига йўлиқар.

Тахting кулгунча, бахting кулсин.

Темир қармоққа — олтин балиқ.

Темирчи тақага ёлчимас,
Бўзчи — белбокқа.

Тилаб олган боламни эчки сузиб ўлдирди.

Толеим толдан экан,
Буйруғим калдан экан.

Тошсиз тарозининг шайини синик.

Тул хотиннинг бошига турна тезаклар.

Тут яхиси — ерга,
Қиз яхиси — кўрга.

Тўккиз қизнинг тўлғоги бир келибди.



Уста пичоқقا ёлчимас,
Этикдүз — бигизга.

Хариднинг сахтини тилагунча, баҳтини тила.

Хизир назар қилмаса,
Эшак бозорига даллол ҳам бўлмайсан.

Хон тахтидан қўрқар,
Қиз — баҳтидан,

Хотин баҳти эрда бўлар,
Етим — баҳти ерда.

Худо ургани пайғамбар ҳам ҳассаси билан туртар.

Худо урган туюни
Вайсулқора на қилсин.

Шам ёруғи тубига тушмас.

Шўрга тушган шўри қурир.

Шўрликка йўл ўйилар.

Этикдўзнинг этиги йиртиқ.

Эшагим чўлоқ бўлди,
Манзилим йироқ бўлди.

Эшаклига тулки учрап.

Эшиқдан баҳт кирса,
Фалокат тешикдан қочар.

Юрганга йўрга йўлиқар.

Яроқлига ёв йўлиқмас.

Ўзим узун бўлсам ҳам, толеим паст.

Ўлганнинг устига тепган.

Ўлганнинг устига — ўн таёқ.

Үтириб эдим ғамсиз,
Бузорим туғди думсиз.

Қайғу йұғида қайғу —
Қайнанамнинг ўлгани.

Қаримтанинг устига қор ёғмас.

Қизга олтиндан тахт әмас,
Бармоқдай баҳт тила.

Қизнинг баҳти — әрнинг давлати.

Қиморбоз ҳам ютар, ҳам ютқазар.

Қордан қутулған, ёмғирға тутилар.

Қоронғу күн мангы бўлмас.

Қудук тубига күн тушмас.

Қурчалаган күзга чўп тушар.

Ҳар йигитга бир омад.

Ҳар нарсанинг вакти бор,
Ҳар бир қизнинг баҳти бор.

Ҳар оқшомнинг бир тонги бор.

Ҳуснинг бўлгунча, баҳтинг бўлсин.

ЭПЧИЛЛИК ВА НОШУДЛИК

Абжир бўлса фарзандинг,
Чўлдан нон терар.
Ялқов бўлса фарзандинг,
Ердан дон термас.

Байтал чопиб, пойга олмас.

Балак турилмай, балиқ тутилмас.

Бебарорлик бўлмаса,
Келин тушда гапирмас.

Биламан — дедим, тутилдим,
Билмайман — дедим, кутулдим.

Билган одам күли билан қүён овлар.

Билмаганга бит ўлдириш қиин.

Бир шалтоқнинг ишини
Йигирма эпчил эплай олмас.

Бозор билган оч қолмас,
Йўл таниган кеч қолмас.

Бурга тутиш учун ҳам бармоқни ҳўллаш керак.

Бурга қочар оёққа,
Бит қолади таёққа.

Бўлмаганга — бўлишма.

Гадойчиликка ҳам уқув керак.

Дарё чопар,
Чаққон топар.

Дуд демоққа дудок керак,
Сирка тиламакка — усул.

Дум тилаб, қулоқдан ажрабди.

Ер юзини баҳмал олса ҳам,
Анқовга тақиялик тегмас.

Ё, эшакни юкка элт,
Ё — юкни эшакка.

Ёмон даллол ёнидан тўлар.

Ёмон косиб бигиз танлар.

Ёнмаса, ўтин ёмон,
Ёқолмаса — хотин.

Ётган ётар, қидирған топар.

Ёроҷ қозон таги куяр.

Ёғочнинг юмшоғини курт ер,
Одамнинг юмшоғини — ит.

Жумуш ўқириб бийик бўлмас,
Эчки югуриб — кийик.

Жўғидан жузъя.

Замонинг тулки бўлса, сен този бўл.

Замонинг қандай бўлса,
Бўркингни шундай кий.

Ит бўлиш учун ҳам бир қарич қўйруқ керак.

Иш билмасанг, гап бил.

Иш билган — тузар,
Билмаган — бузар.

Йикилсанг, олиб тур,
Чўнтагингга солиб тур.

Йўрва отнинг йўли бўлар,
Жўртоқининг шўри бўлар.

Йўқни бордай қил,
Борни болдай қил.

Киши қўли билан ип эшилмас.

Кураш билмаган отасини йиқитар.

Кучанган билан қўл қавармас,
Бакирган билан бир иш битмас.

Кўнгиллаган чўпон такадан сут соғар.

Кўп бўлса сеплаб кўр,
Оз бўлса — эплаб.

Мерган овда билинар,
Сўзчи — довда.

Мол йўқотган энасининг қўйинини излар.

Молни боқсанг, тўқ бўлар,
Боқолмасанг, йўқ бўлар.

Молни топганга боктир,
Үтинни чопганга ёқтири.

Нұнок мерған оқсоқ қуён излар.

Ов олған този бурнидан маълум.

Овни отсанг, билиб от,
Дол нишонга күйиб от.

Овчи овчиликни қанча билса,
Айқ ҳам қочишни шунча билар.

Олдинги берсин сазасин,
Кейинги берсин жазосин.

Ортиқ қиласман деб, тиртиқ қилма.

Пазанданинг гүжасидан ош чиқар,
Ношуднинг паловидан тош чиқар.

Подачи күп бұлса, мол ҳаром үлар.

Пул отанг ким, онанг ким демайди.

Пулни пул топар,
Кетмөнни ахмок чопар.

Пухта бүйнидан илинар,
Гүл — оёғидан.

Савдолашув — савдонинг ярми.

Сандиги тұла сепи бұлғунча,
Юраги тұла эпи бұлсин.

Сатанг бир иш қилолмайди,
Қылса ҳам күп билолмайди.

Сепли бұлғунча, эпли бұл.

Сеплинин олма, эплинин ол.

Сигир үғирлаган қутулди,
Арқон үғирлаган тутилди.

Сих ҳам куймасин, кабоб ҳам.

Сонсиз хотиннинг уйига сон кирмас.

Сочиб қочгунча, олиб қоч.

Судралган калтак ер.

Суза билмаган ўз ҳовузида фарқ бўлар.

Сўз билмаган кишидан
Хура билган ит яхши.

Сўрай-сўрай, билиб олибди,
Уяла-уяла, қуруқ қолибди.

Сўқолмаган сўйил кўтарар.

Таваккал тоғни йикар.

Таваккал — эрнинг йўлдоши.

Тариқни еган — чумчук,
Балога қолган — бедана.

Тариги пишганинг товуғи бўл.

Тақлид билан тонг отмас.

Тентак ўйлангунча,
Таваккалчи сувдан ўтар.

Тирик бўлиб бозорда йўқ,
Ўлик бўлиб — мозорда.

Тоз тарангунча, тўй тарқар.

Тош келса, кемир,
Сув келса, симир.

Тулкининг минг бир хунари бор,
Ҳаммасидан охиргиси улуғвор.

Тулкининг ҳийласи кўп,
Яхшиси — қочмок.

Туриб ўлгунча, уриб ўл.



Туя — катта,
Яғрини — ундан ҳам катта.

Туя ўйин тушса, көр ёғар.

Туялига бостирма,
Итликка қоптирма.

Туяниң каттаси күприкда таёқ ер.

Туғулук сұрамоқнинг ҳам аъмоли бор.

Тұқилгандан ялаб қол.

Тұн — кийганники,
От — минганиники.

Тұркини яқиннинг түшаги йиғилмас.

Уддасидан чиқмасанг, уринма.

Узокдан аравалагунча,
Яқындан тұрвала.

Ура билмаган узун косов күтарар.

Ура билмаган үқлов күтарар.

Уринган хотин үғил туғар.

Урушіб ўтири, ушлашиб ўтири.

Уялган буюргандан қуруқ қолар.

Уялган йигит қиздан қуруқ қолар.

Укуви бор улғаяр,
Укуви йүқ сарғаяр.

Чакқон чора топар,
Бепарво — баҳона.

Чивин ҳам анқовнинг оғзини пойлар.

Чұлқ әүлсанг ҳам, нұнқ булма.

Элак сұрашга ҳам оғиз керак.

Эланмасанг, эл қайда,
Ялинмасанг, пул қайда.

Эмини қилгунча, эпини қил.

Эплаган икки ошар.

Эплаганни эр бил,
Яна қайтиб шер бил.

Эплашга эп керак,
Боғлашга — ип.

Эпли хотин уйни тутар орастা,
Эпсизда уй тўри латта -путта.

Эпли қиздан қолма,
Сепли қизни олма.

Эпсиз созанда созин чўзар.

Эпчил хотин қор қалаб, қозон қайнатар.

Эринчоқнинг иши битмас,
Эпсизнинг — ҳожати.

Эт ейдиган куш ҳам бор,
Этини ейдиган куш ҳам бор.

Эшикни кейин кирган ёпар.

Эчки югуриб ланг бўлмас.

Юмшоқ ёғочга қурт тушар.

Ютганнинг томоғига қарама,
Юрганнинг — оёғига.

Яхши бузоқ икки онани эмар.

Яхши хотин гўшт қуритар,
Ёмон хотин гўшт саситар.

Ўзига ёл бўлмаган,
Ўзгага дум ҳам бўлолмас.

Ўзинг учун ўл етим.



Үзлари ойдай,
Килган ишлари лойдай.

Үйчи үйига етгунча,
Таваккалчи бориб келар.

Үйчининг үйи битгунча,
Таваккалчининг түйи битар.

Үн марта шап-шап дегунча,
Бир марта шафтоли еган яхши.

Үнгмаганнинг ити
Үғри кетгандан сұнг хурап.

Үнгмаганнинг үқи қия кетар.

Үргимчақдек үрмала,
Беданадек йұрғала.

Үрни келса, үрок үр.

Үти чиққаннинг оти юрмас.

Үткір суқулғанни тешар.

Үчокдаги үтинг үчмасин десанг,
Күри борида ҳаракат қил.

Үғил бұлсин, қиз бұлсин,
Құл-оғи тез бұлсин.

Үғил тұрмас хотин бұлмас,
Мол топмас йигит бұлмас.

Үғри қутулар,
Тұғри тутилар.

Қамишни бұш тутсанг, құлингни қияр
Қараган топмас, сұраган топар.

Қари қиз овга чиқар,
Кетидан ғавғо чиқар.

Қари қиз ясанғунча, түй тарқар.

Қатиқ ичған қутулар,
Хурмача ялаган тутилар.

Кирк, юзнинг боласи,
Үн тўртида бош бўлар,
Чийирлининг боласи,
Үн саккизда ёш бўлар.

Қозон ўғирлаган қутулар,
Чўмич ушлаган тутилар.

Қочган қуён ётган қуённи ола қочар.

Қочган қутулар,
Турган тутилар.

Қош қуяман деб, кўз чиқарма.

Қуён отолмаганинг боласи арслон отибди.

Қўйдек юввош бўл,
Отдек — югурук.

Қўли калтанинг тили қисқа.

Қўли суст косибдан оёғи илдам гадой яхши.

Ғат-ғат қилган карнайчи,
Балога қолган сурнайчи.

Ҳура билмаган ит қўрага бўри келтирап.

Ҳўқизга кучи етмаган аршинини тўбалар.

ТЎҒРИ СЎЗ ВА ЁЛГОНЧИЛИК

Арафа куни ёлғон гапирганнинг
Намоз куни юзи қора.

Бетга айтганнинг заҳри йўқ.

Бошингга қилич келса ҳам,
Тўғри сўзла.

Ваъда — олтиндан қиммат.

Ваъда — Куруқ, бажарилса — улуғ.

Ваъдага вафо — марднинг иши,
Ваъдасиз — субутсиз киши.

Гап келганда отангни аяма.

Ёв макрини ёлғон яширап.

Ёлғон айтган кишининг
Хатари бор ишининг.

Ёлғон айтиб фойда кўрсанг,
Охири зарар топарсан.
Рост айтиб зарар кўрсанг,
Охири фойда топарсан.

Ёлғон — бошга таёқ,
Ошга — суяк.

Ёлғон гап ёқадан чиқар.

Ёлғон гапириб яшагандан
Рост гапириб ўлган яхши.

Ёлғон гапнинг чуви чиқар.

Ёлғон етмиш йил ерда ётса ҳам,
Ёлини чиқар.

Ёлғон ё фарзандга урар,
Ё — давлатга.

Ёлғон ёндирап,
Ҳақиқат қондирап.

Ёлғон ростдан енгилар,
Тўғри элда танилар.

Ёлғон узокка кетса ҳам,
Ҳақиқат қувиб етар.

Ёлғон уялтирап,
Рост суюнтирап.

Ёлғон-яшиқ гапирма,
Сўнг уялиб ўтирма.

Ёлғонга ё ялқов иноар,
Ё — анқов.

Ёлғоннинг бутунидан
Ростнинг синифи афзал.

Ёлғоннинг умри — қисқа.

Ёлғончи гавҳарни хор қилар.

Ёлғончи ёлчимас,
Ўғри бойимас.

Ёлғончи ёрилиб ўлар.

Ёлғончи киши эмас,
Ёлғон айтмоқ эранлар иши эмас.

Ёлғончи лоп этар,
Яламачи қон этар.

Ёлғончи тўрга бир ўтар,
Иккинчи ўтмас.

Ёлғончи чин деяолмас,
Чин деса ҳам, эл инонмас.

Ёлғончи ялаб айтар,
Яламачи — ясаб.

Ёлғончи ўликни гувоҳ тортар.

Ёлғончи — қаллоп, ўғри — аллоп.

Ёлғончи ҳоримас,
Ўғри каримас.

Ёлғончига ишонч йўқ.

Ёлғончига тонг отмас.

Ёлғончига қўшилма,
Тўғри сўзинг яширма.

Ёлғончидаги ор бўлмас,
Тўғри сўзли хор бўлмас.

Ёлғончидан шон қолмас,
Номидан нишон қолмас.

Ёлғончининг гувохи ёнида юрап.

Ёлғончининг гувохи — қасам.

Ёлғончининг ёнидан ўтма,
Ростгўйнинг ёнидан кетма.

Ёлғончининг рост сўзи ҳам ёлғон.

Ёлғончининг тили — калта.

Ёлғончининг шахрида шоҳ бўлгунча,
Ростгўйнинг чорбогида гиёҳ бўл.

Икки ёлғон — бир қасам.

Икки чин сўз — бир ёлғоннинг елими,
Икки ёлғон — бир йигитнинг ўлими.

Икки қасам — бир ўлим.

Йиртиқ уйни ел топар,
Ёлғон сўзни чин топар.

Кўрган йўқ бўлса, эшитган — гувоҳ.

Кўрганни эшитган енгар.

Маддоҳнинг ваъзига ишонма,
Фолбиннинг — сўзига.

Ромчининг ромидан
Ўзингнинг хомхаёлинг яхши.

Рост айтдим — дарс айтдим.

Рост гап айтган енгилмас.

Рост гапга завол йўқ.

Рост гапирган тўғри,
Ёлғончи — ўғри.

Рост сўз ҳаққа қарор топар.

Рост сүзни айт,
Ёлғон сүздан қайт.

Ростгүйлик — бахт,
Ёлғончи — бадбахт.

Ростлик — дүстлик,
Ёлғончилик — күргулик.

Ростлик — муҳаббат элчиси.

Ростни айтган шон ютар,
Ёлғон айтган қон ютар

Савдогарда имон йўқ, орни сотар,
Ёлғончида имон йўқ, жонни сотар.

Савдогарнинг ёмон моли йўқ.

Сувни чим тұхтатар,
Ёлғонни — чин.

Сўзига қарасанг, тўқ,
Кўзига қарасанг, оч.

Сўзнинг боши қаттиқ бўлса,
Охири тотлик бўлар.

Тил билан тугилган тугун
Тиш билан ечилмас.

Тил ёмони — бўйинга сиртмок.

Тил кичик бўлса ҳам дунёни бузар.

Тил тугса, тиш ечолмас.

Тилдан чиққани — дилдан чиққани.

Туяниңг бувраси яхши,
Сўзнинг тувраси яхши.

Тухмат тош ёрап,
Тош ёрмаса, бош ёрап.

Тухматнинг умри — қисқа.



Тұхматчи тұхматдан үлар.

Тұхматчига үлик — гувох.

Тұмтоқ жумбок айтишма,
Елғон гапга қотишина.

Тұғри гап туқканингга ёқмас.

Тұғри сүз аччик бұлар.

Тұғри сүз күз үяр.

Тұғри сүз тошни ёrap,
Эгри сүз — бошни.

Тұғри сүз тутоктирап.

Тұғри сүз қиличдан үткір.

Тұғри сүз қулокқа ёқмас.

Тұғри сүзга фил чүкар.

Тұғри сүзлаган одам туғишганингдан афзал.

Тұғри сүзлининг түни йиртиқ.

Тұғри сүзниң захри йүк.

Тұғри сүзниң түкмоғи бор.

Тұғри тилем тиёлмадим,
Туққаним билан туролмадим.

Уялмай десанг, ёлғон гапирма.

Хашакдан ҳашам бичма,
Елғондан қасам ичма.

Чақимчи бир гувала,
Ерга қүйіб увала.

Чақимчи — нишхұрд киши.

Чақимчи — чипор илон,
Захри — илондан ёмон.

Чакимчига — чорак ўқ,
Кайтиб келса, у ҳам йўқ.

Чакимчининг афти — чорик.

Чакимчининг жойи — жаҳаннам.

Чакимчининг тилидан илон ҳазар қилар.

Чиройли мактобдан
Хунук хақиқат яхши.

Эгри ўтиранг ҳам, тўғри гапир.

Эчкининг тавбаси йўқ.

Ўз сўзли йигит — кун юзли йигит.

Ўзи бошқа, сўзи бошқа.

Ўринли сўз ўқдан ўткир.

Ўтирик гап жонга қасд,
Ўткир пичоқ — қинга.

Ўтирик сўз ўрга бормас.

Ўтирикнинг думи — бир тутам.

Қофияси келганда, отангни аяма.

Фийбат яқинни ёт қилар,
Тотувни — араз.

Фийбаткашнинг қозони қайнамас.

Фийбатсиз сўз қизимас.

Фийбатчининг дили кир,
Fap-ўғрининг тили бир.

Ҳак гап тош кесар.

Ҳак гап ҳақиқдан қиммат.

САБР-ҚАНОАТ ВА САБРСИЗЛИК

Азоб күрмай, роҳат йўқ.

Азобга бардош керак,
Ҳамиша йўлдош керак.

Арғумок бирда ёлли, бирда ёлсиз,
Эр йигит бирда молли, бирда молсиз.

Арғумоқда ёл йўқ деб,
Йўлга ташлаб кетманглар.
Эр йигитда мол йўқ деб,
Ёвга ташлаб кетманглар.

Асл бойлик — қаноат.

Аччик ютиш — тоғ ютиш.

Аччиғинг келса, бурнингни тишла.

Бардошлига ёғлик ош,
Сабрсизга ош ҳам тош.

Барча юкни кўтарган туя
Чўмични ҳам кўтарар.

«Берди»сини айтгунча, белини букма.

«Берди»сини айтгунча, уриб ўлдирма.

Бесабрнинг нафси шошар,
Тусагани қузда пишар.

Бир аччиқнинг бир чучуги бор.

Бир бўлган икки бўлмай қолмас,
Икки бўлган уч бўлмай қолмас,
Уч бўлган доим бўлмай қолмас.

Бир ёмон куннинг бир яхши куни бор.

Бир ёмоннинг бир яхшиси бор.

Бир терида қўй неча семириб, неча озар.

Бир кошиқ ошим —
Фалвасиз бошим.

Бол бор ерда болари бор.

Бола шошар,
Тут вактида пишар.

Болта бүлсанг, ур,
Кунда бүлсанг, чида.

Борига рози бүл,
Йүғига сабр қил.

Бугунги жаҳлни эртага қўй.

Бузоқдан олдин қозик қоқилмас.

Бўри ориклигини билдирилас.

Гапнинг «берди»сини эшит.

Гул тикансиз бўлмас,
Дур — садафсиз.

Гул тикансиз бўлмас,
Сафо — жафосиз.

Гул тилаган хор жафосин чекар.

Гулни севган тиканига чидайди.

Гулчи бир гулни ўстиргунча,
Юз тикан захрини тортади.

Ейувига чидасанг, тўй қил,
Ўлувига чидасанг, қўй қил.

Жабрга сабр йўқ.

Жаҳл — жонингга жабр.

Жаҳл душмани — сабр.

Жиннининг жиртакка тоби йўқ,
Шогирднинг — пиrtакка.

Жўжани кузда сана.

Замонанинг зинданни ҳам, хандони ҳам бор.

Индамасанг, уйдай балодан кутуласан.

Ип қанча узун бўлмасин, учи топилар.

Ипак билан бошлаб, ип билан тугатма.

Итдан оч йўқ,
Итдан тинч йўқ.

Камоли имон — сабр.

Каромат билан карам пишмас,
Қаноат билан қорин тўймас.

Катта топганини кияр,
Кичик — суйганини.

Катта тўқоч пишгунча,
Кичик тўқоч куйибди.

Кашта қиммат, сабр арzon.

Кейинги туянинг юки оғир.

Кураш қурбонсиз бўлмас.

Кутганга кун узок.

Кутганинг куни ўтмас.

Кутилган қозон қайнамас.

Нон пишгунча, кулча куяр.

Одамнинг боши — сойнинг тоши.

Одоб билан баҳт топилар,
Сабр билан — тахт.

Олдин англа, кейин танла.

Онгниганни кутган енгар.
От бүлгунча, той хам бүлар.
Оч үзини үтга урап.
Очиқкан ўлмас, ошиқкан ўлар.
Ошиқмаган овчи ҳумо овлар.
Ошиқмаган олисга етар.
Оч бүлсанг ҳам түкдай бүл,
Милтиқдан чиқкан ўқдай бүл.
Оғир босилгунча, енгил күтарилаар.
Оғир карвон оғир күчар.
Оғир тошни сув элтмас.
Пиш қозоним беш ой,
Үтир қизим олти ой.
Подадан олдин чанг күтарма.
Поклик соғлиқни, ақл сабрни сақлар.
Роҳатини күрган азобига ҳам чидайди.
Сабр — аччик, меваси — ширин.
Сабр билан меҳнат қилган бой бүлар.
Сабр билан хор гулистон бүлар,
Шўр замин бое билан бўстон бўлар.
Сабр сўнгги — сўм олтин.
Сабр — ютуқ қалити.
Сабр таги — раҳмон,
Шошган иши — шайтон.
Сабр таги — сари олтин,
Сабр билан чикар отинг.
Сабр тоғни йиқитар.

Сабр — умр хазинаси.

Сабр — шодлик калити.

Сабр этган етар муродга,
Бесабр қолар уятга.

Сабр этган — муродга етган.

Сабр килган мой ошар,
Олқиши олган күп яшар.

Сабр килсанг, туюнинг юкини бута кутарар.

Сабр қилсанг, ғурадан ҳолва битар,
Бесабрлар ўз оёғидан йитар.

Сабрли бўлсанг, ўзарсан,
Сабрсиз бўлсанг, тўзарсан.

Сабрли кишининг иши соз.

Сабрли минг яшар,
Сабрсиз оз яшар.

Сабрли чидар,
Сабрсиз ёнар.

Сабрли қул муродига етар.

Сабрлининг бошига олма битар,
Сабрсизнинг бошига — ғавғо.

Сабрсиз балиқ соғасидан илинар.

Сабрсизнинг бир кўзи жиртлаш бўлар.

Савлатлидан саботли зўр.

Салобатли бўлма, саботли бўл.

Сирот кечмай, қах-қах урма.

Совун кирни очар,
Сабрсиз — сирни.

Соқов сўзининг сўнгини кут.

Сув кўрмай, этик ечма.

Сувдан илгари буғот солма.

Сувсаган ўлмас, ҳовлиқкан ўлар.

Сўраган адашмас,
Ўйловчи шошмас.

Таваккалнинг боши — кал.

Таваккалнинг таги — тахир.

Таваккалнинг туби тош,
Бошингни урсанг ёрилар.

Тайлоқни тайлоқ дема,
Тайлоқ түя бўлар.

Тез битган, тез йитар.

Тез киришган, бот қайтар.

Тез сўзлар, тез пушаймон бўлар.

Тек юрган, тўқ юрап.

Той минган от ҳам минар.

Томчи томиб бўлгунча,
Дарё оқиб бўлади.

Тош — қаттиқ,
Тошдан ҳам бош қаттиқ.

Тоқат қилсанг, тоғ эгилар,
Сабр қилсанг, боғ эгилар.

Тоқатлига тоғлар эгар бошини,
Бетоқатнинг итлар еяр лошини.

Туя элакка қолганда «бў» депти.

Тўймасанг, тўйингда е.

Ҳамир қормасдан, тандирга ўт ёқма.

Ҳом терини ийласанг, ултон бўлур,
Нафсини тийган киши султон бўлур.

Чидамли эр лочин тутар.

Чопиб борган ерга,
Юриб борса ҳам бўлар.

Чучварани хом санама.

Шайтонга — ҳай.

Шошган зулук шоли поясини тишлар.

Шошган зулук япроққа ёпишар.

Шошган ишга шайтон қўшилар.

Шошган келин эрини «ойи» дебди.

Шошган киши, ҳам боши билан юрар,
Ҳам — оёғи билан.

Шошган пашша сутга кўнар.

Шошган шамол билан баробар.

Шошган шошилиб йиқилар,
Чопган этагига — ўралиб.

Шошган эр уйига етолмас.

Шошган ўрдак ҳам боши билан шўнгийди,
Ҳам — думи билан.

Шошган киз эрга ёлчимас.

Шошганда лаббай топилмас.

Шошганинг иши ўнгмас.

Шошиб сурингандан
Аста юриб отдан ўзган яхши.

Шошилган — лойга ботган.

Шошилган йиқилар,
Шошмаган ойга чиқар.

Шошмаган арава қуёнга етар.

Шошмаган эр оққуш тутар.

Шошмасанг, тез етасан,
Шошгандан ўзиб кетасан.

Шошқалок тұғрамчи құлини кесар.

Экинни кутсанг — экин.

Эр бүйнида қил арқон чиримас.

Эшак ўйини — қирқ йилда,
Ит ўйини — хар йилда.

Юввош отнинг манглайи қаттиқ.

Юзга чидаган, мингга ҳам чидайди.

Юк оғирини нор кұтарар,
Дард оғирини — эр.

Яхши от кейин чопар.

Үз ошим — ғавросиз бошим.

Үз уйингда ошинг бұлса,
Киши уйида ғашинг бүлмасин.

Үлма әшагим, арпа ерсан.

Үтириң қизим, ўрин топ.

Үтирган қиз уй топар.

Үттиз кун рұзанинг бир кун ҳайити бор.

Үттизига чидаган
Үттиз бирига ҳам чидар.

Қанд единг ҳам индама,
Панд единг ҳам индама.

Қаноат — қизил олтин.

Қаноат килсанг, қорнинг тұяр,
Беканоат отини сұяр.

Қаноат қорин түйдирар.

Қизнинг жони — киркта.

Қийиндан қочма,
Йўлдан адашма.

Қилич суғургунча, қайтаришни ўйла.

Қулон бошига иш тушса,
Куйруғига сир айтмас.

Қўрқандан ҳовлиққан ёмон.

Ғазаб — олдинда, ақл — кейинда.

Ғалвирни сувдан кўтарганда кўр.

Ҳар чўпоннинг бир таёқ кўтариши бор.

Ҳовлиққан мушук кўр туғар.

Ҳовлиққан қиз эрдан тинмас.

Ҳовлиққанга сичқон тешиги минг тангга.

МЕХР-ОҚИБАТ ВА ОҚИБАТСИЗЛИК

Айтган жойга эринма,
Айтмаган жойга кўринма.

Бет кўргандан ҳол сўр.

Бир уй тўла жонсан,
Бир-бирингга меҳмонсан.

Болалилар бош бўлар,
Боласизлар ёш бўлар.

Борнинг эшигини эл очар,
Йўқнинг туйнугини ел очар.

Давлат бұлса — савлат,
Савлат бұлса — құрмат.

Давлат учун әрга теккандан, ерга тег.

Дүстингга құшик айт,
Мехрингни құшиб айт.

Ерни севмаган үзини севмас.

Ёдлаганнинг ёри бұл,
Излаганнинг — зори.

Заррадай жойдан құнгил тұлар,
Заррадай жойдан құнгил қолар.

Иzzат қылсанг, ҳурмат күрасан.

Иzzатта арзимаган мәхмөн түшак булғар.

Илинганга илик қўй.

Ит иззатни билмас,
Эшак — тарбиятни.

Ит иззатни билмас,
Хўқиз — ҳурматни.

Ит эгасига ҳурмас.

Итнинг калласини товоққа солсанг,
Юмалаб кетар.

Йигит меҳри — кўзда.

Йўл берганга қўл бер.

Каттани мақта, кичикни сақла.

Каттага — ҳурмат,
Кичикка — шафқат.

Каттага ҳурматда бўл,
Кичикка — иззатда.

Кексага йўл бер,
Ўзинг ҳам қартаясан.

Кишининг хурмати ўз кўлида.

Кучук томга чиқса ҳам,
Эгасидан катта бўлмас.

Кўз кўзга тушса, меҳр қўзғалар.

Кўз кўрганини қилар,
Косов — тутганини.

Кўз кўрмаса, кўнгил севмас.

Кўз қаерда бўлса,
Меҳр ҳам ўша ерда.

Кўздан нари — кўнгилдан нари.

Кўздан тушган тилдан ҳам тушар.

Кўрмаган ёт сезилар,
Кўришмасанг уят бўлар.

Курпанг қаерда — кўнглинг шу ерда.

Мато донғи билан бўз ўтади,
Ота донғи билан қиз ўтади.

Меники деганинг меҳри иссик.

Меҳр билмас қариндошдан,
Меҳр билган ёт яхши.

Меҳр — гул, қаҳр — тикан.

Меҳр ҳазинаси — тил.

Меҳри борнинг сеҳри бор.

Меҳрли одам — севимли.

Мол эгасининг кўзидан сув ичар.

Молга эгасининг кўзи дори.

Муруват — меҳрнинг тузоги.

Мушук суйганидан ўз боласини ер.

Одам иззатга семирар.

Одам одам билан азиз.

Одам қулоқдан озар,
Кўнгилдан семирар.

Одамга эътибор — оламга эътибор.

Одамнинг тафтини одам олар.

Одамнинг юзи — олмосдан ўткир.

Одамнинг юзи қуёшни илитар.

Отангни кўрсанг, отдан туш.

Отаси сийламаганни боласи сийламас.

Оч отасини танимас.

Ош-товоғинг керак эмас,
Қош-ковоғинг керак.

«Сеники — меники» — кўнгил торлиги.

Сенинг гапинг — шўрва,
Менинг қулогим — тўрва.

Сигир сув ичганда,
Бузоқ муз ялар.

Сийлаган сий кўрап.

Сийлаган сифимли бўлар.

Сийлагани пулинг бўлмаса,
Сийлагани тилинг бор.

Сийламасанг сийлама, аммо хўрлама.

Сийланган отнинг тишига қаралмас.

Таниган ерда бўй сийли,
Танимаган ерда тўн сийли.



Танимасни сийламас.

Түйган ерга түккиз кун — таъзим.

Тор ерда топишган,
Кенг ерда кўришар.

Үйга келганни ит қопмас.

Устоз меҳри — ота меҳри.

Уят юзда бўлар,
Мехр — кўзда.

Фойдаси йўқ ёрдан иссик ўчоқ яхши.

Хотин хурмат қилса, хурмат кўради,
Эр хурмат қилса, неъмат кўради.

Эгасини сийлаган итига суяқ ташлар.

Эгасини хурмат қилсанг, итини сўкма.

Элда эр атансанг,
Эл сенга олтин товоқда ош берар.

Эр сийлаган ерда азиз.

Юз амри — ширин.

Юз-юзга тушар,
Мехр — кўзга.

Юз — юзнинг хурмати.

Юзи йўқнинг кўзи йўқ.

Яланғочни ҳеч ким сийламас.

Яхшига берсанг ошингни,
Яхшилар силар бошингни.
Ёмонга берсанг ошингни,
Итга ташлар бошингни.

Ўз айбингни очсанг,
Элнинг меҳри қочар.

Ўзингдан зўрлар чиқса,
Кўзингдан шўрлар чикар.

Үзини билган үзгани ҳам билар.

Қари-қари демангиз,
Қарини қурук қўймангиз.

Қўшни оши қорин тўйдирмас,
Мехру оқибатни оширап.

Ҳар ким — сийлаганинг қули.

Ҳурмат — битмас бойлик.

Ҳурмат қилсанг, ҳурмат қўрасан.

ҚАДР-ҚИММАТ ВА ҚАДРСИЗЛИК

Аввал — хеш, кейин — дарвеш.

Ажраган ажрикка зор.

Ажраган бир-бирини излар.

Айтган ердан қолма,
Айтмаган ерга борма.

Айтилмаган ерга — йўнилмаган таёк.

Арава синса — утин,
Хўкиз ўлса — гўшт.

Арзимайди шавласи,
Куйдиради ғалваси.

Арzon беиллат бўлмас,
Киммат — беҳикмат.

Арzon олдим — армон олдим.

Арzonнинг шўрваси татимас.

Арпа-буғдој ош бўлар,
Олтин-кумуш тош бўлар.

Асл парчанинг баҳоси бўлмас,
Ота-онанинг — қариси.

Балиқ — ойда, калла — йилда.

Бахмал билан банотнинг кўхналиги бўлмас,
Ота билан онанинг — қарилиги.

Бақа ботқорини қўмсар,
Балиқ — кўлинини.

Бақироқ тую — норинг,
Бақироқ ота — мадоринг.

Бақироқ туюнинг бори яхши,
Бақириб тургани яна яхши.

Бедананинг ҳам ўзига яраша ботмони бор.

Бемаза қовуннинг уруғи кўп.

Бемор bemорнинг қадрига етар.

Бойлик мурод эмас,
Йўқлик уят эмас.

Бол ҳам бол,
Баҳоси ҳам бол.

Болни бол дейди,
Болни таниган ейди.

Борар ерга кечикма,
Бормас ерга ичикма.

Бош — бошқа, бўрк — бошқа.

Бош кетди, тана — ҳайрон.

Боқмасанг молинг кетар,
Хўрласанг — хотининг.

Боғбон бўлмай билмас гулнинг қадрини,
Ари боқмай билмас болнинг қадрини.

Боғда битган гилосим,
Отамдан қолган меросим.

Булбул учгандан сүнг
Олтин қафасни ўт олсин.

Гавҳар балчикқа тушган билан
Қиммати ўзгармас.

Гавҳар ерда ётмас.

Гавҳар кўп бўлса, қадри қолмас.

Гавҳар қадрини кўр билмас.

Гугурт арzon бўлса ҳам, ўти — қиммат.

Гул қадрини булбул билар.

Гул ғунчалигида хордир,
Очилса, ўзгаларга ёрдир.

Давлат кетгандан кейин
Ўзингни сомонхонада кўр.

Давлатингни синасанг, қунжут эк,
Обрўйингни синасанг, кўмакка айт.

Дам — ғанимат, дийдор — ғанимат.

Дард чекмаган дори қадрини билмас.

Дардлининг дардини дардсиз на билар.

Дунё моли — қўлнинг кири.

Ер овлок бўлса, тўнғиз тепага чиқар.

Етим бўлмай, ота қадрини билмас.

Етти яшар сафардан келса,
Етмиш яшар кўргани келар.

Ё эр бўл,
Ё эринг хизматида бўл.

Ёли қалин эшакдан
Яғир бўлса ҳам от яхши.

Қадр билмас қариндошдан
Яқындағи ёт яхши.

Ёмоннинг ўзи нимаю, сўзи нима.

Жафо чекмаган сафо қадрини билмас.

Жон-жон, ўзимнинг жоним.

Жон жонга куяр,
Бежон кимга куяр.

Замона охир бўлса,
Пир муридини излар.

Замона охир бўлса,
Эчкининг оти — Абдукарим.

Замонани хўрладилар,
Ўтиб кетгач мақтадилар.

Зар қадрини заргар билар,
Дур қадрини — савдогар.

Зар қадрини заргар билар,
Чилангар нени билар.

Заргар ишини мисгар ўнғай сезар.

Заррани қадр этмаган
Зарни ҳам қадр этмас.

Зимистон кўрмаган булбул
Гулистан қадрини билмас.

Ит иззатга арзимас,
Эшак — тарбияга.

Ит исказган сувни йўлбарс ичмас.

Итдан бўлган қурбонликка ярамас.

Итли меҳмон овулга сиғмас.

Итнинг овқати — ювинди.

Ич ёғи ёғ ўрнига ўтмас.

Ичкуёвдан ит афзал.

Йул узок, кунгил яқин.

Йурғанинг қадри елганда билинар,
Яхшининг қадри ўлганда билинар.

Йўқолган бисот топилар,
Йўқолган баҳт топилмас.

Йўқолган бузокнинг арқони — қиммат.

Йўқолган молнинг эгаси — вали.

Йўқолган пичоқнинг сопи — олтин.

Йўқотганингни йўқлаб топасан.

Карвонсиз йул хароб,
Оқсоқолсиз эл хароб.

Келишига яраша кетиши.

Керакли молнинг баҳоси йўқ.

Керакли тошнинг оғири йўқ.

Кимхоб түнинг бўлгунча,
Олтин бешигинг омон бўлсин.

Кичикни ёш дема,
Кесакни — тош.

Қўлда юрган кунғир ғоз
Чўл қадрини на билсин.
Чўлда юрган тувалоқ
Кўл қадрини на билсин.

Қўлмак сувнинг қадри йўқ.

Кунгил пулга топилмас.

Кўрликка кунганди хўрликка кунмас.

Кўтара сумбат — бир пулга қиммат.

Кўчада колган суякни қайси ит ғажимас.



Майдонда синалган элда азиз.

Марварид игна эмас.

Маст келди — паст келди.

Мастлик — пастлик.

Мен — азиз, отам — мендан азиз.

Мингигнани йирнасанг, тугма бўлмас,
Минг аммани йиғнасанг, она бўлмас.

Миннат ерда қолса ҳам,
Мехнат ерда қолмас.

Миннатли асалдан беминнат касал яхши.

Миннатли туядан беминнат тўкли афзал.

Миннатли тилладан беминнат чақа яхши.

Мой сасимас, киз қаримас.

Мол-дунё топилар, одам топилмас.

Мол топгунча, қадр топ.

Молдан молнинг фарқи бор,
Ўттиз икки нархи бор.

Молинг кетса-кетсин, қадринг кетмасин.

Молингга ачинма, қадрингга ачин.

Мулла бўлдинг — тилла бўлдинг.

Муқаддас жой буш ётмас.

Нимани қилсанг хор,
Ўшанга бўласан зор.

Ноз қил бардорингга,
Харид қил харидорингга.

Нозни қўтарганга қил.

Нон боласи — нон ушок.

Нон бўлса бас,
Ўзгаси ҳавас.

Нон қадрини оч билар,
Кийим қадрини — яланғоч.

Нон қон бўлса, қон — жон.

Нон ҳам нон, ушоғи ҳам нон.

Нонвойга нон азиз,
Тегирмончига — ун.

Нонга эътибор — элга эътибор.

Нонга ҳурмат — элга ҳурмат.

Овлоқ кўлда бақа — хон.

Одам боласи — элнинг лоласи.

Одам бордир, одамларнинг нақшидур,
Одам бордир, хайвон ундан яхшидур.

Одам — одам билан,
Ер — сув билан.

Одам одамга ғанимат,
Жон — гавдага.

Одам — омонат, дийдор — ғанимат.

Одамнинг куюги бўлгунча,
Ўрмоннинг кийиги бўл.

Оладиган мол олтин бўлиб кўринар.

Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ.

Олмос ерда қолмас.

Олтин — балчикда ҳам олтин.



Олтин бошли хотиндан
Челак бошли эр яхши.

Олтин ерда қолмас,
Яхшилик — йүлда.

Олтин ерда қолса ҳам,
Билимли йүлда қолмас.

Олтин ерда, хунар чүлда қолмас.

Она — олам фахридир.

Она тилим — доно тилим.

От отдан қолса, қулоғини кесар.

От хүрлаган той минар,
Той хүрлаган — таёк.

От қадрини билмаган яёв ўтар,
Ёр қадрини билмаган — есир.

От қадрини билмаса, яёв күрар жазосин,
Эл қадрини билмаса, ёвлар берар жазосин.

От қариса, девонага тушар.

Ота бўлмай, ота қадрини билмас,
Она бўлмай, она қадрини билмас.

Ота-она — давлатинг,
Фарзандларинг — савлатинг.

Она-онанг ўлса-ўлсин,
Қадрдонинг ўлмасин.

Отангнинг мол-дунёси билан қолгунча,
Онангнинг пилта-савати билан қол.

Отини аяган йүлда қолмас,
Элини сийлаган — чүлда.

Очлик азобини чекмаган,
Нон қадрини билмас.

Ош — авлиё, нон — пайғамбар.

Ош ҳар ерда бор,
Кайвони бир ерда бор.

Оғил тұла әшакдан
Ориқ бұлса ҳам от яхши.

Оғриқ қадрини соғ билмас,
Оч қадрини — түк.

Оғриқсиз бөш ер остида керак.

Пули борнинг нози бор.

Пулни одам топар,
Одамни пул әмас.

Сепли келиб керилдим,
Сепсиз келиб сидрилдим.

Сомону хашакнинг бозори бор,
Лолаю гулнинг харидори бор.

Сонда бор, саноқда йүк.

Соғ соғнинг қадрига етмас.

Султон суюгини хұрламас.

Сутсиз сигир — сийсиз сигир.

Сүз қадрини билмаган үз қадрини билмас.

Сүзи ўлганнинг үзи ўлар.

Сүзинг қайтар жойдан үзинг қайт.

Талабинг бўлмаса-да, талабгоринг бўлсин.

Ташлаганга тош тегмас.

Тез келган давлатнинг қадри йүк.

Тезакчининг тенги бор,
Үроқчининг үрни бор.

Тешик мунчоқ ерда қолмас,
Ерда қолса, кимлар олмас.



Тиригига куйгунча, ўлигига куй.

Тиригини сийлаган бий бўлар,
Ўлигини сийлаган бой бўлар.

Тирик илон инсиз қолмас,
Пўлат пичик — қинсиз.

Тошдан тошнинг фарқи бор,
Лаъл-ёкутнинг нархи бор.

Тулкининг ўзи эмас, териси пул.

Увол билмаснинг уволи йўқ.

Умр қарзга берилмас,
Олтинга сотилмас.

Устоз — отангдан улуғ.

Фил ўлса ҳам, тиши ўлмайди.

Хўрлик ўлимдан ёмон.

Чақирилган ернинг узоги йўқ.

Чақирмаса, борув йўқ,
Чақирилса, қолув йўқ.

Чирок кўтарган тўдадан орқада юрмас.

Шакалга ем бўлгунча,
Бўрининг оғзига туш.

Шоҳ-гадонинг фарқи йўқ,
Инсон — улуғ, нархи йўқ.

Эгаси урган ит кечаси санкир.

Эл олмаса эллик йил ётар.

Эл сийлаган эшикда ўтирмас.

Эл қадрини билмаган,
Ўз қадрини билмас.

Эл қадрини эл билар,
Сув қадрини — ер.

Эл қадрини эр билар,
Үрмөн қадрини шер билар.

Эл қарамаса, эр қарамас.

Элда обрүйинг бүлса,
Йүлда юкинг қолмас.

Эр айтилган жойда азиз.

Эр йигитни эл суряр.

Эр йигитнинг сўзи ўлгунча,
Ўзи ўлгани яхши.

Эр тилаган ерда азиз.

Эр элида азиз,
Гул — ерида.

Эр қадрини оғаси эмас, эл билар.

Эр қадрини эр билар,
Эр билмаса, эл билар.

Эрлик кўрсатганни эл унутмас.

Эски чопонни ит қопар.

Эски шойи эшакка ҳам тўқим бўлмас.

Эчки эгасига қўтон йўқ.

Эчкининг боши бўлгунча,
Кўйнинг қўйруғи бўл.

Юк кўтарган юзага чиқар.

Юк кўтарганинг юзи — ёруғ.

Яхшилик — ёғоч бошида,
Ёмонлик — оёқ остида.



Ўз қадрини билмаган,
Ўзга қадрини на билсин.

Ўзи йўқнинг кўзи йўқ.

Ўзинг топмаган молнинг қадри йўқ.

Уйида ҳази йўқнинг
Тузда салобати йўқ.

Ўлигига азаси йўқ,
Тиригига — мазаси.

Ўлик бўлиб гурда йўқ,
Тирик бўлиб турда йўқ.

Ўлик бўрини ит тишламас.

Ўтин айирган болта майдонда қолар.

Қадр-киммат сотилмас.

Қадр қоматга қарамас.

Қадрдон — кирқ йиллик,
Кимматдон — кирқ кунлик.

Қадринг қочган жойдан қоч.

Қадрингга етганни бил,
Қадрлабди, хурмат қил.

Қадрласанг қадринг ошар,
Қадрсиздан хамма қочар.

Қайтган сўзнинг қадри йўқ.

Қамиш бош кутарди — бўйро бўлди.
Тупрок бош кутарди — тутиё бўлди.

Қаршининг арпасини еган эшак,
Самарқанддан ҳанграб келар...

Қарға қафасда боқилмас.

Қаторда норинг бўлса,
Юкинг ерда қолмайди.

Қиз қалини — кирқ йилда.

Қиз қалинсиз бұлса ҳам,
Қаъдасиз бүлмас.

Қизи борнинг нози бор,
Үғли борнинг — ўрни.

Қизни сұраганга бер,
Қимизни — сувсаганга.

Қолнинг гарди кетса-кетсин,
Одамнинг бурди кетмасин.

Қорнимга йигламайман,
Қадримга йиглайман.

Қулонга қоқнинг қадри ўтар.

Қумдан құрғон бүлмас,
Қуёвдан — ўғыл.

Құлдаги олтиннинг қадри йүқ.

Фарид бүлмай, билмас элнинг қадрини,
Мехнат қилмай, билмас пулнинг қадрини.

Хар нарса ўз ерида қадрли.

Хар нарса ўз ерида қадрсиз.

МУҲАББАТ ВА БЕВАФОЛИК

Айрилик ұлимдан қаттиқ.

Бевафо дүстдан таёқ яхши,
Бебахра гулдан — япроқ.

Бевафо ёр — жонингга дор.

Бевафо ёрдан вафодор ит яхши.

Бевафо ёрдан осилган дор яхши.

Бевафода ҳаёйук,
Ҳаёсизда риёйук.

Бевафонинг асли күнгли бегона,
Бевафога күнгил күйган девона.

Билдингки, бевафодир,
Күнгил қўймоқ хатодир.

Бир этикка икки оёқ сирмас,
Бир юракка — икки муҳаббат.

Бирга вафо — мингга вафо.

Бирор парини севибди,
Бирор — қурбакани.

Вафо қилган вафо топар,
Жафо қилган жафо топар.

Вафоли кул — жафоли кул.

Вафосизга берилма,
Вафолидан айрилма.

Вафосизда ҳаёйук,
Ҳаёсизда вафо йук.

Ваъда — вафоси билан гўзал.

Ваъдага — вафо,
Вафосизга — жафо.

Гул — баҳона, дийдор — ғанимат.

Тул — ҳаёт безаги.

Севги — инсон безаги.

Гулга бок, тиканни кўр,
Ёрга бок, жафони кўр.

Гулсиз булбул — ёрсиз булбул.

Давосиз дард — муҳаббат.

Дарди йүк — кесак.
Ишки йүк — эшак.)

Ёлғизликда ёр яхши.

Ерим бор деб ёрилма,
Хақиқий ёр бўлмаса.

Ёшлиқда берган кўнгил,
Айрилмас бало бўлур.

Икки ёрнинг урушгани — ўйнашгани.

Икки пичоқ бир қинга сиғмас,
Икки севги — бир кўнгилга.

Икки суюқ бир кўнгилга сиғмас.

Инсон бўлсанг вафо қил,
Вафосизлик — хато, бил.

Инсон севги билан тирик.

Интизорлик ўлимдан ёмон.

Ип кийса ҳам вафодор бўлсин.

Ит — вафо, хотин — жафо.

Ишқ билан ўйнашиб бўлмас.

Ишқ бошқа, ҳавас бошқа.

Ишқ — муқаддас ўт,
Ҳавас — лойқа сув.

Ишқи бор ўйнар,
Дарди бор йиғлар.

Ишқи борнинг имони бор.

Ишқсиз кўнгил — эгасиз уй.

Ишқсиз кўнгил — ўтсиз ўчок.

Куйган ўланчи бўлар,
Суйган — лапарчи.



Күз қариса ҳам, күнгил қаримас.

Күнгил гулини севги суви суғорар.

Күнгил күнгилдан сув ичар.

Маъшук қайды бўлса,
Ошиқ шунда бўлар.

Муҳаббат — бир сўз, маъноси — дунё.

Муҳаббат — битта, кўз — тўртта.

Муҳаббат бойликка боқмас.

Муҳаббат — дил меваси.

Муҳаббат ёш танламас.

Муҳаббат кетса, нафрат келар.

Муҳаббат муҳаббатни туғдирад.

Муҳаббат — уй пойдевори,
Вафо — устуни.

Муҳаббат чирой танламас,
Уйку — жой.

Муҳаббат ҳусн танламас,
Уйку — урин.

Муҳаббатнинг кўзи — кўр.

Муҳаббатсиз умр — ўт олмас кўмир.

Олтин зангламас,
Севги қаримас.

Очлик ош танлатмас,
Ошиқлик ёш танлатмас.

Ошиқ билан ўйнасанг,
Ошиғингга ўт тушар.

Маъшук билан ўйнасанг,
Қошингда тутлар пишар.

Парвона — ўз ошиғининг қурбони.

Пұлат оловда, севги ҳижронда синалар.

Рашкнинг күзи — күр.

Севган билан құшилиш —
Дуторга тор таққандай,
Севмаган билан құшилиш —
Захарли илон чакқандай.

Севган севганини дейди,
Севмаган кимни дейди.

Севганга — султонсан,
Севмаганга — ултонсан.

Севганинг — олтиндан азиз.

Севганингга севгингни бер,
Истаганга — этингни.

Севги бозорда сотилмас.

Севги — бир, макон — икки.

Севги деган икки кузда.

Севги ёрдамчи тилемас.

Севги пулга сотилмас,
Күнгил пулга топилмас.

Севги каримас, асл чиrimas.

Севгида зорлик бор,
Зүрлик йўк.

Севгининг оз — умринг оз,
Севгининг соз — умринг соз.

Севгининг тоза — умринг тоза.

Севгининг аслини булбулдан сўра,
Гулзор қадрини — гулдан.

Севгининг баҳори билан шодланма,
Ёзу қиши ҳам бордир.

Севгининг күзи айб кўрмас.



Севгисиз құнгил — вайрона.

Севдим деб мақтанма,
Севилдим деб мақтан.

Севимсиз ёрдан кезимлик от аъло.

Севикли қул секирап.

Синадингми — сев,
Синамадингми — қўй.

Синалган севги букилмас,
Букилса ҳам сўкилмас.

Соф севги сотилмас,
Ё кесакдек отилмас.

Сохта ошиқ ишқ-севгидан лоф урар,
Ой ўтмасдан мушт ўқталиб, дўқ урар.

Сочингни кунда тара,
Ёрингга кунда қара.

Сувсиз хаёт бўлмас,
Вафосиз — оила.

Суйган ёрдан кўз кетмас.

Суйганимнинг кўнгли учун
Суймасимни сурман.

Суйганимнинг кўнгли учун
Суймас ошни ичарман.

Суймаганга суйканма.

Сулув бўлган билан ёр бўла олмас,
Туя бўлган билан нор бўла олмас.

Тоғ тоғ билан қовушмас,
Одам одам билан қовушар.

Тоғнинг кўрки қор билан,
Эрнинг кўрки ёр билан.

Тутунсиз ўт бўлмас,
Ёрсиз — йигит.

Тўй үпкасиз бўлмас,
Ёр — фироқсиз.

Тўғри гапнинг ажжиси йўк,
Бевафонинг — сужжиси.

Чин севгининг тили бўлмас.

Чиройинг борида чинорингни топ.

Чиройли чиройли эмас,
Суйганинг — чиройли.

Эр севмаса, эл севмас.

Юрак юракка дарак берар.

Юрт севганни киз севар.

Яхши ёр ёддан чиқмас.

Уз суйганинг ўзингга сулув.

Ўзи келган ёр-ёр,
Ўзи кетар ёр-ёр.

Ўнтанинг ёр-ёри бўлгунча,
Биттанинг вафодори бўл.

Ўчокдаги ўт бошқа,
Юракдаги ўт бошқа.

Қалбга қаримоқ йўк,
Севгига — ўлим.

Қарз — муҳаббатнинг қайчиси.

Қизил гул экканинг хирмони бўлмас,
Яхшини суйганинг армони бўлмас.

Қизинг кимни сўйса, куёвинг шу.

Қизни ким севмас,
Қимизни ким ичмас.

Қизни ошиғига бер.

Қизни танлаганга бер.

Қимиз кимники — ичганники,
Қиз кимники — сүйганиники.

Қолган күнгил — чиққан жон.

Қүш учади қаноти билан,
Йигит яшайды вафоси билан.

Ҳамма дардга бор даво,
Ошиқлик дарди — бедаво.

Ҳар ким беёрдир — бемордир.

Ҳар дилнинг севгиси бор.

Ҳар ким суйған ошини ичар.

Ҳар ким — суйганининг қули.

Ҳар кимники ўзига
Ой кўринар кўзига.

Ҳар ошиққа беш кун давр.

Ҳақиқий ошиқлик — икки ёқдан.

Ҳусн тўйда керак,
Мұхаббат — кунда.

Ҳўқиз хўпда семирар,
Қиз — кучокда.

ОИЛА ВА ҚҰШНИЧИЛИК

Авлиё ҳам құшнисини құллар.

Аёлнинг сариштаси —
Рұзғорнинг фариштаси.

Аёлнинг сунбули — йигитнинг дили.

Бева хотинга Бухородан ит ҳурап.

Беш бола устига борсанг бор,
Кундош устига борма.

Бир келин олдим, үтирдим,
Икки келин олдим, тик турдим,
Үч келин олдим, югурдим.

Бир қизга етти құшни — ота-она.

Бир қинга икки пичоқ сиғмас,
Бир уйга — икки хотин.

Бияннинг югуриги яхши,
Хотиннинг — эпчили.

Бой амр этмаса,
Бовча хамир этмас.

Бола сүйсанг — бешікда,
Хотин сүйсанг — тұшакда.

Болага тегма, балоси чиқар,
Хотинга тегма, қасоси чиқар.

Болали уй — бозор,
Боласиз уй — мозор.

Болали уй — жаннат,
Боласиз уй — миннат.

Болали уй — хандон,
Боласиз уй — зиндон.

Болали уйда гап ётмас.

Болали уйда жанжал бўлса ҳам,
Фурбат бўлмас.

Болали уйда сир ётмас.

Болали уйда ўғрилик йўқ.

Болали уйда ғийбат йўқ.

Болали уйда ғурбат йўқ.

Бош икков бўлмай,
Мол икков бўлмас.

Бошим икки — молим икки.

Бўз яктак кичитар,
Яхши хотин тинчтар.

Бўлдирадиган ҳам хотин,
Ўлдирадиган ҳам хотин.

Бўри ҳамсоясига ола қарамас.

Гилам сотсанг, қўшнингга сот,
Бир четида ўзинг ўтирасан.

Дўстинг ҳам — эринг,
Душманинг ҳам — эринг.

Ер — қуёш йўлдоши,
Хотин — умр йўлдоши.

Еринг қумчалиш бўлсин,
Хотининг — ғарчалиш.

Ёмон хотин олганнинг ёви уйида,
Икки хотин олганнинг дови уйида.

Ёмон хотин эрига дўзах килар.

Ёмон хотин ўлса, кенг тушак қолар,
Яхши хотин ўлса, меҳнат-ғам қолар.

Ёмон хотин ҳайитда эридан чиқар.

Ёмон хотиннинг ўйнаши кўп.

Ёмон қўшни ёвдан ёмон.

Ён қўшни — жон қўшни.

Ёғмас булут элни алдар,
Ёмон хотин — эрни.

Жон кўйдирмасанг, жонона қайдা,
Хотин олмасанг, қайнона қайдা.

Икки сигир олганнинг айрони бор,
Икки хотин олганнинг вайрони бор.

Икки хотин олибсан,
Бир балога қолибсан.

Икки хотинликнинг қулоғи тинмас,
Эшак минганинг — оёфи.

Иноқ оилада бешик бўшамас.

Итнинг ёви — девона,
Келиннинг ёви — қайнона.

Итнинг ёмони тушақдагидан умид қилар.

Йигитнинг кўнгли қолса — ўлгунча,
Хотиннинг кўнгли қолса — тукқунча.

Катта — келин уйда,
Кичик келин — тўйда.

Келин билан қайнона — ўт билан сув.

Келин бўйини яширас,
Товушини товдан оширас.

Келин бўлдим — қайнонамга ёқмадим,
Қайнона бўлдим — келинимга ёқмадим.

Келин ёмон эмас,
Келин келган ер ёмон.

Келин келағон бүлди,
Овул кезағон бүлди.

Келин келса узокдан,
Арба-арба ош келар.
Келин келса яқиндан,
Арба-арба сұз келар.

Келин кимхоб кияр,
Қайнона қарғаб куяр.

Келин кийған уйға нур кирап.

Келин — қайнона супургиси.

Келиним бор деб керилма,
Иш буюрса, эринма.

Келиним әлакли бүлди,
Әлаги — тилакли бүлди.

Келинимнинг йиғлагани —
Эшагимнинг ҳанграгани.

Келининг битта бүлса, үтириб ейсан,
Иккита бүлса, туриб ейсан,
Учта бүлса, юриб ейсан,
Тұртта бүлса, йүрғалаб ейсан.

Келининг яхши бүлса, берди худо,
Келининг ёмон бүлса, урди худо

Келининг қаерлик бүлса,
Мехмонинг шу ерлик.

Келиннинг тили йўқ
Қайнонанинг — имони.

Кумуш хотин кунда — касал,
Олтин хотин ойда — касал.

Кунда уруш бүлсін десанг, кундош кил.

Кундош бошингда — тош, кўзингда — ёш.

Кундош хотин кунда оғрик.

Кундошинг бўлса-бўлсин,
Кундошбаччанг бўлмасин.

Кундошли уйда кунда уруш.

Кундошли уйда тўзим йўқ.

Кундошлик — қўнгил ғашлик.

Кундошликка кун туғмас,
Туғса ҳам, бутун туғмас.

Кундошнинг кули ҳам кундош.

Кундошнинг кули ҳам уришар.

Кундошнинг оти курсин,
Саксовулнинг ўти курсин.

Куча севгиси уйни барбод этар.

Овул айлоғи балан,
Бўта тайлоғи билан.

Овулга айтсанг, ошар,
Қўшнига айтсанг, қўшар.

Овулдошимнинг оти ўзгунча,
Ҳамсоямнинг тойи ўзсин.

Оила тинч — юрт тинч.

Оила — қўш устунли айвон.

Олис ўйл отни синар,
Оғир кун — хотинни.

Оловга тегсанг, ўчар,
Қўшнингга тегсанг, кўчар.

Оналик уйнинг ори бор,
Оталик уйнинг — зари.



Онанг ўлди — отанг ўлди.

Оппок бўлган оқ уйим,
Ош-нони йўқ қоқ уйим.

Ора турдинг — бера турдинг.

Ота — акл, она — идрок.

Ота — билак, она — юрак.

Ош ўрнига — айрон,
Кундошли уй — вайрон.

Ошсиз уй бору жанжалсиз уй йўк.

Оя куйди, моя куйди,
Ўртада ҳамсоя куйди.

Оқбошдан ўтин бўлмас,
Ўйнашдан — хотин.

Рўзғор зийнати — ўтин,
Уй зийнати — хотин.

Рўзғор тушди бошга,
Қўл тегмади ошга.

Рўзғор ўлчов билан,
Бойлик тежов билан.

Рўзғор, ўттиз икки оғзи бор.

Рўзғор — бор.

Рўзғори каттанинг ташвиши ҳам катта.

Рўзғорнинг нимаси йўқ — бўздан халтаси.

Сариштали уй — фариштали ўй.

Туздаги билан эмас, уйдаги билан бўл.

Уйга жиҳоз ярашар,
Хотинга — либос.

Уйинг тор бўлса,
Дунёнинг кенглиги билинмас.

Уйланган — ўғил-қизига қувонган.

Уйни уй қилган эрнинг топишию
Хотиннинг — кўрла иши.

Улуғ уйга не керак.
Кичик уйга шу керак.

Умр савдоси — қийин савдо.

Хотин — бўйин, эр — бош.

Хотин олсанг, ўтин ол,
Бир қучоғин ортиқ ол.

Хотин — уй безакчиси,
Эр — уй кўмакчиси.

Хотин — уйнинг зийнати,
Эр — меҳнати.

Хотин — уйнинг чироғи.

Хотин — умр йўлдоши.

Хотин эр орқасидан — хотин,
Хоним хон орқасидан — хоним.

Хотин — эрга ойина.

Хотин — эрнинг вазири.

Хотин яхши — эр яхши.

Хотиннинг яхши бўлса, ёқанг оқарап,
Хотиннинг ёмон бўлса, соқолинг оқарап.

Хотиннинг яхши бўлса, тўйга бормоқ не ҳожат,
Хотиннинг ёмон бўлса, азага бормоқ не ҳожат.

Хотинли рўзғор гулдир,
Хотинсиз рўзғор чўлдир.

Хотиннинг ёмони — умрнинг эгови.

Хотиннинг ёмони эр қаритар.

Хотиннинг ёмони — эрнинг заволи,
Хотиннинг яхиси — эрнинг камоли.

Хотиннинг зўри — эрнинг шури.

Хотиннинг отини етим чиқарар,
Етимнинг отини — хотин.

Хотиннинг чиройи — эрдан.

Хотиннинг яхши-ёмони меҳмон келганда билинар.

Хотиннинг қакилдоғи — тегирмоннинг шақилдоғи.

Хотинсиз уйни кур — қаро ерни кур.

Чала доврукқа чол йиқилар,
Хотинни сўксанг, обру тўкилар.

Чолимнинг топганини яйраб ейман.
Ўғлимнинг топганини инグラб ейман.

Эговни эгов дема, ёмон хотинни — де.

Эр — авра, хотин — астар.

Эр вазири — хотин,
Рӯзгор оғири — ўтин.

Эр — даладан, хотин — уйдан.

Эр-хотин уришар,
Эси кетган бўлишар.

Эр-хотин уришар,
Ўртага ахмок тушар.

Эр-хотин — кўш хўкиз.

Эр-хотин — кўшқанот.

Эр-хотиннинг уриши — дока рўмолнинг куриши.

Эр-хотиннинг уриши — ёз кунининг ёфиши.

Эр қаерда бўлса, хотин ҳам шу ерда.

Эрдан — садоқат, хотиндан — итоат.

Эрдан — хато, хотиндан — узр,
Хотиндан — хато, эрдан — жазо.

Эринг сўйди — элинг сўйди.

Эрингга ёқдинг — элингга ёқдинг.

Эрни эр қиладиган ҳам хотин,
Қаро ер қиладиган ҳам хотин.

Эрники — ташдан, хотинники — ичдан.

Эрнинг ёши икки ўттиз,
Биттасини урдик биз.

Эрнинг отини хотин чиқарап,
Хотиннинг отини ўтин чиқарап.

Эрнинг топганига хотинники қўр бўлар.

Эру хотин урушар,
Ўртага нодон тушар.

Эшик кўрган юрт бузар,
Бешик кўрган юрт тузар.

Эшик кўрганни эмас,
Бешик кўрганни ол.

Югурук отга ёл битмас,
Ток йигитга мол битмас.

Янгамнинг шўрвасини ширин қилган
Акамнинг масаллиғи.

Яхши бўлсанг, номинг чиқар,
Ёмон бўлсанг — хотининг.

Яхши келин — келин,
Ёмон келин — ўлим.

Яхши күрсанг боласин,
Иzzат қилғин онасин.

Яхши отга қамчи урсанг,
Чопар авайлаб.
Ёмон хотин ишин қилар
Хамиша пойлаб.

Яхши рұзғор — жаннат,
Ёмон рұзғор — дұзах.

Яхши түн — түй савлати,
Яхши хотин — уй зийнати.

Яхши хотин арпа унни кабоб қилар,
Ёмон хотин буғдой унни хароб қилар.

Яхши хотин белгиси —
Бухори қилар терини,
Мулло қилар эрини.
Ёмон хотин белгиси —
Шалдиrok қилар терини,
Бақироқ қилар эрини.

Яхши хотин белгиси — хиром қилар терини,
Ёмон хотин белгиси — ерга букар эрини.

Яхши хотин — бетидан семирап,
Ёмон хотин — кетидан.

Яхши хотин жун қарз олар.
Ёмон хотин ун қарз олар.

Яхши хотин ишлик бұлар,
Ёмон хотин — тишлик.

Яхши хотин йигит номин күтәрап,
Ёмон хотин йигит номин йүқтәрап.

Яхши хотин йўқ нарсангни бор этар,
Ёмон хотин кенг уйингни тор этар.

Яхши хотин йўқни йўмзаб тўйдирап,
Ёмон хотин ёлғиз отни сўйдирап.

Яхши хотин келмасдан бурун кулдирап,
Ёмон хотин ўлмасдан бурун ўлдирап.

Яхши хотин күпга қүшар,
Ёмон хотин күпдан чиқарар.

Яхши хотин олиб берсанг йигитга,
Минг куни бир кун бўлиб ўтар.
Ёмон хотин олиб берсанг йигитга,
Бир куни минг кун бўлиб ўтар.

Яхши хотин — уй бустони,
Ёмон хотин — зимистони.

Яхши хотин — уй зийнати,
Ёмон хотин — тўй зийнати.

Яхши хотин — уйнинг гули.

Яхши хотин — умр боли,
Ёмон хотин — жон заволи.

Яхши хотин — хазина.

Яхши хотин эрини элга бош қилур,
Ёмон хотин эрини гадо қилур.

Яхши хотин эрини яшартирап,
Ёмон хотин эрини тез қаритар.

Яхши хотин эрта туриб чарх йигирар,
Ёмон хотин эрта туриб ўчоқ кавлар.

Яхши хотин юзида ой кўринар,
Ёмон хотин қовоғидан қор ёғилар.

Яхши хотин — ярим ризқ.

Яхши хотин — ҳамиша баҳор.

Яхши күшни — ота-она,
Ёмон күшни — бошга бало.

Яхши қўшни узоқ қариндошдан яхши.

Яхши қўшнига ялингунча,
Ёмон уйингни ахтар.

Яхши ҳамсоя гулдир,
Ёмон ҳамсоя чўлдир.

Яхши ҳамсоя орасидан
Қисир эчкининг қили ўтмас.

Яхшининг кетидан қолма,
Ёмоннинг қизини олма.

Ўз уйим — ўлан-тўшагим.

Ўз уйимнинг хушлиги —
Оёқ-қўлимнинг бўшлиги.

Ўзим ҳисобласам, қулунли бия,
Отам билан ҳисобласам, бўтали бия.

Ўзинг сўйганни олгунча,
Ўзингни сўйганни ол.

Ўзинг ўйда бўлсанг ҳам, ўйинг уйингда бўлсин.

Ўнта ўғлим бўлгунча, битта чолим бўлсин.

Ўнқир эди, чўнкир эди — уйим эди,
Айик эди, сайик эди — эрим эди.

Ўргимчак ҳам ўз уйим дейди.

Ўроқ тутиб отанг қолгунча,
Ўймоқ тутиб энанг қолсин.

Ўрта йўлда отинг ўлмасин,
Ўрта ёшда — хотининг.

Ўтиннинг яхиси — янтоқ,
Хотиннинг яхиси — қалмоқ.

Ўтисиз қозон қайнамас,
Хотинсиз уй яйрамас.

Ўғлимнинг илик ошидан
Эримнинг урган тоши яхши.

Үғлинг аҳмок бўлса ҳам,
Келининг доно бўлсин.

Үғлинг боқсин, келининг соғсин.

Үғлинг ёмон бўлса, келинингдан кўр,
Қизинг ёмон бўлса, куёвингдан кўр.

Қайнона қайнайди,
Келин айнайди.

Қайнона қўлидан ёғлик чўзма егандан
Она қўлидан қулок чўзма еган яхши.

Қайнонага тош отсанг, тош оласан,
Қайнонага ош берсанг, ош оласан.

Қайнонам — қайнонам,
Кайн эгачимдан қўрқаман.

Қайнота ҳам — ота, қайнона ҳам — она.

Қалмоқ олган қаримас,
Арғумоқ минган ҳоримас.

Қиёмат куни — қўшнидан.

Қиз олмаган йигит қиздан сулув.

Қизгинамнинг боласи —
Қандак ўрик донаси.
Ўғилгинамнинг боласи —
Ҳай-ҳай унинг онаси.

Қизига жони ачиған келинини сақлар.

Қизим сенга айтаман,
Келиним сен эшит.

Қизимнинг қайноаси ёмон,
Ўзимнинг келиним ёмон.

Қизинг бўй етса, қизи яхши билан қўшни бўл,
Үғлинг эр етса, ўғли яхши билан қўшни бўл.

Қозон олсанг, қоқиб ол,
Хотин олсанг, боқиб ол.



Қозонда жиз-биз,
Күрпада сиз-биз.

Қора тутни қоқманг,
Неварани боқманг.

Қоронғида кичқирсанг,
Хамсоянг товуш берар.

Кудали хотин қуйруқ ер,
Эрли хотин — калтак.

Куданғдан қарз сұрама.

Куданғдан қўй сўрама,
Қўшнингдан уй сўрама.

Курбақанинг тириклиги кўл билан,
Хотиннинг тириклиги эл билан.

Қўшни девор тагини кавласанг,
Ўзингга дарча очилар.

Қўшни келди — қўмак келди,
Эт келди — суяк келди.

Қўшни оши — қўшнига қарз.

Қўшни қўшнидан эрта туришни ўрганар.

Қўшни — қўшнининг бозори.

Қўшнига қарама, ўнгишига қара.

Қўшнига қасд этма, баст эт.

Қўшнига қўшнининг товуғи кўркли кўринар.

Қўшнида пишар,
Бизга ҳам тушар.

Қўшнимнинг билгани — ҳамманинг билгани.

Қўшнинг ёмон бўлса, ёмонлик келар,
Қўшнинг яхши бўлса — омонлик.

Құшнинг күр бұлса, құзингни қис.

Құшнинг яхши бұлса, күр қизинг ҳам әрга тегар.

Құшнингга ёмонлик соғинма.

Құшнингни янима, киноя сүз дөң этар,
Курбинг етса күмаклаш, әшигингни бор этар.

Құшнининг миннатли ошидан
Чумчуқнинг сояси афзал.

Құшнининг оши — тотли.

Құшнининг оши — ғавғонинг боши.

Құшнининг товуғи фоз куринар,
Келинчаги — қиз.

Құшниси яхши қаримас.

Фоз аччиғи — қарғага,
Қиз аччиғи — янгага.

Хар ким үз уйда подшо.

Ховли олма, құшни ол.

ҚАРИНДОШ-УРУҒЧИЛИК ВА БЕГОНАЛИК

Башарам — шажарам.

Бегона билан қуён овлама,
Овласанг ҳам, ёнингга бойлама.

Бегона — санги девона.

Бегона сүз беради, бұз бермайди.

Бегонанинг данғиллама саройидан
Ұзингнинг кулбай вайронанг яхши.

Бегонанинг оти үзгунча,
Овулдошингнинг тойи үзсин.



Бемехр қариндошдан
Мехр билган ёт яхши.

Беш бармоқнинг бирини тишласанг, бари оғрир.

Бир кўрган — таниш,
Икки кўрган — ошна,
Уч кўрган — қариндош.

Бир тоға етти ота ўрнига ўтар.

Бир — туғишидан, бир — тутингандан.

Божа божага бўз бермайди, сўз беради.

Божа божани кўрса, авж олар.

Болдиз болдан ширин.

Борсанг — қариндош,
Бормасанг — бегона.

Бош ёрилса — бурк ичида,
Кўл синса — енг ичида.

Бўладан қариндош бўлмас.

Гўжа туйсанг, майда туй,
Қайнотангнинг тиши йўқ.
Қайга борсанг, шунда бор,
Қайнонангнинг иши йўқ.

Дўст сафарда билинар,
Оға-ини — кулфатда.

Еб-ичганда ёт яхши,
Қайғу кунда — қариндош.

Етти божани бир бўри ер.

Ёлғизлиқда ёр яхши,
Мунглашганда — қариндош.

Ёмон қариндошга ялингунча,
Кора қозонингга ялин.

Ёрдами йўқ қариндошдан

Етти ёт бегона яхши.

Ёт — егунча, қариндош — ўлгунча.

Ёт ёқадан олар,
Ит — этакдан.

Ёт отган тошдан жигар отган увада каттиқ тегар.

Ёт сени ёткизар,
Фам — кулфатга ботқизар.

Ёт уйида ётик бўл.

Ётга ялингунча,
Ён-верингга ялин.

Ётга яқинлашма,
Элинг билан ёвлашма.

Ётдан ёмон келмасин,
Ўзингдан ёмон чикмасин.

Ётники ёндан ўтар,
Ўзингники — жондан.

Ётнинг ёнида ёғи йўқ.

Ёт еганда ёт яхши,
Кон ютганда — қариндош.

Ёточнинг понаси ўзидан.

Жар йўл бўлмас,
Бегона — эл.

Жигар — жигар, дигар — дигар.

Жиян эшикдан кирса,
Етти бўри тешикдан кирар.

Жон тортмаса, кон тортар.

Жон қариндош мол қариндош эмас.

Жони бошқанинг тани бошқа.

Иниси борнинг ириси бор.

Ит қилигини эгаси билар,
Жиян қилигини — тоғаси.

Касал ошдан,
Даво — қариндошдан.

Келса хотин уруғи,
Топилади йўриғи,
Келса эрнинг уруғи,
Бўлар юрак буруғи.

Кишининг боласига кишмиш берсанг ҳам турмас.

Кузги офтобга қизингни қўй,
Ёзги офтобга келинингни қўй.

Манглайнингга урадиган тошиңг ҳам ўзингдан бўлсин.

Овсин-ажин йигилса,
Ажина базми қурилар.

Овсиним — ажиним.
Курганда келар ғижиним.

Овсинлар инок бўлса,
Оға-инилар чиноқ бўлмас.

Озиқли от хоримас,
Қариндошли қаримас.

Олтмиш кулон от бўлмас,
Туғишиганинг ёт бўлмас.

Онангни кафтиңда тутсанг,
Синглингни бошиңда тут.

Онангни сиртда сақласанг,
Синглингни кафтда сақла.

Ота-бала — бир боғ,
Бири — гул, бири — боғбон.

Ота-бала уришар,
Оға-ини юлишар.

Ота — хазина, ака-ука — таянч,
Дўст эса — ҳар иккови.

Отадошим, отга мин,
Отаси бошқа, отдан туш.

Отангни соғинсанг, тоғангни күр.

Отга айил ботганин
Эгар билмас, от билар.
Оға-инининг озганин
Үзлари эмас, ёт билар.

Ошначилик — бир йилчилик,
Кудачилик — минг йилчилик.

Оға-ини аразли бўлса ҳам,
Фаразли бўлмас.

Сигирнинг шохига урсанг,
Суғурнинг танаси титрар.

Сигирнинг шохига урсанг, туёғи зирқирав.

Синган қўлнинг оғирлиги бўйинга тушар.

Сопол чинни бўлмас,
Бегона — ини.

Терак томирига таянар,
Одам — туғишганларига.

Тирноқни этдан айириб бўлмас.

Тол ёғоч маданг бўлмас,
Бегона даданг бўлмас.

Тутинган туғишгандек бўлмас.

Тутуни бошқанинг тўшаги бошқа.

Тухуми бирнинг бари бир.

Тукқан жигарнинг озори бор, безори йўқ.

Тукқан тукқан билан топишар,
Ётга бало ёпишар.

Туғишган омонлиқда эмас,
Ёмонлиқда билинار.

Туғишимаган топишмас.

Туғишимаганнинг туби тош.

Тұңг айирган мой ер,
Қариндош айирган лой ер.

Тұяр ошни күз танийди,
Ошнани — күнгил.

Узокдаги онадан
Яқындаги қайнона яхши.

Үйи башқа — мунги башқа.

Үйи башқа ғам билмас,
Танаси башқа — дард.

Умрингдан уч кун қолса от ол,
Бир кун қолса — хотин.

Уришганинг үз оғайнинг бүлсін.

Уруғ-аймоғим — қуюқ қаймоғим.

Хешлик — хушлик.

Холам билди — онам билди.

Хотин олма, қайн ол,
Борар жойға тайин ол.

Хотин олмоқ әшак савдоси эмас.

Хотин қариндоши — илон боши,
Эр қариндоши — сават боши.

Шерикчилик — бир йилчилик,
Кудачилик — минг йилчилик.

Чиққан қиздан
Ота уйидаги супурғи ҳам құрқар.

Әли башқа әл бүлмас,
Этакни кессанғ енг бүлмас.

Энаси тепган қулуннинг эти оғримас.

Эрга бердим — эмгак олдим.

Эшикли бўлдинг — бешикли бўлдинг.

Яхши ерга берсанг қизни,
Силай-силай султон қилас.
Ёмон ерга берсанг қизни,
Ура-ура ултон қилас.

Яхши одам ёт бўлмас.

Яқин эринтирас,
Узок чопинтирас.

Яқин қиз — ўғил ҳисоби,
Узок қиз — ўлик ҳисоби.

Яқиндаги тишлашар,
Узокдаги кишнашар.

Яқинликнинг белгиси —
Келиб-кетиб тургани,
Узокликнинг белгиси —
Сира келмай юргани.

Ўгай ота нон бермас,
Нон берса ҳам, жон бермас.

Ўгай ота ўкирас,
Юрагидан бўкирас.

Ўгайнинг оти қурсин,
Саксовулнинг ўти қурсин.

Ўз гавронинг ўзингга қаттиқ тегмас.

Ўз товуғим чакирса,
Қайга қараб қичқирай.

Ўз уйини ёритмаган чироқ
Ўзганикида машъал бўлмас.

Ўз юрагингга сирмаган сир,
Ўзганинг юрагига сирмас.



Үз — ўлгунча, ёт — егунча.

Үзга ўзингдек бўлмас,
Ёт — яқинингдек.

Ўзимдан чиқсан балога,
Қайга борай даъвога.

Ўзинг туғмай ул (ўғил) бўлмас,
Сотиб олмай кул бўлмас.

Ўзингдан ўтганни ўзагинг билар.

Ўзингни ёмонласанг,
Ётнинг меҳри кетар.

Ўзингники ўзагингни узар.

Ўзингнинг отингга чик,
Ўзганикidan туш.

Ўнг қўлим, сўл қўлим,
Иккови ҳам ўз қўлим.

Қайирсам — этагим,
Шимарсам — енгим.

Қайним — қаймоқ ёғим,
Қайнинглим — юрак доғим.

Қайнинг келса, кетмон чоп,
Қайрилмаса, майрилсин.

Қайноға қайн булар,
Қайнини майин булар.

Қайнингил — ярим кундош.

Қайнингил — ярим қайнона,
Қайнэгачи — бутун қайнона.

Қариндошдан карз олма,
Қариндошга қиз берма.

Қариндошдан қоришган афзал.

Қариндошим — қора қозоним,
Үрүғим — унли чуволим.

Қариндошимда бўлгунча, чироғдонимда бўлсин.

Қариндошинг келса-келсин,
Бўз халтаси келмасин.

Қариндошинг ўлса-ўлсин,
Қадрдонинг ўлмасин.

Қариндошинг қариндош эмас,
Касбдошинг — қариндош.

Қариндошингга қарз берма,
Берсанг сўрама.

Қариндошингни ёмонлаб,
Қайдан тукқан топасан.
Ўз отингни ёмонлаб,
Қайдан тулпор топарсан.

Қариндошингни ошга чақир, чошга чақирма.

Қариндошини сийлаган холи қолмас,
Тўркунини сийлаган тўрга ўтмас.

Қариндошли каримас.

Қариндошники қоронғу кунда белгили.

Қариндошнинг товуши қоронғида белгили.

Қиз аммага ўхшар,
Ўғил — тоғага.

Қизли уй кудасиз бўлмас.

Қилдай томир бўлса, тукқанига тортар.

Қовуннинг ёмони — пўла,
Хотиннинг ёмони — бўла.

Қозилашган қариндош бўлмас.

Қозонга қараган қариндош эмас,
Карашган — қариндош.

Қозони бошқанинг қайғуси бошқа.

Қон йиғлаганда қариндош,
Ёғ ялаганда ёт яхши.

Қон қариндош — жон қариндош.

Коронгида қичқирсанг,
Қариндош товуш берар.

Куда-андалик жойингдан
Кулунли биянгни аяма.

Куда бўлгунча, кўп синаш,
Куда бўлгач, кўп сийлаш.

Куда-анданинг моли бир.

Куда бўлдинг — жудо бўлдинг.

Куда бўлмоқ — қийин,
Жудо бўлмоқ — осон.

Куда бўлсанг, кул бўлса ҳам, сийла.

Кудамнинг қудаси — юмуртанинг шўрваси.

Куданг қул бўлса, қулдек бўл.

Кудачилик — мингйилчилик.

Кўйиндан тўкилса, қўнжига.

Ҳайвонотда бўта соз,
Одамзотда божа соз.

Ҳар ким ҳар нима дейди,
Киз отаси бир нима дейди.

ФАРЗАНД ВА ФАРЗАНДСИЗЛИК

Аччиғланса отаси енгар,
Хазиллашса — боласи.

Ахмоқдан — чакмок, донодан — ахмок.

Бирни берсанг отангга.
Мингни оласан болангдан.

Бола бешикдан йиқилгунча,
Подшо тахтидан йиқилсин.

Бол — ширин, болдан — бола ширин.

Бола бүлса, бешик топилар.

Бола бүлса, шүх бүлсин,
Шүх бүлмаса, йүк бүлсин.

Бола күнгли — подшо.

Бола — хондан улуғ.

Бола үнга кирса, отаси сонга кирап.

Бола — қалби гул.

Болали уйда сир ётмас,
Боласиз уйда кир ётмас.

Болали хотин — гул хотин,
Боласиз хотин — тул хотин.

Болалик она нонга тўймас,
Болалик роз — донга.

Болалик — подшолик.

Болалик қарғага дон тегмас.

Болали қўргонга боғ етмас.

Болалининг бели — чинор,
Боласизнинг бели синар.

Боланг ёмон бүлса ҳам, омон бүлсин.



Боласи күп бұлар бой,
Боласи йўқ — курук сой.

Боласиз хотин сумакка тўймас.

Боласизнинг моли — увол,
Имонсизнинг — жони.

Бўй киз — учирма қуш.

Гап унда эмас, буғдойда.

Гунг боланинг гапини
Кар онаси тушунар.

Гунг қизнинг тилини онаси тушунар.

Давлатинг — ота-онанг,
Савлатинг — ўғил-қизинг.

Давлатнинг боши — фарзанд.

Елка яғри — отага мерос,
Ота яғри — ўғилга мерос.

Ёлғиз бола — бошга бало.

Ёлғиз бола — ёвдан ёмон.

Ёлғиз бола йиғлоқ бўлар,
Ёлғиз тия — бакирок.

Ёлғиз ўғил ёвдан қаттиқ,
Хотини қалмоқдан қаттиқ.

Ёлғиз киз — ялама туз.

Ёмон бўлса ҳам омон бўлсин.

Ёмон ўғил бокқунча,
Этагингни қок.
Ёмон қизни бокқунча,
Дўппингни қок.

Ёмон ўғил — молга ўрток,
Яхши ўғил — жонга.

Йигитнинг чироги — қизи билан ўғли.

Келин — ёмон, невара — ширин.

Келин қиз бўлмас,
Куёв — ўғил.

Келин қилдим деб керилма,
Ишга буюрса, эринма,
Ишга буюрса, эринсанг,
Ўғлингнинг кўзига кўринма.

Келиннинг яхши бўлса, ўғлингдан кўр,
Ўғлинг ёмон бўлса, келиннингдан кўр.

Келиннинг сўзи кетмондай ботар,
Боланинг сўзи ботмондай ботар.

Кийиминг ёмон бўлса, бир ёғингга ярап,
Боланг ёмон бўлса, бир кунингга ярап.

Куёв қувса, эшик боғин тут,
Ўғил қувса, тўр бошига ўт.

Куёвдан невара қолар,
Неварадан эвара қолар.

Куёвни ўғил бил, келинни — қиз.

Куёвнинг хўрдасидан ўғилнинг ювиндиси яхши.

Куёвникида қуйруқ егандан,
Ўғилникида юмруқ е.

Мен куярман боламга,
Болам куяр боласига.

Неварани боқма,
Шотутни қоқма.

Нор ўлса, норчаси қолар.

Одам меваси — фарзанд.

Олти ўғиллининг олти аршда моли бор.

Она билан бола — гул билан лола.

Она — дарахт, бола — мева.

Она — меҳрибон, ота — ғамғузор.

Онага ўхшаб киз туғилмас,
Отага ўхшаб — ўғил.

Онали етим — гул етим,
Оталик етим — шум етим.

Онали келин — қарқара,
Онасиз келин — тасқара.

Онанг ўгай бўлса, отанг ўзингники эмас.

Онангни қуёш билсанг,
Отангни ой бил.

Онанинг кўнгли болада,
Боланинг кўнгли далада.

Онаси яламаганга отаси қарамас.

Онаси қимизак еса,
Қизининг тиши қамашар.

Онасиз келин — юввош,
Онали келин — бебош.

Ота безори — худо безори.

Ота бола учун тахт ясар,
Бахт ясата олмас.

Отангга қилганингни болангдан кўрарсан.

Подшонинг ҳукмидан боланинг ҳукми зўр.

Пулни пул топар,
Ўғилни — киз.

Туз асрала, сув бўлар,
Қиз асрала, қув бўлар.

Тулпордан туёқ қолар,
Шунқордан қиёқ қолар.

Түкқан хисобмас, бокқан хисоб.

Түкқанига суюнма, турганига суюн.

Тұңғич бола туғ бұлар.

Уй қизи — палахмон тоши.

Фарзанд бахти — она тахти,
Фарзанд камоли — ота жамоли.

Фарзанд — белнинг қуввати.

Фарзанд бокқан ота,
Жонни қоққан она.

Фарзанд — дилбанд,
Фарзанд — қанот.

Фарзанд дөғи ёндирап,
Пайти келса, күйдирап.

Фарзанд — жонга пайванд.

Фарзанд күрдингми, күчат эк.

Фарзанддан йүргак аяма.

Фарзандим — асал-қандим.

Фарзандим — дилбандим,
Севганим — асал-қандим.

Фарзандинг — давлатинг,
Фазилатинг — зийнатинг.

Фарзандни бокишиң қийин,
Фарзандга ёкиш қийин.

Фарзандсиз киши — мевасиз дарахт.

Хотин — уйнинг гули,
Бола — дилнинг.

Хотинга — пушт,
Хамирга — мушт.

Хотиним қиз туғди деб ўпкалама,
Шернинг эркак-урғочиси баробар.

Хотинни яхши күрсатган,
Қўлидаги боласи.
Дараҳтни яхши күрсатган,
Шоҳидаги меваси.

Хотинсиз ўтиш — хато,
Боласиз ўтиш — жафо.

Чақалок аллада азиз.

Чикқан қиз чийдан ташқари.

Яхши бўлса — бола,
Ёмон бўлса — бало.

Яхши фарзанд — гул,
Ёмони — бир пул.

Яхши ўғил отадан олти ботмон зиёд бўлар,
Ёмон ўғил отадан олти ботмон кам бўлар.

Яхши ўғил тиндирап,
Ёмон ўғил ўлдирап.

Яхши ўғил уй тузар,
Ёмон ўғил тўй бузар.

Яхши ўғил — эл обрўси,
Яхши қиз — уй обрўси.

Яхши ўғилдан раҳмат етар,
Ёмон ўғилдан — лаънат.

Ўз боланг ўзагига тепсанг ҳам кетмас.
Киши боласи майиз берсанг ҳам турмас.

Ўнта бўлса ўрни бошқа,
Қиркта бўлса — қилиғи.

Ўттизга кирган йигитнинг
Ўтин олгудай ўғли бўлсин.

Ўғил билан қизинг —
Бамисоли икки кўзинг.

Ўғил еб ўрга кетар,
Қиз еб қирга кетар.

Ўғил ёққан чироқни қиз ҳам ёқар.

Ўғил отаси мард бўлса,
Қиз отаси — бечора.

Ўғил отасига ўхшамаса, қони ҳаром.

Ўғил — уйнинг булбули,
Қиз — уйнинг гули.

Ўғил қанотли от бўлса,
Қиз қанотли қушдир.

Ўғил-қиз яхши бўлса,
Ота-она хурсанд.

Ўғил-қиз доно бўлса,
Элу юрт хурсанд.

Ўғилга ўттиз уйдан тилов бор,
Қизга қирқ уйдан ишлов бор.

Ўғилли уй — фаришта,
Қизли уй — саришта.

Ўғлинг боқсин, келининг соғсин.

Қарғайин десам — ёлғиз,
Қарғамайин десам — ялмоғиз.

Қиз етилиб, кирғокка кетар,
Ўғил етилиб, йироқка кетар.

Қиз — меники, баҳт — ўзганики.

Қиз пули — сут пули.

Қиз пули — туз пули.

Қиз саклагунча, бир сиқим туз сакла.

Қиз сакладинг — ўт сакладинг.

Қиз түкканга муз туғар,
Үғил түкқанга кун туғар.

Қиз — уйнинг чұриси, ҳам үғриси.

Қиз — құноқ.

Қизгинаңнинг эркаси —
Йигитгинаңнинг серкаси.

Қизи борнинг бахти бор,
Үғли борнинг тахти бор.

Қизим-қизим қиз киши,
Қизимга келар юз киши.

Қизинг үсса, уйға ют келар,
Үғлинг үсса, уйға қут келар.

Қизинг үсса, қирға кет,
Үғлинг үсса, үрга кет.

Қизли киши қир ошар.

Қизли уй — бүстон,
Қизсиз уй — зимистон.

Қизли уй — карвонсарой.

Қизли уй — нозли уй,
Үғилли уй — созли уй.

Қизли уй — қилиқли уй.

Қизли уй — қирон,
Үғилли уй — даврон.

Қизли уйнинг тили бийрон,
Совчиларнинг тили тийрон.

Қизни берсанг, мардга бер.
Қизғалдоқдай жайнасин.

Қизнинг бүйи етди — бошингга ёв етди.

Қийшик бұлса ҳам, йўл яхши,
Ёмон бұлса ҳам — үғил.

Қуён боласини ботирим дер,
Ит боласини коплоним дер.

Кулунли бия бутасиз тұядан яхши.

Күш нима топса, боласининг оғзига тиқар.

Құзи маъраб ўсар,
Бола — йиғлаб.

Қўй қўзичоғи билан чиройли,
Хотин — чақалоғи билан.

Қўнғиз боласини оппоғим дер,
Кирпи боласини юмшоғим дер.

ТАЖРИБАКОРЛИК ВА КАЛТАБИНЛИК

Аввал иқтисод, кейин сиёsat.

Аввал кузат, кейин тузат.

Аёз, ўтган кунингни унутма,
Хом чориғингни қуритма.

Айрон — аччик, сут — чучук.

Айтмаса, ким билар,
Очмаса, ким күрар.

Айғир қочса, уюрдан топ,
Бия қочса — бешадан.

Ариқ лойқаланмай тинмас.

Ариғингни новдай қил,
Хирмонингни товдай қил.

Арпа қылтиқсиз бұлмас,
Навкар — милтиқсиз.

Арпанинг кесаги бор.

Арқоғини күриб бүзини ол,
Онасини күриб — қизини.

Аччиқ билан чучукни тотган билар,
Узок билан яқинни — юрган.

Бокколнинг бурни — шайин,
Кўзи — палла.

Билгандан ҳам ўтар, билмагандан ҳам.

Билиб солсанг қушиングни,
Ҳар согланда ғоз олар.
Чуя билмасанг қушиングни,
Шунқор бўлса ҳам оз олар.

Билмаганга бит ўлдириш қийин.

Бир айлантирганни чир айлантири,
Чир айлантирганни минг айлантири.

Бир керак бўлган нарса
Икки ҳам керак бўлар.

Бир синалган тажриба
Етти китобдан афзал.

Бировнинг ерини пиширма,
Ҳўқизнинг бўйини шиширма.

Болам севсин десанг, боласини сев.

Бош тошга тегса,
Акл бошга келар.

Бошидан ўтмаганнинг қошидан ўтма.

Бузоқнинг турки туққанига маълум.

Бузокнинг юргани — сомонхонагача.

Бутамасанг, мева оз,
Бутасанг ейсан қишу ёз.

Бўёқчининг бўёқчилиги қўлидан маълум.

Бури бор бўлсин десанг,
Кўй бут бўлмас.

Гапирганнинг адашмоғи,
Юрганнинг қоқилмоги бор.

Гапнинг онаси — қулоқ,
Сувнинг онаси — булок.

Гүшт олишни билмайман,
Ёғ-ёғидан кесиб бер.

Дард кўрган — табиб.

Дард кўрмаган авлиёга сифинмас.

Дард тортмаган дард билмас.

Дарё бўйида кудук қазима.

Дарё суви оқа-оқа тозарар.

Девонага эл бер,
Қулига катта бел бер.

Дошқозоннинг оши хом бўлмас.

Дўстинг кимлигини айт,
Сенинг кимлигингни айтаман.

Еганни ҳам кўр, едирганни ҳам.

Ер тузи элдан,
Сув хатари йилдан.

Етилмаган ҳамир тандирда турмас.

Ёвга борсанг, баринг бор,
Овга борсанг, бириңг бор.

Ёвни кичик кўрсанг, бошинг кетар.

Ёз ёпинчигингни қўйма,
Қища ӯзинг биласан.

Ёз келишини лайлак билар,
Қиш келганин — олақарға.

Ёз кетар, қиш келар,
Шошмай туринг, иш келар.

Ёзга етсанг, қишиң күнингни унутма.

Ёзлигингни унутсанг ҳам, қишлигингни унутма.

Ёш йигитнинг күзи билан қиз олма.

Ёғоч кессанг, узун кес, кесса бўлар,
Темир кессанг, қисқа кес, чўзса бўлар.

Жиннини жинни десанг,
Арпа бўйи ўсар.

Жойдан жойнинг фарқи бор,
Ўн икки хил нархи бор.

Жўжани санаб бил,
Кучни — синааб.

Замон сени ўқитар,
Таёқ билан сўқитар.
Сабобингни билмасанг,
Дўконда бўз тўқитар.

Зардоли е-да, сув ич,
Зирилламасанг, менга кел.

Зарҳал кўринар сохта,
Роса билиб, сўнг мақта.

Икки хўроз хирмон сочар,
Ўз кетини ўзи очар.

Йигит кўпни кўрса, одам бўлар,
Қаъда-қойимни билмаса — нодон.

Йўл — каттадан, эргашиш — кичикдан.

Йўлдан адашсанг, шамолга эргаш.

Йўлни билган қоқилмас.

Кал ўзини овутар,
Қўлтигини совутар.

Келбати келишмагандан кенгаш сўрама.

Келмаганнинг кетидан борма.

Кенгашаринг бўлмаса,
Бўркинг билан кенгаш.

Кенгашганга — кенг дунё,
Талашганга — тор дунё.

Кийик қувган қўённи пайқамас.

Ким табиб, бошидан ўтган табиб.

Кирадиган эшигингни қаттиқ ёпма.

Киши янглишиб қўлга тушар,
Куш янглишиб — тўрга.

Коса, косанинг тагида нимкоса.

Кузда йирсанг, қишда ейсан.

Кўп билганга эргашма,
Кўп кўрганга эргаш.

Кўп кўрган кўп билар.

Кўп юурган бир қоқилар,
Кўп кулган бир йиғлар.

Кўп юргандан сурмана,
Кўп кўргандан сўра.

Кўп яшаган билмас,
Кўп кўрган билар.

Кўп яшагунча, кўп бил.

Кўр ўр бўлар.

Кўр қўйганини соғ топмас.

Кўра-кўра кўз пишар,
Қила-қила кўл пишар.

Кўриб юрганнинг кўзи — тарози.

Кўрмаган ерда олатўғаноқ ҳам адашар.

Күрмаганнинг кўчаси кўп.

Кўрнинг кўзи бармоғининг учида.

Лайлакнинг кетишига эмас, келишига бок.

Мен кирмаган эшик йўқ,
Мен тегмаган қошиқ йўқ.

Мой хумчаси ташидан маълум.

Мойсиз арава ўқ ер.

Мол эгасиз бўлмас,
Кўй оқсоқсиз бўлмас.

Молни боқсанг, қўшиб бок,
Емни емга қўшиб бок.

Молни қишда кумга ҳайда,
Ёзда чимга ҳайда.

Мулла бобдан ўтмас,
Эшак — ёпдан.

Мусоғир бўлмай, мусулмон бўлмас.

Мусоғир итнинг думи қисиқ.

Ножуя ўйин синдирап бўйин.

Овул ободлиги йўлидан маълум.

Одамнинг афтига қара,
Хавонинг — тафтига.

Оёқ ерга тегмаса — улов,
Тиш тишига тегмаса — овқат.

Оз сўзлаган боз сўзлар,
Боз сўзлаган соз сўзлар.

Оз экиб, кўп олганни деҳқон дерлар,
Кўп экиб, оз олганни ҳаммол дерлар.

Ой минмай, отингни мақтама,
Йил турмай — хотинингни.



Ой туғилишидан белгили,
Одам — юришидан.

Ола товук сомон сочар,
Үз айбини үзи очар.

Ола тозининг овидан ҳам кеч, довидан ҳам.

Олам кезсанг, одам бўласан.

Олдинг — битдинг, сотдинг — йитдинг.

Олиш ўргатмас, сотиш ўргатар.

Олмоқнинг бермоги бор,
Емоқнинг — қусмоги.

Олтин тупроқдан олинар,
Тарёк — илондан.

Она кулфатин она билар,
Ота кулфатин ота билар.

Ориқ қўйни орқага қўйма.

Ортингни қузатмай, олдинга кетма.

От минсанг үйлаб узокни,
Билиб юр йўлдаги тузокни.

От олма пиёданинг маслаҳати билан,
Хотин олма бўйдоқнинг маслаҳати билан.

От олсанг, миниб ол,
Хотин олсанг, кўриб ол.

От олсанг, ориқдан ол,
Қиз олсанг, қаллочдан ол.

От олсанг, отасини суриштири.

От олсанг, уйинг билан кенгаш,
От сотсанг — овулинг билан.

От суриниб йўл танир,
Эр суриниб — эл.



Отга боқма, тұнга бок,
Ичидағи жонға бок.

Оting ориқ бұлса, тұрвадан күр.

Оч тұнғиздан, қоч тұнғиз.

Ошиқ үйнаган озар,
Тұпик үйнаган түзар.

Оғизга солған ошни юта билмоқ керак,
Күлгә кириған давлатни тута билмоқ керак.

Сабаб билан зиёрат,
Балчик билан иморат.

Сабаб билан сават аравага чикар.

Сабабсиз оёққа тикан кирмас.

Сирка сұрашға ҳам усул керак.

Сүзлай-сүзлай гапчил бұларсан,
Ишлай-ишлай әпчил бұларсан.

Тикан захрини тортган оёғини билиб босар.

Той қоқилмай йүл топмас,
Эр қоқилмай — дүст.

Той қоқилиб от бүлар,
От бүлгунча лат еяр.

Тұрга тушған балиқ қармоқдан күркмас.

Тұқай кезған овчи бұлар,
Күп кезған синчи бұлар.

Умрим узун бұлсін десанг,
Ұз ишиңгни пухта қил.

Хатосиз мерған бұлмас.

Хом каллада хом хаёл,
Кал каллада минг хаёл.

Чакки баракат — беҳуда ҳаракат.



Чиниқмаган хўрот бир чўкишда қочар.
Чиникканга чанг юқмас.
Чўлдаги чўпондан ё уйдаги қиздан сўра.
Чўлқурбақанинг кўнгли оккуш гўштини тусар.
Элга кулгу бўлгунча,
Эрга тулки бўл.
Эски йилнинг ҳисоби —
Янги йилнинг сабоги.
Эшитганга ишонма, кўрганингга ишон.
Эшитгандан кўрган яхши,
Ўзини кўриб билган яхши.
Эшишни билмасанг, қайикда ўтирма.
Янглишмайдиган оғиз йўқ,
Қоқилмайдиган — туёқ.
Яхши-ёмоннинг фарқини билмаган,
Арzon-кимматнинг нархини билмас.
Яхши иш битирап,
Ёмон иш йитирап.
Яхши иш улги бўлар,
Ёмон иш кулги бўлар.
Ўзга муштини емаган ўз муштини ботмон дер.
Ўзи билмас, кишидан сўрамас.
Ўзи килолмаган қилганни кўролмас.
Қайнок сут ичиб оғзи куйган
Қатикни ҳам пуфлаб ичар.
Қаловини топсанг, қор ёнар.
Қари билганни пари билмас.
Қари бор уйда пари бор.
Қари от кўп йўл билар.

Қари товук қарчиғайдан құрқмас.

Қари қызы қози бұлар,
Сари итга рози бұлар.

Қарининг ҳам қариси бор,
Парининг ҳам париси бор.

Қарияли уйда қүй ҳам омон, бүри ҳам йүк.

Қарғани құрқитсанг, ботир бұлар.

Қирққа давр қирк йүлдан,
Кирк бирдан бир йүлдан.

Қиркқа кирмай, нархга кирмас.

Құш қаноти билан учади,
Күйруғи билан құнади.

Құл құлни танир,
Құр — йүлни.

Құлға ўрганған құш қирда адашар.

Құли синганнинг дардини құли синган билади.

Ҳайт деса, ит югурап,
Итдан аввал — қызы.

Ҳар ким ҳам чақилар,
Яхши от ҳам қоқилар.

ТАЪМАГИРЛИК ВА ОЧКҰЗЛИК

Безбетта қошиқ берсанг,
Бир үрнига беш ошар.

Бепул кафан топилса, үлмоқ керак.

Берасинг бұлса ахмоққа.
Кунда келар тингиллаб.
Қарзинг бұлса мумсикдан,
Изингдан қолмас зингиллаб.

Бермаган кишини,
Хеч ким қилмас ишини.



Берса — бир бало,
Бермаса — икки.

Беш панжа оғиз йиртар.

Бир йуталга — икки чутал.

Бир кесак билан икки чумчукни уриб бүлмас.

Бир эллик деб икки элликдан ажрама.

Бир құлтиққа иккі тарвуз сиғмас.

Бирев гул дейди,
Бирев — пул.

Бироннинг ошига қараган оч қолар.

Бироннинг уйига бокма,
Бемаҳал эшигин қокма.

Бироннинг хотини қиз куринар.

Бой ёнин қашласа гадо құл чұзар.

Бойники — бой күппак.

Бойникини бойтеват қызғанар.

Бойнинг қорни беш,
Бири ҳамиша — бүш.

Бор-йүғини билмайман.

Бол тилайди томоғим.

Бор товоғим, кел товоғим,
Келишингда қуруқ бұлсанг,
Үрта ерда син, товоғим.

Бүрининг үзи тўйса ҳам, кўзи тўймас.

Гадо олдида ёнчиқ кавлама.

Гадога салом берма, динор бер.

Гадога чорик берсанг, ямоклигини ҳам тилар.

Гадонинг хуржуни тұлса ҳам, күзи түймас.

Дарднинг сабаби — томоқ
Қараб емаган ахмок.

Дастурхонга боккан дүст эмас.

Девонадан ой боши сұрама.

Дон бошқа, жиғилдон бошқа.

Еб етти бұлмаган, ялаб етмиш бұлмас.

Еб түймаган, ялаб түймас.

Емас оғиз құл боғлар.

Емхұр от тұрва тешар.

Ёмон на ейди, на едиради.

Жон жонга куяр,
Ишкамба — нонга.

Зиқна бирга унамай, дуважага тушади.

Зиқнаникіга мекінен келмас,
Келса ҳам овқат емас.

Икки кеманинг бошини тутган ғарқ бұлар.

Икки қүённи қувлаган бирини ҳам тутолмас.

Ит гадой билан чиқишимас.

Ит устидан қүш учса, суюгини қизғанар.

Ит корни түйгән уйдан кетмас.

Итдан сүяк күтма.

Итдан сүяк ортмас,
Юктобдан — пұстак.

Итни «кет» десанг, күнглиға келмас,
Сурбетни «кет» десанг, асло унұтмас.

Итнинг дарди — сүяқда.

Ичи тор итига ҳам эт бермас.

Ичи тор хотин бола туғмас.

Ичи торга — дунё тор.

Йиққандан құрқма, егандан құрк.

Йүқламаганнинг моли тугал.

Касал жоннинг харакатида,
Табиб пулнинг харакатида.

Кунда еган — сук,
Ойда еган — түк.

Кунда еган осилиб ўлар,
Ойда еган түқ турар.

Күз тупрокқа түяр.

Күнгил ўйга тұлмас,
Бўри — қўйга.

Кўпга юргурган оздан қолар.

Кўрган билан кўз тўймас,
Тек турмокқа нафс қўймас.

Кўрганнинг кўрмагани курсин,
Кўрмаганнинг — кўргани.

Кўрдингки, ош,
Кўтарма бош.

Кўрдингки, ёғлик,
Уравер вактлик.

Кўрдингки, текин,
Уравер секин.

Кўчганда кўлик тегмаган,
Кўнганда миниб ўтирад.

Лаганнинг таги — бети қаттиқни.

Лайлакнинг оёри ўзига қисқа.

Лойка — бошдан, оғриқ — ошдан.



Менинг нафсим балодур,
Ёнар ўтга соладур.

Менинг нафсим балодур,
Үтдан сувга соладур.

Мол эгаси йўлбарсдир,
Олдиргани қўймасдир.

Мохов қошдан гапирап,
Мечкай ошдан гапирап.

Нафси бузук ҳайитда ўлар,
Дини бузук — масжидда.

Нафсини тийган — вали.

Нафсини тийган киши султон бўлур,
Нафсини тиймаган киши ултон бўлур.

Нафснинг ёмони — балонинг кони.

Нафснинг сўзига кирма,
Хиёнатга йўл очар.

Нокасдан қарздор бўлсанг,
Ҳам йўлда қистайди, ҳам — гурда.

Нокаслардан қарз этма,
Қарз этсанг ҳам, харж этма.

Нокаснинг бойлиги бўлмас,
Дўноннинг тойлиги бўлмас.

Нокаснинг ўзи тўйса ҳам, кўзи тўймас.

Нокаснинг иши — миннат.

Олғирлик офат келтирап,
Баднафслик — ҳалокат.

От кўрмаган от кўрса,
Мина-мина ўлдирап.
Хотин кўрмаган хотин кўрса,
Ура-ура ўлдирап.

От минмаган от мисса,
Чопа-чопа ўлдирап.
Түн киймаган түн кийса,
Қоқа-қоқа түздирап.

От чопар деб, ит чопар,
Ит чопар деб, бит чопар.

Оч баччағардан қоч баччағар.

Оч бўридан тўқ бўри ёмон.

Оч тўяр, сук тўймас.

Очкўз эшак тўрва тешар.

Очкўзни тупрок тўйдирап.

Очнинг қорни тўйса ҳам кўзи тўймас.

Оқлик сотган оқармас.

Оқсоқ ит соғ итдан совға тилар.

Оға-ини — аччиқ, мол — чучук.

Оғзи каттани уйида сина,
Нафси каттани — тўйида.

Оғзинг катта бўлса, қошиқдан ўпкалама.

Оғизда тўймаган, тўққизда тўймас.

Пайғамбар ҳам ҳозирлигини кўрар.

Пулдорнинг ота-онаси йўқ.

Сариқ ит совға тилар.

Севган йўлингга қарап,
Севмаган — кўлингга.

Совға аклни кўр қилар.

Сомон биронники бўлса ҳам,
Сомонхона ўзингники.

Суяқ ғажиган кучук
Қассоб болтасининг тагида ўлар.

Сук түймас, гадой бойимас.

Табиб ҳақи накд бүлмаса,
Бемор дарди тузалмас.

Таъмагир — кунда ғамгин.

Тегирмоннинг тиши йўқ,
Ҳўл-куруқ билан иши йўқ.

Текин бўлса, мих ют.

Текинга мушук ҳам офтобга чиқмас.

Товуқ берган ғоз кутар,
Тухум берган — хуроз.

Тулкининг тушига товуқ кирап,
Товуқнинг тушига тарик кирап.

Туя сўйган эчки сўйгандан эт сўрабди.

Туяга янтоқ керак бўлса, бўйни чўзар.

Туяниң танигани — янтоқ.

Тўймас, одатини қўймас.

Тўнғизни мошга ўргатма,
Кўшнини — ошга.

Хомтама ҳийлагарга айланар.

Чайнамай еган — оғримай ўлар.

Чивин ҳам ширага қўнар.

Экилмаган экиннинг устидан пул олма.

Эл тўйса ҳам, эломон тўймас.

Эски бойдан юрт қолмас,
Янги бойдан чўп қолмас.

Эт бор ердан ит кетмас.

Ютогич туяни юнги билан ютар.

Яхши ошим қолгунча,
Ёмон қурсок ёрилсин.

Ўзи тўймаганнинг сарқити юрак оғрик қилар.

Ўзи тўймаганнинг кўзи тўймас.

Ўзи эгарнинг қошида,
Кўзи қозоннинг ошида.

Ўзим уялганимдан патнисим уялсин.

Ўзининг бутунини қўйиб,
Бироннинг ярмига осилар.

Ўтичининг кўзи ўмчада.

Ўғилсиз хотин сумакка тўймас,
Қизсиз хотин тувакка тўймас.

Қайрагоч қаттиқ бўлса, ёриб бўлмас,
Қиз отаси қаттиқ бўлса, бориб бўлмас.

Қаноат тўрга элтар,
Очкўзлик — гўрга.

Қассоб онасига ҳам суюк сотар.

Қассоб танишини тузлар.

Қассобнинг ошнаси бўлмас.

Қассобнинг тушига эчки кирап.

Қизил кўрса,
Хизир йўлдан чиқар.

Қизил Хизирни айнитар.

Қизлар гулни дер,
Бой — пулни.

Қизлар қизилга учар,
Савдогар — пулга.

Қизни янга бузар,
Янгани танга бузар.

Қизғанчикдан ортар, мечкайдан ортмас.

Қозига берсанг, суяр,
Бермасанг, сүяр.

Коринни түйғазиш осон,
Күзни түйғазиш қийин.

Корни очга нон бұлса бас,
Күзи очга дунё етмас.

Күл йиғлар хұжаси учун,
Хұжаси йиғлар үлжаси учун.

Курбон, курбонда түймаганни худо урган.

Курук құлга күш қүнмас.

Курук құлни ит талар.

Күш донга йиғилар,
Чивин — шираға.

Күш тузокқа дон учун келар.

Күш хам үз нафсидан илинар.

Күзилигіда түймаган,
Түккизіда түймас.

УМИД ВА УМИДСИЗЛИК

Ахтарған топар.

Бир қыз әрга тегса,
Кирк қыз туш күрар.

Бирни берган юзни хам берар.

Бирни эксанг, үнни оласан.

Бу йил изи бұлса,
Келар йил үзи бұлар.

Бугун — юпун, әртага — бутун.

Бухоро узок бўлса ҳам, пойгоҳи яқин.

Водий суви кечиксиз бўлмас.

Гадо бир кечада неча бойир.

Дард берган дармонини ҳам берар.

Дард — бошқа, ажал — бошқа.

Дарё балиқсиз бўлмас,
Тор — кийиксиз.

Единг, ўламан дема.

Ёв кетса, ёвон очилар.

Ёзга чиқсанг, жон ўлмас.

Ёмон кун яхши бўлар,
Ёмон одам яхши бўлмас.

Ёмон кун яхши бўлар,
Уялмаган — бахши.

Ётиб колгунча, отиб қол.

Жони борнинг умиди бор.

Икки орзу бир топилмас.

Кулдан тепа бўлмас,
Қумдан — қурғон.

Кўрнинг тилаги — икки қўзи.

Мозорга ўлик келмаса,
Гўрков кетмонни чалар.

Мол топмас йигит бўлмас,
Ўғил топмас аёл бўлмас.

Ойнинг ўн беши қоронғу бўлса,
Ўн беши — ёруғ.

Олдирган отасининг қўйнини ахтарар.

От босгани той босар.

От ўрнини той босар,
Ота ўрнини — ўғил.

Отаси қулон отолмаганнинг
Боласи қуён отолмас.

Отим кетса, тойчам бор,
Тұним кетса, парчам бор.

Очилган — сұлар, йиғлаган — кулар.

Пойгачининг күзи — ғовда.

Пули йўқ ҳамён тикар.

Сувда оққан хасга ёпишар.

Сувсаганга сароб сув бўлиб кўринар.

Сувсоқнинг ўйи — сувда.

Талабли эрга нур ёғар.

Тирмашган тоғдан ошар.

Тилак бўлса, билак чидайди.

Туя ҳаммолни ҳавас қиласр.

Туққан тукқандан умид қиласр.

Уйида йўқ гўжалик,
Кўнгли тилар хўжалик.

Умид ўрга тортар,
Умидсизлик — гўрга.

Умид қилдим — етдим,
Ноумид бўлдим — йикилдим.

Умиди йўқнинг имони йўқ.

Умидингни узма,
Кўнглингни бузма.

Умидли — дунё,
Умидсиз — шайтон.

Умидли иш умидсиз бўлмас.

Умидсизлик уйин бузсанг,
Умидингга етарсан.

Хотини ўлган қызли овулга қараб йиғлар.

Чикмаган жондан умид.

Чүкаётган чұпға ёпишар,

Әгачим әлакли бұлди,
Әлаги тилакли бұлди.

Эр йигитнинг күнглида
Әгарланган от ётар.

Эшак оёғи остини күзлар,
От олти ойлик йўлни излар.

Эшак миниб туёқ тагини кўрма,
Туя миниб олис-олисни кўзла.

Яхши ният — ярим давлат.

Ўзим пасманда бўлсам ҳам,
Кўнглим — осмонда.

Ўлимни ўйлаган уй қурмас.

Қаноти синик мусича ҳам баланд уя орзусида.

Қиз кўнгли — қизиган тандир.

Қизли уйга отлиқлар кулиб боқар,
Туялилар — букилиб.

Қизли уйга кирқ от боғланар.

Қизли уйни шоҳ ҳам сўратади, гадо ҳам.

Қизни ким сўрамас,
Қимизни ким ичмас.

Кора сигир тушида кунжара кўрибди.

Куёш ботса, яна чиқар.

Кулга қочмоқ бир армон.

Кулнинг мақсади — кочмок,
Чўрининг мақсади — кўчмок.

Фарининг кўнгли — тангрининг уйи.

Фознинг ўзи — чўлда, кўзи — кўлда.

Ҳавас бўлса, анқонинг тухуми ҳам топилар.

Ҳавас қилсанг, етасан.

Ҳар ерда элак бор,
Элакда тилак бор.

Ҳар кимнинг бир ўйи бор,
Хаёлида минг қўйи бор.

Ҳар кимнинг нияти — ўз йўлдоши.

Ҳар кимнинг ҳар дарди бор,
Кал қизнинг эр дарди бор.

Ҳар кўнгилда бир гавхар.

ИШОНЧ ВА ИШОНЧСИЗЛИК

Аёл тилини аёл билар.

Андиэли ерда от ўлмас,
Ийирли ерда — эр.

Баҳорги жўжани кузда сана,
Келинни келар йили сина.

Бир кўрган юз эшитгандан яхши.

Бир минарга от берма.

Бирорга қолган кун — тонг отмаган тун.

Бирорнинг иши — кўнгилнинг хуши.

Бирорнинг ишига саратонда қўл совкотар.

Бит ҳам бўлса — паноҳ.

Бозорим бозор эмас, овулим — бозор.

Бозорнинг ота-онаси йўқ.

Бўладиган бола бошидан маълум.

Вориснинг ҳам вориси бор.

Гумон дўстдан ажратар.

Гумон имондан айирап.

Гумондор кўнгилдан гумон аримас.

Даланинг кўкига,
Одамнинг пўкига ишонма.

Дини бошқанинг феъли бошқа.

Дўстим деб сирингни айтма,
Дўстингнинг ҳам сири бор.

Дўстлик синовда чиникар.

Дўстни сўраб сина.

Ёвни кора кочирап.

Ёнғирда от танлама,
Ҳайитда — киз.

Ёнғоқ мағзини пўст тутар,
Сирни — хушёрг дўст.

Ёнғоқ минг яшар,
Арча билан тенг яшар.

Ёнғоқ олсанг, чақиб ол,
Ипак олсанг — боқиб.

Жасурни — жангда,
Донишмандни — разабланганда,
Дўстни муҳтоҗлиқда сина.

Жинга ишонган бахшини тинглагунча,
Чинга ишонган яхшини тингла.

Зұрга хам зүрдек бало бор.

Игна ўғирлагандан сигир йўқотган гумонсирап.

Икки қулоқдан күра,
Бир күзга күпроқ ишон.

Иморат қилган киши үлишини үйламас.

Инсон беорзу бўлмас.

Ит ичмас ошидан умид қилар.

Итнинг кўнгли — бир суюк.

Ишониш билан касал бўлсанг,
Умид билан тузаласан.

Ишонган тоғда кийик ётмас.

Йўқ буғдойга йўқ тегирмон.

Кавушимни олган бир киши,
Гумондорим минг киши.

Катта сув кўприксиз бўлмас.

Кийим — тўзар, той — ўзар.

Кун ҳисобини ой олар,
Бедов ўрнини той олар.

Куф-суфчига ишонсанг хам,
Хўп-хўпчиға ишонма.

Кучинг етган ишга ёпиш.

Кўз кўрган бошка,
Кўл билан тутган бошка.

Кўз ўзига, кулок бошқаларга ишонади.

Кўз — ўзингники, қулок — ўзганики.

Кўнгилга келган қўлдан келса,
Битмайдиган иш қолмас.

Номаълум ерда олтин бор,
Борсанг пакир топилмас.

Нор йўлида юк қолмас.

Нотаниш фариштадан синашта шайтон яхши.

Овули яқин ит қашқирдан кўрқмас.

Оёқ тупроқда из қолдирап,
Шубҳа — юракда.

Оз билганнинг шубҳаси кўп.

Ола бутага от беркитма.

Ола йилки йўқолмайди,
Харомзода ўнғалмайди.

Ориқ от манзилга етказмас.

Ориқ отга мингунча, оёғингга мин.

Осилган ўғри олмагунча кўймас.

Сиртн кўриб, ичидан тўнгилма,
Қорасин кўриб, кучидан тўнгилма.

Табибга ишонмаган бемор тузалмас.

Тиришдим, тоғдан ошдим,
Асир эдим, қутулиб қочдим.

Тиришдим, тоғдан ошдим,
Ёруғлик сари йўл очдим.

Тиришмаган улғаймас.

Тоғдан орқаси бўлганнинг
Тоғдай юраги бўлар.

Туси бордан тўнгилма.

Уйим — синч,
Кўнглим — тинч.

Юз бор эшитгандан,
Бир бор күрган яхши.

Үөри битта, гумон мингта.

Үөри ойдиндан күркәр.

Үөридан күркән мол йиғмас.

ЭРК ВА ЭРКСИЗЛИК

Бировга қул бүлгандан
Күпчиликка бўйсунган яхши.

Бировнинг қўлида ўғил бўлгунча,
Ўз уйингда қул бўл.

Бўйнидан боғланган ит овга ярамас.

Дардинг бўлса бўлсин, қарзинг бўлмасин.

Девонага икки дунё баробар.

Девонага йўл бўлсин, деб бўларми.

Дунё — бевафо, мол-дунё — бебақо.

Еган оғиз уялар.

Исо ҳам ўз йўлига,
Мусо ҳам ўз йўлига.

Ит ўз уйида — ботир.

Ит ўйин билан,
Курт қуюн билан.

Йигит бўлсанг, шўх бўл,
Шўх бўлмасанг, йўқ бўл.

Йигит кўнгли — подшо.

Йигит — овлунинг эрки.

Камбағалникида интилиб ейсан,
Бойникида — қимтиниб.

Кимнинг аравасига минсанг,
Ушанинг қушигини айт.

Кипригим кўзимники,
Нима қилсам үзимники.

Куйкунак ўз ерида ҳам фоз бўлар, ҳам — ўрдак.

Кўчдим — ўчдим.

Мақолнинг боши очик.

Миннатли нориндан
Оч турган қорин яхши.

Мол топганинг тили узун.

Нари борма, бури емасин,
Бери келма, кўзим кўрмасин.

Ов бор жойда овчи ҳам бўлар.

Отали ўғил — хўжали қул.

Отасиз ўғилнинг оғзи катта.

Оғасиз эл бўлмас,
Соғасиз — сув.

Сой қаёқка окса, тош ҳам шу ёққа думалар.

Сувга тушган қуруқ чиқмас,
Мозорга тушган тирик чиқмас.

Сулаймон ўлди, девлар қутулди.

Тирик қулга тиним йўқ.

Тириклик тошдан қаттиқ.

Томиб турса, қулингман,
Томмай қолса, қулимсан.

Тоғ боши тумансиз бўлмас.

Тўқайга ўт тушса, ҳўл-қуруқ баравар ёнар.

Улкан уйдаги кулса,
Кичкина уйдаги йиғлар.

Хатга тушдинг — ўтга тушдинг.

Хон билганни бий билар,
Сүзлагудай хадди йўқ.

Эр йигит кўп бўлса,
Эркинлигинг кўп бўлар.

Эрга бокқан ерга боқар.

Эрга тегиш осон,
Этик ечари қийин.

Эримникига ҳокимман,
Ўғлимникига боқимман.

Эримнинг топганини ўйнаб ейман,
Ўғлимнинг топганини ўйлаб ейман.

Эрли уй — эшикли уй.

Эрсиз хотин — бошвоқсиз хотин.

Эшагим юрар эди зўрға,
Юки кўплигидан бўлди йўрға.

Юз йил қул бўлиб яшагандан,
Бир кун ҳур бўлиб яшаган яхши.

Ўзи bemalolning сўзи bemalol.

Қафасдаги булбулдан 
Вайронадаги бойқуш эркин.

Киз бола — бирорвинг хасми.

Киз бола — палахмон тоши,
Отилдими, қайтиб келмас.

Киз — овулнинг кўрки,
Ўғил — овулнинг эрки.

Қиз чорим — султон,
Келин чорим — ултон.

Қизингга эрк берсанг, бахтини топар,
Үғлингга эрк берсанг — тахтини.

Яратганинг эрки бор
Қайдан булок чиқарса.
Қозончининг эрки бор,
Қайдан қулок чиқарса.

Ғамли уйга шодлик келар,
Камбағалга — озодлик.

Ҳар ким үз уйида султон.

Ҳар ким үзига — хон, үзига — бек.

Ҳар кимнинг үз фикри бор.

Ҳар күш үз уясида эркин.

БАРҚАРОРЛИК ВА БЕҚАРОРЛИК

Аҳди борнинг бахти бор.

Бебурдга беҳишт йўқ,
Қайтиб келса дўзах ҳам.

Бедананинг уйи йўқ,
Қайга борса «битбилдик».

Бойлик — бир ойлик.

Бор бўлсанг, «йўқман» дема,
Йўқ бўлсанг, «тўқман» дема.

Бу эшак — уша эшак,
Тўқими бошқа эшак.

Дараҳт бир жойда қўкарап.

Дунё йигиб нетарсан,
Бир кун ташлаб кетарсан.

Дунё моли дунёда қолар.

Ечинган сувдан қайтмас,
Кезанган ёвдан қайтмас.

Ёв қулига тушсанг ҳам, сириңг айтма.

Жойидан қўзғалган дарахт кеч авж олар.

Икки кўчган — бир талангандан.

Каптар бўлиб туғилсанг, қарға бўлиб ўлма.

Кўнгил кириш етти дарёда ювса ҳам кетмас.

Лов ёнган ўт тез учар.

Ловуллаки от кўтараар,
Писмики дим ўтираар.

Олтин чиринаас,
Даъво қаримас.

Пишган лойнинг чинниси тоза.

Рухи сўлғиннинг иши сўлғин,
Рухи тетикнинг иши тетик.

Сахий берганини айтмас,
Эр айтганидан қайтмас.

Сувни минг қайнатса ҳам қуюлмас.

Суяқ синса, эт қолар,
Жасад чириса, от қолар.

Таги қора қоралигича қолар.

Тез киришган тез қайтар.

Темирнинг бир боши иссик, бир боши совук.

Топганинг — бойлигинг,
Бойлигингмас, ойлигинг.

Тубдан ақл бўлмаса,
Туртган ақл не қилсин.

Турсанг сўзингда, хурмат ўзингда.



Улуп киши ваъдасида ёлғон йўқ.

Чинор чиримас, арча қуримас.

Эллик йилда эл узгарар.

Эр айтмас, айтса қайтмас.

Эр йигитнинг айтгани — милтиқдан ўқ отгани.

Эр туқкан ерига,
Ит тўйган ерига.

Эрнинг сўзи битта.

Эт яхиси картадир.
Охир аслига тортадир.

Югуруқдан югурук туғилар,
Сулувдан — сулув.

Яраб тураг, деб том солма,
Яраб тураг, деб хотин олма.

Яхши одам қариса ҳам сўзи айнимас,
Яхши от қариса ҳам, юриши айнимас.

Ўзбек ўз билганидан қолмас.

Ўрлашган жонини бермас.

Ўсма кетар, қош қолар,
Бегона кетар, ўз қолар.

Ўт кўрган лой увокланмас.

Қазисан, қартасан,
Асл зотингга тортасан.

Қариб қуюлмаган, ачиб суюлмас.

Қатик тўкилса, юки қолар,
Айрон тўкилса, неси қолар.

Кизнинг пули — корнинг суви.

Қозон қораси кетар,
Дил яраси кетмас.

Қозон қораси кетар,
Юрак қораси кетмас.

Қорадан ортиқ бүёк бўлмас.

Қорани ювган билан оқ бўлмас.

Қуёш қораймас, олтин зангламас.

Қунти йўқ кўра қуролмас.

Қўними йўқнинг унуми йўқ.

Қўнимсиз, қўнимсизнинг иши унумсиз.

Ҳар ишнинг кетига тушган
Қўлига олмай қолмас.

Ҳар садафдан дур чиқмас.

АҲИЛЛИК ВА НОАҲИЛЛИК

Айрилмас қўшнингга уятли сўз айтма.

Айтишсанг сўз чиқади,
Туртишсанг — кўз.

Арғамчига қил қувват.

Аҳил ишласанг, иш унар,
Ҳар мушкул осон бўлар.

Аҳил оила — баҳтли,
Ноаҳил оила — вактли.

Аҳилликда иш битар,
Иш битса ҳам, қиш битар.

Барака — иноклиқда,
Бокийлик — кувноқлиқда.

Барака — тежамлиқда,
Ютуқ — ахилликда.

Бел билан билак бирикса, иш битар.

Бемаслаҳат ишнинг бузармони кўп.

Беш бармоқ йифилса, мушт бўлар.

Беш қўлим пасту баланд,
Бешови асалу қанд.

Бир бош — бало бош,
Икки бош — мардона бош.

Бойлик бойлик эмас,
Аҳиллик — бойлик.

Болта сопидан ўзмас,
Йигит — тўвидан.

Бугун — сиздан, эртага — биздан.

Буликичилик тушган элда
Букри ўғил туғилар.

Бўри бўрини ёрмас.

Бўри бўрини сақлар.

Давлат — оғиз бирликда.

Дастурхон устида душман ҳам дўст кўринар.

Дехқон маккасидан кечса ҳам,
Чумчуклар ўзаро келишолмас.

Донхонада сичқон чиқишолмас.

Дўстинг билан дилдош бўл,
Килар ишига қўлдош бўл.

Ер товсиз бўлмас,
Эл — довсиз.

Етти божани бир бўри ер.

Ёв чопса, қўшилиб чоп.

Ёлғиз акл үзи яхши,
Икки бўлса, яна яхши.

Ёртини ёриб ейиш — тотувлик нишонаси.

Жанжалли уй — азобли гур.

Зарб билан сув бўлинмас,
Ўт билан сув келишмас.

Зулм хўрланганни бирлаштирап.

Икки овсиннинг кавуши
Кавушандозда ҳам чандишар.

Икки сичқон уришди,
Бизга дон тушди.

Икки шунқор уришса,
Бир карғага ем тушар.

Икки яхши уришса,
Ўзгаларга ем бўлар.

Икки кўчкор калласи бир қозонда қайнамас.

Иноклик жон киритар.

Ният бузилса, жон кетар.

Ит йиғини бирикмас.

Иттифок битар, ноиттифок йитар.

Йиртик уйни томчи ер,
Оғасиз эрни қамчи ер.

Йўлдоши кўпнинг қўлдоши кўп.

Кемага тушганинг жони бир.

Кенг кенгашиб йиртилар,
Тор — тортишиб.

Кўмак бўлса хар ишга,
Битади қолмай қишига.

Күмаклашган иш битар.

Күп оғиз бир бүлса,
Бир оғиз енгилар.

Күп түкилса, күл бүлар,
Күп бирикса, эл бүлар.

Күпайлашган қуда отлантирап.

Майизни бүлиб еса, қирқ қишига етар.

Маслаҳат — зардан қиммат.

Овул бошқа, тилак бир,
Бармоқ бошқа, билак бир.

Овул ити ола бүлса-да,
Бүри келганды бирлашар.

Овул ити талашар,
Бүри келса, ярашар.

Овули бошқа олдирмас,
Овулинг сени қолдирмас.

Овулингдан олғир чиқса отинг ўзар,
Овулингдан ёмон чиқса элинг тұзар.

Овулни олалик бузар,
Орани қоралик бузар.

Оила ахил бүлса,
Омад ўз оёғи билан келар.

Олти ўғри бир бүлса,
Бир түғрини эгади.

Олтовлон ола бүлса,
Оғзидагини олдирап,
Тұртовлон тугал бүлса,
Тепадагини әндирап.

От айилинг маҳкам бүлса,
Оting тувлаб не қилас.

Оға-ининг қобил бўлса,
Элинг тувлаб не қилар.

Отаси аччиқ олма еса,
Ўғлининг тиши қамашар.

Оти бирнинг жони бир.

Оға-ини тотув бўлса, от кўп,
Опа-сингил тотув бўлса, ош кўп.

Оға-ини тотув бўлса,
Тоғни талқон қилар.
Опа-сингил тотув бўлса,
Уйни бўстон қилар.

Оға-ини талашса,
Ёв чопганда ярашар.

Оғайни бирикса, бош кўпаяр,
Овсин бирикса, ош кўпаяр.

Саккиздан — закот,
Ўн олтидан — ҳайрот.

Сендан ҳаракат, мендан баракат.

Сердарахт қишлоқни сел олмас.

Сержанжал уйда барака йўқ.

Сичқон, мушук дўст бўлса,
Омборни худо урап.

Сув бирлашса дарё бўлар,
Эл бирлашса — оломон.

Сувсизликдан балиқ ўлса, дарёга нима кам.

Суянишган йиқилмас.

Таёқка суяниб оёқ толмас,
Оёққа суяниб таёқ тоймас.

Талашган ерда тариқ битмас.

Танаси бошқа дард билмас,
Уйи бошқа ғам билмас.

Тани бошқанинг жони бошқа.

Тари(к)га шерик — барига шерик.

Тарқоқли эл бўлса, душманга ўқ бўлар.

Тегра-тошинг ёв бўлса ҳам,
Үйинг ичи сов бўлсин.

Тил бошқаю тилак бир,
Юз бошқаю юрак бир.

Тириклика сийлашган яхши,
Фариблика — мунглашган.

Тирикликнинг кучи — бирлиқда.

Томоша — тандир бошида.

Томошани жар кўчада кўр.

Тор тортишиб йиқилар,
Кенг — кенгашиб.

Торга — тор дунё,
Кенгга — кенг дунё.

Тотув турмуш — узок умр.

Тотувлик — баҳт.

Тотувсизлик — қулаган тахт.

Тотувнинг тани бир.

Тулум ўзбекнинг туви бир.

Тўдадан ажраган тўрга тушар.

Тўзиган ғозни тўпланган қарға олар.

У кўз бу кўзга дўст эмас.

Ув увга сувя,
Чий чийга сувя.

Уйда роҳати йўқнинг
Ишда унуми йўқ.

Уйда қолган билан юк ортишма.

Үйида салобати йўқнинг
Тузда фароғати йўқ.

Үйингни ёв таласа,
Сен ҳам қўшилиб тала.

Уришгани ўғлинг бўлсин,
Келишгани — келининг.

Уришмоқ итга яхши.

Уч бор ерда куч бор.

Уч киши билган сирни
Юз киши билар.

Уч киши бир бўлса,
Бири — Хизир.

Үюрли қўйдан бўри ҳам қўрқар.

Хирмони бирнинг шамоли бир.

Хон бир бўлса, эл тузалар,
Икки бўлса, юрт бузилар.

Хотин бошлагандан тўй бўлмас.

Хотин еттига чикса,
Етти уйнинг калитини ола чиқар.

Хотин кўп бўлса,
Чўмични ит ялайди.

Хотининг аҳил бўлсин,
Ўтининг қуруқ бўлсин.

Чўпон кўп бўлса,
Қўй ҳаром ӯлар.

Шеригинг ёмон бўлса, шармандасан.

Шериклашиб ишлаганнинг юраги шердай бўлар.

Шерикли ошни ит ичмас.

Эгачи-сингил иноклиги —
Оиланинг кувноқлиги.

Элга эл қўшилса — давлат,
Элдан эл кетса — меҳнат.

Элга эл қўшилса — эл бойлиги.

Элни ихтилоф бузар,
Дилни — изтироб.

Эр кўп бўлса, ўтин йўқ,
Хотин кўп бўлса — сув.

Этни тирнокдан ажратиб бўлмас,
Севган хотинни — эрдан.

Яланишган очикмас,
Суянишган йиқилмас.

Яҳши қарашади,
Ёмон талашади.

Ўлиб егуンча, бўлиб е.

Қадр билган қариндош
Мард бўлишга қўндирап.
Эр бошига иш тушса,
Суяб отга миндирап.

Қайраоч калин бўлса, ёмғир ўтмас,
Оға-ини тотув бўлса, хўрлик етмас.

Қалъа ичидан олинар.

Карс икки қўлдан чиқар.

Қарға қарғанинг кўзини чўқимас.

Қассоб кўп бўлса, кўй ҳаром ўлар.

Қатордан қолгунча, хатардан қол.

Киркишганлар киркилар.

Қовун ичидан ирийди.

Кулок эшитса, күнгил билинар.

Кулөнинг эшитса, күзинг үпкалар.

Кум йиғилиб, тош бұлмас,
Кул йиғилиб, бош бұлмас.

Құл құлни ювар,
Икки құл — юзни.

Құллашиб күтарған юқ енгил.

Қур бұлмаса, күт бұлмас.

Қур кетди — күт кетди.

Фариб кунига ғариб ярайди.

«Ха» деган туяга мадад.

«Ха» деган халққа мадад.

Хамжихатлик — давлат,
Ёлғизлик — кулфат.

Хар бутага үт тушса,
Үзи күйіб, үзи ёнар.

Хасан aka қүйсін,
Құчкор aka ичсін.

Хашар билан битмай қолған иш битар,
Менсимаган үз оёғидан йитар.

Хикмат — бирлиқда.

«Хорма» деган ҳолға қувват.
«Бор бўл» деган белға қувват.

Хулкар билан тарози,
Бир-биридан норози.

ОР-НОМУС ВА НОМУССИЗЛИК

Арава бузилса үтин,
Қиз бузилса — хотин.

Беномусга кунда түй.

Беномусга не номус.

Бешармга арпа уни баҳона.

Беҳаёлар бел боғласа,
Ҳаёлилар уйга кирап.

Бойлик кетса кетсин,
Ор-номус кетмасин.

Бор борини ейди,
Уятсиз — орини.

Боссанг, чувалчанг ҳам қимиirlар.

Боссанг, қурбақа ҳам «вақ» этар.

Виждонсиз — имонсиз.

Дашном еганим — беш нон еганим.

Жонингни фидо қилсанг қил,
Номусингни фидо қилма.

Итнинг ори келса, сүякка ҳам қарамас.

Йигитни оп ўлдирап,
Туяни — сарбон.

Йигитнинг моли бўлгунча, ори бўлсин.

Йигитнинг сазаси сингунча,
Шайтоннинг бўйни узилсин.

Йигитнинг сазаси ўлгандан
Ўзи ўлгани яхши.

Йигитнинг хуни — юз йилки,
Ор-номуси — минг йилки.

Йигитнинг хуни — юз танга,
Ор-номуси — минг танга.

Йигитнинг хўрлиги — ўлимдан қаттиқ.

Йиқилганни ер кўтарар.

Калдан тароқ сўрама.

Кўзи йўқнинг юзи йўқ.

Лафз — пулдан қиммат.

Мол — жоним садағаси,
Жон — орим садағаси.

Мол сақлама, ор сақла.

Мол талашма, орга талаш.

Молингга суянма, орингга суян.

Не ёмон, ор-номус ёмон.

Ножӯя ишдан ёш бола ҳам уялар.

Номус — ярим ўлим.

Номус — ўлимдан қаттиқ.

Номусни ёшлиқдан асра.

Номуссиз юрмоқдан номусли ўлмоқ яхши.

Обру иситар, уят куйдирар.

Одам очлиқдан ўлмас, ордан ўлар.

Одамни номус ўлдирап,
Қуённи — қамиш.

Ори бўлмаган йигитдан номусли қиз яхши.

Ори йўқнинг охори йўқ.

Орли орига қараса,
Орсиз енгдим дер.

Орли орланиб турар,
Орсиз еб түяр.

Орсиз турмушдан орли ўлим яхши.

Орсизга — олти кун байрам.

Орсизга тупурсанг, ёмғир дер.

Орсизда ақл бүлмас,
Ақл бүлса ҳам нақл бүлмас.

Ота билан орсиз талашар.

Отали етим — орсиз етим,
Онали етим — орли етим.

Пардали қиз — парига тенгсиз.

Пастак төгдә қор бүлмас,
Ароқхұрда — оп.

Пул кетса-кетсин, обру кетмасин.

Пулнинг күзи йүк,
Бахшининг — юзи.

Саёқ юрган таёқ ер.

Тамизлиси она бұлай деб қайғураг,
Олифтаси оқ сочини кунда бүяр.

Тойдан той қолса, қулоғини тишлар.

Төр бошида қор бүлар,
Эр кишида оп бүлар.

Туздаги чүпонга, уйдаги хотинга ўзи инсоф берсін.

Ургандан туртган ёмон,
Сүзлагандан сұккан ёмон.

Уят — ўлимдан қаттик.

Хато қымың бордир,
Тузатмаслик ордир.



Хотинсизлик — меңнат,
Хотинбозлик — лаънат.

Чин бойлик — имон бойлиги.

Шавла кетса-кетсин,
Обру́ кетмасин.

Шавла кетса қўлингдан,
Кетганига рози бўл.
Обру́ қолса ўзингда,
Хурсанд бўлиб, тўйлар кил.

Шаллақи кўпирса,
Гап айтмай тупур.

Шаллақида гап кўп.

Шарманда, охир қолар армонда.

Шармандага шахар кенг.

Шармизлик — шармандалик нишони.

Шаъни шавқат истасанг,
Шармандалик йўлдан қайт.

Шахар — шарманданики.

Элдан чиқсанг ҳам, диндан чиқма.

Эман дарахтининг эгилгани — сингани,
Эр йигитнинг уялгани — ўлгани.

Эр йигитга икки номус — бир ўлим.

Эр йигитни номус ўлдирап.

Эр номуси — эл номуси.

Эчкида эт йўқ,
Орсизда — бет.

Эшикчининг қорни тўқ,
Үйга борса, юзи йўқ.

Юз-юзга тушар,
Уят — ичга.

Ярли бўлсанг ҳам, орли бўл.

Яхши қилар ор,
Ёмондан ҳамма безор.

Үйнашга ишониб, эрсиз қолма.

Үғри дүки билан құрқитар,
Ёмон аёл — йигиси билан.

Үғри кулиб енгар,
Fap — йиглаб.

Үғри қариса, сұфи бұлар,
Fap қариса, отин бұлар.

Үғрининг ишига тұғри уялар.

Қаторда нори борнинг ори бор.

Киз бор — наф текизар,
Киз бор — гап текизар.

Кизил эт кетар,
Кизарған бет қолар.

Кизил юзинг қизартырма,
Узун тилинг қисқартыр.

Кизни әркига құйсанг, үйинчига тегар.

Қуданинг моли бұлғунча, ори бұл.

Файрат — отда, хаё — күзда.

Файрати борнинг имони бор.

Ғанимат — ғарники,
Үндан қолса — карники.

Fap бұл, үғри бұл, инсофли бұл.

Fap үзига эш тортар,
Ёмон айбини бирөвға ортар.

Fap үзига ғалтак қилар,
Үғри үзига үртөк қилар.

Фар қариса, ғамзаси қолмас,
Күл қариса — курбақаси.

Фарни фар десанг, үлгиси келар,
Софни фар десанг, кулгиси келар.

Фунажин күз сузмаса,
Буқача ип узмас.

Ҳаё кетди — бало етди.

Ҳаёли ҳаёдан қўрқар,
Беҳаё недан қўрқар.

Ҳаёлиси бола кўрса, онаман дер,
Таннозлари ўз боласини укам дер.

Ҳаёси йўқнинг имони йўқ.

Ҳаёсизга шаҳар катта.

Ҳаёсизга ҳар кун ҳайит.

Ҳаёсизлар йиғилган ерда ҳаёлилар тоққа қочар.

Ҳазил эди, чин бўлди,
Ўйнаш эди, эр бўлди.

Хузур-хузур, бетамизники — ҳузур.

ФУРУР ВА ХУШОМАД

Бериб яхши кўрингунча,
Бермай ёмон кўрин.

Бетаъманинг боши баланд.

Бехуда олқишилаган дўст эмас.

Гадо гадодан уялар.

Димоғдорга бир гап оз,
Икки гап кўп.

Ёвга ялинма — жонингни олар,
Довга ялинма — молингни олар.

Замонасозлик — масхарабозлик.

Ичак-корин гүшт бўлмас,
Лаганбардор дўст бўлмас.

Кўрганга кўз, эшигганга қулоқ бўлма.

Музга суюнма, ёвга сифинма.

Ноурин ғуур — бошга бало.

Ота ўғли бўлсанг,
Ота номини баланд тут.

Ростини айтсанг, урарлар,
Хушомадни суярлар.

Саҳройининг хушомадидан дашном чиқар.

Сууруп бир бошқа,
Кибру ғууруп бир бошқа.

Хом кишини хушомад хароб этар.

Хушомад сўзлаган тил
Ялаб-ялаб яра этар.

Хушомадгўйга кўй сўйдирма.

Хушомадгўйнинг саломи таъмасиз бўлмас.
Эгилганга букилма.

Хар одамга сунма асло бўйнингни,
Пуч ёнғокка тўлдиради қўйнингни.

Ҳакни айтса, урарлар,
Хушомадни суярлар.
Хушомадни сўймаса,
Калтак олиб қуварлар.

САМИМИЙЛИК ВА НОСАМИМИЙЛИК

«Балли» дедим — банд бўлдим.

Болада гина бўлмас.

Бошлиқ тўра бўлса,
Лаганбардор кўпаяр.

Борингда ўригинг бор,
Саломинг-алигинг бор.

Буғдой нонинг бўлмаса ҳам,
Очиқ юзинг бўлсин.

Гоҳ — пирдан, гоҳ — муриддан.

Гўшт суюксиз бўлмас,
Шоли — курмаксиз.

Давлат келса, йўл очар,
Давлат кетса, дуст қочар.

Дехкон эмас, кетмон чопиб нон бермаса,
Ошиқ эмас, ишқ йўлида жон бермаса.

Ер ёмони — бозор жой,
Чўп ёмони — қўға,
Одам ёмони — силохи.

Етса — мол, етмаса — жон.

Ёш кўздан эмас, юракдан чиқар.

Инсон қалби қуёшдан ёруғ.

Ихлос билан ёпишсанг,
Такир ердан чанг чиқар.

Ихлос билан йиғласанг,
Сўкир кўздан ёш чиқар.

Ихлос — халос.

Ихлос қилсанг, чўпдан топасан.

Күз учиман күзлама,
Күзларингга зўр келар.
Тил учиман сўзлама,
Ўзингга зарап келар.

Кўзи билан ўпади,
Дили билан тепади.

Кўнгил кирин айтса кетар,
Кўлнинг кирин — ювса.

Кўнгилсиз бузок думи йўқ бола туғар.

Куча хандони — уй зиндони.

Не гап бўлса ўйида,
Аён бўлар тилида.

Ола қарғада ҳакқинг бўлса,
Унмайди ҳам, куймайди ҳам.

От кишинашиб топишар,
Ит — искашиб.

Ота сўзи — пичок,
Она сўзи — қумалоқ.

Очиқнинг кўнгли ёруғ,
Оёғида хон чориғ.

Садака балони ер,
Тавба — гунохни.

Содда сири тилида,
Писмиқ сақлар дилида.

Табассум тошни эритар.

Таъна йўли тор,
Тайғоклари бор.

Таъна қилма, тавба қил.

Таънанинг ёғидан, дўстнинг таёғи яхши.

Тентакдан тўғри хабар.

Хушчақчаққа йўл очик.

Чақиниб турган чаёндан
Биқиниб ётган илон ёмон.

Юзи очикнинг тили узун.

Юрак тоза — тилак тоза.

Ялтироқ нарса олтин бўла бермас.

Яхшиликни унутма,
Ёмонликни кўзда тутма.

Ўҳшамагин тулкига,
Коларсан кўп кулкига.

Ўғлимнинг суюқ оши,
Ичидан қайроқ тоши.

Ўғри ўла-ўлгунча тўғриман дер.

Қалб кўздан олдинроқ кўтар.

Қалбакилик бир кун қувонтирса,
Минг кун мункайтирап.

Қалбинг тоза — умринг тоза.

Қўрқмасанг, шивирлама.

Ҳамма гап писмиқдан чиқар.

АНДИША ВА АНДИШАСИЗЛИК

Андишанинг оти — қўрқок.

Андишанинг отини қўрқоқ қўйма.

Беобру билан бел боғлама,
Бекорга кадринг кетар.

Бир пул бериб йиғлатдим,
Минг пул бериб юпатдим.

Бирор бураб гапирап,
Бирор қараб гапирап.

Борар ерингга тош отма.

Бүрини аясанг, сени талар.

Гадо аразласа, түрвасига зиён.

Етимни сийласанг, чориғи билан түрга чикар.

Жағингга ем берма.

Жинни жиннилигин билмас.

Йикилган курашга түймас.

Күнгил тортмас ерга оёқ тортмас.

Лўлидан бек чиқса, чодирига ўт қўяр.

Лўлидан ботир чиқса, аввал ўз чодирини чопар.

Лўлидан савдо қилдим,
Бошимга ғавро қилдим.

Мартаба тегди хундига,
Бетини ювди юндига.

Мевани пўсти саклар.

Олдин пичокни ўзингга ур,
Оғримаса, бирорга ур.

Олдингга ош тортса, отасининг хунидан кеч.

Отанг тўнғиз бўлса, бойлаб боқ.

Ошган бўлсанг, осарлар,
Юввош бўлсанг, босарлар.

Ошнангдан туя сўра,
Уялса, бия берар.

Пашшанинг маҳмаданаси ахлатга қўнар.

Пули кўпнинг кўзи кўр.

Ражаб тулки коровул бўлди,
Хотини эровул бўлди.



Ражаб тулки тегирмончи бўлди,
Хотини ўмарончи бўлди.

Сен биродан кулма,
Сенга ҳам кулгувчилар бор.

Сурлик хўрлик келтирас.

Сутсиз сигир сузағон келар.

Сўзласам, шақ-шақ дейди,
Сўзламасам, аҳмок дейди.

Сўзли шаллакидан сўзсиз писмиқ ёмон.

Таваккал андиша билмас.

Таваккал — нор, андиша — хор.

Танбалга кунда тўй.

Тепса — тебранмас бўлма.

Тузини еб, тузлиғига тупурма.

Туркман тўрини бермас.

Туянинг думи калта бўлса ҳам, тулкидан дум сўрамас.

Тўйда тўнингни қистама.

Уришқоқ хотин бор қишлоққа қўриқчининг ҳожати йўқ.

Уялмаган баҳши бўлар,
Эринмаган — эшикчи.

Уялмаган буюрмаган ошни ер.

Уялмагандан уял.

Уялмаснинг ҳази кўп.

Уяти йўқ ўғил ёмон,
Қилири бузук қиз ёмон.

Уятлига — уч кун ҳайит,
Уятсизга — хар кун ҳайит.

Хотин эрка бўлса,
Эрига серка бўлар.

Хотин ғайратли бўлиб, қозон қайнатмас,
Қозон қайнатса ҳам, чўмич ўйнатмас.

Хотининг олтинга ўч бўлса,
Заргарга ўйнаш бўлар.

Шалтоқ бўлсанг ҳам, шилқим бўлма.

Шалтоқдан шилқим ёмон.

Эр юрса, йўли очилар,
Хотин юрса, юзи очилар.

Эри эшиқдан чиқса, хотин тешиқдан чиқар.

Этак кўтариб, эл олдига чиқар бўлма.

Эчкини йўқласанг, қулоғи кўринар.

Эшак семирса, эгасини тепар,
Ит семирса, эгасини қопар.

Юз қизили кетар,
Юз хижили кетмас.

Юзи қаттиқ насиб этмаганни ер.

Юзи қизилни уялтириб бўлмас.

Юзсиз хотин — тузсиз хотин.

Юзсиз, юзсизнинг сўзи — тузсиз.

Ялангоёққа дарёning икки томони ҳам бир.

Яланғоч сувдан тоймас.

Ўрдак ўзини ғоз санар,
Чумчук ўзини боз санар.

Ўрик ўрикни кўриб ола бўлади,
Одам одамни кўриб бало бўлади.

Қамиш сувдан тўймас,
Ёмон хотин — тўйдан.



Қилиқсиз билан иштонсиз — иккиси баб-баравар.
Хүсн — сүзда, уят — күзда.

ФАРОСАТ ВА ФАРОСАТСИЗЛИК

Аввал — нон, кейин инъом.

Аввал ўз айбингни бил,
Сұнгра бошқадан күл.

Аввал үзингга бок,
Сұнгра ногора қок.

Аввал ўйла, кейин сўйла.

Азадорни түйга зүрлама.

Ана-мана дегунча,
Яхши-ёмонни билгин.

Англамай гапирган оғримай үлар.

Аравани от олдига чиқариб бұлмас.

Арзимаса арzonга ҳам олма.

Арпани хом ўрма,
Келинни сепсиз кўрма.

Ахмок билан гап талашгунча,
Мохов билан улоқ талаш.

Ахмок орасини танимас,
Түкмок тоасини танимас.

Ахмок қизнинг сабори узун.

Бетамизга беш күн ҳайит.

Бетамизда бет бұлмас,
Безорида — уят.

Бетимнинг қалини — жонимнинг ҳузури.

Бефаҳмнинг дарди ўзига юк.

Билиб ўтириңгни,
Хар ерга сукма бурнингни.

Бир гапнинг қирқ фахми бор.

Бир қарининг галига кир,
Бир — парининг.

Бирорнинг бўйи калта,
Бирорнинг ўйи калта.

Бол еган оғизга балиқ ярашмас.

Боши оғриғаннинг олдида
Бошим оғриди дема.

Бўзчи кетидан юргуғунча,
Игна кетидан юргур.

Бўйдоқнинг кўзи — кўр.

Гап билмаган маърака бузар.

Гап тагида гап бор.

Гап эгасини топар.

Гапиргани — сўккани,
Ош ичгани — тўkkани.

Гапни гапир жойи билан,
Нонни егин мойи билан.

Гапнинг тагини гап очар.

Дала-тузни сув олса,
Қўнғир ғознинг тўшидан.
Қулоқсизга сўз айтсанг,
Қулоғининг ташидан.

Дардингни дард билганга сўйла.

Дардсизга дард айтма,
Аҳмоққа — панд.

Дардсизнинг олдида «бошим» дема.



Душманни фарқ этмаган,
Дұстлик қадрини билмас.

Етилмаган хамир тандирда турмас.

Ёриқ күза билан сувга борма.

Жарлининг ўз молини ўзига бериб қувонтир.

Итни сийласанг, түрга ўтар.

Карга эшиттириб қоч,
Күрга — тутқазиб.

Кураш билмаган отасини йикитар.

Күп билан кенгаш,
Маъқулига ёндош.

Күпга кенгаш, ўз билганингни кил.

Мен нима дейману
Хўжам нима дейди.

Оз ошга ясовул бўлма.

Олдингдаги овни кўрмасанг ҳам,
Узокдаги ёвни кўра бил.

Ош деган ерга қуруқ калла югурап.

Оғзимга келди деб, дема,
Олдимга келди деб, ема.

Парвонанинг ўлгиси келса,
Шам билан ўйнашар.

Пода боқишига қарагунча,
Ҳак олишига қара.

Пул топадиган бўлгунча,
Пулни тутишни ўрган.

Пул топгунча, ақл топ.

Пулни пул топар,
Кетмонни ахмок чопар.

Пуч ёнғоққа қўйин тўлғазма.

Пучак писта оғиз очса,
Ўз айбини ошкор этар.

Сахройини урма-сўкма, сўзлат.

Семиз қўйнинг думбаси катта,
Семиз одамнинг — сухбати.

Сен балога тегмасанг,
Балонинг сенда не иши бор.

Сен гапири бирор қулсин.

Сигир сийпаганни билмас,
Ёмон — сийлаганни.

Сийлаганни сигир билмас,
«Хўк» деганни — хўқиз.

Сипоҳ сирин бермас,
Аҳмок — тўрин.

Сичқоннинг ўлгиси келса,
Мушук билан ўйнашар.

Сони бор, салмоғи йўқ,
Боги бор, парвойи йўқ.

Соянгга қараб тўн бичма.

Соянгга қараб бўй ўлчама.

Соянгни саратонда сол.

Сув ичадиган қудуғингга тупурма.

Сув ичганда, ариқ қазиганни унутма.

Сувни ич, чашмани булғама.

Сувни сеп сингар ерга,
Сўзни қил сиғар ерга.

Сузишни билмасанг, сувга тушма.

Сўймаганга сўйканма, баҳонг кетар,
Минг тиллолик бошингни бир пул этар.

Сўймаганга сўйканма, сўйганингдан айрилма.

Сутини ичу, сигирини суриштирма.

Сўз айтганда ўйлаб айт,
Оқибатин бўйлаб айт.

Сўз билмасанг, сўзлама.

Сўзга қулоқ ос,
Ўйлаб қадам бос.

Сўзи сўзга ўхшамас,
Оғзи сўздан бўшамас.

Сўзинг кумуш бўлса,
Тингловчи тилла бўлсин.

Сўзлаганга қарама,
Сўзлатганга қара.

Сўзлагани — сўккандай,
Елпигани — тўккандай.

Сўзламай сўзингга бок,
Аввал ўйла, ўзингга бок.

Сўқир товуққа ҳаммаси тариқ.

Танлаганим тоз,
Тоз қилади ноз.

Таом — ўша таом, иллати мошга,
Эшак — ўша эшак, тўқими бошқа.

Тарёкингга ишониб заҳар ичма.

Тарозига қараб тош қўй.

Телба тенги билан,
Этаги енги билан.

Телба тўнингни тескари кийма.

Телбага тилмоч керакмас.



Телбанинг териси қалин.

Тентак чинини айтаман деб, сирини айтар.

Тентак ҳориганини билмас,
Кұса — қариганини.

Тентакдан сұрамасанг ҳам, үзи айтар.

Тентакка йұл бер,
Икки құлига бел бер.

Тентакка тунда ҳам түй,
Кунда ҳам түй.

Тентаклик — бошда,
Азоби — оёқда.

Тентакни тентак десанг,
Арпа бүйи үсар.

Тентакнинг акли тушдан кейин кирап.

Тентакнинг үти тепасида ёнар.

Теракдай бүй бергунча,
Нинадай акл берсин.

Тил — аклнинг киличи, фаросат — филофи.

Тил билган навкар — бол билан шакар,
Тил билмас навкар — обрұни тұкар.

Тилни тийишни ҳам бил, дейишни ҳам бил.

Тилнинг суяги йүк.

Тилнинг узуни даллолга керак.

Товоқ келғанда, сабоқни қўй.

Товоққа қараб ошини ол.

Толедан карам тилама,
Гадодан дирам тилама,

Топган топиб гапирар,
Топмаган қопиб гапирар.

Тошга қоқилсанг, тошни тепма,
Бошни теп.

Тулки инига қараб улиса, қуттир бўлади.

Тулки инидан нолиса, ўзига номус.

Тулки қўйруғин мақтар,
Аҳмок — уруғин.

Туя қуттир бўлса, бўтасини булғар.

Туяга ўйна десанг, ҳамма ерни пайхон қилар.

Туянинг ҳазили ботмон фўзани бузар.

Тукқанида сўрамасанг, ўлганида сўрама.

Тўйдан кейин ногора.

Тўрдаги билан сўзлашгунча,
Эшик олдидаги билан чиқиш.

Тўргай қутурса, бургутга чопар.

Тўкол сигир — сузонғич,
Оқсоқ бия — тепонғич.

Узоқдаги овни кўриб,
Яқиндаги ёвни кўрмас бўлма.

Узумини е, боғини сўрама.

Уйга келганга уй бўйи гап айтма.

Уйинг минор тагида бўлгунча,
Қулоғинг сўз англасин.

Уйингга ўт қўймоқчи бўлган,
Сендан гугурт сўрамас.

Улуғнинг гапини олмаган увлар.

Уришганга бир ўлим,
Орачига — икки.

Уста, ҳақини бериб қиста.

Фаросатни бефарасотдан ўрган.

Фаросатсиз одамдан тил билмас ҳайвон яхши.

Фаросатсиз фалокатга йўлиқар.

Филбонга ошна бўлсанг,
Дарвозангни катта қил.

Хом тарвузни қўллитигингга олма.

Хом ўрик қоринни дам қилар,
Ғўр масала — бошни калава.

Хотин авжиса, эр алжийди.

Чала тентак отини мактар,
Тоза тентак — хотинини.

Чакирилган ер узок бўлса ҳам бор, эринма,
Чакирмаган ерга борма, кўринма.

Чакмок,
Чакмокни ўтга алмашган аҳмок.

Чакмачоқ олов ёқар,
Томга чиқиб битин боқар.

Чилласи чироқ кўрмаганинг
Сочи тароқ кўрмас.

Чироқ соясини кўрмас,
Қозон — корасини.

Чувринди гадойга кулар.

«Чўк» деса, туя ҳам чўкар.

Шамол куни чақирма,
Товушинг зое кетар.

Шамолга қарши тупурма,
Юзингга тушар.

Шап-шап дегунча, шафтоли дегин.



Эл келди келин курмакка,
Келин кетди тезак термакка.

Элакка борган аёлнинг
Эллик оғиз гали бор.

Эпи билан сўзлаганнинг қурбони бўл.

Эсарнинг эртаси кўп.

Эси паст уятни билмас.

Эси пастнинг иши паст.

Эсинг борида этагингни ёп.

Этик оёғингни қисганда,
Бош кийимингдан гапирма.

Эшак булоқни булғаб сув ичар.

Эшак йиғилиб от бўлмас,
Ўз уруғига ёт бўлмас.

Эшак тўшакни билмас.

Эшак тўқим танламас.

Эшак эгасини танимас,
Мушук — бекасини.

Эшак эшакдан қолса, қулоғини кесар,
Хотин хотиндан қолса, оёғини кесар.

Эшак ҳанграмаса, ҳанги демаслар.

Эшакка атлас тўқим урсанг ҳам, бари бир эшак.

Эшакка гилам тўқим ҳам бир, жулдур тўқим ҳам.

Эшакни сийласанг, охурни булғар.

Эшакнинг ёмони қозик булғар,
Отнинг ёмони — охур.

Эшакнинг танлагани шўра.

Эшакнинг ҳанграши тўйда авжга чиқар.

Эшитмас қулоқ әлни бузар.

Яхши кишига бир сүз кифоя,
Ёмон кишига минг сүз бефойда.

Яхши отга — бир қамчи,
Ёмон отга — минг қамчи.

Яхши отга — сийлов,
Ёмон отга — қамчи.

Яхши пайқаб гапирап,
Ёмон чайқаб гапирап.

Яхши топиб сүзлар,
Ёмон — қолиб.

Яхши ҳазил гүшт келтирап,
Ёмон ҳазил мушт келтирап.

Яхши ҳазил хүш бүлар,
Ёмон ҳазил мушт бүлар.

Яхшига айтсанг, билар,
Ёмонга айтсанг, кулар.

Яхшига — ишорат,
Ёмонга — калтак.

Яхшига ҳазил қылсанг, ипакдай бүлар,
Ёмонга ҳазил қылсанг, эшакдай бүлар.

Үгит бер, үгит олганга,
Насихат қил, кулоқ солганга.

Үз кумочингга кул тортма.

Үз ўрнини билмаган ўринсиз қолар.

Үз қадрини билмаган
Үзга одамга кулар.

Үзи бозорга сиғмаган туя
Күшани билан кирап.

Үзинг сув ичадиган қудукка тупурма.

Үзини билмасанг ҳам, отини бил.



Ўзининг йиртигини кўрмаган
Ўзганинг тиртиридан кулар.

Ўйидагини тилидан бил.

Ўйлаган ўйинни айтар,
Ухлаган — тушини.

Ўйламай гапирган, оғримай ўлар.

Ўйламай сўзлаган, ўқчимай ўлар.

Ўйламай қилингандар турмуш
Тўйдан кейин бузилар.

Ўйловсиз бошдан тош яхши.

Ўйнаб айтсанг ҳам, ўйингдагини айт.

Ўн қатим ўйла,
Бир қатим сўйла.

Ўрик ўрикни кўриб оқарар.

Ўт билан ўйнашма,
Шамол билан муштлашма.

Ўтга борганинг ўттиз оғиз гапи бор.

Ўқ етмас ерга қилич чопма.

Ўқиган билмас, уққан билар.

Ўқиган — яхши,
Уққан — ундан ҳам яхши.

Ўғридан ботир чиқса,
Чодирига қараб от кўяр.

Қадамни қараб бос,
Сўзни қараб айт.

Қари ўйнаса, қиёмат.

Қарғага совун,
Аҳмоққа насиҳат кор қилмас.

Қирқ йил қирғин келса,
Беўйловга барибир.

Қишлоқнинг қозиси бўлгунча,
Шаҳарнинг тозиси бўл.

Қовок экиб, қовун кутма.

Қовуни йўқ куз бўлганини билмас,
Совуни йўқ ёз бўлганини билмас.

Қуён билан ўйнашсанг, толасан,
Ўт билан ўйнашсанг, ёнасан.

Қул отасини билмас.

Қул юрса, энсасидан белгили.

Қул кутурса, кудукқа туфлар.

Қулнинг ақли чошкадан кейин кирап.

Қулочингга қараб кетмон чоп.

Қўл етмаса, бўй чўзма.

Қўлингни ювиб юр,
Нима ейишингни биласан.
Оғзингни тийиб юр,
Нима дейишингни биласан.

Қўлингни қармовда тий,
Тилингни — йифинда.

Қўполдан тўнгак айлансин.

Қўтири така қўра булғар.

Ғаламис еганини галирар,
Аҳмоқ — кийганини.

Ғалчани иззат қилсанг,
Чориги билан тўрга чиқар.

Ҳазил — ҳазил,
Ҳазилни тушунмаган кал Фозил.

Ҳазилни кўтарганга чиқарган.



Ҳайвонлар ичиди айёри — тулки,
Маънисиз ғийбатнинг охири — кулки.

Ҳайитдан кейин арафа.

Ҳайронман Шониёзнинг ишига,
Этик сотиб, пайтава олиб юришига.

Ҳамма хамма билан,
Кал қиз ойна билан.

Ҳар бир сўзни билиб айт,
Кўпга маъқул қилиб айт.

Ҳар ким ўзидан ўтганини ўзи билар.

Ҳар кимнинг бўйига қараб тўн бич.

Ҳар кишининг диди бошқа,
Ҳар гулнинг — хиди.

Ҳеч ким ўз айронини аччиқ демас.

Ҳисобингни тўғри қил,
Хотинингни ўғри қилма.

Ҳолини билган ҳалок бўлмас.

Ҳолини билган ҳоримас,
Ҳориса ҳам оримас.

Ҳолини билмаган ҳалок бўлар.

САБАБ, БАҲОНА ВА НАТИЖА

Ажал етмай, чивин ўлмас.

Ажали етган сичқон
Мушукка ғамза қилас.

Аламзаданинг тили заҳар.

Алас-аласга ўт керак.

Аравани от эмас, арпа тортар.

Аразлаган болага ош тотли.

Бермас қизнинг қалини кўп.

Бесабаб оёққа тикан кирмас.

Бир кунликка ҳам равот керак,
Минг кунликка ҳам.

Бола йиғламаса, она сут бермас.

Боришда мақтанма, келишда мақтан.

Бояги-бояги, бойхўжанинг таёфи.

Буғдойнинг борар жойи — тегирмон.

Бўладиган ишнинг бўлгани яхши,
Үйдагиларнинг тингани яхши.

Гул туфайли тикан сув ичар.

Гуноҳига яраша жазоси.

Дайдига иш — баҳона.

Девор йиқилмай, ҳандак тўлмас.

Ел юрса, юнг тўзар.

Ит еганини қусар.

Ит чопар, деб бит чопар.

Ичмас эдим косанинг қаймоини,
Зор бўлдим кубининг айронига.

Ишни кўриб устага баҳо бер,
Устани кўриб — шогирдига.

Йиғлагиси келган бола,
Отасининг соқолини ўйнар.

Карвон йўлда тузалар.

Карнай — мисдан, балғам — исдан.

Карнайчидан — бир пуф.

Келиннинг сири келган ерида билинар.



Кемада ким борини чиққанда биласан.

Күрганнинг тили билдирап,
Куйганнинг — дили.

Мол чиқасига келса, эгаси сабабчи.

Молга баломат — бошга саломат.

Муз эриса, сув бўлар,
Сув совиса, муз бўлар.

Нима солсанг ошингга,
Шу чиқар қошифингга.

Нима эксанг, шуни ўрасан.

Нон қийшиқ эмас, буғдои қийшиқ.

Одамдан — одам, ҳайвондан — ҳайвон.

Оёқ чанг оғизга кирап.

Оз ошга имдов йўқ.

Олдим балони, урдим балога,
Чиқди балоси, қолдим балога.

Олма оғочидан олис тушмас.

Олов сўнса, совийди,
Гиёҳ сўлса, қурийди.

Осмон йиғламай, ер кулмас

Осмон ола — ер ола.

Осмондан нам тушмаса, гиёҳ унмас.

От ағнаса, тук қолар.

От ориқласа, тувалоқ бўлар.

От тортишиб от танир,
Эр тортишиб — эл.

Отилмаган сопқон ҳам бетга тегар, ҳам кетга.

Охурга нени солсанг, хурмачадан шуни оласан.
Пишган овқатнинг умри қисқа.
Пул бермас маърака бузар.
Пишак гүштга етмаса — «пух сассик».
Сабоқ мушкул бўлса, ўкувчини уйқу босар.
Совуқдан қўрқкан қишини ёқтирмас.
Сотмаснинг моли қиммат.
Сукут — аломати ризо.
Сурнай чалишни билмаганинг оҳангига кўп.
Термилган қозон қайнамас,
Қайнаса ҳам қуйилмас.
Термилганинг тиланганинг эмасми.
Туя элакка қолганда оксар.
Туясидан қўнғироғи қиммат.
Туғмас товукнинг тухуми азиз.
Тўкилган тўлмас, йиқилган тўймас.
Чангакдаги гүшт сассик.
Шолининг баҳонасида курмак сув ичар.
Эгаси йўқ мол — олдин топганники.
Элак сўраган иягини ер.
Эр қўяр бўлса, хотин ёмон,
Хотин қўяр бўлса, эр ёмон.
Эринчокка иш буюрсанг,
Сенга акл ўргатар.
Эрмаги йўқ энасиникида сигир соғар.
Эт тотлигини қўйса,
Мен ўғирлигимни қўярдим.

Эшаги — бир танга,
Тұқими — минг танга.

Эшаги — бир танга,
Тушови — үн танга.

Эшаги йўқнинг тушови йўқ.

Эшагидан тушови қиммат.

Эшакнинг юки енгил бўлса, ётағон бўлар.

Ютим бўлмаса, битим бўлмас.

Ютқазган ўйинга тўймас,
Йиқилган — курашга.

Ўзи бир танга,
Тұни кирқ танга.

Ўзолмаган отга узанги баҳона.

Ўйин билмаган хотинга
Уй торлиги баҳона.

Ўйин билмаганга жой тор.

Ўринсиз хақорат соқовни бурро қилар.

Ўрокчининг ёмони ўрок танлар.

Ўғри итнинг қўйруғи қисиқ.

Қалин бергандан кейин
Ўлик куёв ҳам тобутда ётмас.

Қарздорнинг ёлғони чўнтағида болалар.

Қарздорнинг чўнтағи тешик.

Қакиллаган товук туғмай қўймас,
Гувиллаган олов ёнмай қўймас.

Қизи борнинг нози бор,
Қийин ишнинг қиммати зўр.

Қиморбоз бой берганда Жамшидни ёлдар,
Бой бўлганда — қочиши.

Қичиган ердан қўл кетмас.

Кулунли бия овулга сиғмас.

Қуруқ супрага дуо йўк,
Сендан менга даво йўк.

Қуруқ суюкни ит ғажимас.

Қўй катта, қўзи кичик,
Эчки сизга лозим эмас.

Қўлинг етган шохнинг шафтолиси ширин.

Ҳашарчининг боласи
Тилла қошиқ уйнайди.

САМАРАДОРЛИК ВА БЕСАМАРЛИК

Амали йўқ сўфидан,
Тухуми йўқ товук яхши.

Арпанинг дони бўлгунча,
Буғдойнинг сомони бўл.

Баракали қўлнинг сўйган чумчуғи хам қўй бўлади.

Бахмал кийдим — эгнимда йўқ,
Палов едим — оғзимда йўқ.

Бефойда кундадан ўтин яхши.

Бўрдоки ейман десанг,
Кизингни қассобга бер.

Гап билан ваъда берма,
Иш билан ваъда бер.

Гап билан ош пишмас.

Дараҳт ўсиб қуш қўнар.

Дараҳтнинг сояси тагига тушмас.

Етмиш юлдуз ярим ойга татимас.

Жойи бор, йўлаги йўк,
Палахмони бор, ғўлаги йўк.

Иссик овқат — танга роҳат.

Иссик суяқ синдирилас,
Совуқ жонни тиндирилас.

Ишлаганда қулдай ишла,
Отланганда бекдай отлан.

Ишлаганинг — уйингга,
Ўрганганинг — ўзингга.

Йироқдаги сув билан сувсоқлик қонмас.

Йироқдаги қуйруқдан,
Яқиндаги ўпка яхши.

Йиғлаган билан ўлик тирилмас,
Ямаган билан чирик тикилмас.

Кириб чиқма, билиб чиқ.

Куйгандан кул чиқар.

Куйдирса ҳам, кун яхши.

Кулол мўндида сув ичар.

Кулолнинг ичишга косаси йўк.

Кулолнинг кулфатин кўр,
Тутгани сопол товоқ.

Кўнгил кирин айтса кетар,
Кўйлак кирин ювса кетар.

Кўп гапиргандан кўп иш кутма.

Кўп отган билан мерган бўлмас,
Кўп айтган билан чечан бўлмас.

Кўрган кўп билар,
Ўқиган — оз.

Маъроки сигир сут бермас.
Мевали дарахт кўп калтак ейди.
Мевали дарахтга ҳамма қарайди.
Мевали дарахтга ҳар ким ҳам кесак отар.
Мевали дарахтнинг шохи ҳам.
Милк сўрган билан қорин тўймас.
Минг қайғу бир иш битирмас.
Мингта ҳап-ҳапдан,
Битта чоп-чоп яхши.
Мол йўқолса, эгаси сабаб.
Молинг бўлса зотли,
Рўзғоринг ҳам тотли.
Муздан ойна бўлмас,
Симобдан — кўз.
«Нимани ўқидинг?» деб сўрама,
«Нимани билдинг?» деб сўра.
Нон емаснинг ишига бок.
Оёқда бўлгандан оғизда бўлган яхши.
Ола чиқди — бало чиқди.
Ола эккан оз олар,
Роса эккан соз олар.
Олма сабогидан ортиқ бўлмас.
Олмаган қушдан ола бўйин сичқон яхши.
Олтин чиққан жойни одам бўйи қази.
Она ақли — киз ақли,
Ота сўзи — ақл кўзи.
Ориқ хўқизда ёғ йўқ,
Сўяман десанг, пичоқ йўқ.

Осмон тұла фаришта,
Хар қайсиси бир ишда.

От бойловда семирап,
Күй — яйловда.

От яхвиси — ёвмут,
Тұн яхвиси — мовут.

Отамнинг унуми бор,
Онамнинг — тиними.

Отнинг зұри қия ошганда билинар.

Оч молим — түк молим,
Түк молим — йүк молим.

Рахбар нопок бұлса, ишда унум йүк.

Тегиб турса — «мұх-мұх»,
Тегмай қолса — «хұк-хұк».

Тер түкиб меҳнат қилсанг, ердан зар унар.

Тер түкиб сочсанг уруғ,
Ер сени күймас курук

Тер түкканга — беш ёнроқ,
Түкмаганга — пуч ёнроқ.

Тер түкканга ер битар.

Тер түкканга — ер түкар.

Тер түкмаган эр эмас,
Құл тегмаган ер эмас.

Тер тұксанғ, дон тұкасан,
Дон тұксанғ, нон тұкасан.

Тер тұксанғ, дур оласан.

Тұғмас товук күп қақиллар.

Түкканинг ярамайды, түкканинг ярайди.

Тұртта — шап-шапдан,
Битта хап-хап яхши.

Унумли меҳнат — катта даромад.

Унумсиз ишга уринма,
Кўпдан қолиб суринма.

Шойи билан кимхоб кийдим, эгнимда йўк,
Қази билан қарта едим, қорнимда йўк.

Эрда гина бўлмайди,
Ерда хина бўлмайди.

Эрта ўнгмаган кеч ўнгмас,
Кеч ўнгмаган ҳеч ўнгмас.

Эт — этга, шўрва — бетга.

Эчки бўлсин, така бўлсин, сути бўлсин.

Ўлмаган қул олтин косада сув ичар.

Ўғирлик молнинг баракаси бўлмас.

Каринг бор — бараканг бор.

Қочган қутулмас, қувган етолмас.

Қоҳати елин сутли бўлар.

Қуруқ сўз қулоққа ёқмас.

Қуруқ товокқа фотиҳа юрмас.

Қуруқ қошиқ оғиз йиртар.

Қутли қўнок келса, қўй эгиз туғар,
Қутсиз қўнок келса, қўйга қашқир чопар.

Қунишига қарама, унишига қара.

Ғайрати бор кишининг
Унуми бор ишининг.

Ҳайдан келган ҳувга кетар,
Ёмирдан келган сувга кетар.

Ҳар юмушнинг фасли бор,
Ҳар бир ишнинг асли бор.

Ҳаракат, ҳаракатда баракат.

Ҳаром молнинг баракаси йўқ.

Ҳаром кўл аралашса,
Ҳалол кўлдан кут кетар.

Ҳаром кўл бор жойда барака бўлмас.

Хечдан кўра кеч яхши.

РИЗҚ-НАСИБА ВА БЕНАСИБЛИК

Айрон ичган қутулар,
Челак ялаган тутилар.

Аллоп ун ялар,
Қассоб — қон.

Аразчига олти таёқ.

Ариқни кимлар қазир,
Сувини кимлар ичар.

Балиқ еган «сув-сув» дер,
Кўш хайдаган «чув-чув» дер.

Бер, деди субҳон,
Бериб солди султон.
Берма, деди субҳон,
Нимани берсин султон.

Берса ол, урса қоч.

Бири семизини ейди,
Бири эгизини ейди.

Битмаган савдога ширинкома йўқ.

Битта эди моям,
Иккита бўлди дастмоям.

Бошнинг юуриги — бошга,
Қўлнинг юуриги — ошга.



Бошсиз бүрк бүлмас,
Тойсиз — турк.

Бузоқни тилга олсанг,
Ипини узиб келар.

Буюрган олар,
Югурган қолар.

Буюрган ошга тиш тегар,
Ёз тегмаса, қиши тегар.

Буюрса, бола,
Буюрмаса, чала.

Буюрса күйрук,
Буюрмаса юмрук.

Бўзчи белбоққа ёлчимас,
Кулол — мўндиға.

Бўзчи иштонга ёлчимас,
Темирчи — тақага.

Бўри хом еб ўлмас,
Хўкиз ишлаб бой бўлмас.

Гадога бир эшик ёпиқ бўлса, бири — очик.

Етим етти уйдан ош ичар.

Етим кимники — ош берганники.

Ёқангдагини олгунча, қўлингдаги тўкилар.

Жўжали товуқдан дон ортмас.

Икки марта ўлмайсан,
Бир мартасидан кочиб қутулмайсан.

Итга ит ўлими.

Ичиб турган ошимга,
Чивин отди бошимга.

Йирокка борсанг, яқиндан қоласан,
Йирокқа қўйсанг, яқиндан оласан.

Карвон күп, ризқи бошқа.

Ким текканини ейди,
Ким — суйганини.

Кимга — бармоқдай,
Кимга — тирноқдай.

Кимга — түй, кимга — аза.

Кимга туйнукнинг ёруғи,
Кимга — шамчирок.

Кимга — хой-хой,
Кимга — вой-вой.

Кимнинг этагига ўт тушса, ўша куяр.

Кун — кучлиники,
Қобирға — тишлинники.

Кўқдан арпа ёғса ҳам,
Эшакнинг еми нимча.

Кўппак юргани билан този бўлмас.

Лўлининг чирмандаси ёрилса,
Гардиши маймунга ўйинчоқ бўлар.

Мол озиги — далада,
Эр озиги — йўлида.

Мол озса, семиради,
Одам озса, кемиради.

Мол эгасини топади,
Сўз — жўясини.

Насиб этса, келар Шому Ироқдин,
Насиб ўйтса, кетар қошу қобоқдин.

Не эксанг, шу кўкарап.

Нон — нонда, калити — осмонда.

Овчи нон қидирар,
Кончи — кон.

Овчининг ўлими — овда,
Сувчининг ўлими — сувда.

Олган — ўғри, берган — тангри.

Олиб қочгунча, сочиб кет.

Олло-олло деган билан
Осмондан чалпак ёғилмас.

Оломончининг йикқани оломонга кетар.

Олтин, кумуш тош бўлар.
Томокдан ўтса, ош бўлар.

Ориқ бокилар, семиз сўйилар.

Осилмаган қозонга отилмаган қуён тушар.

От айланиб қозигини топар,
Сув айланиб — ёригини.

От айланиб қозигини топар,
Эр айланиб — ёзигини.

От босмаган ерларни той босар.

От боқсанг — улоққа,
Кўй боқсанг — қўнокқа.

От жаллоби оч қолар.

От топади, эшак ейди.

От топганга қамчи топилар.

От ўйини — қирқ йилда.

Ота кўрганни бола кўрмас,
Бола кўрганни ота кўрмас.

Отанг — кул, энанг — кул.

Отангга не қилсанг,
Олдингга шу келар.

Отлининг насибаси — олтов,
Туялининг насибаси — тўртов.

Оч түяр, яланғоч кияр, ұлган кетар.

Очиқ оғиз оч қолмас.

Очоғат тиши билан үзига гүр қазир.

Ош озга қолди,
Бош тозга қолди.

Оқ қүйни ҳам үз оёғидан осарлар,
Қора қүйни ҳам.

Оқажак қон томирда турмас.

Оққан ариқ оқмай қолмас,
Оқмай қолса, икки құзинг боқмай қолмас.

Оғилда улоқ туғилса,
Адирда үти униб чиқар.

Оғриқ — гүрда,
Сөғ — түрда.

Оғриқ-оғриқ — күз оғриғи,
Ҳар кимсанинг үз оғриғи.

Палов десанг, пайшанбага,
Дұлма десанг, душанбага.

Паловнинг қамчиси — чой.

Ризқ ками мас,
Банда очидан ұлмас.

Ризқли мемон ош устидан чиқар.

Рұзингни сот, рұшнолик ол.

Савол — осмондан,
Жавоб — тегирмондан.

Саксон кунда — сабок,
Тұқсон кунда — тобок.

Сон тегмаганга сон тегди,
Зоғора тегмаганга — нон.

Сув оққан сойға яна сув оқар.

Сувга яқин — ризққа яқин.

Супрага тушган сичқоннинг
Боши оқармай қолмас.

Тариқ сочилса, товук түяр.

Тегирмонга кирган гардсиз чиқмас.

Текканга — тая боши,
Тегмаганга — қуён боши.

Тил билан томоқ қаримас.

Тирик юрган курук қолмас.

Тирик қулга мол битар.

Тиши бутуннинг ризқи бутун.

Тиши йўқнинг ризқи йўқ.

Товоқ синдирган коса тўлар.

Томоқ кўрмай ўлгандан,
Томоқ кўриб, еёлмай ўлган ёмон.

Томоқдан ўтганнинг бари томоқ.

Тонгдаги — тангридан.

Топган суюнар, таниган олар.

Тотган ҳам бир, ботган ҳам.

Тушда сув ичган билан ташналик қонмас.

Тушлик ошга тушлик ердан киши келар.

Тушнинг оши — тишга дори.

Тұядай қызы узатиб,
Тұғмадай жаз емадим.

Тўйдан — тўпиқча.

Умид ўлмас, ризқ камимас.

Умрингдан бир кун қолгунча, ош е,
Пулингдан бир тийин қолгунча, ош е.

Ухлаганга улуш йўқ.

Чекингга тушса, чекчайма.

Шувоқ бор жойда туёқ бор.

Эр луқмаси эр қорнида қолмас.

Эр молсиз бўлмас,
Йигит — ёрсиз.

Эрта турган йигитнинг бир ризки ортиқ,
Эрта турган аёлнинг бир иши ортиқ.

Эртаги насибадан қолма,
Кечки насибага борма.

Эрталабки илитма,
Бало-қазога югуртма.

Эрталабки муштдан қайтма.

Эшак — иши билан,
Тўнгиз — тиши билан.

Эшакка бир туп шувоқ ҳам озик, ҳам қозик.

Эшакнинг ӯлими — итнинг байрами.

Юргурғанники эмас, буюргурғанники.

Юзи юпқалик ризққа зарар.

Ютганинг ўзингнники,
Чайнаганинг — гумонда.

Ўттиз икки тишда ўттиз икки иш бор.

Қаерга борсанг ҳам, қора қозонинг оғайнинг.

Қаратган қуруқ қолмас.

Қилған эшикка бокар,
Қилмаган — тешикка.

Қилса насиб, ейсан ҳасип.

Қутлуғ уйдан қуруқ кетма.

Күли текканнинг оғзи тегар.

Күлни ювиб, оч қолма.

Хар ким насиб қилганини ошар.

Ҳасип — қилганники эмас,
Насиб қилганники.

ТЕЖАМКОРЛИК ВА ИСРОФГАРЧИЛИК

Аёл сўм қиласар, эркак — чақа.

Асал десанг, бир кемир,
Қўл тиқсанг, икки кемир.

Бир бошоқ дон —
Бир сават нон.

Бирин-бирин минг бўлар,
Тома-тома кўл бўлар.

Бия, топиб беради туя.

Бозори яқин бойимас.

Бойлик ушоқдан йигилар.

Бугун едим — етдим,
Эрта едим — ўтдим,
Ҳамма ҳайитга чиққанда,
Хумга кириб ётдим.

Бўйдоқнинг бўйинини бит ер,
Топган-тутганини ит ер.

Даланинг кўкига ишонгунча,
Отангнинг гўрига ишон.

Дарё-дарё қабул қил,
Томчи-томчи юбор.

Дон аяган донга етар,
Нон аяган — нонга.

Донни йиққан донодир.

Ейишинг — кепак,
Кийишинг — ипак.

Ёзсам кафтимда бұлар,
Йиғсан — муштумда.

Икки ярим — бир бутун.

Йиғсанг етасан, совурсанг кетасан.

Йиғсанг — күп, совурсанг — оз.

Каллаклаб ёқсанг, кирқ йилга етар,
Құпориб ёқсанг — бир йилга.

Кам-кам есанг, доим ерсан,
Құп-құп есанг, нени ерсан.

Кечалаб туриб йүл юрсанг,
Элтиб құйғандай бұлар,
Соколинг чиқмай пул топсанг,
Отанг бергандай бұлар.

Мозоринг яқин бұлса ҳам,
Бозоринг яқин бұлмасин.

Молини қуритаман деган пул қиласар,
Донини қуритаман деган ун қиласар.

Озни бежа, күпни тежа.

Олаверсанг, енгил бұлар,
Соловерсанг — оғир.

Олтида йиғсанг, ошади,
Еттида йиғсанг, етади.

Ортиб қолса қозонда,
Иситиб ерсан аzonда.

Ортиқча мол күз чиқармас.

Ота мулки бұлса ҳам, аяб е.

Отни аяган от минар,
Түнни аяган түн кияр.

Ошни аясанг — ошга,
Нонни аясанг — нонга.

Оқ танганг ортик бұлса,
Қора кунингга сақла.

Пиширсанг, ош бұлар,
Пиширмасанг, қүш бұлар.

Пул бұлди — кул бұлди.

Пулни топиш осон, сақлаш қийин.

Пул тұпласанг, кул бұлар,
Сомон тұпласанг, пул бұлар.

Пулни пул топар.

Пулни топған харжласин.

Пулнинг онаси — тийин.

Саноқли мол йүқолмас.

Соғиб ичсанг, минг кунлик,
Сотиб есанг, бир кунлик.

Сув қаттиқ ерда тұхтар.

Танга тийиндан үсар,
Йилқи қулундан үсар.

Тежаб еган дармонда,
Тежамаган — армонда.

Тежаган терга тушмас.

Тежамаганнинг таги — танг.

Тежоғлик иш — бежоғлик иш.

Тежоғлик рұзғор — бежоғлик құғирчоқ.

Тийин қадрини билмаган сүм қадрини билмас.

Товукни есанг, бир ейсан,
Тухумини есанг, минг ейсан.

Тома-тома күл бўлар.
Оқа-оқа сел бўлар.

Тома-тома күл бўлар,
Томмай қолса, чўл бўлар.

Торта-торта есанг, той орттирасан,
Қўя-қўя есанг, кўй орттирасан.

Тухумнинг оқини оқлаб е,
Сарифини — сақлаб.

Тўкилган тупроғи билан тўлмас.

Тўкилгандан томчилаган ёмон.

Тўқликда очликни ўйла,
Бойиганда — муҳтоҗликни.

Үйлигини топмаган тўйлигини тўздирап.

Уста овчи чумчукка ўқ отмас.

Чойнинг охирини отангга ҳам берма.

Чумолининг бир йил йикқани —
Туянинг бир ютгани.

Эр топувчан бўлса,
Хотин тақувчан бўлар.

Эр қоплар, хотин сақлар.

Эскини эплагунча, эсинг кетар.

Эскисиз янги бўлмас.

Ямасанг, янги бўлар,
Янгининг тенги бўлар.

Янгини эски сақлар.

Яхши ўғил бийлар ота молини,
Ёмон ўғил сочар ота молини.

Яхшининг кўхнаси тозанинг хизматини килар.

Ўлган ўзбекнинг кўйнида нони бор.

Үрдак есанг, ғоз боғла.

Үтін ёрмаганга үтін ёқтирма.

Үтін йиғсанг, пул бұлар,
Үтга ёксанг, кул бұлар.

Үғыл уйлантирганга үн йил,
Киз чиқарғанға қирқ йил ёндашма.

Қаровсиз уй — ташландық үра.

Каттиқ жойда қок туар.

Киз асрай олмаган тул қилар,
Жұн асрай олмаган қил қилар.

Киз чиқарған уй масжидға үхшаб қолар.

Қириб есанг, қирқ кунға етар,
Үйиб есанг — үн кунға.

Қиши киярин ёз кийса,
Фариб қайдан бойисин.

Қишлигини толмаган ёзлигидан айрилар.

Қозонға кирған қайтиб қопға кирмас.

Қора пулни қора кунға сақла.

Құл тегди — пичоқ тегди.

Құлинг мой бұлса, бошингга сурт.

Хамёнини қадрлаган ҳисобини пухта қилар.

Хар куни ема паловни,
Хар куни ёққин оловни.

Ҳисобини билған — бир йил етим,
Ҳисобини билмаган — үлгунча етим.

Ҳисобини билмаган ҳамёнидан айрилар.

Холингга қараб хисса құш.

НАҚД ВА НАСИЯ

Айниган бұлса ҳам, бутун бұлсін.
Чириган бұлса ҳам үтін бұлсін.

Арпа экиб, буғдой кутма.

Арпа эккан арпа олар,
Буғдой эккан — буғдой.

Бозордаги ботмон қүйрук,
Тарозига тортган қүйрук.

Бойга келин бұлгунча,
Камбағалға қызы бұл.

Буғдой бұлса, үлчов топилар.

Бұлса — оби, бұлмаса — ёби.

Емайман деган келин,
Еңдек ҳасипни ер.

Емайман деган келин,
Рапида билан рапчани ер.

Емайман деган күёв,
Етмиш қүймоқ ер.

Йұлдаги икки қүшдан,
Құлдаги бир қүш яхши.

Йүкни кувиб, бордан ажралма.

Киshanli от — үз отинг,
Тушовли от — бұз отинг.

Күз күрап, құл ишлар.

Күзанинг куни бир кун.

Мендан бу гунох,
Сендан у гунох.

Мероси бор мураббо ер.

Мижозингдан айрилгинг келса,
Насияга мол бер.

Минг кулишнинг бир йиғиси бор.

Минг кун шаҳидликдан
Бир кун тириклик афзал.

Минг Макка зиёратдан
Бир кўнгил иморат яхши.

Минг сизу биздан,
Бир жизу биз яхши.

Минг сўздан бир иш яхши.

Минг ширин маслаҳатдан битта ўрнак иш яхши.

Мингни чала билгандан,
Бирни тўла билган яхши.

Мингтанинг тусини билгунча,
Биттанинг исмини бил.

Мол оёғин мол топар.

Мол эгасига ўхшамаса, ҳаром ўлар.

Насия ема гўштни,
Тешиб чиқар тўшни.

Насия еманг этни,
Қизартирап бетни.

Насия мол эмас,
Берган мусулмон эмас.

Насия ноннинг ҳам куюги бўлар, ҳам кесаги.

Насия қаймоқдан нақд қатиқ яхши.

Насия қуйруқдан нақд ўпка яхши.

Насияга девона фотиха бермайди.

Насияга маймун ўйнамас.

Насиядан унгани — тегирмондан чиққани.

Насияни ўри чиқарган.

Насиянинг ўн сўмидан
Нақднинг бир сўми яхши.

Нақд пул қарчиғай.

Олисдаги отдан яқиндаги эшак афзал.

Олисдан арбалагандан кўра,
Яқиндан тўрвалаган яхши.

Олиснинг оти ўзгунча,
Яқиннинг тойи ўзсин.

Олмадан — олма, довчадан — довча.

Олманинг тагида олма ётар,
Довчанинг тагида довча ётар.

Олов деган билан оғиз куймас.

Орқадаги гап — охурдаги ем.

Пишмаган ошдан хом ошқовоқ яхши.

Тотилмаган бўзадан
Мириқиб ичган гўжа яхши.

Узоқнинг буғдойидан
Яқиннинг сомони афзал.

Узоқнинг паловидан
Яқиннинг шўрваси яхши.

Узоқнинг узунидан
Яқиннинг калтаси яхши.

Узоқнинг қозиси бўлгунча,
Яқиннинг тозиси бўл.

Узоққа тузоқ қўйма.

Фалон ерда олтин бор,
Борсанг, пакир топилмас.

Чиқмаган бурдойга — ўтмаган ўрок.

Чиқмаган теракка келмаган лайлак ин қуарар.

Яширин нарса етмиш йилда топилар.

Ўзганинг мис қозонидан
Ўзингни қора қозонинг яхши.

Ўзганинг отидан
Ўзингнинг эшагинг яхши.

Кораси кўрингандан колдим дема,
Қўлингга тегмаганни олдим дема.

Ҳалво деган билан оғиз чучимас.

ЭҲТИЁЖ ВА ЗАРУРИЯТ

Боши оғримаганнинг худо билан нима иши бор.

Бузоқ сомонхонани бўшатар,
Бола — нонхонани.

Бурунни сассик деб кесиб бўлмас.

Бўрини кўрса, овул ити бирлашар.

Бўрининг қулоғи — овда.

Гадога оқ халта ҳам бир, кўк халта ҳам.

Дунёнинг кераклигини бозорда билдим,
Охиратнинг кераклигини — мозорда.

Ёғоч сувдан тўймас.

Жон қийнамай, юмуш битмас,
Талаба булмай, муродга етмас.

Зарурат тушса, зар тўкилар.

Зарурга зарур,
Нозарурга не зарур.

Иштонсизнинг тушига
Икки энлик бўз кирар.

Йиғлаган кўзга — ёш,
Тилаган оғизга — ош.

Йиғламаган болага эмчак йўқ.

Йўқни керак топтирас,
Ёлғиз отни соттирас.

Йўқни керак топтирас,
Хар томонга чоптирас.

Кампирнинг дарди — ғўзада,
Йигитнинг дарди — бўзада.

Кар каттиқ сўзлар.

Катта уйга не керак,
Кичик уйга шу керак.

Кел-келга олса, кели соп туғар.

Келар гапни келин ҳам айтар.

Керак теракни йиқитар.

Кес-кеслаган ит овга ярамас.

Кетар қизнинг кўнгли куёвда.

Кинначи дер: «Касал кўпайсин»,
Гўрков: «Ўлик кўпайсин».

Кир ювгичга — сув қуйгич.

Куним учун кул тортаман.

Кўрга кўзгу керакмас.

Кўчанинг кўрки — тол,
Яйловнинг кўрки — мол.

Лойсиз сув, курбақасиз кўл бўлмас.

Мевасини е, эгасини суриштирма.

Мен не дейман,
Кўбизим нима дейди.

Мен ўз ҳолим билан,
Мулла менинг молим билан.

Меросдан юмрук тегса хам ол.

Минг қўйлининг бир қўйлига иши тушар.

Молсиз уй бор, нонсиз уй йўқ.

Молсиз уй бўлса бўлар,
Юксиз уй бўлмас.

Мўйнанинг пардози — чивик.

Нонсиз яшаб бўлмас,
Гапни ошаб бўлмас.

Одам одамга керак,
Жон — танга.

Оёқ чарчаса, таёқ ярайди.

Оз бўлса етар,
Кўп бўлса кетар.

Ой тунда керак,
Ақл — кунда.

Ойлигинг куйса куйсин,
Кунлигинг куймасин.

Оловга келган элакни олмас.

От бўлмаганда эшак хам от.

От топгунча эгар топ.

От туз дейди,
Йигит — киз.

Отага — мол, кизга — жамол.

Отни топиш бир кунлик,
Абзал топиш минг кунлик.

Оч киши мой танламас,
Қари қиз бой танламас.

Оч кишига ош қўйсанг, бетингга қарамас.

Оч колган нондан гапирав.

Оч қолганга қозон остирма,
Совуқ қотганга ўт ёқтирма.

Очлик күчага чикарап,
Яланғочлик уйга киргизар.

Очнинг жаҳли қорнида.

Ош тотиги — туз.

Ошнинг таъми туз билан,
Сувнинг таъми муз билан.

Оғриқ қаерда бўлса, жон ўша ерда.

Сайил ҳам сайил,
Саргардонлик ҳам сайил.

Сўраганнинг айби йўқ.

Таканинг мугизи тангрига керак бўпти.

Ташнанинг тушига сув кирап.

Темирчига кўмирчи хоким.

Тилаб олган тўн тиззага чиқмас.

Тилаб олган нон қорин тўйдирмас.

Тилаганга не берар,
Қатти-қутти нон берар.

Тилаганим тиздан тубан.

Тилингандан тиланганд ёмон.

Тилини тишлигандан тишини суғуриб олмас.

Тирикчилик тошни ҳам ёрап.

Тирикчилик шерни ҳам тулки қилар.

Тулкига жон керак,
Овчига тери керак.

Турмуш — уриниш.



Тухумни кўрмаганга қоракарға ҳам товук.

Туя оч бўлса, жиҳозига тармашар.

Туя туз деб йиғлар,
Йигит — қиз деб.

Тўйганда тўклининг гўшти ҳам татимас,
Оч қолганда зогора нон ҳам ортмас.

Уйку ўрин танламас.

Уксиз ўз киндигини ўзи кесар.

Хотин бошим эркак бўлди,
Қора сочим телпак бўлди.

Чаён чаққан ухлайди,
Қорни оч ухламайди.

Чарчаб келиб минган сўнг,
Чўлоқ эшак от бўлур.

Чироқнинг пилигига ёғ керак,
Одамнинг — илигига.

Эгасига керак бўлса, қўшниси үпкаламас.

Эр бошига иш тушса,
Этиқ билан сув кечар.
От бошига иш тушса,
Сувлик билан сув ичар.

Эшак ётақолсам дейди,
Эгаси етақолсам дейди.

Эҳтиётинг бўлса, эҳтиёжинг бўлмас.

Янтоқли ерда сўна бор.

Ўрилга бир керак бўлса,
Кизга минг керак.

Ўрилли бошим ўйинда,
Кизли бошим қийинда.

Ўғлинг бўлса, элга бер,
Кизинг бўлса, эрга бер.

Қарз берувчи — арслон,
Қарз олувчи — сичқон.

Қарз олган қочар,
Қарз берган қувар.

Қари қизга тонг отмас.

Қызыл үй қызылга тұймас.

Қызынчықдан ортар, мечкайдан ортмас.

Қора қорнинг — қора қайрунг.

Құзғұн оч қолса, тирикни ҳам чүкир.

Құлунли биядан қудук суви ортмас.

Ҳамма юкни күттарған тұя,
Капкирни ҳам күттарар.

Ҳар кимнинг томига қор ёғса, үзи курайди.

Ҳар киши үз қопининг оғзини үзи очар.

Ҳұқизнинг мұғузи үзігә оғирлик қилмас.

РЕЖА ВА РЕЖАСИЗЛИК

Бекенгаш ишнинг пушаймони күп.

Бекуда уринсанг, поёни бўлмас,
Ўйланиб қилсанг, зиёни бўлмас.

Бир кунлик йўлга чиқсанг,
Бир ҳафталик озиқ ол.

Бир туп ток эксанг, бир туп тол эк.

Бирорга маслаҳат қил,
Ўз билганингдан қолма.

Бозор борсанг, аввал оқшомдан тараддуд кўр.

Бўйга қараб, тўн бич.

Елга карши тупурма, ўзингга кайтар.
Етти ўлчаб, бир кес.
Ёлғон гап бўлса ҳам, нишонга тегсин.
Иш аввалини бир ўйласанг,
Охирини беш ўйла.
Йўл билмаган манзилига етолмас.
Кенг бичилган тўн тўзмас.
Кенгаш фикр —қўйма фикр.
Кенгаш қилган эл озмас.
Кечада ётиб ўйла,
Эрта туриб сўйла.
Кун ишини тун ўйла.
Маслаҳат билан отган тош узокқа борар.
Маслаҳатли ош тотли бўлар.
Маслаҳатли тўй бузилмас.
Маслаҳатли тўн тор келмас.
Маслаҳатсиз иш — ўринсиз ташвиш.
Маслаҳатсиз турмуш тўйдан кейин бузилар.
Мақсадли бўлган йўл топар.
Мол топгунча, хисоб топ.
От миниб яқинни кўзлагунча,
Туя миниб узокни кўзла.
От минсанг, олисни кўзла.
Отилган овни кузатма,
Отиладиган овни кузат.
Пухтанинг иши беш,
Шошманинг иши бўш.

Режали иш — тежамли иш.

Режали иш бузилмас.

Режали иш — хамиша беш.

Режасиз дарахтзор — чангалзор.

Режасиз иш — қолипсиз ғишт.

Түя минган узоқни күзлар,
Эшак минган — яқинни.

Уйдаги нархни бозордаги баҳо бузар.

Уйдаги ҳисоб бозорга түғри келмас.

Үйнинг гапи күчага түғри келмас.

Улгусиз иш ўнғалмас.

Хон кийими ҳам үлчаб бичилар.

Эртанинг режасини бугун туз.

Ўйлаб-ўйлаб жүяк олсанг,
Ўйнаб-ўйнаб суғорасан.

Ўйлаб қилинган иш битар,
Ўйламай қилинган иш йитар.

Ўйламаган ўкинар.

Ўйламай учган құнарга тол топмас.

Ўйламай қилинган иш,
Бошга келтирап ташвиш.

Ўғыл күрсанг, терак эк.

Қизни бешикка сол,
Сепини сандиққа сол.

Қишиғамини ёзда е,
У ёғини ўзинг биласан.

Қовун эксанг полизга,
Жой қилиб күй даҳлизга.

Қолипсиз ғишт битмас,
Режасиз иш битмас.

Кулочингга қараб, кетмон чоп.

Курук кучдан кун ўтмас.

Күш қўнмасдан учолмас.

Қўлинг билан қилар ишни бошинг билан ўйла.

Хар бир ишнинг чамаси бор,
Хар дарёнинг кемаси бор.

МЕЪЁР ВА МЕЪЁРСИЗЛИК

Аччик бўлсанг, қалампир бўл,
Тотли бўлсанг, болдай бўл.

Беш қўл оғизга сиғмас.

Беш панжангни оғзингга тиқма.

Бехуда кучаниш белни синдирап.

Бехуда харакат бебурд қилар.

Бехудага йиғлаганинг — юрагингни доғлаганинг.

Бир булдуруқ уч қорга татийди.

Бир салла тагида икки қалла бўлмас.

Бир томчи сув чумолига дарё кўринар.

Бир қўйга — пичок,
Икки қўйга таёқ.

Ботмон юк бора босар.

Бўз ямоғи — бўзча,
Қоп ямоғи — қопча.

Бўйингни етмаган жойга чўзма.

Гап биламан деб, оғзингга зўр берма,
Иш биламан деб — қўлингга.



Гапнинг ози яхши,
Кизнинг — нози.

Гапнинг ҳиссаси яхши,
Йўлнинг — қисқаси.

Дарёни бир кесак билан лойқата олмайсан.

Дўстинг минг бўлса ҳам — оз,
Душманинг бир бўлса ҳам — кўп.

Ётар қурсоққа — ёрти нон.

Жонидан ўтмаса, жоним демас.

Игна билан битадиган ишга жуволдиз тиқма.

Йўқнинг кўнгли йўрға тилар.

Катта карвон катта кўчар.

Катта карвонга катта йўл.

Кучинг етмаса, кучанма.

Кўп бой бўлган бир суринар.

Кўп гапнинг ози яхши,
Оз гапнинг сози яхши.

Кўп кулган бир йиғлар.

Кўп эгилма, босарлар,
Кўп бўй чўзма, осарлар.

Кўп қидирган кезма бўлар,
Кўп гапирган эзма бўлар.

Кўп қилсанг, кетади,
Оз қилсанг, етади.

Кўрмаганнинг кургани,
Юрмаганнинг юргани ёмон.

Оз демак — соз демак.
Оз емак — соз емак.

Оз сұз — ором сұз,
Күп сұз — харом сұз.

Оз-оз е, доим е.

Ойнинг оти күп,
Куннинг қути күп.

Ортиқ давлат күз чикарап.

Отанг темирчи бұлса ҳам, гапни чұзма.

Пастгина том тушмоққа яхши.

Сирка үткір бұлса, шишани синдирап.

Сув күпайса, даре тошар.

Сув — муздан, ариқ — селдан.

Сумалак — бир яламак.

Сұз маққулдан ошмас,
Девор — сархолдан.

Таом туз билан,
Туз ўлчов билан.

Тошқын сувнинг кечиги ҳам бұлар.

Тубсиз кудук бұлмас.

Тузсиз ошни ит ичмас.

Тузсиз хамир тандирда турмас.

Тузсиз қази тез сасир.

Тузсизни күzsиз ҳам билади.

Туяни чұмич билан суғориб бўлмас.

Хира ёнган чирокдан қоронғи яхши.

Чана чанадан ўзмас,
Кимиз — савадан.

Шакарнинг ози ширин.



Ширин таомнинг аччиқ кекириги бўлар.

Эрдан ошмок бор,
Элдан ошмок йўқ.

Яримта нон — роҳати жон.

Ўйиннинг ози яхши,
Кампирнинг нози яхши.

Ўткир қилич қиннинг заволи.

Фозга эргашаман деб,
Ўрдакнинг чоти айрилибди.

Ҳазилнинг ози яхши,
Кал қизнинг — нози.

Ҳар ерни килма орзу,
Ҳар ерда бор тошу тарози.

Ҳар ернинг ўз ботмони бор.

Ҳар нарса ўз эпи билан.

Ҳар нарсанинг ози ширин.

ҚУДРАТ ВА ОЖИЗЛИК

Армондан қолсанг ҳам, дармондан қолма.

Арпасиз от довон ошолмас.

Арслон хуружи шерда,
Шер хуружи эрда.

Арслоннинг бўкиргани — тўнғизнинг ўлгани.

Бағридагини олдирган оғзидагини олдирап.

Бирор сўраб ейди,
Бирор бураб ейди.

Бойнинг ити ҳурағон,
Оти юрағон бўлар.

Бойнинг иши фармон билан,
Йўқнинг иши армон билан.

Бор етти пуштини қўллар.

Борида — бўри,
Йўғида — шўри.

Борнинг косаси кирга караб юмалар.

Бурганинг кўзига игна хари бўлиб,
Чумоли фил бўлиб кўринар.

Бўри ови — ўртада,
Кузғун ови — тепада.

Бўри қариса ҳам битта қўйга кучи етар.

Бўш ёғочни қурт ер.

Бўш келганни бўри босар.

Бўш омборнинг қулфи бўлак.

Бўш қоп тик турмас.

Дарахтнинг юмшогини қурт ер.

Деворда унган гиёҳнинг
Бир шамоллик ҳоли бор.

Ётаверсанг ёв олар,
Индамасанг — дов.

Ётган ёвга ёқар.

Ёш зеҳн — қайнар булоқ.

Жалада қолган ёмғирдан кўрқмас.

Жин кўзига чирманда — чорвок.

Жўмард йўқлигини билдиrmас,
Тулпор — очлигини.

Заргарнинг минг ургани —
Чилангарнинг бир ургани.

Зари борнинг зўри бор.

Зарли зарига ишонар,
Зарсиз — кучига.

Зўр зўрни кўрганда бўйнини қисар.

Зўр овчи шер отар.

Зўрдан зўр чиқса, зўр думини қисар.

Зўринг бўлса, уй қуриб кўр,
Заринг бўлса, тўй қилиб кўр.

Зўрнинг кучи тегирмон юритар.

Зўрнинг тоши қирга юмалар.

Игнадек тешикдан туядек совук кирап.

Игначининг минг ургани —
Темирчининг бир ургани.

Икки нор урушса,
Ўртада чивин ўлар.

Икки туйрун ёприлса, ғознинг шўри.

Илигинг қуриса ҳам, йўлдан қолма.

Илон юз йил яшаса — аждаҳо,
Минг йил яшаса — юҳо.

Инсон қилолмайдиган иш йўқ.

Инсоннинг жони — тошдан қаттиқ,
Кўнгли — гулдан нозик.

Ип ингичка еридан узилар.

Ипни ипга қўшсанг, аркон бўлар.

Ит енгганини талар.

Ит эгасига суюниб ҳуради.

Ит хурса ҳам, ой сесканмас.



Йигит құлин тенги йүк.

Йигиттә ё зар керак, ё — зүр.

Йигитнинг зўри ер очар.

Йўлбарс кирққа кирса ҳам, ейиши — анг,
Қарға мингга кирса ҳам, ейиши — гўнг.

Калит қулфдан кучли.

Катта дарахтнинг сояси ҳам катта.

Кемали келса, қайиқли қочар.

Кучи етмаган тўғаноқ солар.

Кучи йўқ курак синдирап.

Кўз етмаган жойга сўз етар.

Кўз ёши тошни эритар.

Кўнгил қаноти осмондан катта.

Кўп ботирдан ёв кетар,
Кўп чечандан дов кетар.

Минг дарахтнинг бошини бир болта чопар.

Минг қарғага бир кесак.

Мисгарнинг минг ургани,
Босқончининг бир ургани.

Моли борнинг ҳоли бор.

Молсиз киши — жонсиз киши.

Одам тошдан қаттиқ,
Пахтадан — юмшоқ.

Озман ҳўқиз ўзидан қўрқиб новвосга эргашар.

Ой ёруғи — оламча,
Шам ёруғи — айвонча.

Ойни этак билан ёпиб бўлмас.

Ола күздан олғир бўлса ҳам, арслон бўлолмас.

Ола тўғаноқ олғир бўлса ҳам, қарчиғай бўлмас.

Оломондан қочган қутулмас.

Ориқ отга қамчи ҳам юк.

От бўлари қулунлигидан белгили,
Эр бўлари лўлалигидан белгили.

Ота қарфиши — ўқ,
Она қарфиши — дўқ.

Отанг билан мақтанма,
Отинг билан мақтан.

Отанг эрдир,
Сен ҳам эрдек қилиқ қил.

Отдан отнинг чопиши ортиқ,
Эр йигитнинг топиши ортиқ.

Оти йўқ той кўшар,
Қуроли йўқ асир тушар.

Отнинг одими катта,
Туяning — товони.

Офтобни қўл билан яшириб бўлмас.

Пул — белга қувват, бошга — тож.

Пул замбурнинг нишини қайтарар.

Сичқон назарида мушукдан зўр махлук йўқ.

Сичқонга мушук арслон бўлиб кўринар.

Сичқоннинг қарфиши мушукка ўтмас.

Терак теракни йиқар.

Тил билан тикан тортиб бўлмас.

Тирноғи бўлмаса, йўлбарс ҳам ожиз.

Товукнинг учгани томгача.

Томчи тош тешар.

Тош тушган ерида оғир.

Төғни занжир очолмас,
Денгизни қайиқ бузолмас.

Туя чўкса, туки қолар,
Агар ўлса, юки қолар.

Туяни шамол учирса,
Эчкини осмонда кўр.

Тўқмоқ кучли бўлса,
Юнг қозиқ ерга кирап.

Үйку арслонни ҳам йикитар.

Үйку ўлим билан teng.

Үйку уйқунинг шериги.

Уюрни шамол учирса,
Дўппингни осмонда кўр.

Чаён чўкقا тушса,
Ўз нишини ўзига санчар.

Чимхўр хўқиз очдан ўлар.

Элнинг кучи — эллик ботмон.

Эр бор ерда зўр бор.

Эр йигитнинг қуввати — эл қуввати.

Эчкига жон қайғуси,
Қассобга — мой.

Эшакнинг югуриги — отнинг оқсоғи.

Юк оғирини нор кўтарар.

Ўз жойида лайча ҳам шер.



Үлар тұнғыз қайноқ сувдан тап тортмас.

Үлар хұқызы болтадан қайтмас.

Қайнаб турған булоқни
Күч билан тұсиб бўлмас.

Қалам кучи фармон билан,
Қилич кучи дармон билан.

Қалам қиличдан ўткир.

Қаламнинг ишини қилич қилолмас.

Қаламнинг учи — қиличнинг кучи.

Қирқ игна бир жуволдиз бўлмас.

Қуролда қирқ кишининг кучи бор.

Қурол-яроғсиз сарбоз —
Думсиз, оёқсиз ғоз.

Қўй қарғиши бўрига ўтмас.

ФОЙДА ВА ЗАРАР

Арақ ичган,
Ўзига кафан бичган.

Ароқхўр,
Ўзига конхўр.

Аччик — душман, ақл — дуст.

Балиқ чуқур сойни,
Одам яхши жойни истар.

Баримтадан кўрқкан мол йиғмас,
Чигирткадан кўрқкан экин экмас.

Бекорга мушук офтобга чиқмас.

Бефойда сўзни айтма,
Фойдали сўздан қайтма.



Бефойда ўғирдан бўш кунда яхши.

Бир анор минг беморга даво.

Бир балоси бўлмаса,
Шудгорда қуйрук на қилур.

Бир мири — хаён,
Уч мири — зиён.

Бир қўйнинг боши кетгунча,
Неча қўчкорнинг боши кетар.

Бия ўлса, қулун — бош,
Қулун ўлса, кўзинг — ёш.

Бозорга кеч бор, эрта қайт.

Бойлик ўзингга душман.

Бордан юқар, болдан томар.

Бориб олсанг — фойда,
Келтириб бериш қайда.

Буромад бўлмаса, даромад бўлмас.

Бўёқнинг яхиси — бўзчининг бойлиги.

Гапириб пушаймон егандан,
Гапирмай доғда қол.

Гийранда кулиб йиғлар,
Той берсанг, эриб йиғлар.

Гўшт ширинлигини ташласа,
Үгри ўғрилигини ташлар.

Дарё тошса, қудукка зарап.

Дарёдан — бир томчи,
Тўнғиздан — бир тук.

Даромадга караб буромад.

Дорининг аччиғи яхши.

Еган билмас, едирган билар.

Еганнинг яраси тез битар.

Едирганга ем берар,
Едирмаганга не берар.

Едирсанг, еярсан,
Кийдирсанг, киярсан.

Ёмонга эл булгунча,
Яхшига бел бул.

Ёмонга эл булгунча,
Яғир отга бел бул.

Ёмондан наф келса,
Кейинидан зарб келар.

Ёмоннинг ошига боргунча,
Яхшининг ишига бор.

Ёмоннинг ошнаси күп,
Жонига фойдаси йўқ.

Ёмоннинг тўрида булгунча,
Яхшининг гўрида бул.

Ёмоннинг тўрида ётгунча,
Яхшининг бусағасида ёт.

Ёмоннинг ўйини ёмон,
Буқанинг — бўйни.

Ёмоннинг ўғли булгунча,
Яхшининг қули бул.

Ёмоннинг хизматини қилгунча,
Яхшининг қурбони бул.

Ёмоннинг қўлига бергунча,
Яхшининг йўлига бер.

Ёшлигингда эксанг терак,
Улғайганда ўзингга керак.

Жағлиқка жағ бұлгунча,
Ақлликка күл бұл.

Жинчироқ остига ёнду бермас.

Иримчи ирим этар,
Ирими қириң кетар.

Итни ўлдирғаннинг ўзи күмар.

Ишлаганинг — менга,
Ұрганғанинг — ўзингга.

Йўқолиб топилған мол — ўлжа,
Оғриб сорайған жон — ўлжа.

Кабоб сели билан.

Карвон ўтар, изи қолар.

Касални майиз эмас,
Аччик дори тузатар.

Катта-катта галирғунча,
Катта бурда нон тишла.

Кекса қассоб тушига,
Тунда мингта қўй кирап.

Кенгашда кенглик кўп.

Кенгашли эл камимас.

Кетар кишига йўл яхши.

Киримига караб чиқими.

Кишини иш овутар,
Касални — дори.

Кулчали бола суюмли келар.

Кўз кўрадию, қош сезмас.

Кўлнинг отини балиғи чиқарап.



Күнгил учун кўз бер,
Яхшиларга сўз бер.

Кўп гап эшакка юк.

Кўп гапирган бозор,
Кўп юурган озар.

Кўп кўрганнинг куни ортиқ.

Кўп сўзлаган оз ўрганар.

Кўрга кеча-кундуз баробар.

Кўрганнинг кўзидан кетмас.

Кўрпа тўн бўлмас,
Ўйнаш эр бўлмас.

Кўчада кўп киши,
Ким билан кимнинг иши.

Лўлининг эшагини суғор, пулени ол.

Мараз бўлсанг ёнғоқ е,
Қусунға бўлсанг — қалампир.

Маъракада тенг бўлмаса, таракада тенг бўлар.

Мол аччиғи — жон аччиғи.

Мол семирса — фойда,
Одам семирса — зиён.

Моли йўқ деб эрдан кечма,
Чўпи йўқ деб — ердан.

Молни чўпон ташласа ҳам, эгаси ташламас.

Нари борсам, хўкиз ўлар,
Бери келсам, арава синар.

Нортую — туяларнинг нори,
Вакти келса, гармдори ҳам дори.

Обрўни излашдан иш кўрсатган афзал.

Оз бўлсин, соз бўлсин,
Бедана бўлсин, ёғ бўлсин.

Оз еганга бор даво,
Кўп еганга не даво.

Оз-оз еган мазадур,
Кўп-кўп еган озадур.

Ой ёруғи ўғрига ёқмас.

Оlam олма, одам ол.

Олағон қўлим — берағон.

Олган бир ёзуғлик,
Олдирган минг ёзуғлик.

Ортиқча давлат бош ёрмас.

Ортиқча мақтов — ишлашга ров.

Ота моли — болага уютки.

Ота-она дуоси,
Ўтга, сувга ботирмас.

Ота рози — худо рози.

Отадан олтов бўлгунча,
Онадан икков бўл.

Отанг қариса, қул олма,
Онанг қариса — чўри.

Отанинг дуосидан устознинг фахри яхши.

Отанинг очган йўли бор,
Онанинг бичган тўни бор.

Отасини оғритган
Эл ичидা хор бўлар,
Онасини оғритган
Парча нонга зор бўлар.

Оти чикмаган йигитдан тева яхши.

Охирини отангга берма.

Оч товуқ омборга юурагар.

Оксокдан — ҳазар, күрдан — офат.

Оғиз оғиздан ел олар.

Оғиз құлни танир.

Пул пулни топар,
Йүл йүлни топар.

Пул — құлнинг кири.

Пулинг бұлса, ер ол.

Пулни берсанг пуллига бер, пулинг қуймас.

Савдо күп ерда ғавғо күп.

Савдо — соқол сийпагунча.

Савдо ғавғосиз бұлмас.

Саломда бүшлик йүк,
Савдода — дүстлик.

Соврилган саёхатдан
Тұхматли жароҳат яхши.

Суюқ ош ичдим, қорним түк,
Үрнимдан турсам, ҳеч нарса йүк.

Сүз берган билан бұлма,
Бұз берган билан бұл.

Така бұлсін, сути бұлсін,
Күён бұлсін, эти бұлсін.

Тийин,
Тийиннинг иши қийин.

Тозининг ошнаси күп,
Бошига фойдаси йүк.

Түя ҳам совға,
Тугма ҳам совға.

Тұяда юқим йүк,
Йиқилса, ғамим йүк.

Тұнғиздан бир тук узган наф.

Уйқунинг ози ҳам чакса,
Күпи ҳам чакса.

Фойда билан зарар бир хуржиннинг күзида.

Фойдадан фойда чиқмаса,
Қора сигир қайда.

Фойданг курсин зарапига етмаган,
Тұянг курсин пиёдадан үтмаган.

Фойдаси йүк бойдан қоч,
Панаси йүк сойдан қоч.

Фойдаси йүк фариштадан
Ошно дев яхши.

Фойдасиз одамдан
Хизматкор эшак афзал.

Фойдасиз тулпордан той яхши,
Фойдасиз шунқордан — турумтой.

Хуроз ҳамма ерда бир хил қичқирап.

Чаманда — гул, отаси — пул.

Чиқадиган чиқмасдан,
Кирадиган кирмайди.

Ұлик арслондан тирик сичқон афзал.

Үрик еб оғригандан, олма еб үлган яхши.

Үтники — үтга, сувники — сувга,
Қолди қатиқнинг пули.

Үрига оташкурак ҳам мол.

Қамишдан чүр тушмас.

Қарз ол-да, хотин ол,

Карздор қарзин олар,
Хотин ёнингга колар.

Қассобга оқ қўй ҳам бир,
Қора қўй ҳам бир.

Қиз боққунча, қисир сигир бок.

Қиз ортиб кетар,
Ўғил — тортиб.

Қимордан келган қиморга кетар.

Қўй эгаси билан чўпоннинг саноғи тўғри келмас.

Қўлга олганнинг оғири йўқ.

Қўлинг билан берасан,
Оёфинг билан юрасан.

Ҳар зиён — бир панд.

Ҳар каллада минг хаёл.

Ҳар ким ўз уйига қараб тортар.

Ҳар чинордан бир япроқ.

МАЪСУЛИЯТ ВА МАЪСУЛИЯТСИЗЛИК

Бекор отнинг боши ўтлар,
Боғлиқ бўлса, яхши ўтлар.

Бекор ўтиргунча, бекор ишла.

Бепарво дўстдан ёғоч яхши.

Бир нафаслик мухаббат,
Бошга келтирад оғат.

Болага иш буюр,
Орқасидан ўзинг югар.

Бошлиқ бўлиш осон,
Бошламоқ қийин.

Боқ отингни арпа билан,
Боқар қази-қарта билан.

Бугун оёғинг тұртта бұлса,
Эртага тузли халта елкангда.

Бұлар-бұлмасға уринма,
Охирида суринма.

Дунёда бир күнгилчак үлар,
Бир — эринчак.

Дуторчи дуторчини күрса, құли қалтирап.

Дүстинг дүст бұлсін,
Хисобинг дуруст бұлсін.

Емакнинг кусмоги бор.

Енгил оёқ узокқа құшар,
Енгил бوش тузокқа тушар.

Етим юриб етилган үзар.

Интизомли лашкар енгилмас.

Йұли олис тиним билмас.

Катта бошнинг оғиғи ҳам катта.

Киссасида пули йўқ,
Кисавурдан ғами йўқ.

Киши тўни — кирчил,
Киши оти — терчил.

Кўз — тарози,
Кўнгил — қози.

Кўзи йўқнинг ўзи йўқ.

Кўнмасға кўп берсанг, кўнади.

Майдонга кирған манглайини қашир.

Мастлик — ростлик.



Мендан айб ўтмас,
Тилим тойиб кетмас.

Нарвонга чиксанг, шошмай чик,
Ўз хаддингдан ошмай чик.

Нотик маҳмадана бўлса,
Мажлиснинг бурди кетар.

Омонат иш овора қилар.

Омонат, омонатга қилма хиёнат.

Осилсанг, баланд дорга осил,
Йиқилсанг, майдонга йиқил.

Осон ерда ош қайда.

Осон ишнинг охи бор.

От минган олисни кўзлар.

Отни синаш осон,
Одамни синаш қийин.

Оқма қулоққа айтсанг, оқиб кетар,
Қўйма қулоққа айтсанг, қўйиб олар.

Оғиз — бир, қулок — икки,
Бир сўзлаб, тингла қирқ икки.

Ур, деганга зўр келмас,
Урганга зўр келар.

ТАҚДИР ВА ТАДБИР

Аёл деган палахмон тоши,
Каерга отса, шу ерга тушар.

Ажал етди,
Девона қабул қилди.

Ана гўр, мана гўр,
Ишонмасанг, бориб кур.

Асов отни така тұхтатар.

Асраган күзга чүп тушар.

Асраган құл синар.

Асрайман деса бало йүк,
Ұламан деса — даво.

Банданинг боши — оллонинг тоши.

Бетда юрган бүриман,
Насибамдан құраман.

Бешикдаги боланинг бек бүлишини ким билар.

Бир мих бир нағални,
Бир нағал бир отни тутар.

Бир күр — қийик,
Бир кар — қийик.

Бир тұлган бир сочилар.

Бой бүлмасим билибман,
Оч үлдирма, худойим.

Бугун бұлса ҳам шу үлим,
Эрта бұлса ҳам шу үлим.

Бұладиган ишнинг боши түри.

Бұркни ташлаб бүридан қутулиб бүлмас.

Дарёга от солмасдан аввал кечувини топ.

Елли кун йүрт,
Еғинли кун ёт.

Жумадан умидинг бұлса,
Пайшанбадан ҳаракат қил.

Замона келмай кириндан,
Фамингни е бурундан.

Ияси келса, биясини бер.

Йұлға чиқмоқ на ҳожат,
Йұл озигинг бүлмаса.

Кузнинг келишини ёзда белгила.

Кун қизарыб ботса, қизингни узат,
Тонг қизарыб отса, томингни тузат.

Кун ғамини сахар е,
Йил ғамини баҳор е.

Мен қиласан үттиз,
Тангрим қиласы түккиз.

Минора солған минора бүйи чукур қази.

Минсанг — эшак, солсанг — түшак.

Мол йирсанг, құнишини топ,
Ош есанг, идишини топ.

Мол молга етгунча,
Азроил жонга етар.

Морбозники мордан,
Дорбозники дордан.

Мурчинг күп бўлса, буламиққа сол.

Одам тузар, тақдир бузар.

Озмайман деган йигитни қоронғу тун оздирар.

Олисдан отилган сопқон
Тұғри мұлжалға тегар.

От олмай, охур тузат.

Отанғ мироб бўлса ҳам,
Ариқни тозалаб сув ич.

Отга минсанг, қамчи ол.

Отни боқсанг, от қиласан,
Ёвни қувсанг мот қиласан.

Отни ит қайтарар.

Оғриқ тишнинг давоси — омбир.

Пулингдан бир пулинг қолса, палов е,
Кунингдан бир кунинг қолса, хотин ол.

Сафарга отланма сафар халтасиз,
Зинҳор йўлга чиқма ярок-болтасиз.

Сафарга отлансанг, отга қозиқ ол,
Бир кунлик йўл учун йиллик озиқ ол.

Синалмаган соп қолмас,
Йиртилмаган қоп қолмас.

Синган кулолнинг кўзаси,
Тўкилган бўзагарнинг бўзаси.

Синмасни кулол ясамас,
Ўлмасни худо яратмас.

Сичқон тутишга қопқон зарур,
Душманни отишга — сопқон.

Сув кўзаси сувда синар.

Сувни боғлагунча, ариқ оч.

Тадбирга тақдир ҳайрон.

Тадбирнинг енги билан
Тақдирни яшириб бўлмас.

Тақдирли аёл — тадбирли аёл.

Тақдирнинг балоси кўп,
Сакласа паноси кўп.

Тақдирнинг ишини тадбир бузолмас,
Тадбирнинг ишини тақдир бузолмас.

Темир оловга тушса, тилни тушунади.

Тилни билиш — дилни билиш.

Тирик бандада тиним йўқ.

Тошга соч, толеингдан кўр.

Туёғи бутун тулпор йўқ,
Киёғи бутун шунқор йўқ.

Тулки қанча қочмасин, борар жойи —
Мўйнадўзнинг дўкони.

Турнани тузоқ билан тутиб бўлмас.

Тутуннинг аччирини мўри билар.

Тушибсан бу сўқмоққа,
Кўнарсан бу тўқмоққа.

Туя қочиб юқдан кутулмас.

Туя қувса, ўрга қоч,
Илон қувса — шудгорга.

Тўйлиниг тўйи ўтар,
Тўйсизнинг куни ўтар.

Тўкилмаган ким бор,
Сўкилмаган ким бор.

Узун арқон — кенг тузоқ.

Үйку келмасдан бурун ўрин сол.

Улов ўрнига таёқ.

Ҳийла билан арслон тутилар,
Куч билан сичқон тутилмас.

Эчки юзга етмас,
Юзга етса ҳам кузга етмас.

Эшакни юкка олиб кел,
Ёки юкни — эшакка.

Эшмачи эшиб олар,
Тешмачи — тешиб.

Яхши тушга ҳам садака,
Ёмон тушга ҳам садака.

Ўлигинг бўлса, ерга бер,
Қизинг бўлса — эрга.

Ўнгини ўнгла, сўнгини сўнгла.

Ўтмас умр бўлмас,
Синмас — темир.

Қилич энг сўнгги ҳийладир.

Кирқ йил қирғин бўлса,
Ажали етган ўлар.

Қистов бўлса, от ярайди,
Узок бўлса — хат.

Қичиганни қашиган енгар.

Қишда пўстин кийма, қази е.

Қозиқсиз от турмас.

Қор ёғди — из босилди.

Қочган ҳам худо дер, қувган ҳам.

Қуён қолқони билан арслонни овлаб бўлмас.

Қуртнинг давоси — қайноқ сув.

Қуш қўнмайдиган дараҳт бўлмас.

Ҳар ернинг тулкисини ўз тозиси билан овла.

Ҳар кимга — бир уй, бир гўр.

Ҳар оғрикнинг давоси бор,
Ҳар эмгакнинг чораси бор.

Ҳийла ҳам ўз ўрнида ботирлик.

Ҳўқизинг бўлмаса, ўзинг чоп,
Омочинг бўлмаса, кетмон топ.

ВАҚТ ВА ФУРСАТ ҚАДРИ

Аввал келган ҳұқиз
Сувнинг тозасини ичар.

Аввалги савдо — савдо,
Кейинги савдо — ғавро.

Барвақт қилингандың ҳаракат,
Ҳосилга берар баракат.

Баҳорги беғамлиқ — күзги пушмөнлик.

Баҳорги ҳаракат — күзги баракат.

Баҳорнинг бир куни йилга татир.

Баҳорнинг бир куни қишини боқар.

Бевакт қичқирған хўроздининг
Тожидан қон олинар.

Беш куним — хуш куним.

Бир кун бурун сочсанг,
Ҳафта бурун ўрасан.

Бозордан қолған бир кун қолар,
Экишдан қолған бир йил қолар.

Болта тушгунча, кунда дам олар.

Бугунги ишни эртага қўйма.

Бултур эди куйгани,
Энди келдингми сўргани.

Вақиллаган вақтни ўтказар,
Қўлидан нақдни кетказар.

Вақт ақчадур,
Фофил бўлма, қочадур.

Вақт кетди — баҳт кетди,
Тожи сари тахт кетди.

Вақт — омад.

Вақт тоғни емирап,
Сув тошни кемира.

Вақт ўтгандан кейин
Киличингни тошга чоп.

Вақт — ғанимат,
Ўтса — надомат.

Вақт — қози.

Вақтдан ютдинг — баҳтдан ютдинг.

Вақти етса, күш ҳам боласига уя қуар.

Вақти келса, фил сичқондан құрқар.

Вақтим бүшга кетди,
Эрим гүштга кетди.

Вақтинг бор — нақдинг бор.

Вақтинг кетди — баҳтинг кетди.

Вақтинг кетди — нақдинг кетди.

Вақтли ҳаракат — охири баракат.

Гап — күп, күмир — оз.

Гап — күп, умр — оз.

Дардингнинг вақти ўтса,
Табибдан ўпкалама.

Деҳқон бўлсанг, куз хайда,
Куз хайдамасант, юз хайда.

Ёзда ишламаган
Қишда кесак ер.

Ёзда ишламаган
Қишда тишламас.

Ёзда куюнган
Қишда суюнар.

Ёзда меҳнат қилсанг,
Кишда ейсан кишиш.
Ёзда меҳнат қилмасанг,
Кишда ейсан тиркиш.

Ёзда миянг қайнаса,
Кишда қозонинг қайнар.

Ёзда уй-жой қурмасанг,
Кишда балчиқ кечарсан.

Ёзда юз яма,
Кишда ғам ема.

Ёзни қўйиб, қиш дема,
Кишига яраша ишинг бор.

Ёшлигингда киймакка қизғанасан,
Қариганда киймакка уяласан.

Ёшлигингда одатлансанг,
Қариганда қўникасан.
Қариганда одатлансанг,
Қўникканча кўмиласан.

Ёқти борида ғамламасанг,
Қоронғида қармаларсан.

Ёқут билан вақт топилмас,
Вақт билан ёқут топилар.

Жўжани кузда санарлар.

Жўжа товуқ бўлгунча,
Калхат кўп келар.

Инсон умри — дарё суви.

Йўқолган олтин топилар,
Йўқолган вақт топилмас.

Кеч бошлаган кечикар.

Кечки экиннинг хатари кўп.

Кечнинг хазинасидан
Эртанинг насибаси яхши.

Муздан ўтсанг, олдин ўт,
Үйилгунча ўтарсан.

Нонни тандирнинг қизигида ёп.

Овчи кечикса, анг кетар.

Олдин отланган манзилга олдин борар.

Отиңг борида йүл тани,
Эсинг борида эл тани.

Ош кутса ҳам, иш кутмас.

Оқсок қўй тушдан кейин маърайди.

Оғам — олгунча,
Янгам — егуンча.

Сайил ўтгандан кейин
Хинани кетингга қўй.

Темирни қизигида бос.

Умр — ариқдан оққан сув.

Умр темир бўлса ҳам, бир кун эрийди.

Умр — ўткинчи меҳмон.

Уч кун барвақт турган бир кун ютар.

Чиройинг борида чинорингни топ.

Экинни эрта йиккан хирмон қиласар,
Кеч қолган армон қиласар.

Экинни эрта эккан,
Хосилни эрта ўрасар.

Эрта турган иш битиравар,
Кеч турган кўп туртинар.

Эрта турган ҳоримас.

Эртага ош қолса — давлат,
Иш қолса — меҳнат.



Эртаги савдонинг даҳсар оғирлиги бор.

Эрталабки вақт — нақдгина баҳт.

Эрталабки иш,
Кўнгилни қиласар хуш.

Ўтган вақт йўқолган олтиндан қиммат.

Ўтган кун топилмас,
Келар кун сотилмас.

Ўтган умр — отилган ўқ.

Қирқида танбур олган
Ўлгандада чалар.

Қолган ишга қор ёғар.

Курбақа ҳам вақти билан вакиллар.

Ҳар бир ишнинг вақти бор,
Вақт билганинг баҳти ёр.

Ҳар мева ўз вақтида пишар.

Ҳар нарса ўз вақтида ярашар.

ИМКОН ВА ИМКОНСИЗЛИК

Балиқнинг тириклиги сув билан,
Одамнинг тириклиги одам билан.

Балиқнинг ҳам саккиз қаноти бор.

Бекорга зўр берма, белинг синар.

Бозорнинг қопқаси йўқ,
Овулнинг — эшаги.

Бол сотган бармогини ялар.

Бор — борича, йўқ — ҳолича.

Бор бўлса — кабоб,
Йўқ бўлса — жавоб.

Борида — кулдиинг-кулдиинг,
Йўғида қараб ўтириңг.

Борида — пора-пора,
Йўғида — банда бечора.

Борида — тиқа-тиқа,
Йўғида — сиқа-сиқа.

Борида — чилик-чилик.
Йўғида — қурукчилик.

Борида — Хотам
Йўғида — мотам.

Борингга қараб бозор қил.

Борни йўқ деб бўлмас,
Йўқни йўниб бўлмас.

Борнинг қозони — биқир-биқир,
Йўқнинг қозони — тиқир-тиқир.

Бўш қудук шудринг билан тўлмас.

Гадо дон топса, тўрва топмас.

Дарахт соп бермаса,
Болта кесолмас.

Дарахт томиридан сув ичар.

Дарди борнинг дармони йўқ.

Девоначиликка ҳам қирқ танга дастмоя керак.

Дунёни сув босса,
Ўрдакка не ғам.

Ем бериб бокқан отга,
Қамчининг кераги йўқ.

Ёр ёрдан хароб,
Ёр мендан хароб.

Жон бўлса, жаҳон топилар.

Жон бўлса, жонон топилар.

Жони борнинг дами бор.

Икковга битта иштон,
Қандай чиқамиз кишдан.

Иши йўқ ит суборар,
Оши йўқ рўза тутар.

Йиртиқ қопда турмайди,
Бутун копга сиғмайди.

Йўл кўрмаган йўлда озар,
Кун кўрмаган кунда озар.

Йўқлик нима едирмас,
Тўқлик нима дедирмас.

Калта ип қурловга етмас.

Кепак еган ит югуруқ бўлмас.

Керагингни кунда йиғ.

Коса берсанг тўла бер
Нимкосангдан безорман.

Косов узун бўлса, қўл куймас.

Кузнинг қозони қуюқ қайнар.

Кўхнаси йўқнинг тозаси йўқ.

Молга берсанг соз емиш,
Боқар сени ёзу қиш.

Молинг семиз — давлатинг эгиз.

Молли одам — мойли одам.

Муллажиринг жирингламаса,
Одам дирингламас.

Нари ёт-бери ёт — тўшак торлиги.

Нон мўллиги — эл тўқлиги.

Оёқда этигинг тор бўлса,
Дунё кенглигидан не фойда.

Оз билганнинг чаласи кўп.

Оздан — оз, кўпдан — кўп.

Озиқланган ер,
Тўйдираман дер.

Озғин отнинг озиги кам.

От ориқликда кўримсиз,
Қиз — етимликда.

От тўрвадан қарииди.

От ўлса, ит кутурар,
Эшак ўлса — бўри.

Отни ем билан ҳайда.

Оч уйда қатик уюмас.

Оч қоринда нон турмас.

Ошиқ ўйнаган — арzonчилик,
Тўник ўйнаган — тўқчилик.

Палахмон тош тушган ерида оғир.

Пичоқ қанча ўткир бўлса ҳам,
Ўз сопини кесолмас.

Пиширгани топилса,
Оширгани топилар.

Пул бўлса, чангальда шўрва.

Пул тилни бийрон, дастни дароз қилар.

Пули борлар — йўрға-йўрға,
Пул йўқлар — зўрға-зўрға.

Пули борнинг йўли ўнг.

Пули борнинг оғзи ўйнар,
Пули йўқнинг кўзи ўйнар.

Пулим,
Пулим бўлса, кимлар бўлмайди қулим.

Пулинг бўлса, ҳамма қулинг,
Тоғу тош ҳам берар йўлинг.

Пуллик битар, пулсиз йитар.

Пуллик — ботир, пулсиз — ётири.

Пулликка — кабоб, бепулга — дарди кабоб.

Пулнинг бир учи билакда,
Бир учи — юракда.

Пулсиз бозорга боргунча,
Кафансиз мозорга бор.

Саксон бия, саккиз түя —
Сепли қизнинг қалини.

Сарт бойиса, том ёпар,
Оша бойиса, очиб ёпар.

Сағирга саккиз кун ҳайит.

Саҳрода бўлгунча шаҳарда бўл,
Шаҳарда бўлмасанг, бадарға бўл.

Семиз ориклагунча, ориқ ӯлар.

Семизнинг оёғи саккиз.

Синган қўл ишлар,
Дардли юрак ишламас.

Сифинганингдан суюнганинг кучли бўлсин.

Сояни чопиб ўқотиб бўлмас.

Сув йўғида таяммум.

Сув тиласанг, Сулаймондан тила.

Сувга солсанг, сув құттармас мисқол темирни,
Олтин билан олиб бұлмас қолган күнгилни.

Сувга томган ёғ ботмас.

Сувдаги кеманинг изи билинmas.

Сувсиз ер — етим,
Молсиз эр — етим.

Сувсиз ер — мозор,
Сувли ер — гулзор.

Сұраган бир қизарар,
Бермаган икки қизарар.

Таом топилғандა, еган яхши,
Кафан топилғанда, үлган яхши.

Тегирмоннинг айланиши юкига боғлиқ.

Тегирмончидан бир бұп.

Текин кафан топилса, үлмоқ керак.

Темир таққан термулмас.

Тешик қулоқ әшитмай қолмас.

Тирсакни тишлиаб бұлмас.

Тишинг борида тишлиаб қол,
Кучинг борида ишлиаб қол.

Той от бұлса, от озод бұлар.

Той от бұлса, от тинар,
Үғил эр етса — ота.

Томчи сувда тол күкарап.

Топган ботар, қувган етар.

Топган гул келтирап,
Топмаган — бир бөг пиёз.

Топган — ниёз, топмаган — пиёз.

Топган қүй келтирап,
Топмаган — жұжахұroz.

Топилмаган мол тоғ бошида.

Тор ерга тана боши сиғмас.

Тор ерда ош егандан,
Кенг ерда мушт е.

Тор жойда — томоша.

Тор күчага қүш сурнай.

Тошни сиққан билан сув чиқмас.

Тұманда бургани санаб бұлмас.

Тұнсиз кун йүк, тоғсиз — лола.

Тутун ҳам үтіндан чиқар.

Туя мингтан қүй орасига яширинолмас.

Туя чүкса, жой олар.

Тұрғай семириб ботмон бұлмас.

Тұқлик ишрат қидирап,
Очлик ұлан дедирап.

Тұқлик нималар дедирмас,
Очлик нималар едирмас.

Тұқлик сүқиширап,
Очлик сүқиширап.

Тұқлик шұхлик келтирап.

Тұқлика — шұхлик,
Йұқлика — суклик.

У ёғим буғдой, бу ёғим буғдой,
Қаерга сепаман, худой.

Учган қүшни қайтариб бұлмас.

Фатво ҳам пулингга яраша берилар.



Фақир киши панада,
Пустини сомонхонада.

Факир киши панада,
Күтир эчки далада.

Фақир пиёда юрар,
Бой — тұяды.

Факирники — панада.

Халқ пулласа. буран булар.

Халқ қарғаса, ҳар бұласан,
Халқ құлласа, бор бұласан.

Хирмон янчиш саъванинг иши эмас.

Хон қошида қоранг бұлса,
Қора кеманг қирда юрар.

Хос хосни топар,
Сув пастни топар.

Хотин олмокқа чұт керак,
Ботмон-даҳсар эт керак.

Чангал ҳам уз жойида гуриллар.

Чанқоқни томчи билан қондириб бұлмас.

Челак тешик бұлса ҳам,
Сув сепишга ярап.

Чирок ёруғи уйға тушар.

Чой түкилиб, сой бүлмас,
Юлдуз йиғилиб, ой бүлмас.

Чумолининг соваси — чигиртканинг оёри.

Чумчук семириб ботмон бўлмас,
Теша ўсиб кетмон бўлмас.

Чүпни чайнаган билан мойи чиқмас.

Чупон одам гүштга келмас.

Чүр түкилса, күри қолар.

Шамол кемадагиларнинг хохишига қараб эсмас.

Шериклик товуқдан тухум яхши.

Шур ерда сунбул ўнмас.

Шур сувда совун кўпирмас.

Эл оғзига элак тутиб бўлмас.

Эл оғзини ёпмоққа эллик қарич буз керак.

Эл оғзини йиртиб бўлмас,
Челак оғзини буриб бўлмас.

Элда бори — сенда бори.

Элда бўлса — элаги.

Элингда бўлса, эт ейсан.

Элингдаги — белингдаги.

Элли ерда элак бор.

Элнинг этаги кенг.

Элнинг қулоги элликта.

Эски пахта буз бўлмас.

Эски чопоннинг иссири йўқ.

Этакни кессанг, енг бўлмас.

Эчки югуриб кийик бўлмас.

Эшак минган от сўрамас,
Балиқ еган эт сўрамас.

Эшакни урган билан от бўлмас.

Эшикдан киролмаган тирқишдан қарап.



Юз қопни боғлаб бўлар,
Юз оғизни боғлаб бўлмас.

Юздаги яра ямоғини яшириш қийин.

Юмрук букилиб санг бўлмас,
Эчки югуриб ланг бўлмас.

Янги кўза суви совук,
Эски кўза бўйни синик.

Янги супурги тоза супурар.

Яхши дам — меҳнатга ҳамдам.

Ўзига енг бўлмаган,
Ўзгага бўй бўлмас.

Ўзига ёл бўлмаган,
Бировга қўйруқ бўлолмас.

Ўтни ёш билан ўчириб бўлмас.

Қантарилган от қозиқ атрофига айланар.

Қарз олмоқ осон, бермоқ қийин.

Қаторда норинг бўлса,
Юкинг ерда қолмайди.

Қиз деса, қизиқасан,
Ҳай-ҳай унинг қалини.

Қирғиз халқи — мол билан,
Ўзбек халқи — боғ билан.

Коғ тогини қодир билар.

Кофия тор келса, хонақоҳ танг.

Куроли йўқ жанг қилмас.

Куш қаноти билан.

Кўй бир терининг ичидаги
Нечада озиб, неча семирар.

Күл билан қиласар ишни
Тил билан қилиб бўлмас.

Күл билан қуш тутилмас.

Ҳамроҳингга бокма, ҳамёнингга боқ.

Ҳар ким борича полвон.

Ҳар ким ўз аравасини ўзи тортар.

Ҳар кимнинг эшаги ўзига от кўринар.

Ҳоли етмаган бўйрасида қолар.

ФАРОВОНЛИК ВА ЕТИШМОВЧИЛИК

Акангда бўлса, сўрайсан,
Үйингда бўлса, ялайсан.

Арпа еган от ўйнар,
Макка еган тот ўйнар.

Ариқ тўймаса, балиқ тўймас.

Балиғи йўқ кули қурсин,
Кийиги йўқ чўли қурсин.

Бермаса ҳам, бой — яхши,
Емасанг ҳам, мой — яхши.

Бир тариқдан бўтқа бўлмас.

Бир товукқа ҳам дон керак, ҳам сув.

Бир қишига қуён чорири ҳам чидар.

Бирдан икки яхши,
Иккидан уч яхши.

Бозорда бирор бахтини сотар,
Бирор — раҳтини.

Бой бўлиб болтаси йўқ,
Гадой бўлиб — халтаси.

Бор — бакирап,
Йүк — чақирап.

Бор белгиси ош билан.

Бор — билимтой,
Йүк — хоримтой.

Бор боласига етти ош берар.

Бор бор, деса — топилар,
Йүк бор, деса — чопилар.

Бор мақтанса, ярашар,
Йүк мақтанса, адашар.

Бор — сүйилар,
Йүк — үйилар.

Бор яраштиради,
Йүк талаштиради.

Бор үхшатар,
Йүк қақшатар.

Бор кариндош — қариндош,
Йүк кариндош — зиёндош.

Борлик юмуш келтирап,
Йүклик — уруш.

Борлик яраштирап,
Йүклик қараштирап.

Борнинг боласи мол деб турар,
Йүкнинг боласи — нон.

Борнинг бор дегани — ботмон.

Борнинг боши оғрир,
Йүкнинг — қорни.

Борнинг оласи кўп,
Йүкнинг — бераси.

Ботқоқнинг кенглиги курбакага яхши.

Бухорода моли борнинг кўнгли тўқ.

Бўри бўлсин, тўқ бўлсин.

Гадо тўйди — қайқайди.

Гапнинг калтаси,
Арқоннинг узуни яхши.

Дон тўқис — чорва тўқис,
Чорва тўқис — эл-юрт тўқис.

Дунёнинг иши — мири кам икки.

Ер тўйгани — эл тўйгани.

Ёр е, яланғоч ёт.

Зўрайганга худо берар,
Сўм темирга — болға.

Игна билан қудук қазиб бўлмас.

Игна ўз тешигини тиколмас.

Игна ўтган жойдан ип ҳам ўтар.

Игнанинг ишини найза қилолмас.

Игнанинг чизири бор,
Илнинг — узуғи.

Ийирли ерда от ўлмас.

Ит ҳам ўз кўчасида ўзини шер билар.

Йиғламоқни мозор бошида кўр.

Йўқни йўндириб бўлмас,
Кушни — кўндириб.

Йўқчилик мард қўлинин боғлар.

Йўқчилик тошдан қаттиқ, гўнгдан сассик.

Йўқка югрук етолмас.

Йўрон чўзилар,
Ингичка узилар.

Йўронни йўниб е,
Ингичкани чўзиб е.

Кичик калит катта уйни очар.

Кўзинг борида кўриб қол,
Оёинг борида юриб қол.

Кўрпангга қараб оёқ узат.

Лойдан ҳолва ажратиб бўлмас.

Мактанишга мусофиричилик яхши.

Мой айниса, туз солар,
Туз айниса, не солар.

Моллининг моли үлар,
Молсизнинг неси үлар.

Мусофирига қиз берма,
Шахри — икки, кўнгли — икки.

Мушук йўғида сичқон тепага чиқар.

Мушукка қанот битса,
Сичқон зоти қурийди.

Овчига гўшт қаҳат эмас,
Үғрига — мол.

Оёғи катта топганини кияр,
Оёғи кичик — истаганини.

Оз йиртиққа ямоқ бўлмас,
Тешикка — тиқин.

Озган от арғумоқ бўлмас.

Олдингда етакчинг бўлсин,
Орқангда — таянчинг.

Олма тагидан йироққа тушмас.



Осмон — йирок, ер — қаттиқ.

От битди — қанот битди.

От бүлса, майдон топилар,
От бүлмаса, майдон чопилар.

От бўлмасанг, нима қиласан кишинаб,
Эшак бўлмасанг, нима қиласан ҳанграб.

От — сағридан, қүй — бағридан.

От топгунча, эшак мин.

От топилгунча, оёқ ҳам үлов.

Оти бор — ботир,
Оти йүк — ётири.

Оти борнинг қаноти бор,
Моли борнинг — баҳти.

Отликә яёв етолмас,
Икковга бирор ботолмас.

Оч урушқоқ келар.

Оч отасини билмас, тук туғралған этни емас.

Оқлик бор жойда оғриқ бұлмас.

Оқлик бұлса, очлик үйк.

Оғриқ жойини топса,
Олти ой қишлиар.

Оғриқ күпайса, эмчи күпаяр.

Сенда бүлса, элга ўтар,
Элда бүлса — сенга.

Сигир йүғида эчки ҳам сигир.

Темирчидан күмір сұрама.

Тиланганинг турваси тўлмас.

Түшлик умринг булса, чошлик ҳаракат қил.

Тўкиннинг дўпписи кам.

Тўқ ёмон эмас, йўқ ёмон.

Уйга уй бўйи уйсанг ҳам оз.

Уйдагилар етмас эди,
Туйнукдан тушди кар бало.

Уйдагилар озмиди,
Озмон эшикдан келди.

Уйинг капа бўлсин,
Нонинг катта бўлсин.

Умрим умр бўлди,
Соқолим кўмир бўлди.

Унида бўлса, урвогига татир.

Уруғингда бўлса, урпоғингга татир.

Факир бўлсанг, баҳмал кий.

Холамнинг ошини ширин қилган
Поччамнинг гўшти.

Шўрванинг бети — ошнинг кети.

Эгачили қизга тўй қайдা,
Эчкили қўйга сув қайдা.

Эгачим эрга тегди,
Эскиси менга тегди.

Эл тўқ — сен тўқ.

Эл улоги — эллик.

Элдан томгани — ёмғир ёққани.

Эрда бўлса, йўрғалайди хотин,
Эрда бўлмаса, нима қиласди хотин.

Эт бўлмаса — шўрва.

Эт кўрмаганга ўпка тансик.

Яланғоч етолған кун эсдан чиқар,
Оч түйгөн кун эсдан чиқар.

Ўзбекка ош яхши,
Козокқа — гүшт.

Ўзингда бўлса, кунда ерсан,
Кишида бўлса — бир кунда.

Ўзингда бўлса, ошайсан,
Кўшнингда бўлса, тилайсан.

Ўзингда йўқ — оламда йўқ.

Ўн ойлик ўздирап,
Тўқиз ойлик тўйдирап.

Ўтнинг қуюғи — сувнинг тинифи.

Ўқариқда сув семиз.

Қанотсиз күш учмас,
Сувсиз тегирмон юрмас.

Қарз этма бирордан,
Кутилмайсан ингрордан.

Қозонда бўлса, чўмичга чиқар.

Қора қозон қайнаб турса,
Қизилўнгач куйиб қолмас.

Қорни тўқнинг қайғуси йўқ.

Қоққани қозиги йўқ,
Егани — озиғи.

Қул бўлсин, кулочи ёғлиқ бўлсин.

Қул эринг бўлсин,
Қўймоқ — емишинг.

Қўй бўлмаса, кий бўлмас.

Қўлдан берганга қүш тўймас.

Қўрада кўрсам, қўнглим тўқ.

Ҳалолдан товури йўқ,
Ҳаромдан — кучуги.

Ҳамёнга бок, ногара қоқ.

Ҳамма чой — бир ёқ,
Шамма чой — бир ёқ.

Ҳар идиш ўз ичидагини тўкар.

Ҳар супрадан бир кулча.

Ҳар супранинг нони бошқа.

Ҳар тўқисда — бир айб.

ЭҲТИЁТКОРЛИК ВА ЭҲТИЁТСИЗЛИК

Авайлаб сўзла сўзингни,
Деворнинг ҳам қулоғи бор.

Авайлаб учмаган қуш
Қанотидан айрилар.

Аввал отингни тақала,
Кейин йўл танла.

Аёлнинг нозидан қўрқ,
Аҳмоқнинг — сўзидан.

Айиқни йўқласанг, таёқ ол.

Айтган жойнинг завқи бор,
Айтмаган жойнинг — хавфи.

Айтган сўзни ютиб бўлмас.

Айтилмаган сир — дилингнинг сири.
Айтган сўнг сен — сирнинг асири.

Айтилган сўз — отилган ўқ.

Айтилмаган сўзни айттириб бўлар,
Айтилган сўзни қайтариб бўлмас.

Айтмас ерда оғзингни тий,
Мехмонга боргандা — нафсингни.

Араб бор ерга қараб бор.

Арпа пишар, ишинг тушар.

Асраган тўқлини бури емас.

Аччик келса, ақл кетар,
Ақл келса — аччик.

Аччик ўйин ширин турмушни бузар.

Бало кўзга кўринмас,
Хато қўлга илинмас.

Бало на ерда — оёқнинг остида.

Бало тегмаса, балода не ишинг бор.

Бало хавфидан балонинг ўзи яхши.

Балодан авлиё ҳам қочар.

Беришда бир сана,
Олганда — икки.

Билак бир, бармок бошқа.

Билгандан билмаганинг кўп,
Кўргандан — кўрмаганинг.

Билганинг — бир тўққиз,
Билмаганинг — тўқсон тўққиз.

Билганинг дарё бўлса,
Билмаганинг — денгиз.

Бир алдансанг, юз алданасан.

Бир кўрдан кўрк,
Бир — кардан.

Бир очга тегма,
Бир — яланғочга.

Бир оғиздан бол ҳам томар, заҳар ҳам.

Бир сават тухумга бир тепки кифоя.

Бир чарчаганга тегма,
Бир — оч қолганга.

Бир юзингни урушга қўй,
Бир юзингни — ярашга.

Бир янги уйлангандан қўрк,
Бир — янги бойигандан.

Бир ўлганга тегма,
Бир — куйганга.

Бировнинг айбини сенга айтган,
Сенинг айбингни ҳам бировга айтар.

Бияни ишлатсанг, қулундан айриласан.

Бозор кўрган эчкидан қўрк.

Бол тотли деб бармоғингни чайнама.

Болани бола дема, панд ейсан.

Боласини мақтаган онадан қўрк.

Босар изинг кўриб бос,
Орқа-олдинг билиб бос.

Бош бошлар, оёқ ташлар.

Бош яраси тузалса ҳам,
Дил яраси тузалмас.

Бошга бало тошдан келар.

Бука шохидан илинар,
Одам — тилидан.

Бўйдокнинг акли — икки кўзида.

Бўри йўқ дема, бўрк остида,
Ёв йўқ дема, жар остида.



Бүрини түк дема,
Душманни йўқ дема.

Васиқанг куйди — ҳаққинг куйди.

Воввулаган ит қопмас,
Хиппакисидан қўрк.

Гап бир айтилади,
Қилич бир чопилади.

Гап бузов эмизар,
Бузов калтак егизар.

Гапирганда ўйлаб гапир,
Юзинг шувит бўлмасин.

Гуппинг қалин бўлса ҳам, қишдан қўрк,
Дўппинг қалин бўлса ҳам муштдан қўрк.

Гўшт суяксиз бўлмас,
Шоли — курмаксиз.

Дард келару дард кетар,
Жон қадрини англатар.

Дарди йўқнинг олдида
Бошим оғриди дема.

Дардсиз бошингни дардга солма.

Дашт бўрисиз бўлмас,
Эл — ўғрисиз.

Девона ҳам хуржунини бир марта йўқотар.

Девор шоҳид сўзингга,
Эҳтиёт бўл ўзингга.

Деворнинг кўзи бор,
Сархолнинг — қулоги.

Деворнинг орқасида киши бор.

Деворнинг сичқони бор,
Сичқоннинг қулоги бор.

Дилнинг калити — тил.

Душманинг битта бўлса ҳам эҳтиёт бўл.

Душманинг куя бўлса ҳам, тую бил.

Душманинг мур бўлса,
Мордек ҳазар қил.

Душманинг сичконча бўлса ҳам,
Кучинг арслонча бўлсин.

Душманинг учта бўлса,
Иккитаси билан дуст тутин.
Душманинг иккита бўлса,
Биттаси билан дўст тутин.

Душманинга кимхоб кийгиз,
Дўстингга — алак.

Душманинга шакар бериб жонини ол.

Душманни кучсиз дема,
Кучим кўп учсиз дема.

Душманинг бири ҳам хатар.

Душманинг совғасидан қўрк,
Муғамбирнинг — навҳасидан.

Дўстинг ҳам — тил,
Душманинг ҳам — тил.

Дўстингга дўст бўл,
Душманинга — зийрак.

Дўстингга ҳазил қилма,
Оқибати урушдир.
Душманингнинг мақсади
Аҳволингга кулишдир.

Дўстингни дўст билма,
Дўстингнинг ҳам дўсти бор.

Дўстнинг кўзи айб кўрмас.



Ел иши — совурмок,
Олов иши — қовурмок.

Ердан топсанг санаб ол,
Дүст қилсанг — синаб.

Ерни тепма жони бор,
Уриб турган қони бор.

Еттининг бири — айёр.

Еттининг бири — Хизир.

Ёв ёқадан олар,
Ит — этакдан.

Ёв кетса хам, киличинги занглатма.

Ёв сирини ёв билмас.

Ёвга жонингни берсанг хам, сирингни берма.

Ёвга сўзинг чин айтма,
Чин айтсанг хам, сир айтма.

Ёйилган гап йигилмас.

Ёмон кунда ётиб тин.

Ёмоннинг совунида кир ювма.

Ёндашмагин ёмонга,
Рангинг ўхшар сомонга.

Ётган илонга тегма.

Ётган илоннинг қўйруғини босма.

Ёшингни ошир,
Давлатингни яшир.

Иzzат тиласанг, кўп дема,
Сихат тиласанг, кўп ема.

Икков олдида билиб айт,
Учов олдида ўйлаб айт.

Илондан қўрқкан ола чилвиранд ҳатламас.

Илонни қўйинда сақлаб бўлмас.

Илоннинг боласи — илон,
Чаённинг боласи — чаён.

Илоннинг заҳри чиқар,
Тилнинг заҳари чиқмас.

Илоннинг заҳри ёмон,
Золимнинг қаҳри ёмон.

Илоннинг сўймас ўти
Инининг оғзида битар.

Илоннинг усти зар,
Ичи — заҳар.

Индамасанг, уйдай балодан кутуласан.

Индамасдан иш чиқар.

Ит қопмас,
От тепмас дема.

Ич сирингни отангга ҳам айтма.

Ичи қалтироқдан кўрк,
Сирти ялтироқдан кўрк.

Ичинг оғриса, қараб е.

Ишонмагин дўстингга,
Сомон тиқар пўстингга.

Йиғинга кирганда тилингни тий,
У ёрини үзинг биласан.

Йўлда қўшилган — дўст бўлмас.

Йўли бошқага юкингни қушма.

Йўғинг топилгунча, борингни йўқотма.

Карнайчидан ошнанг бўлса,
Кулоғингга пахта тиқ.

Касалингдан илгари кафан тайёрла.



Каттага тегма — йиғларсан,
Кичикка тегма — уяларсан.

Кафил бўлгунча, кафтиң билан чўғ ушла.

Кафил бўлган кафансиз кетар.

Келинингни қарғама, ўғлингга тегар,
Куёвингни қарғама, қизингга тегар.

Кийимни янгилигидан сақла.
Обрўни — ёшлиқдан.

Кирма санамнинг уйига,
Санам солар ўз куйига.

Кичкина юкка туя тиз чўкар.

Киши оласи ичида,
Йилқи оласи ташида.

Киши йўқ деб сўзлама,
Оғзинг ёмон ўрганар.
Уй овлоқ деб сўзлама,
Ёмон одам ўрганар.

Косибнинг ёнидан бир қулоч нари ўтири.

Кўзинг оғриса, қўлингни тий,
Тишинг оғриса — тилингни.

Кўкка тупурма, юзингга тушар,
Нотўғри гапирма, бошингга тушар.

Кўнгилнинг қолиши — шишанинг синиши.

Кўнглинг билан эшиит, қулоқ алдайди,
Ақлинг билан кўр, кўз алдайди.

Кўп ёмғир ерни бузар,
Кўп гап элни бузар.

Кўпга кесак отма, кўмувсиз қоласан.

Кўр ҳассасини бир марта йўқотади.

Кўрга тутқазма,
Карга эшиитирма.

Күрдим деган — күп сүз,
Күрмадим деган — бир сүз.

Күрдим дедим, тутилдим,
Күрмадим дедим, кутулдим.

Кузги совуқдан кун бўйи қоч.

Кулдан том ёпма.

Кулиб боқкан одамдан кўрқ,
Очилиб ёқкан — ҳаводан.

Кулма қўшнингга,
Қайтиб келар бошингга.

Кун кўраман десанг, эрта тур.

Куннинг кўзи бор,
Туннинг — қулоғи.

Кучим бор деб кучанма,
Кучсиз сени қул этар.

Кўз дарди кўринар,
Кўнгил дарди кўринмас.

Кўз — нур уяси,
Кўнгил — сир уяси.

Кўза кунда синмайди,
Кунида синар.

Кўрингани дўст билма.

Куриниб бало келмайди,
Балонинг бари тилингдан.

Кўринмас бало — оёқ остида.

Кўрмаган ернинг чуқури кўп.

Кўсани уйга киргазма,
Тагини ерга тегизма.

Майиз есанг, чўпи бор,
Олхўри есанг, думи бор.

Мактанма ғоз,
Хунаринг оз.

Мевасини десанг, гулинни аспа.

Мен қиласман икки,
Келиним қиласди етти.

Мол олсанг, таниб ол,
Танимасанг, тарғил ол.

Мол ўғрисидан қўрқма,
Сўз ўғрисидан қўрқ.

Мунгли ишинг бўлмаса,
Буғли ошинг ташлама.

Ноннинг икки кунлигини е,
Гўштнинг — бир кунлигини.

Обрў мисқоллаб келар,
Қадоқлаб кетар.

Обрўли обрўидан кўрқар,
Беобрў нимадан кўрқар.

Одам оғзидан,
Мол бўғзидан осилар.

Одам тилидан топар,
Хайвон мўғизидан.

Одам шайтони — одам.

Оёғидан кулаган туради,
Оғзидан кулаган турмайди.

Ойда доғ бўлса-бўлсин,
Кишида доғ бўлмасин.

Олдингга бир қарасанг,
Орқангга ўн қара.

Олманинг қизилига ишонма,
Душманнинг — дўстлигига.

Олов билан ўйнашсанг,
Оқибати куярсан.

Олов — тилсиз ёв.

Оловнинг тиши йўк,
Хўл-қуруқ билан иши йўк.

Орачига олти мушт.

Осмонга отган тошинг,
Кайтиб тушиб ёпар бошинг.

От ҳам берма,
Оtingни ҳам кўрсатма.

Ота душмани дўст бўлмас.

Отанг қози бўлса ҳам, гуноҳкор бўлма.

Отган ўқни қайтариб бўлмас.

Оtingни аясанг, йўлга қараб юр.

Оtingни яхши кўрсанг, айилини маҳкам торт.

Офат кўрмай десанг, ҳушёр бўл.

Очиқ қозонга ит тегар.

Очни ишлатма,
Тўкни қимирлатма.

Очнинг аччиғи ёмон.

Ош ҳам қарз, тош ҳам.

Ошиқнинг кўзи кўр.

Ошкора дўқдан қўрқма,
Яширин тўхматдан қўрк.

Оқ итнинг кетидан оқсоқ ит.

Оғзингни очгунча, қўзингни оч.

Оғзингни эшитиб юр,
Нима деганингни биласан.



Оғиз — айғоқ, тил — тойғоқ.

Оғиздан чиққан гапнинг ҳазили йўқ.

Оғизликка олдирма,
Оёқликка тептирма.

Паст кўчадан пиёда ўтма.

Писмиқ, телба фарқ қилар,
Тинч оққан сув фарқ қилар.

Пичоқни аввал ўзингга ур,
Оғримаса бирорга ур.

Пойдеворнинг тагини ишла.

Пушаймон — сўнгги душман.

Расамадинг ёнингда бўлса,
Отинг йўлда қолмас.

Санамай саккиз дема,
Ўйламай — ўттиз.

Сар берсанг бер, сир берма.

Сафар борсанг, сарисин сина,
Сарисин синамасанг, барисин сина.

Сафарга чиқсанг, билиб чик,
Йўл тўнингни кийиб чик.

Сақланган соғ,
Сақланмаганинг юраги доғ.

Сақланганга бало йўқ,
Сақланмаганга даво йўқ.

Сақланмаган алп жардан қулар.

Севиб олмасанг ҳам, синаб ол.

Секин ёққан ёмғирдан қўрқ,
Кулиб бокқан — ҳокимдан.

Сен бирорни хўрлама,
Сени ҳам хўрловчилар бор.

Сен бүрини аясанг,
Бүри сени талар.

Сен синамасанг, у синар.

Синаган йўлингдан қолма,
Синамаган йўлингга борма.

Синалмаган фариштадан
Синалган шайтон яхши.

Синамаган дўстингга сир айтма.

Синалмаган отнинг сиртидан ўтма.

Синамаса, эр алданур,
Сакланмаса — эл.

Синамасдан ёр қилма,

Сипохидан ошнанг бўлса,
Ёнингда ойболтанг бўлсин.

Сипохининг боши кўприк бўлса ҳам, босиб ўтма.

Сипохининг тўйига борма,
Аҳмоқнинг — уйига.

Сир берувчи бўлма,
Сир оловчи бўл.

Сир бой бердинг — бош бой бердинг.

Сир учини сўз очар,
Сир очгандан эл қочар.

Сирни айтма дўстингга,
Сомон тикар пўстингга.

Сирни сукут сақлар.

Сиртинг синса ҳам, сирингни берма.

Сиртлон сирини бермас.

Сув келмай, банд ташла.

Сувга суюнма, ёвга сифинма.

Сувдан бурун бүрот сол.

Сувдан илгари — түғон,
Балодан илгари — садақа.

Сувнинг секин оққанидан күрк,
Одамнинг ерга боққанидан күрк.

Сузагон сигирга яқинлашма,

Сутдан оғзи куйган, қатиқни пулаб ичар.

Тангри асраган түқлини бүри емас.

Тандир олсанг, қоқиб ол,
Хотин олсанг, бокиб ол.

Темирнинг кичиги ҳам — темир,
Сирнинг кичиги ҳам — сир.

Тепмас от йўқ,
Копмас ит йўқ.

Тешик кўприқдан эшак ўтмас.

Тикан босган қадамини билиб ташлар.

Тиканнинг кўзи бор,
Деворнинг қулоғи бор.

Тил — бало, тиш — қалъа.

Тил сақлаган сир сақлар.

Тил сақлаган ўйланар,
Тилдан озган бойланар.

Тил — суюксиз, тиш — қалъа,
Тил ёмони — бир бало.

Тилга тиш — қалъа,
Кўзга — кош.

Тилдан тойған йиғлайди,
Тилини тийған гуллайди.

Тили узун хашак ер,
Тили калта яшаб ер.

Тили узуннинг умри қисқа.

Тилинг билан кўнглингни бир тут.

Тилинг қисқа бўлса,
Кўлинг узун бўлади.

Тилингни ботир қилма,
Ўзингни ботил қилма.

Тилингни тий, тишинг синмасин.

Тилини тийган бошини кутқарар.

Тилнинг бўши бошга етар.

Тишгинамдан розиман,
Оғизгинамнинг қалъаси.
Тилгинамдан қўрқаман,
Бошгинамнинг балоси.

Том бошида киши бор.

Томирингни мактама,
Ёмон чиқса қайтасан?

Томоғингга қилтаноқ кетса,
Айронни ҳам чайнаб ичасан.

Томчи томиб бўлгунча,
Дарё оқиб бўлади.
Ноқобилга сир айтма,
Ҳар томонга ёяди.

Топиб олдим деб суюнма,
Таниган олиб кўяр.

Тоққа чиқсанг, товонингга қараб чиқ.

Тоғ қояси ухламас.

Тузоқдан бир марта қўрккан қуш,
Қирқ йилгача айри ёғочга қўнмас.

Тутга чиқсанг, пўстинингни олиб чиқ.

Тушингни ҳазилкашга айтма.

Туя күрдингми, йўқ,
Бия кўрдингми, йўқ.

Туяга кишан сол-да,
Таваккални худога қил.

Уй сири — ёпиғлик қозон.

Уй ўзимники дема,
Уй орқасида киши бор.

Уйда ётма, сел олар,
Тепада ётма, ел олар.

Уйда оғзин ёпмаган,
Тўйда бирин топмаган.

Фалокат оёқ остида.

Фалокат қош-қовок орасида.

Фолга ионнма, сувга суюнма.

Хавфинг қайдан бўлса, хатаринг шундан.

Хасни хор кўрма,
Кўзингга тушса, кўр қилар.

Хотинни танлаб ол,
Гулни — ҳидлаб.

Чирмандани қаттиқ урма,
Чирманда ҳам теридан,
Холажон деб тегишма,
Балога қоласан эридан.

Чопқирга ҳам тумор бор.

Чуқур қазисанг, ўз бўйингга ўлчаб қаз.

Чўлда қўйим бор дема,
Кўлда ерим бор дема.

Чўпни кўрсанг, Хизир бил.

Чўпни хўрласанг, кўзга зиён,
Тишни хўрласанг — сўзга.

Шакарли тилга ишонма.

Шивирлашган уч бўлса, сир ётмас.

Ширин гапга учма,
Мақтаганни қучма.

Эгаси минг пойласин,
Ўғри бир пойласин.

Эгасиз эшакни бўри ер.

Эр янглишиб қўлга тушар,
Куш янглишиб тўрга тушар.

Эшиги ёмоннинг тўрида ўтирма.

Юввошдан йўғон чиқар,
Чиқса ҳам ёмон чиқар.

Юввошнинг мугузи — ичидা.

Юзсиз кишига юзланма.

Юрганда оёғингни эҳтиёт кил,
Гапирганда — тилингни.

Ялангоёқнинг чўпдан хавфи бор.

Ялангочни урсанг, пўстинли қочар.

Ялқов билан анқов,
Душман учун катта ов.

Янтоқнинг ёғи йўқ,
Душманинг — соғи.

Яқиндагини бўри олмас.

Ўзбекка салом бердим,
Ўн танга товоң бердим.

Ўзингга эҳтиёт бўл,
Қўшнингни ўғри тутма.

Ўзингга ўзингни мақтагандан кўрк.

Ўзингдан ёмон чиқмасин,
Ётдан ёмон келмасин.

Үзингни бил, ўзгани қўй.

Ўйин туби ўт бўлар.

Ўйиндан ўқ чиқар.

Ўйламай сойга тушдим,
Энди менга қир қайдা.

Ўйнаб айтсанг ҳам, ўйлаб айт.

Ўлармоннинг ўзидан кўркма, кўзидан кўрк.

Ўлгиси келган шақал
Инига қараб увиллар.

Ўнг кўзинг сўл кўзингга соқчи бўлсин.

Ўнг қўлинг берсин,
Чап қўлинг билмасин

Ўнни кўр, бирни ол.

Ўртага тушгандан ўт ушлаган яхши.

Ўртага тушма, ўртанасан.

Ўт билан ўйнашган ёнар.

Ўғри ўғри эмас, мол эгаси ўғри.

Қайтган кўйга қашқир ўч.

Қайтиб келар эшигингни қаттиқ ёпма.

Қамчи берма яхши бўлса отингга,
Ишонмагин милтиқ билан хотинга.

Қизи бор қизи борга кулмасин,
Ўғли бор — ўғли борга.

Қизи бор қисиб гапирсин,
Ўғли бор — ўйлаб.

Қиморбозга дўст бўлма,
Кўрган ерда пул сўпар.

Коровулнинг уйқуси — ўғрининг чирори.

Курумсоққа ишонсанг, құлдагидан ажрайсан.

Күл билан бериб, оёқ билан югурма.

Құлни ювсанг кир кетар,
Айтиб юборсанг — сир.

Күримтани құзғатма.

Күшнинг күр бұлса, күзингни қис,
Душманинг кар бұлса, тилингни тий.

Хазил билан мазахга етибди,
Мазах билан дүзахга етибди.

Хазил, хазилнинг таги зил.

Хазилдан зил чиқар,
Зилдан — зилзила.

Хийласиз ботир ўзини ёвга олдирап.

Хүшёргинг — тинчлигинг.
Бегамлигинг — ўлганинг.

Хүшёрик — мустаҳкам құрғон.

Хүшёрик — умр посбони.

Хүшёрни ёв босмас,
Ёв босса ҳам, дов босмас.

МАМНУНЛИК ВА АФСУСЛАНИШ

Ари чақди деб аразлама, боли бор.

Бир минсанг ҳам йүрга мин,
Булкилласин буйрагинг.

Бир хұпласанг, май хұпла,
Қилқилласин юрагинг.

Бол дедим, балога қолдим.

Бола, боланинг иши чала.

Борники фармон билан,
Йўқники армон билан.

Бўлувчига оз,
Оз ҳам бўлса соз.

Бўғизим-бўғизим,
Бўғизимни бўғдим ўзим.

Гапиргандан гапирмаган яхширок,
Гапирудим тегди бошимга таёк.

Далада бўри улиса,
Уйдаги итнинг ичи ачир.

Даланинг беги бўлгунча,
Қалъанинг ити бўл.

Даланинг қозиси бўлгунча,
Шаҳарнинг тозиси бўл.

Дармони йўқнинг армони кўп.

Еганим оғзимда йўқ,
Кийганим — эгнимда.

Ерда туриб ўкинма,
Томга чиқиб сўкинма.

Етдим дедим — йикилдим,
Бўлдим дедим — бўлиндим.

Ёмон куннинг ўтгани ҳам давлат.

Интизорликнинг оши — ширин.

Исимадим оловингга,
Кўр бўлдим тутунингга.

Ит ялофини яламаса, кўнгли тўлмас.

Ич оғриса ўзингдан,
Гина килгин кўзингдан.

Кейинги пушаймон — ўзингга душман.

Кенгашиб кесган қўл оғримас.

Кўнгилсиз эрдан кўнгилли қул яхши.

Курган ошнинг қуюги ёмон.

Лўли эшагини мақтар,
Гадой — тўрвасини.

Минмасанг ҳам, от яхши,
Куммасанг ҳам, қиз яхши.

Миннатли ош татимас.

Нодонга айтган эсиз сўзим,
Үлкка йиғлаган эсиз кўзим.

Оз бўлсину соз бўлсин.

Ола ишга ўрин йўқ,
Роса ишдан кўнгил тўй.

Олма еб оғригунча,
Ўрик еб ўлган яхши.

Олтин бошли отанг билан қолгунча,
Пахмоқ бошли онанг билан қол.

Олтин ҳалқадан кеч, қулок оғритса.
Зардўзи этикдан кеч, оёқ оғритса.

Орзуга айб йўқ.

Ота ўлиб бола қолса — муродига етгани.
Бола ўлиб ота қолса — армони ичда кетгани.

Отам деб, эрни ташлама,
Сўнг бошингни қашлама.

Отамнинг ўларини билсан,
Чакса кепакка сотиб ер эдим.

Отаси ўлган олти кун йиғлар,
Онаси ўлган — олтмиш йил.

Отга минолмаган узангидан ўлкалар.

Отга ўрганган кишининг
Тойга такими тўлмас.

Очга бир нон — қалқон.

Оч қолиб еган сүнг,
Зоғора нон ҳам қанд бўлар.

Оға-ининг ёмонлаб, қани түққан топганинг,
Арғумокни ёмонлаб, қани тулпор топганинг.

Пули куйган қалампир чайнар.

Шошилган кишининг пушаймони кўп.

Эгачимга ишониб, эрсиз қолдим.

Ўтган гапга ўқинма.

Ўтган ишга саловат.

Ўтган ишдан туш яхши.

Ўтиб кетган ёмғирнинг кетидан ўпкалама.

Қизини тиймаган тизини қучоқлар.

Қушиқ айтган ҳоримас.

Ҳар кишига ўз иши хуш.

ТОЗАЛИК, СОҒЛИК ВА БЕМОРЛИК

Аёлнинг сариштаси —
Рўзғорнинг фириштаси.

Бедард ёнида гапирсанг, боши оғрир.

Бемор ўзига ёқмаган овқатта ўч.

Бир кунлик иситма
Қирқ кунлик кучни олар.

Бойликнинг боши — соғлик.

Бола соғлиги — она бойлиги.

Бош армони бўлмаса,
Мол армони армонмас.



Бош омон бўлса, дўппи топилар.

Бош роҳати — тан роҳати.

Дард ботмонлаб келар,
Мисқоллаб чиқар.

Дард келди, дармон кетди.

Дард филни пашшадек қилар.

Ёмон оғриққа — яхши ош.

Жон қақшаги жаҳонга сирмас.

Жони оғриган тангрисини қарғар.

Жони ачимаснинг қошида,
Бошинг ҳам оғримасин.

Жонингни олмаган касал ёнингда бўлсин.

Иситмани яширсанг,
Ўлим ошкор қилар.

Калла осган куни итдан,
Кир ювган куни битдан кутуласан.

Касал — битта, давоси — мингта.

Касал бўлиб ўлмадим,
Узуликиб ўлдим.

Касал камайса, табиб касал бўлар.

Касал касал эмас,
Касални боққан касал.

Касал кулги сўймас.

Касал кўрсанг, кўнгил кўтар.

Касалга асал ҳам bemаза туюлар.

Касалга сўз ёқмас,
Чарчаганга — ўйин.

Касални табиб эмас, хабиб тузатар.

Касални яширсанг,
Иситмаси ошкора килар.

Касалнинг келиши осон, кетиши қийин.

Касалнинг яхши-ёмони йўқ.

Кечки овқат — заҳар,
Овқат егин сахар.

Кир ювгандан супурги ҳам қўрқар.

Мол зўриқса, ӯлади,
Одам зўриқса, ӯлдиради.

Мол кетсин, пул кетсин,
Эсон-соғлиқка не етсин.

Мугуз лат еса, туёқ зирқирап.

Номард бўлсин, соғ бўлсин.

Одам аксирса ёзилар,
Мол — силкинса.

Ойда келсин, омон келсин.

Омон бўлган от минар,
Ола парча тўн кияр.

Омон бўлса шу бошим,
Яна чикар шу сочим.

Омон бўлсанг, олам сеники.

Оч бўл, яланғоч бўл, саломат бўл.

Оч ҳолини тўқ билмас,
Касал ҳолини — соғ.

Оғриққа эмчи кўп.

Пишмаган этни егали бўлмас,
Қайнамаган чойни — ичгани.

Поклигинг — соғлигинг.



Ранг кўр, ҳол сўр.

Саломатлик — туман бойлик.

Саримсоқ, саримсоқ еганнинг тани соғ.

Сиҳат тиласанг, кўп ема,
Иzzат тиласанг, кўп дема.

Соврин — зўрники, соғлик — кўпники.

Совуринг ошса — давлат,
Иссиринг ошса — қиёмат.

Соғликда хўрлик йўқ.

Соғ ақл — бол ақл.

Соғ олма шохидан тушмас.

Соғ танда — соғлом ақл.

Соғ юрак — тоғ юрак.

Соғдан салқит қолмас.

Соғлик — умрнинг гарови.

Суяк бутун бўлса, эт битар.

Табиб табиб эмас,
Дард чеккан — табиб.

Тан оғриса, жон сезар.

Тан саломати — жон роҳати.

Тани соғга кунда тўй.

Тани соғнинг — жони соғ.

Тер тагида дард қолмас.

Тер чикқандан жон чиқмас.

Терлама тез ўлдирап,
Бола-чақани ғамга тўлдирап.

Тишсиз оғиз — тошсиз тегирмон.

Тоза кўзанинг суви тоза.

Тоза уйда дард қолмас.

Тозалик — соғлик гарови.

Узок чайнасанг, узок яшайсан.

Уий тозага гард юқмас,
Гард юқса ҳам, дард юқмас.

Чилим чеккан кишини,
Уриб синдир тишини.

Чиникқанга — гард юқмас,
Тиникқанга — дард.

Чучкурув билан жон кирап,
Эснаш билан жон чиқар.

Эл соғлиги — юрт бойлиги.

Эрманалик уйда эр ўлмас,
Дармоналик уйда дард бўлмас.

Яширин дардга даво йўқ.

Ўзинг ётиқ бўлсанг, ичганинг катиқ бўлар.

Ўладиган касалнинг ўлгани яхши,
Уйдагиларнинг тингани яхши.

Қарамаган бошни бит ер.

Қаттиқ қишдан мол қолса — ўлжа,
Қаттиқ оғриқдан жон қолса — ўлжа.

Қимиз ичган қаримас,
Қариса ҳам, дард кўрмас.

Қимиз ичганинг — қирчиллаганинг,
Сут ичганинг — сўлқиллаганинг.

Қовун есанг, сахар е,
Сахар емасанг, заҳар е.

Қозон тўла ош бўлсин,
Ёстиқ тўла бош бўлсин.

Қалқонбозлик қиласы тұппа оши,
Найзабозлик қиласы угра оши.

Қора чивин киши үлдирмас,
Күнгил айнитар.

Қорни тұққа бало йүк.

Қорнинг очмасдан овқат егин,
Қорнинг түймасдан құл артгин.

Қуёш, ҳаво — танга даво.

Кутурғаннинг куни — қирқ.

Құтонингдан чиқса-чиқсын,
Қозонингдан чиқмасин.

ДЕХҚОНЧИЛИК ВА ЧОРВАЧИЛИК

Арпа ётса, омбор сол.

Арпага — үрим,
Буғдойға — күрим.

Бедов бойловда семирап,
Құй-құзи — яйловда.

Бир йил тариқ эксанг, бир йил шудгор қил.

Бир йил тут эккан киши
Қирқ йил гавҳар терар.

Борбон борини тузар,
Декқон даласин сузар.

Борбон бұлсанг, сархар қил,
Декқон бұлсанг, шудгор қил.

Борни қища күл қил,
Езда чүл қил.

Буғдой оламан десанг, қовун полга эк,
Пахта оламан десанг — жұхори полга.

Буғдой эксанг, кузда эк,
Яхши хайдаб, бўзга эк.



Бұлса агар оқлигинг,
Билинмайди йүқлигинг.

Деҳқон бұлсанг, рошида бұл,
Чұпон бұлсанг — қошида.

Деҳқон бұлсанг, шудгор қил,
Мулла бұлсанг, тақрор қил.

Деҳқон бұлсанг, қошида бұл,
Сипох бұлсанг — бошида.

Деҳқон деҳқондан қолса, бир йилда етар,
Чұпон чұпондан қолса, қирқ йилда етар

Деҳқон — ер султони,
Чұпон — яйлов султони.

Деҳқон ёққанда тинар,
Чұпон — үлганда.

Деҳқон ишлаб дон сочар
Элга ризқ үйлін очар.

Деҳқон одам дон сочар,
Эл-юрга нон сочар.

Деҳқон экканини ейди,
Чұпон — бокқанини.

Деҳқон қорда тинар,
Чұпон — гүрда.

Деҳқоннинг ризқи ер билан кучига боғлиқ.

Деҳқоннинг уйи куйса-куйсін,
Хұқизи үлмасин.

Деҳқоннинг үзи касал бұлса ҳам,
Хұқизи касал бұлмасин.

Деҳқоннинг хазинаси — ер,
Калити — тер.

Деҳқончилик — чилик-чилик,
Бұлмаса — қурукчилик.

Ер бойлиги — эл бойлиги.

Ер деганинг олтин қозик,
Фажиб есанг, тугамас.

Ер — дехқон хазинаси.

Ер — дон, дехқон — хазинабон.

Ер ичидаги олтин бор,
Қазий берсанг, топасан,
Боғ ичидаги кумуш бор,
Кавлайберсанг, топасан.

Ер ола — юрт ола.

Ер олган — эр.
Ер сотган — қора ер.

Ер очганинг бахти очилар.

Ер сийлаганни эл сийлар.

Ер-сув — битмас кон.

Ер текис — ҳосил текис.

Ер түйдирап,
Үт куйдирап.

Ер түймагунча, эл түймас.

Ер — хазина, сув — гавхар.

Ер — хамир, ўрит — хамиртуруш.

Ер чарчаса, ҳосил бермас.

Ер эл билан обод,
Эл ер билан обод.

Ер қудрати — дехқон қуввати.

Ерга берсанг — ер,
Бермасанг, қора ер.

Ерга меҳр — элга меҳр.

Ерга ошатсанг, ош битар,
Ошатмасанг — тош.

Ерга рош ярашар,
Кизга — қош.

Ерга сочсанг, ер беради,
Элга сочсанг — эл.

Ерга тушган гул бүлар,
Үтга тушган — кул.

Ерга қарасанг, боғ бүлар,
Күнгил очилиб, чоғ бүлар.

Ери бойнинг — эли бой,
Эли бойнинг — ери.

Ери семизнинг — эли семиз.

Ерини алдаган оч қолар.

Ерни боксанг, бокади.
Боқмай қўйсанг, коқади.

Ерни боксанг, элни боқар.

Ерни бузадиган ҳам сув,
Тузадиган ҳам сув.

Ерни тўйдирсанг, тўйдирап,
Чиройини очсанг, кийдирап.

Ёмон дехқон — ер қўрип,
Ёмон хотин — эр.

Ёмон чўпон тиконга берар,
Яхши чўпон — дўконга.

Жавдар жойига тушса, буғдой бүлар,
Буғдой жойига тушмаса, жавдар бүлар.

Жўхори чангда битар,
Тарик — балчиқда.

Жүхори эксанг, тагига күза ботсин.

Зар бүлмаса, заргар — хароб,
Ер бүлмаса, дәхқон — хароб.

Кариз суви — жон суви.

Катта хирмон қизил бўлса, чори чиқмас.

Косиб тикканини мақтар,
Дәхқон экканини мақтар.

Косибнинг қўлидан дехқоннинг оёғи ҳалол.

Куркурак кўрмай, ток очма.

Овчининг зўри шер отар,
Дехқоннинг зўри ер очар.

Омоч сени тўйдиргай,
Омборингни тўлдиргай.

Омоч чиқди — кўмоч келди.

Омочнинг ўн боргани —
Моланинг бир боргани,

Пахтага соя ҳам керак эмас,
Ҳамсоя ҳам.

Пахтадан эчки ўтсин,
Жўхоридан — туя.

Пилла — тилла.

Пишган қовун палакда ётмас.

Роса эккан соз олур,
Ола эккан оз олур.

Сада соя берар,
Тол — хода.

Сада эксанг, сояси бор,
Макка эксанг — пояси.

Саккиз сигир асралунча,
Бир говмиш асра.

Сара уруғ — ҳосили бүлүр.

Семиз күй үзини канорада күрар.

Семиз күйнинг умри калта.

Сен ерни ер қилсанг,
Ер сени шер қилас.

Сигир олсанг, соғиб ол,
Сутин-мойин татиб ол,

Сигири бор оч қолмас.

Сигирли уйда сил бүлмас.

Сигирнинг елинига қарама, емига қара.

Синамаган сигирни сориш қийин.

Сув — зар, сувчи — заргар.

Сув келди — нур келди.

Сув қатраси — дур қатраси.

Сув — тұзанинг жони,
Үрит — унинг дармони.

Сувдан — қатра, офтобдан — зарра.

Сувнинг күриниши мулойим,
Бағри — тош.

Сувнинг ози ҳам бир бало,
Күпи ҳам бир бало.

Сувсиз ер — жонсиз жасад.

Сут бермаган сигир этга сүйилар.

Тани — тупроқдан, ҳосили — кетмондан.

Тарвуз — даво, қовун — сабо.

Теракнинг сояси тагига тушмас.

Токни киркмасанг, Қашкарға етар.

Тол эксанг, тагини хұл қил,
Узум эксанг, тагини чұл қил.

Томири очик дарахтга ҳамма шамол хавфли.

Тошсиз тоғ бүлмас,
Күчатсиз боғ бүлмас.

Туя тилини карвон билар.

Туяли бой — дунёли бой.

Туяли ерда тут бүлмас.

Тұқсонға борсанг ҳам, ток эк,
Юзга етгунча, узумини ейсан.

Үйпанг жойда үт битар,
Унга етгунча, мол кетар.

Үйқу касал чақирап.

Уруғ сепмай, әкин үрмас.

Уруғ эксанг, намга эк,
Намга әкмасанг, томга эк.

Уч ойлик күкча — бойлик.

Үютқисиз қатиқ уюмас,
Ачитқисиз — қимиз.

Хотин чиройи — эрдан,
Хосил чиройи — ердан.

Чумчуқдан құрққан тариқ әкмас.

Чұпонга — сұхбат ҳаром.

Чұпоннинг таёри — отлининг оёғи.

Шафтолидан боғ қилма,
Эчқидан мол қилма.

Шишак сүйдим — пишак сүйдим.

Шұралы ерда әкин битмас.

Әга құли әм бұлар,
Сийпаласа, ем бұлар.

Әкин эккан текин ер.

Әкин әкмоқ осон,
Сув келтирмок қиійн.

Эккан үрар, қилган топар.

Эксанг терак, әлга керак.

Әл ҳаёти ер билан,
Ер ҳаёти сув билан.

Әлда юрган әл танир,
Чүлда юрган ер танир.

Әрта эккан бутун олар,
Кечга қолган — үтін.

Әрта эккан хирмон қилур,
Кеч эккан армон қилур.

Әчки бокқан чорвадор бұлмас,
Шафтоли эккан — борбон.

Әчкиси күпнинг сүзи күп.

Әшак мунчоқ тож бұлмас,
Ит узуми ток бұлмас.

Юнг оламан десанг, жайдари,
Бой бұламан десанг, ҳисори.

Янтоқдан ёр чикмас,
Жангалдан — боғ.

Яхши гүшт — яхши шұрва,
Яхши сут — яхши қаймок.

Үрмонаңа шер ярашар,
Деконга ер ярашар.

Қавсда эккунча, қовурмоч қил.

Қалпордингни қайтоқи қилгунча,
Қўйларингни бўрдоки қил.

Қаровсиз бор бўлмас,
Қорсиз — тоғ.

Қирқ кун ёққан ёғиндан,
Елиб ўтган сув яхши.

Қовун эккан қовоқ олмас.

Қор ернинг — кўрпаси,
Ёмғир — ернинг шўрваси.

Қуруқ ёғоч ёнар, сўнар,
Ҳул ёғочдан ҳосил унар.

Қўзининг сараси узокдан билинар.

Қўзичоқдан қўй бўлар,
Қулунчадан — той.

Қўй керак бўлса, сунбулада қирқ,
Жун керак бўлса — мезонда.

Қўй семизи — қўйчидан.

Қўй семирса, қовурғаси кичраяр.

Қўй туғар, қўзи бўлар,
Йил ўтмай ўзи бўлар.

Қўй қассоб қўлида халол.

Қўйни боқсанг, қўзилар,
Молни боқсанг, бузоклар.

Қўйни ўт ичидан ўтказма,
Ўтни қўй ичидан ўтказ.

Қўйни қўй,
Эчкини сўй.

Қўш ҳайдаган хўп билар,
Ўз ишини кўп билар.

Ҳосилинг кам бўлса, ҳаводан кўрма.

Ҳосилнинг отаси — сув,
Онаси — ер.

СЕВИНЧ ВА ФАМ

Азага борган хотин
Ўз дардини айтиб йиглар.

Бир йигининг бир кулгуси бор.

Бошимни бош десам,
Оёғимда нима фам.

Гадо нон топса, тўрва топмас.

Дард томирни ер,
Ҳасрат — умрни.

Дард устига чипқон.

Деворни нам йикитар,
Одамни — фам.

Ёмғирдан ўт-ўлан ўсар,
Қўшиқдан — кўнгил.

Жаҳл билан қартаясан,
Кулги билан яшарасан.

Жон бор жойда қазо бор.

Жони борнинг фами бор.

Занг темирни кемирар,
Фам — одамни.

Иссик чўпни қуритар,
Қайғу эрни қаритар.

Минг қайғу бир иш битирмас.

Моли күпнинг — ғами күп.

Мушукнинг ўлими — сичконга тўй.

Одам одам билан,
Одам адо ғам билан.

Одам одам билан,
Писта бодом билан.

Ота-онанинг доғи — оз-моз,
Фарзанд доғи тинч қўймас.

Оғримаган қулоққа — олтин сирға.

Оғриқсиз бош бош эмас.

Оҳ тортмасанг, соч оқармас.

Саёҳат танга роҳат,
Тан эмас, жонга роҳат.

Сўйган ҳам қўшикчи,
Куйган ҳам қўшикчи.

Туғилиш тўлғоқсиз бўлмас.

Юраги тўлганнинг — йигиси кўп.

Ўйласанг, қайғу кўп,
Ўйламасанг, қайғу йўқ.

Ўйнаб-кулгин йигитдек,
Сиқилмагин чигитдек.

Ўлимдан аччик нарса йўқ,
Шодликдан ортиқ бойлик йўқ.

Ўтда ёнган куяр,
Ғамда ёнган ўлар.

Қайғу битар, шодлик ўтар.

Қайғу келтирап шодликдан,
Ёмғир келтирап момақалдироқ яхши.

Қайғу — умр эгови.



Қайғу қаритар, ғам үлдирап.
Қайғули бошга қор ёғар.
Қайғуни күз ёши юволмас.
Қайғусиз қора сувга семирар.
Қари-ёш қайғусиз бұлмас.
Құрқандан қувонган ёмон.
Ғам ема, беғам ҳам бұлма.
Ғам юки тоғдан оғир.
Ғамсиз ошим — даъвосиз бошим.
Ғаш күнгилга кенг уй ҳам тор.
Ҳамдарди бор дард — ярим дард.
Ҳар кечанинг кундузи,
Ҳар кундузниң кечаси бор.
Ҳар ким үз гүрига йиғлар.
Ҳар куннинг үз тонги бор.
Ҳар нарсага ғам ема,
Парча нонни кам ема.

ТҮЙ ВА МОТАМ

Атала бұлса ҳам түй бұлсин.
Ёмғир ёғса, түнинг ҳұл бұлар,
Отанг үлса, уйинг чүл бұлар.

Каған кийған кетар,
Кебанак кийған келар.

Келиннинг келдиси яхши,
Түйнинг бұлдиси яхши.

Кетған келар,
Кетмөнланған келмас.

Мозорга тушган тирик чиқмас.

Оғригандан узилган ёмон.

Сийрак элак кунда керак,
Пахта элак түйда керак.

Тириклигига сийламасанг, үлганида йиғлама.

Түй гинасиз бўлмас.

Түй силтовор билан тўн битар.

Түй — тўнлиники.

Тўйга борсанг, бурун бор,
Бурун борсанг, ўрин бор.

Тўйга борсанг, тўйиб бор,
Ёмонлигинг кўйиб бор.

Тўйга борсанг, тўйиб бор,
Тўй тўнингни кийиб бор.

Тўйга — қўшик,
Азага — йири.

Тўйганга — тўй, тўймаганга — томоша.

Тўйликнинг тўйча ташвиши бор,
Үйликнинг уйча ташвиши бор.

Тўйнинг бўлди-бўлдиси қизик.

Уйқунинг тинчи яхши,
Ўлимнинг — кечи.

Урушсиз уй йўқ,
Азобсиз — гур.

Ўзакли жонда үлим бор.

Улган келмас, ўчган ёнмас.

Ўлганига чидасанг, қўй қил,
Еганига чидасанг, тўй қил.

Үлим борнинг молини сочар,
Йўқнинг сирини очар.

Үлим шоҳу гадога баробар.

Үлим қош билан қовоқнинг орасида.

Үлим — ҳақ, мерос — ҳалол.

Үлимдан аччиқ нарса йўқ,
Шодликдан ортиқ бойлик йўқ.

Үлимдан қочиб бўлмас.

Ўлмак, ўлмакнинг иши — кўммак.

Ўлсанг гўринг кенг бўлсин,
Тириклиқда — феълинг.

Ўтганни қайтариб бўлмас,
Ўлганни — турғизиб.

Ўтгусиз дарё бўлмас,
Ўлимсиз дунё бўлмас.

Ўғилнинг тўйи — ўйин,
Қизнинг тўйи — қийин.

Қазоси етса қози ўлар.

Қари ўлса — давлат,
Ёш ўлса — қиёмат.

Қари қиз эр танламас,
Ўлган одам ер танламас.

Қўй семизи — қўйчидан,
Тўй тамизи — тўйчидан.

Ҳар ким тўйган тўйини мактар.

ЁШЛИК ВА ҚАРИЛИК

Аввал — баҳор, охир — ҳазон.

Аёлнинг ўттизга киргани —
Ўтин бўлгани.

Алдашга бола яхши,
Худо урсин момони.

Арслон қариса, қуйругини ўйнар.

Бешик боласи — бек боласи.

Бешикдаги беш турланар,
Қаёққа бурсанг, шунга ўрганар.

Бир болани катта қилгунча,
Бир шаҳар пайдо бўлар.

Бир шаҳарни бир бола бузар.

Бола — ширикликнинг адойи,
Қария — ширин сўзнинг гадойи.

Бургут қариса, япалоқкуш бўлар.

Бўри қариса, итга кулгу бўлар.

Дард ёмон,
Дардан қарилик ёмон.

Етмиш, етмишдан кейин кетмиш.

Ёш билмайди,
Катта қиймайди.

Ёш келса — ишга,
Қари келса — ошга.

Ёш кетаман деб қўрқитар,
Қари — ўламан деб.

Ёш чорим — олтин чорим.

Ёши етмай, иши етмас.

Ёшинг ошгач, ёдгорлик қүй.

Ёшни худо сақлар,
Қарини — овқат.

Ёшлик — бебошлиқ.

Ёшлик ёшга қарамас,
Қарилик — сочға.

Ёшликда билгани — тошға ёзгани,
Қариликда билгани — музға ёзгани.

Ёшликда эксанғ, қариликда ўрасан.

Ёшликда ўрганған хунар,
Үзингга ўлжага қолар.

Ёшликдаги ғайрат — кексаликдаги роҳат.

Ёшликнинг ели кучли,
Кексаликнинг — акли.

Ёшнинг ҳурмати — қарз,
Қарининг ҳурмати — фарз.

Ёшу қарининг жони бир,
Ориқ-семизнинг имони бир.

Ит қариса, този бўлар,
Қиз қариса, қози бўлар.

Ит қариса, кополмас,
От қариса, чополмас.

Йигит кетардан,
Қари ўлардан қўрқитар.

Йигитга оғир нарса ҳам енгил туюлар,
Кексага енгил нарса ҳам оғир туюлар.

Йигитлик — бир гулистон,
Қарилик — бир зими斯顿.

Йигитлик елиб ўтар,
Қарилик — чопиб.

Йигитлик — мастилик,
Карилик — сустлик.

Йигитлик — умр гулшани.

Йутал — кексанинг ҳамрохи.

Кампир үламан деб құркитар,
Келин — кетаман деб.

Кексалик — күприк.

Кексанинг ёшини сұрама, ишини сұра.

Кичикдан — хато,
Каттадан — ато.

Кичикдан — кусур,
Каттадан — узр.

Кичикларнинг каттаси бүлгунча,
Катталарнинг кичиги бүл.

Кичикни макта, каттани сакла.

Косиб қариса, ямоқчи бүлар,
Отиң қариса, ювукчи бүлар.

Нодон бөш бүлмас, күпик ош бүлмас,
Карилик қайтиб, қайта ёш бүлмас.

Ноз қызга ярашар,
Кампирга бало борми.

Одам қариб, йүлдош бүлар,
Дараҳт қариб, қүш құнар.

Олти яшар йүлда бүлса,
Олтмиш яшар йүлдан чиқсин.

Олти яшар йүлдан келса,
Олтмиш яшар күргани келар.

Олти яшардан сұрама,
Олтмиш яшардан сұра.

Олтмишга кирган отадан ош сўрама.

От қариса — охурда,
Ит қариса — чуқурда.

Сувсиз ерда тол бўлмас,
Каримаган чол бўлмас.

Туя қариса, бўтасига эргашар.

Узок бўлса ҳам, йўл яхши,
Қари бўлса ҳам, қиз яхши.

Чол сухбати — чол билан.

Эр қариса — эл ичида,
Шер қариса — фор ичида.

Эр қариса, эрки кетар,
Хотин қариса, кўрки кетар.

Юк йиғилиб, тойлоққа қолар.

Ўзбекнинг кичиги бўлгунча,
Кучуги бўл.

Ўт тутунсиз бўлмас,
Йигит — ёзиқсиз.

Қари бор уйнинг зари бор.

Қариси бор уйнинг париси бор,
Париси бор, уйнинг бариси бор.

Қари уйнинг фариштаси,
Саранжоми, сариштаси.

Қарида хислат кўп.

Қариларни қарғитма,
Ёш жонингни оғритма,

Қарилик — болалик.

Қарилик — давосиз дард.

Қарилик даври — қишдай,
Ёшлик даври — ёздай.

Қарилек уй — қайғули уй.

Қарилекни донолик безар,
Ёшликни — камтарлик.

Қарини кафтда сақла,
Үлигини ҳафта сақла.

Қарининг күзи — қозонда.

Қарининг қарғиши — қаттиқ.

Қарчиғай қариса, чумчукқа майна бўлар.

Қарға қагиллаб ғоз бўлмас,
Кампир шингқиллаб қиз бўлмас.

Қирқида сурнайчи бўлган, үлганда чалар.

Қирқида қулига соз олган,
Қиёматда қулоғини буран.

Ҳар кексадан бир нақл.

Ҳар кимнинг жони ўзига ширин.

Ҳўқизга туққан кун,
Бузоққа ҳам туғади.

ЙЎЛ ВА ЙЎЛДОШ

Гули йўқ бўстондан, япроқ яхши,
Фойдаси йўқ йўлдошдан, таёқ яхши.

Дўст сафарда синалар.

Ёмон йўлдош ёв бўлар,
Равон йўлда ғов бўлар.

Ёмон йўлдошдан бир чеким нос яхши.

Ёмон йўлдошдан ёмон таёқ яхши.

Йигитни йўл бокар.

Йўл азоби — гўр азоби.

Йүл билмасанг, йүлчига бок.

Йүл одами йүлга яхши,
Үй одами — уйга.

Йүл сұрамай, йүлга тушма.

Йүл тани, йүлга чиқсанг, дүст тани.

Йүл топгунча, йүлдош топ.

Йүл узок бұлса, йүлдошингдан күр.

Йүл юрганга қисқарап.

Йүл юрсанг, синааб юр,
Синааб юрмасанг, үлчаб юр.

Йүл үғриси бұлсанг ҳам,
Йүлдош үғриси бұлма.

Йүлга чиқсанг, йүлдошли чик.

Йүлга чиқсанг, яроқли чик,
Елгиз чиқмай, ҳамроҳли чик.

Йүлга чиққан йүлдан топар.

Йүлда юрган йүл танир,
Чүлда юрган чүл танир.

Йүлдош айбини йүл очар.

Йүлдоши борнинг құлдоши бор.

Йүлдоши ёмонни ёв олар.

Йүлдошига қарамаган йүлда үлар.

Йүлдошинг олақарға бұлса,
Емишинг гүнг бұлар.

Йүлдошини ташлаган йүлда қолар.

Йүлни йүлчи енгар.

Йүлни карвондан сұра,
Сұзни сойирдан сұра.

Йұловчининг озиғи йұлида.

Йұлчи йұлині билар,
Тегирмончи — дүлини.

Йұртиб юрсанг, йұл унар.

Йұртқа йұргага йұлдош бұлмас,
Бургут қарғага сирдош бұлмас.

Йұрға минган йұлдошига қарамас.

Йұрға минган, йұлдошидан айрилар,
Күп яшаган, қурдошидан айрилар.

Йұрға минсанг ҳам, йұлдошли бұл.

Олис йұл отни синар,
Оғир йұл мардни синар.

Сипоҳи билан дұст бұлма,
Ёмон билан — йұлдош.

Юрган — дарә, үтирган — бүйра.

Юрган йұл кезар,
Үтирган ер чизар.

Юрган йұлдан топади,
Үтирган қайдан топади.

Юрган оёқ йұл топар.

Юрган оёққа йұрға йұлиқар.

Юрганнинг йұли күпаяр,
Үтирганнинг — үйи.

Юрганнинг йұли үтар,
Үтирганнинг куни үтар.

Юрапдан аввал йұл ахтар.

Яхши йұлда йұлдош күп.

Яхши йұлдош йұлға бошлар,
Ёмон йұлдош ёвға ташлар.

Яхши либос — оройиш,
Яхши йўлдош — осойиш.

Ҳам саёҳат, ҳам тижорат.

Ҳунар билган оч қолмас,
Йўл таниган кеч қолмас.

ҲАЙВОНЛАР ВА ҚУШЛАР

Бедана тезотар бўлса,
Ўз бошини ўзи ер.

Бедананинг «вит» дегани — қочгани.

Бўри бўронда қутурар.

Бўрининг озиги — бурнида.

Заризғон соғлигидан ўлмас, суклигидан ўлар.

Заризғон чақиб тўқ бўлмас.

Зарча сигирдан кўрқмас.

Итда жиян йўқ,
Бакада — қайин.

Итдан суяк ортмас,
Мушукдан — без.

От — йигитнинг йўлдоши.

От — йигитнинг қаноти.

От олсанг, ҳўқиз қориндан ол,
Ҳўқиз олсанг, от қориндан ол.

Тишини кўргунча, ишини кўр.

Той отга етказар,
От — муродга.

Той отга эргашар,
Кўй — серкага.

Тойни той деб хўрлама,
Эрта-индин от бўлар.

Тоғ бүрисиз бүлмас,
Тұқай арслонсиз бүлмас.

Тогига қараб қулони,
Сувига қараб — илони.

Туя силкинса, әшакка юқ чиқар.

Туя тұпиги ҳам тұпик,
Күй тұпиги ҳам тұпик.

Тұнғизни ботқокда бос.

Чопқир от — үткір пичоқ.

Чүпон бүлсанг, құйни бок,
Мойи тошсин чорадан.
Ит бокқанда, сиртлон бок,
Күй олдирмас күрадан.

Эл тинса ҳам, ит тинмас.

Эл құнмай, ит тинмас.

Этик кийсанг, эр бүласан,
Отга минсанг, шер бүласан.

Этнинг яхиси — қази,
Итнинг яхиси — този.

Әчки бүлса, қүйга йўл очилар.

Әчки күй бүлмас,
Әшак — той.

Әшак минганинг оёри тинмас.

Әшак урган билан от бүлмас.

Әшакка пашмақдан хашак яхши.

Юввош ит хурмай тишлар.

Юввош отнинг тепкиси қаттиқ.

Юввош туя юмушга яхши.

Яхши от ёд колдирап,
Ёмон от лат колдирап.

Яхши от жонга шерик,
Ёмон от — молга.

Яхши от — күпники.

Яхши от оёғидан озар.

Яхши от тұрвасини орттирап,
Ёмон от — қамчисини.

Қалмоқи от қоқилмас,
Қоқилса ҳам, йиқилмас.

Карға келди — қиш келди.

ЙИЛ ФАСЛЛАРИ ВА ТАБИАТ ҲОДИСАЛАРИ

Азиз бұлмай, мазиз бұлмас.

Азиз момо олти кун,
Қаҳри келса — етти кун.

Азиз момо олти кун,
Қалтираса — қатти кун,
Сакранса — саккиз кун,
Тұқранса — тұққиз кун,
Үқранса — ўн кун.

Азиз ақчасиз кетмас,
Қизлар — бұғчасиз.

Асад ё расад, ё нарасад.

Асад кирса, сув оқарап.

Асад — расамат.

Асад суви — асал суви.

Асад, әкинларни ясат.

Асад, ғұзангни ясат.

Асадда оралаб е,
Сунбулада — саралаб.

Аямажуз олти кун,
Олти ой қишдан қаттиқ кун.

Ақраб келар ҳайқириб,
Бола-чақасини чақириб.

Ақраб келди ақириб,
Совукларни чақириб.

Ақрабда жұхорини совуқ урмаса,
Охиратда ҳам урмас.

Ахман-дахман олти кун,
Қаҳрига олса қатти кун.

Ахман музи дахмондай бүлса ҳам, құркма,
Кузнинг музи күзгудай бүлса ҳам, құрқ.

Барс йили — бойлик,
Қүён йили — қаҳатчилик.

Далв кирди — давр кирди.

Далв кирди, әкинларга давр кирди.

Даройи ола бүлди,
Дарё бир бало бүлди.

Ёз — ёзил, қиш — қисил.

Ёз ёмғири ёндан үтар,
Қиш ёмғири — жондан.

Ёз ёмғири — илон билан чаён.

Ёз куюнган, қиш суюнар.

Ёз меваси — қиш хазинаси.

Ёз қоқиси — қишига дори.

Ёз ҳаракати — соз ҳаракат.

Ёзги ҳаракат — кузги баракат.



Ёзда боши пишмаганинг,
Кишка оши пишмас.

Ёзда жароҳат кўрсанг,
Кишка роҳат кўрасан.

Ёзнинг гилами — кенг.

Ёзда хотин қутуради,
Кишка — бурун.

Ёзнинг ёзиғи — кишнинг озиғи.

Ёзнинг ёмғиридан кўрк,
Кишининг — қировидан.

Ёзнинг куни — юз турли,
Кишининг куни — қирқ турли.

Ёзнинг ювиндиси — кишга ош-қатик.

Ёлқитса ҳам, ёр яхши,
Ёндиrsa ҳам, ёз яхши.

Ёмғир — экиннинг жони.

Жавзодаги ёмғирдан илон ёғса яхши.

Жавзонинг ярмида сув тагида арпа пишар.

Жул келди — ҳамал келди.

Жума ёғса, шанба тинар,
Шанба тинмаса, қачон тинар.

Илиб-илиб, ёз бўлар,
Совиб-совиб, қиши бўлар.

Ит йили эксанг,
Тұнғиз йили ўрасан.

Йил яхши келса, арқар кетмас.

Йилнинг яхши келиши баҳордан маълум.

Кузги қатиқ куёвга бергисиз.

Кузнинг бир куни кишнинг бир ойини боқар.

Кун ғамини сахар е,
Иил ғамини баҳор е.

Лайлак келмай, ёз бўлмас,
Қиргияк чопмай, куз бўлмас.

Лайлак келса — ёруғ ёз,
Турна келса — тунук ёз.

Мизон чикиб, ақраб кирса — қиш.

Наврўздан сўнг қиш бўлмас,
Мизондан сўнг ёз бўлмас.

Оз бўлмай, ёз бўлмас,
Ёз бўлмай, маз бўлмас.

Ой бошида кун ё тузалар, ё бузилар.

Ой чалқанча туғса, ой бўйи аёз.

Ой үтовласа, ойлик ғамингни е,
Кун үтовласа, кунлик ғамингни е.

Ой қуланса, оёғингни узат,
Кун қуланса, курагингни тузат.

Ойнинг бешидан кўрқма, бошидан кўрқ.

Оқпон-оқпон олти кун,
Ой-ҳой сенинг қотувинг.
Үлчаб осган этинга
Қўноқ келса, қаттиқ кун.

Оқпонда от одимидай кун узаяр.

Пайти келса, дарахт гуллар.

Пайшанбанинг келиши чоршанбадан белгили.

Савр бўлмай, сайрон бўлмас,
Сайрон бўлмай, айрон бўлмас.

Савр деган сонли қиш,
Мен жавзонгдан қўрқаман.

Савр ёмғири — сари олтин.



Савр келса, муз турмас,
Куда келса, қиз турмас.

Савр кирди — экинларга давр кирди.

Савр ойи — давр ойи.

Саврнинг саноғида қишининг ёғини бор.

Саратон — сара экиш,
Колаверса — тариқ экиш.

Саратонда сув қўй,
Асадда тек қўй.

Саратоннинг ўни — тегирмоннинг дўли.

Сафар ойи — хатар ойи.

Савалаб ёқкан ёмғир ёмон,
Майдалаб ёқкан қор ёмон.

Совук оёқдан урап,
Иссиқ — бошдан.

Сойда ётма, сел олар,
Қирда ётма, ел олар.

Сигир йили — тўклиқ,
Қўй йили — йўклиқ.

Сумбула туғар сумпайиб,
От семирар қампайиб.

Сумбула туғса, сув совир,
Тарози туғса, тонг совир.

Сумбулада сув совийди,
Мизонда — кун.

Сумбуланинг суви тиник, ўзи совук.

Сумбуланинг суви — шароб.

Сумбуланинг түкқани сув билар.

Тоза ҳаво — дардга даво.

Тоққа ёғса, чұл обод,
Чүлга ёғса, әл обод.

Тоққа қалин қор тушгани —
Ернинг қониб сув ичгани.

Тоғ ҳавоси — дард давоси.

Тұқсон кирса, тұрғай одимича кун узаяр.

Тұқсон тұлмай, ёз чиқмас.

Чилла кирса — чил оёри.

Чилла суви — тилла суви.

Чилла қори — ернинг қони.

Чиллага чиллаки чидамас.

Чиллада суюрилган бое,
Чил ботмон узум берар.

Шанбада бичма, жумада күчма.

Эр туғылса — элнинг бахти,
Ёмғир ёғса — ернинг бахти.

Эрталабки туман очар,
Кечки туман ёпар.

Янтоқ гулласа, чилги пишар.

Яхши йил баҳоридан маълум,
Яхши кун — сахаридан.

Яхши келса — ҳут,
Ёмон келса — ют.

Яхши келса ҳут —
Кади-кади сут.
Ёмон келса ҳут —
Қақшаб қолган пут.

Яхши келса ҳутни күринг,
Хурма-хурма сутни күринг.



Ёмон келса, хутни күринг,
Серрайиб ётган путни күринг.

Қавс суви — жон суви.

Қантар овса, қалт этар,
Декконнинг кўзи ялт этар.

Қантар овса, қозикнинг бошида кор турмас.

Қантарда қарға одимидаи кун узаяр.

Қарға кетмай, кор кетмас,
Турна келмай, муз кетмас.

Қарға қағилласа, қишини чақирап,
Фоз ғағаласа — ёзни.

Қирқкуяк келди — куз келди.

Қирқкуякда қиндаги ҳам пишар.

Қирқкуякда қирқ томгунча,
Мизонда бир томсин.

Қиш — оладан, ёз — моладан.

Қиш — серташвиш.

Қиш ўлдирма, ёз ўлдир,
Оч ўлдирма, тўқ ўлдир.

Қиш ўтар, коралик қарғага қолар.

Қиш ўчоги тор,
Тур, уйингга бор.

Қиш қаттиқ келса — ит йили.

Қиш қилирини қилмай қўймас,
Ёз йўригини йўймай қўймас.

Қиш — қисилмок, ёз — ёзилмок.

Қиш қишлигини қилмаса,
Ёз ёзлигини қилмас.

Қишиң күноги — ўт.

Қишиңинг бир куни қолса құрқ.

Қишиңинг куни қирқ турли,
Киркөві ҳам қилиқли.

Қишиңинг совурида тұнгандан,
Ёзниң иссиғида ұлган яхши.

Қишиңинг қаҳри — кузга барака.

Қишиңинг қори — ёзға дори.

Қор — ёғди — дон ёғди,
Ёмғир — ёғди — ош ёғди.

Қор — ош билан нон.

Қора булутдан тиник сув томар.

Қорачаниң қори турмас.

Қуён йили ют бұлар.

Қуруқ аёз — тилсиз ёв.

Фоз келгани — ёз келгани.

Ҳамал кирди — амал кирди.

Ҳулкар туғди — ўт туғди.

Ҳулкарли ойнинг бари қиши.

Ҳут кирди, дехқоннинг кетига құрт кирди.

Ҳут кирди, ер остига дуд кирди.

Ҳут сувига хұқизингни сугорма.

Ҳут — ют.

Ҳутда мол түймаса, одам түймас.

ФАҚИРЛИК ВА БОЙЛИК

Амирнинг ошидан
Фақирнинг мушти яхши.

Бева хотиннинг тушига эр кирап,
Камбағалнинг тушига — ер.

Бевага бозор бўлмас,
Етимга — ҳайит.

Бедавлат бозорга борса,
Шум хабар келтирап.

Бедавлатдан ош қочар.

Бедавлатлик бўлган сўнг,
Кариндошлар ғаш булар.
Бадавлатлик бўлган сўнг,
Бегоналар дўст бўлар.

Бедавлатнинг нони яrim.

Бепул бозорга боргунча,
Кафан олиб мозорга бор.

Бечоранинг дарё тўпиридан келмас.

Бир боғ беда — бир танга,
Байтал бокмоқ осонми.
Ботмон буғдой — юз танга,
Хотин олмоқ осонми.

Бозорда бари бор,
Пулинг бўлмаса, нари бор.

Бой бой учун тиришар,
Камбағал камбағалга бўлишар.

Бой бўлсанг, кунда ҳайит, кунда тўй,
Йўқ бўлсанг, кунда ҳасрат, кунда ўй.

Бой кийса — қуллук бўлсин!
Камбағал кийса — қаёқдан олдинг?

Бойнинг кўзи нонда,
Камбағалники — имонда.

Бой тўй тузар,
Камбағалнинг тўни тўзар.

Бой кўшнингдан сўрагунча,
Йўқ уйингни ахтар.

Бойга меҳмон бўлсанг, бақирасан,
Камбағалга меҳмон бўлсанг, кекирасан.

Бойга меҳмон бўлсанг, жонинг чиқар,
Камбағалга меҳмон бўлсанг, қорнинг чиқар.

Бойдан амр бўлса,
Бойваччадан хамир бўлар.

Бойдан қарзинг узилгунча,
Бўйнинг узиллар.

Бойнинг бир йўклиги,
Очнинг бир тўклиги.

Бойнинг божаси кўп,
Кулнинг — хўжаси.

Бойнинг буғдой нонидан,
Камбағалнинг буғдой сўзи яхши.

Бойнинг жон бергани билинмас,
Камбағалнинг — нон бергани.

Бойнинг кўзи — бой,
Йўқнинг кўзи — лой.

Бойнинг кўзи — хонда,
Йўқнинг кўзи — нонда.

Бойнинг моли ардоқли,
Йўқнинг — жони.

Бойнинг хотини бўлгунча,
Камбағалнинг кавуши бўл.

Бойнинг хотини ўлса, тўшак янги бўлар,
Камбағалнинг хотини ўлса, боши қайғуга қолар.



Бойнинг ўғли келса — тўрга,
Камбағалнинг ўғли — гўрга.

Бойнинг ўғли — ҳангамачи,
Йўқнинг ўғли — дангамачи.

Бойнинг қизи — сепи билан,
Йўқнинг қизи — кўрки билан.

Бор борган жойида тўяди,
Йўқ топган жойида тўяди.

Борга — бозор, йўққа — гузар.

Борга — бор дунё,
Йўққа — тор дунё.

Борга етти кун ҳайит,
Йўққа — бир кун.

Борга — мумлик,
Йўққа — шумлик.

Бордан — давлат,
Йўқдан — меҳнат.

Бу дунёнинг хўрлиги —
Киссангда пулнинг йўқлиги.

Булутнинг қадри йўқ, ой ёнида,
Фақирнинг қадри йўқ, бой ёнида.

Енги йўқнинг тенги йўқ.

Ерга тушган ётимники.

Есирнинг ётмиш ерда касри тегар.

Ётим бой бўлмас,
Бой бўлса ҳам, бойвачча бўлмас.

Ётим бола етти йилда уялтирад.

Ётим ўз ишини ўзи қиласар,
Киши миннатини эшитар.

Етим ўз киндигин ўзи кесар.

Етим ўғлон ит бўлар,
Ёқаси тўла бит бўлар.

Етим қизга елпифич чикора.

Етим қиздан етим хотин яхши.

Етим қизнинг етмиш онаси бор.

Етим қизнинг янгаси кўп.

Етим қўзи асрасанг,
Оғзи-бурнинг ёғ этар.
Етим бола асрасанг,
Оғзи-бурнинг қон этар.

Етим қўзи сутга тўймас.

Етимнинг егани — елим,
Ичгани — иринг.

Етимнинг егани — заҳар,
Кийгани — кафан.

Етимнинг жони — етти.

Етимнинг кийганин бой ўғли йиртар.

Етимнинг кунгли — ярим.

Етимнинг отаси — етти.

Етимнинг отаси кўп,
Жонига фойдаси йўқ.

Етимнинг ризқи ерда.

Етимнинг корни — етти.

Етимнинг ҳайити янги қўйлак кийганда.

Етимнинг ҳақи етти дарёни қуритар.

Етимча — етти кулча.



Золим бўлсанг, осарлар,
Факир булсанг, босарлар.

Зоғорадан тўйди етим,
Зарра-зарра қўйди етим.

Йиртиқ тўнни ит копар.

Камбағал бош кўтарса,
Бой тош кўтарар.

Камбағал бўлсанг, кўчиб кўр,
Бой бўлсанг — ўлиб.

Камбағал нон ейди,
Бой — қон.

Камбағал ош топса,
Қўйгани идиш топмас.

Камбағал — пиёда,
Бой — туядা.

Камбағал — топганда,
Бой — соғинганда.

Камбағал тухум топса,
Ичидан сарифини топмас.

Камбағал тўйса, бой ухламас.

Камбағал ўлай деса, ўлолмайди,
Тириклай гўрга киролмайди.

Камбағалда лафз йўқ.

Камбағаллик айб эмас.

Камбағаллик асар қилди,
Зирир ёғи касал қилди.

Камбағални урма-сўкма, тўнини йирт.

Камбағалнинг айрони — ўзига тотли.

Камбағалнинг бахти
Бойнинг тахтини йикитар.

Камбағалнинг бир түйгани —
Чала бойигани.

Камбағалнинг бойлиги — танининг соғлиги.

Камбағалнинг күзига кепчак нон бўлиб кўринар.

Камбағалнинг минг ўйлови —
Бойнинг бир мўйлови.

Касал дардини соғ билмас,
Оч қадрини тўқ билмас.

Касалга сўз ёқмас,
Камбағалга — ўйин.

Маъқул гапга қорув йўқ,
Камбағал ўлса, борув йўқ.

Молинг борида — ана дуст.
Молинг йўғида — қани дуст.

Ориқ ўлса, мазаси йўқ,
Фариб ўлса — азаси.

Оч қайғусини очиқкан билар,
Йўқ қайғусини — тариқкан.

Очдан оладиганинг,
Бекка берадиганинг бўлмасин.

Очилиб ёққан ҳаводан қўрк,
Кулиб турган — подшодан.

Оқчалининг қўли ўйнар,
Оқчасизнинг — кўзи.

Яланрочлик уйга киргизар,
Очлик кўча кездирадар.

Янтоқнинг ёри йўқ,
Камбағалнинг — бори.

Яхши бўлса — бойдан,
Ёмон бўлса — камбағалдан.

Қашшоқ ош топган куни оғзи куяр.

Кулнинг қудаси кўп.

Фариднинг — кўнгли синик.

Ҳайит — отлиники,
Тўй — тўнлиники.

Холвани ҳоким ер,
Калтакни — етим.

АМАЛДОРЛАР ВА АВОМ ДИН ВАКИЛЛАРИ

Азизларнинг кўнгли қуртова тилар.

Бахши тўрда яхши,
Мулла — гўрда.

Бахшиники «ҳай» билан,
Мулланики «вой» билан.

Бақа эти гўшт бўлмас,
Сипоҳидан дўст бўлмас.

«Бегим» дегунча белинг синар.

Бек гапирса, бекники маъқул,
Хон гапирса — хонники.

Бек курсин,
Бек келиб кўнган уйнинг шўри қурисин.

Бекка етгунча, белинг синар.

Бекка етиб безиллагунча,
Қулга тегиб кутулган яхши.

Бекники — бежоғлик,
Бойники — тежоғлик.

Бекнинг косасидан сув ичма.

Беткай кетар, бел қолар,
Беклар кетар, эл қолар.



Бой билан бой қуда бұлса,
Үртада йүрга юрап.
Камбағал камбағал билан қуда бұлса,
Үртада тұрва юрап.

Бой бойга бокар,
Сув сойга оқар.

Бой боласи бойдаккина,
Әгарлаб қүйган тойдаккина.

Бой бор бұлса ҳам бермас,
Йүк йүк бұлса ҳам қараб турмас.

Бой буванинг оши бор,
Ичи тұла тоши бор.

Бой бұлиб безиллагунча,
Қул бұлиб құпориб юр.

Бой ҳам бойга,
Худо ҳам бойга.

Бойга ёлланған молли бұлмас,
Молли бұлса ҳам, ҳолли бұлмас.

Бойга ишонсанг, боринг кетар,
Хонга ишонсанг — бошинг.

Бойнинг бүйни йүғон.

Бойнинг иши —вой.

Бойнинг оши — күзнинг ёши.

Бойнинг оғзи қийшик бұлса ҳам, сұзи тұғри.

Бойнинг туячиси бұлсанг, қув бұласан,
Қүйчиси бұлсанг, қул бұласан.

Бойнинг хұрози үрдак олар.

Бойнинг хұрози ҳам туғар.

Бутокда хұроз кичкирап,
Мезанада — сұфи.

Буқанинг молга сонлиги йўқ,
Хўжанинг — элга.

Гоҳ — худою расул,
Гоҳ — нағмаи усул.

Даъво қилма домладан,
Қарздор бўлма сўфидан.

Домла-имом оч қолса, бозор кезар,
Сўфи оч қолса — мозор.

Ер — бойники,
Сув — сойники.

Ер оғаси — худо,
Сув оғаси — султон.

Ернинг йиртиғи йўқ,
Бойнинг — тиртиғи.

Ёғи йўқ, қаймоги йўқ, чойи қурсин,
Хайри йўқ, эҳсони йўқ, бойи қурсин.

Ёғочнинг ёмони — сўқи,
Одамнинг ёмони — сўфи.

Золим оши ош бўлмас,
Ёмон йифилиб бош бўлмас.

Золимдан вафо тилама.

Золимдан паноҳ тилама,
Фосиқдан — вафо.

Золимнинг жойи — жаҳаннам.

Зўр билан кўрнинг акли бўлмас.

Зўр — зўрники,
Томоша — кўрники.

Зўравонда хаё йўқ.

Зўравонлик — охири вайронлик.

Зүрлик бор ерда зуравон күпаяр.

Зүрликтинг сүнгги — хүрлик.

Икки мулла — бир киши,
Бир мулла — ёрти киши.

Мингбошига минг берсанг, минирлар,
Юзбошига юз берсанг, юз урап.

Мол күпайса, баракат ортар,
Мулла күпайса — оят.

Мулла билганин ўқир,
Карға күрганин чүқир.

Мулла-имом хотин билан ўйнар,
Иллатини қавми тортар.

Мулла, мулланинг иши — хийла.

Мулла паловга ўч,
Бангги — оловга.

Мулла соқолига оро берар,
Лўли — зулфига.

Мулла фолбинни кўролмас,
Эшон — иккаласини ҳам.

Мулла ҳолвани кўрса, куръонни унутар.

Муллага берсанг, олдим демас,
Кўрга берсанг, кўрдим демас.

Муллани мозорда кўр,
Даллолни — бозорда.

Мулланинг айтганини қил,
Қилганини қилма.

Мулланинг салласи ок,
Юраги — қора.

Мулланинг сахийлиги — тилида.

Мулланинг семизидан қўрқ,
Табибнинг — ориғидан.

Мулланинг қорни очса, номози тугар.

Мулласи кўп элнинг тўқлиси ҳаромга чикар.

Муттаҳамдан гап сўрасанг, бераси кўп,
Тўрадан гап сўрасанг, эртаси кўп.

«Нун» — муллага чаноқ ун.

Одамнинг бузуғи ҳам қози,
Бузғунчиси ҳам.

Одамнинг тўраси хушмас,
Отдан тушса ҳам, эгардан тушмас.

Ой ботса ҳам, бой ётмас.

Ой чиқса ҳам, бойга чиқсин,
Кун чиқса ҳам, бойга чиқсин.

«Олинг-олинг» деганда,
Ҳароми йўқ эшоннинг.
«Беринг-беринг» деганда,
Ороми йўқ эшоннинг.

Олло берганни мулло бермас.

Оғзи қийшиқ бўлса ҳам,
Бойнинг ўғли гапирсин.

Пирим,
Пиримда қолди бир мирим.

Пириңнинг ҳам пири бор.

Подшо золим бўлса, юрт тўзар,
Подшо одил бўлса, юрт ўзар.

Подшо тахтидан тойса,
Вазири гадо бўлар.

Подшо фуқаро билан подшо.

Подшонинг кураги узун.

Подшонинг құлтиғи кенг.

Подшонинг ҳоли танг бұлса,
Гадони ахтарар.
Гадонинг ҳоли танг бұлса,
Худони ахтарар.

Саводсиз мулланинг салласи катта.

Саллага бокма, каллага бок.

Сүфи кавуш ўғирлар,
Эски чопонни ўғри килар.

Сүфи сұғон ер,
Топилса, йұғон ер.

Таассуб қилма бойга,
Кетинг тегади лойга.

Текин шаробни қози ҳам ичар.

Тұяning думи ерга тегар,
Хұжанинг қизи эрга тегар.

Тұрага ишинг түшса, чайнамай ютар.

Тұғри гап әшону қозига ёқмас.

Хон бор ерда қон бор.

Хон бокди — худо бокди.

Хон күп бұлса, ёв күп бұлар.
Бек күп бўлса, дов кўп бўлар.

Хон одиллик қилмаса,
Хонумондин айрилар.
Бой хайрлик қилмаса,
Бор молидан айрилар.

Хон хонга йиғлар,
Хон — хотинига.

Хон хондан құрқар,
Хон — хотинидан.

Хон кошида қоранг бұлса,
Кора кеманг кирда юрар.

Хонни одил дедилар,
Хонумондан айрилдик.
Бойни хайрли дедилар,
Бору йүқдан айрилдик.

Хұжа, мулла әл бузар,
Чұп-чор ер бузар.

Хұжа очдан үлар,
Тура — томоқдан.

Хұжадан қыз олиш —
Патирдан қыл олиш.

Хұжам дедим, белім синди,
Белимгина әмас, құлым синди.

Хұжамнинг қорни түк,
Қули билан иши йүк.

Хұжанинг ақли тушдан кейин кирап.

Чоракор чораклаб олар,
Бой акам — ботмонлаб.

Шариатда шарм йүк.

Шариатнинг йұли күп.

Эркин құйсанг хұжани,
Ётиб ичар гүжани.

Эшак Маккага бориб ҳожи бұлмас.

Яңги бойда тиним йүк,
Эски бойда — уйқу.

Янтоқнинг ёғи йүк,
Кози, эшоннинг — соғи.

Үйнашмагин амир билан,
Амир урар темир билан.

Үйнашмагин арбоб билан,
Арбоб урар ҳар боб билан.

Үланли ерда ҳұқиз семирап,
Үлимли ерда — мулла.

Үлікнинг күзидан ёш чиқмас,
Эшоннинг уйидан ош чиқмас.

Қийшиқ арава йўл бузар,
Қози, мулла эл бузар.

Қинғир оғиз бўлса ҳам,
Бойнинг қизи эр танлар.

Қози ришвасиз бўлмас.

Қозига бора берма, пора бер.

Қозига борсанг, қози пулинин туғиб бор.

Қор бошига қор етар,
Хон бошига хон етар.

Қор ёғди деб севинма,
Аёзлари бор.
Ҳўжа келди деб севинма,
Ниёzlари бор.

Қор ёғди деб суюнма,
Қировлари бор.
Сўфи келди деб суюнма,
Сўровлари бор.

Қуллук қилсанг тўрага,
Йикиласан ўрага.

Қулни қул десанг, ўлгиси келар,
Бекни бек десанг, кулгиси келар.

Қўзиқорин гўшт бўлмас,
Домла-имом — дўст.

Күл күлни билар,
Шариат — йүлни.

Хайвон ўлса, қарға шод,
Одам ўлса, мулла шод.

Ҳамма ҳамма билан,
Мулла ғумма билан.

Ҳоким бўлсанг, халқни бил.

Ҳолингни ҳокимга айт,
Бор-йўнингни ташлаб кет.



ЛУФАТ

A

авом — оддий саводсиз кишилар
авра — кийим ёки кўрпанинг ташқи қавати
адан(ак) — пойгоҳ, хонанинг қўйи қисми
азиз момо — кишдан баҳорга ўтиладиган олти кунлик вакт бўлиб, 13—19 март кунларига тўғри келади
азлар — азизларнинг қисқарган шакли
АЗроил — диний эътиқодга кўра ўлим фариштаси
айлоғи — айланаси
айнли — ўзбек ургуларидан бирининг номи
айғир — бия талаб эркак от
алас-алас — болага ёвуз куч тегди, деб тушунилганда шам ёкиб айтиладиган, сехрли кучга эга деб англашиладиган сўзлар
алаф — ўт
аллоп(ф) — ун, буғдой сотувчиси
алп — пахлавон, ботир, баҳодир
амир — Бухоро ва баъзи мусулмон мамлакатларида мавжуд бўлган подшо, хон даражасидаги амалдор
андиз — шифобахш ўсимлик
анқо — топилмас, афсонавий қуш
анқов — ахмок, фаросатсиз киши
арафа — ҳайит ва қурбон ҳайитдан аввалги кун
арш — худонинг тахти
аршин — 0,71 см.га teng ўлчов бирлиги, мақолда калтак маъносида
аркар — ёввойи кўй
аркор — пишик килиб йигирилган ички иплар
арғумоқ — зотли, чопқир от
Асад — ой номи, 22 июль—21 август кунларига тўғри келади
асо — хасса
асов — қайсар, бўйсунмас
астар — кийим ёки кўрпанинг ички қавати
Ақраб — астрономияда ўн икки бурҷдан саккизинчиси, октябрь—ноябрь ойларига тўғри келади.
ақча — пул
ахман-даҳман — киш сўнгидаги энг совук кунлар

Б

- байтал** — урғочи от, бия
- баковул** — подшо, амир ва хонга бериладиган овқатни татиб
күрувчи ҳамда овқат тайёрлашга масъул киши,
текинхұр
- балабон** — күш боласи
- балақ** — иштон, шимнинг поча қисми
- банот** — баҳмалнинг бир тури
- барак** — чучвара
- баримта** — товон тұлаш, чорвани босиб олиб кетиш
- барс** — йұлбарс
- бахшиш** — садақа
- бачча** — ўсмир бола
- бакир** — мис
- бебарор** — ношуд, омадсиз
- беткай** — ернинг юза қисми
- беша** — овлоқ жой; ўрмон
- бекішт** — жаннат
- бий** — қабила, уруғ бошлиғи, унвон. Мақолларда, одатда,
бадавлат киши
- бийламок** — мол-мұлкка эга бўлиб тежамок
- бичак** — игна
- бия** — боласи бор байтал
- боврамок** — бағрига босмок
- бовча** — уй бекаси
- бож** — четдан келтириладиган мол учун тұланадиган ҳақ
- божа** — опа-сингилларнинг эрлари (бир-бирига нисбатан)
- бой** — бадавлат киши; эр
- боймоқ** — катта оғиз, мақтанчоқ
- бойтеват** — катта күппак ит
- бол** — асал
- болари** — асалари
- болдиз** — хотиннинг синглиси
- ботмон** — оғирлик үлчов бирлиги
- боққол** — майды-чүйдалар билан савдо қилувчи
- бувра** — зотли түя
- бузов** — бузок
- буламиқ** — аталасимон овқат
- булдуруқ** — майда, қаттиқ кор
- бултур** — ўтган йили
- булович** — қархнинг қулоги
- буромад** — чиким, сарф-харажат
- бұза** — тарық, арпа кабилардан тайёрланадиган кайф берувчи
иичимлик

- бўйра** — қамишдан тўқилган тўқима
бўла — опа-сингилнинг болалари (бир-бирига нисбатан),
холаваччалар
бўрк — калин, жунли бош кийим
бўта — туяниг боласи
бўғча — тугун, кизларнинг сепи

В

- вали** — авлиё
vasika — мол-мулкка эгалик ҳакидаги расмий хужжат

Г

- гаврон** — катта заранг таёқ
ганда — ёмон; ифлос
гийранда — йигичи
гила — гина, араз
говмиш — зотли, серсут сигир
гунгранмоқ — соқовланмоқ
гуппи — қалин, сиртқи кийим
гўл — лақма, ахмок
гўсала — бузок
гўшанга — чимилдик

Д

- Далв** — эскича ой номи, 20 январь—18 февраль кунларига
тўғри келади
дали — тентак
далолат — бирор ишга ундаш
дангамачи — жим турувчи
дарвеш — тарки дунё килган киши, мақолда бегона маъносида
келади.
даройи — узумнинг эрта пишар навларидан бири
даромад — фойда, кирим
дармона — куч, соғлик
дастмоя — бисотдаги бор-йўқ нарса
дат — занг, доғ
дафина — бойлик
даҳсар — баъзи жойларда ўттиз икки килограммга, баъзи
жойларда тўртдан бир ботмонга тенг оғирлик ўлчови
дигар — бегона
динор — пул бирлиги
дов — айтишув, сўз мусобақаси

довча — ўрикнинг тўраси

дойи — тоға

долон — дарвозадан то ҳовлигача қурилган усти ёпик йўлак

дуважа — икки марта

дўл — тегирмон тошига дон тушадиган тешик

дўнг — баландлик, кир

дўнон — уч ёшли от

E

есир — эри ўлган аёл ёки хотини ўлган эр

Ё

ёби — насли паст от

ёзик — гуноҳ; тақдир

ёнчиқ — ҳамён

ёп — ариқ

ёричок — ун тортиш учун мўлжалланган қўл тегирмони

ёни — душман

Ж

Жавзо — эскича ой номи, офтоб буржларидан учинчиси, 22 майдан 22 июн кунларига тўғри келади

жаллоб — от билан савдо қилувчи

жайнамоқ — яйрамоқ

жарли — камбарап

жуволдиз — катта игна

жузъя — соликнинг бир тури

жул — от ёпиги

жўги — яхудий

жўмард (жавонмард) — мард, сахий

З

забаржат — қимматбаҳо тош

зан — аёл, хотин-қиз

зардоли — ўрик

зингиллаб — тез-тез келиб

зиқна — хасис

зомбир — қовокари

И

ийир — шифобахш гиёх
илик — сүяк ёғи
ипор — хушбўй модда
ирини — хунук сўз
ирғанмок — ҳаракат қилмоқ
ис — хид
искарт — белгили; ўлчовли
итан — она түя
иторчи — ит уруштирувчи
ишкамба — қорин

Й

йитмок — йўқолмок
йўртоқ — лўкиллаб юрадиган от
йўқча — жуда кам

К

кайвони — дастурхончи
кап — кафт
кариз (суви) — қудукларни бир-бирига улаб олинадиган оқар сув, ер ости канали
карим — оллоҳ
каррак — дашт ўсимлиги
каср — зарар, зиён
катан — канопдан тўқилган кийимлик
кебанак — жун чакмон
кеччил — кек сакловчи
келбат — кўриниш, қомат
кертмок — кесмоқ, чопмоқ
кес-кеслаган — орқага тисарилган
кимчиман — бегонаман
кинна — сукланиб қарашибдан қоринда пайдо бўлади деб тушуниладиган оғриқ.
кинначи — киннани даволовчи
коски — бефаросат
кисавур — чўнтаккесар ўғри
куби — катикдан пишиб ёғ олиш учун ишлатиладиган ёғоч идиш
кудунг — тўқилган матони уриб текислаш учун ишлатиладиган тўқмоқсимон ёғоч асбоб
кудунгар — кудунгловчи уста

куйкунак — күшнинг бир тури
кунда — устида бирор нарсаны киркиш ё чопиш учун дарахтнинг йўғон танасидан кесиб олинган фўла
кунчи — ҳасадгўй
куркурак — кўк қарға
кўканак — кўзга тушадиган ок
кўлик — улов
кўна — эски
кўпраймачи — тантик
кўрнамак — нонкўр, яхшиликни билмайдиган

Л

лалми — сунъий сугорилмайдиган экин ёки ер
ланг — чўлоч
лас — силлиқ ип газлама, сатин
лақай — ўзбек уруғининг номи
лимча — чала
лош — мурда, жонсиз тана
лўла — ёстиқнинг бир тури

М

маданг — ёғоч калит
маз(из) — маза
майриқ — мункайган; эгри-буғри
манг урмоқ — керилмоқ
мараз — яра; ярамас, заарли нарса
марза — эгат, жўяк
машоқ — донли ўсимликларнинг ўримдан қолгани, тўкилгани ва уни териш
маҳак — олтиннинг соғлигини аниқладиган тош
менгзамок — ўхшатмоқ
мечкай — очкўз, тўймас
мечан — ишёқмас
Мизон — эскича ой номи, офтоб буржларидан еттинчиси, 24 сентябрдан 23 октябр кунларига тўғри келади
мин — миннат
мири — беш тийинлик чака
мисқол — оғирлик ўлчови, 4.26 граммга тўғри келади
мита — донга тушадиган майдага курт
момо — буви, умуман кекса аёл
мор — илон
морбоз — илон ўйнатувчи
мошоба — мошли овқатнинг бир тури

моя — урғочи түя
мугуз — шох
мумсик — хасис
мухтасар — кисқа
мучча — киши аъзоси
мучал — хар йили бир хайвон (сичқон, сигир, йўлбарс, қуён, балиқ, илон, от, кўй, маймун, товук, ит, тўнғиз) номи билан аталадиган йиллар хисоби
мўнди — сополдан тайёрланадиган оғзи билан таг кисми тенг бўлган идиш
мўр — чумоли

H

Наврӯз — баҳорги тенг кунлик, күёш Ҳамал буржига кирадиган кун. 21—22 март кунларига тұғри келади. Шарқ халқарининг қадимий байрамы
нахра — деворнинг нураган жойи
новвос — сўкимга бокилган бука
нор — эркак туя

0

оби — наследор от
овлок — кимсасиз, хилват жой
овсин — aka-укаларнинг хотинлари
Оз — март ойининг эски туркча номи
олакўзан — сувсарлар оиласига мансуб мўйнали, йиртқич ҳайвон
олатуғанок — чумчуксимонлар туркумининг қаркуноклар
оиласига мансуб йиртқич қуш

онг — об

онгниш — пойлаш, овни зимдан кузатиш

орқали — кишиси бор

охират — қиёмат

оқбаш — ўсимликнинг бир тури

оқлик — сут, катик, айрон, кимиз ва х.к.

Оқпон — январнинг эски туркча номи

四

палахмон — тош отадиган асбоб
панд — алдов; насиҳат
пашмак — ҳолванинг бир тури
пакир — пул бирлиги
пой — оёқ

P

- рапида** — тандирга нон ёпишда ишлатиладиган айлана шаклдаги мато құлқоп
- рапча** — нон ёпишда ишлатиладиган тирсаккача кийиладиган нарса
- расад** — униб чикқан күчтегіларни тез етилтириш учун бошқа жойға үтказып ёки сийраклаштириш
- расамат** — тартибга тушадиган пайт; тақсимот
- расул** — пайғамбар
- рахт** — зийнат, ҳашам; омад
- раҳмон** — оллоҳ
- ришва** — пора
- ромчи** — фолчининг бир тури
- рош** — экин майдонида олинган пол
- рӯшнолик** — яхшилик

C

- сабор (савак)** — банд, дум
- Савр** — эскича ой номи, офтоб буржларидан иккинчиси, 23 апрелдан 21 май кунларигача түғри келади
- салтанг** — бүйдөк
- сайрон** — сайр, томоша
- сак** — ит
- сакранса** — тезлашса
- санг** — тош
- санчув** — санчик
- сар** — баш
- Саратон** — эскича ой номи, офтоб буржларидан тұрттынчиси, 23 июн — 23 июл кунларига түғри келади
- сарбоз** — навкар
- сарбозор** — катта, баш бозор
- сарқит** — овқатнинг қолдиги
- сархол** — деворнинг устки кисми
- Сафар ойи** — хижрий йил хисобида иккинчи ой
- саҳтиён** — күй ёки әчки терисидан пиширилган چарм
- сағси** — паст
- сағил** — таёк
- сағир** — отасиз ёки онасиз одам
- саҳал** — кам, мазасиз
- сий** — иззат-хурмат
- силохи** — амалдор
- сирот** — күпприк
- сиртлон** — бүри билан итдан туғилған кучук

сова — от терисидан килинган катта меш
соқа — канал боши
соқинмок — хүшөр бүлмок
соил — гадо; сүровчи
сойир — сайр этувчи
субхон — оллох
суга, субай — яйдоқ от
сувсаш — чанқаш
сумак — бешик асбоби
сумбат — қомат, гавда
сунбул — ўсимлик тури
Сунбула — эскича ой номи, офтоб буржларидан олтинчиси, 24
августдан 23 сентябр кунларига түғри келади
сурхай — узум навларидан бири
сучук — чучук, ширин
сүфур — мүйнали сут эмизувчи ҳайвон
сухан — яхши сұз
сүк — очкүз
сүнгак — сүяк
сүғон — лиёз
сүм темир — тоза, катта бүлак темир
сүфи — масжидда азон айтувчи, муаззин
сүқи — ёқишига ҳам ярамайдыган ёғоч
сүкир — күр

Т

тамук — дұзах
тана — бир-икки ёшли урғочи бузок; гавда
танг — дара, жарлық
тарёқ — афъюн; захарга карши дори
тариққан — ўта зорикқан
таррак — полиз экинларининг пишмаган хосили
тасқара — бадбашара
таърака — мерос бүлинниши
таяммум — сувсиз жойда тупрок, пакта кабилардан фойдаланиб
килинадыган шартли таҳорат
тингғилаб — тинмасдан
тиркиш — арава шотисини эгар устида тутиб турувчи қалин
қайиш
тобоқ — лаган
тов — тоғ
това — тош тандир
товушқон — қуён
тоз — кал

този — ов ити
тойрилмок — кокилмок
томок — нафс; овқат
тот — таъм; уруғ номи
тувалоқ — овланадиган чүл қуши
тубоқ — қозоннинг қопқори
туз — текислик, тұғри
тул — эри үлгап аёл
туллак — айёр
туман — үн минг
тулпор — зотдор от
турумтой — йирткіч қуш
тус — юз, құриниш
тұл — құйларни құзилатиш мавсуми
тұңг — муз, совук
тұнік — булатли кун, фасл
тұркин — келиннинг ота юрти
тұрсуқ — бурдуқ, меш
тұкли — урғочи күй
тұқранса — секинлашса
тұқол — жуны тұқилған әчки
тұқоч — кулча

У

үйпанг — пастлик
улгу — белги, намуна
ултон — тагчарм; кул, хизматкор
ұксиз — бечора
уюр — отлар тұдаси
уютки — томизги, ачитқич

Ф

факир — камбағал, бечора

Х

хез — тез
хеш — қариндош
холик — оллоҳ
хор — тикан
хұмо — ағсанавий баҳт қуши

Ч

чавати — оширилмаган хамирдан ёпилган юлқа нон
чега — ёғоч мих
черчи — аттор
чивик — новда, пахта ё жунни саваш учун тайёрланган савачүп
чийки — ишланмаган; бүш-баёв
чилла — қишининг энг совуқ, ёзниңг энг иссик кирк куни
чим — ажрик(ли ер)
чимхўр — кам овкат ейдиган
чинок — қулоги кесик ёки кертиқ, мақолда ноаҳил маъносида
чирманды — доира
чорак — оғирлик ўлчов бирлиги
чоракор — ёлланиб ишлайдиган киши
чумсоҳ — хасис
чорбօғ — тўрут томони девор билан ўралган боғ

Ш

шажара — авлод
шамиён — омочда икки хўқизнинг бўйнида бўйинтуруукнинг туриши учун ўрнатилган тўртта қозик
ширинкома — савдо-сотик пайтида ўртада турадиган шахсга бериладиган ҳақ
шатли — даллол
шишак — ёш қўзи
шўрли — кишига нисбатан баҳтсиз, ерга нисбатан туз босган маъносини англатади.

Э

эзид — худо
эломон — хўқизнинг шохи
эмгак — меҳнат, уқубат
энса — манглай, пешона
эрланлар — эр кишилар
эринчак — дангаса
ес — акл-фаросат
эт — гўшт

Ю

юдрук — мушт
юлдурук — тепки
юмурта — тухум

юмурук — юмронқозик
юқтоб — очкұз, еб түймас.

Я

яламиз — ялмогиз
ярли — камбағал, қашшок

Ү

үй — хаёл, фикр
үймөк — ангишвона
үр — ер маңносида пастлик, киши маңносида үжар
үтирик — ёлғон
үкранса — ғазабланса, үкрайиб қараса
үғир — кели

Қ

Қавс — эскича ой номи, офтоб буржларидан тұққизинчиси, 23 науярдан 21 декабр кунларига тұғри келади
қадок — оғирлик үлчов бирлігі
қаллоч — камбағал, факир, ялқов
Қантар — эски туркча ой номи, декабрга тұғри келади.
қарнок — озиқ-овқат, гүшт илиб қүйиладиган қозик
қанқув — ғийбат, пичинг
қарсок — бүри
каркара — бүйни, түмшүғи ва оёклари узун ботқоқ қуши, қутонларнинг бир тури
қасаба — аёллар бошига узун докадан баланд килиб ұраш учун қүйиладиган картон тұтқыч ва унга ұралған рұмол
қашқир — бүри
қаъда-қайим — оиласиң маросим
қизғанчик — хасис
қий — қүй-құзининг тезаги
қилтиқ — қилтанок, қилтирик
қирмов — жихоз
қирғияқ — эскича ой номи, 24 июлдан 23 август кунларига тұғри келади
қисир — туғмайдиган сигир ёки қүй
қодир — оллох
қорача — эски туркча ой номи, октябрға тұғри келади
қорув — әзтиroz
Қоф — афсонавиј төf
қок турмок — тик турмок

қоқимчи — касални қоқиб даволайдиган, яъни кўчириқ қилувчи маъносида
куёнчик — тутқаноқ касали
куйрук — дум, думба
кулон — отдан кичикроқ, эшакдан каттароқ ёввойи ҳайвон
кур — давра
курдош — даврадош, тенгдош
курлов — боғлаш
куртоба — куртдан сувга ивитилиб тайёрланадиган суюқ таом
курумсоқ — хасис
кусунға — касаллик тури
кушан — түянинг жиҳози

F

ғазна — хазина
ғар — бузуки
ғелак — думалоқ қилиб овқатга солинадиган қийма
Фирвон — Намангандаги қишлоқ номи
ғумма — букма сомса
ғуж — бир жойга йиғилган, тўп-тўп

X

Ҳамал — эскича ой номи, офтоб буржларидан биринчиси, 21 март — 20 апрел кунларига тўғри келади
ҳарамза — ҳароми
ҳарис — хасис
ҳез — хунаса
ҳудайчи — подшо, амир ёки хоннинг буйрукларини амалга ошириш устидан назорат қилувчи мансабдор шахс
ҳунди — асли Ҳиндистондан келиб қолган ва ерли ахоли билан чатишган маҳаллий лўли (мўлтони)
Ҳут — эскича ой номи, офтоб буржларидан ўн иккинчиси, 19 февралдан 20 марта тўғри келади.

МУНДАРИЖА

Сўздан сўзнинг фарки бор	3
Ватан ва ватанпарварлик	9
Жамоатчилик ва худбинлик	15
Мехнатсеварлик ва ишёкмаслик	23
Халоллик ва текинхўрлик	41
Тўрилик ва эгрилик	45
Яхшилик ва ёмонлик	52
Яхши сўз ва ёмон сўз	78
Адолат, инсоф ва инсофизлик	89
Дўстлик ва душманлик	94
Тинчлик ва нотинчлик	104
Ботирлик ва кўрқоқлик	106
Тенглик ва тенгсизлик	114
Донолик ва нодонлик	120
Илм, касб-хунар ва илмизлик	136
Мардлик ва номардлик	147
Тарбия ва одат	154
Одоб ва одобсизлик	160
Мехмон ва меҳмондустлик	165
Сахийлик ва бахиллик	168
Гўзаллик ва хунуклик	176
Камтарлик ва манманлик	182
Бахт, омад ва омадсизлик	193
Эпчиллик ва ношуудлик	200
Тўри сўз ва ёлрончилик	208
Сабр-каноат ва сабрсизлик	215
Меҳр-окибат ва окибатсизлик	223
Қадр-киммат ва қадрсизлик	228
Мұхаббат ва бевафолик	240
Оила ва қўшничилик	248
Кариндош-уругчилик ва бегоналик	262
Фарзанд ва бефарзандлик	272
Тажрибакорлик ва калтабинлик	280
Таъмагирлик ва очкўзлик	289
Умид ва умидсизлик	297
Ишонч ва ишончсизлик	301

Эрк ва эрксизлик	305
Барқарорлик ва бекарорлик	308
Ахиллик ва ноаҳиллик	311
Ор-номус ва номуссизлик	320
Гурур ва хушомад	325
Самимийлик ва носамимийлик	327
Андиша ва андишасизлик	329
Фаросат ва фаросатсизлик	333
Сабаб, баҳона ва натижа	345
Самарадорлик ва бесамарлик	350
Ризк-насиба ва бенасиблик	355
Тежамкорлик ва истроғарчилик	362
Накд ва насия	367
Эҳтиёж ва зарурят	370
Режа ва режасизлик	375
Меъёр ва меъёrsизлик	378
Кудрат ва ожизлик	381
Фойда ва зарар	387
Масъулият ва масъулиятызлик	395
Тақдир ва тадбир	397
Вақт ва фурсат кадри	403
Имкон ва имконсизлик	407
Фаровонлик ва етишмовчилик	417
Эҳтиёткорлик ва эҳтиётсизлик	424
Мамнунлик ва афсусланиш	442
Тозалик, соғлик ва беморлик	445
Декончилик ва чорвачилик	450
Севинч ва ғам	459
Тўй ва мотам	461
Ёшлик ва қарилик	464
Йўл ва йўлдош	468
Ҳайвонлар ва күшлар	471
Йил фасллари ва табиат ҳодисалари	473
Факирлик ва бойлик	481
Амалдорлар ва авом дин вакиллари	487
ЛУҒАТ	496

**ЎЗБЕК
ХАЛҚ
МАҚОЛЛАРИ**

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти
Тошкент — 2003

Мухаррирлар *Ҳ. Султонова, Д. Исмоилова*
Рассом Темур Сабдулла
Бадиий мухаррир *А. Мусахўжаев*
Техник мухаррир *Д. Габдрахманова*
Мусахих Ш. Хуррамова
Саҳифаловчи Л. Цой

Теришга берилди 26.11.2002. Босишига рухсат этилди 21.01.2003.
Бичими 84x108¹/ ₃₂. Антигуа гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма
табоби 28.0. Нашриёт-хисоб табоби 23.2. Адади 5000 нусха.
Буюртма № 4333. Баҳоси келишилган нархда.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси босмахонаси
700083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кӯчаси, 41**

2100 8951

6500 e⁻/μ



